

# ВАТАН- ЮРАКДАГИ ЖАВОҲИР



*Билол Аминов, Тўлқин Расулов*

# ВАТАН — ЮРАКДАГИ ЖАВОҲИР

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими  
вазирлиги Республика таълим маркази  
нашрга тавсия этган*



ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 2001

Ушбу қўлланма маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш, улар онгида миллий гурур ва Она-Ватанга фидойилик туйғусини шакллантириш, иймон-эътиқодлилиқ, отабоболар мероси ва панд-насиҳатларига садоқатли бўлиш, миллий истиқлол мафкураси руҳида тарбиялаш мавзуларини қамраб олган.

Она заминимиз тарихида ёрқин из қолдирган буюк сиймолар ҳақидаги маълумотлар янги ХХІ асрда униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг ўз Она-Ватанларини севиб, асраб-авайлашида, унинг порлоқ келажаги, шон-шухрати ва истиқболи учун, миллий маънаётларимиз ва мақсад-муддаоларимизга бегона бўлган фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан жавоб қилишларида муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Қўлланма ўрта махсус ўқув юртлири талабалари, умумтаълим мактаб ўқувчилари, ўқитувчилар ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир:** тарих фанлари номзоди **С. МИРЗАХЎЖАЕВ**

**Тақризчилар:** педагогика фанлари номзоди, профессор **О. ТЎРАЕВА**, тарих фанлари номзоди, доцент **М. ЎРМОНОВ**, ТЭАИ тасарруфидаги Телекоммуникация лицей интернати, ўқув ишлари бўйича директор муовини, олий тоифали ўқитувчи **Ж. ТЎХТАЕВ**, Тошкент туманидаги 15-умумтаълим мактабининг олий тоифали ўқитувчиси **Й. ҲУСАНОВ**, ТДТУ қошидаги лицей—интернат олий тоифали ўқитувчиси **Ф. МУСАЕВ**.

**Махсус муҳаррир:** тарих фанлари доктори, профессор **О. С. СОДИҚОВ**

А 0500000000-73 Ахб.хати—2001  
353/04/-2001

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1996 й.  
© «Ўқитувчи» нашриёти, 2001 й.  
Қайта ишланган ва тўддирилган нашри

ISBN 5-645-03770-7

## ЭНГ БУЮК СЎЗ

Дунёда шундай бир буюк сўз борки, у инсон юрагида-ги илоҳий нур каби доим ёлқинланиб туради, нур тараб танга қувват, руҳга роҳат, одам ҳаётига бир умр фароғат бағишлайди. Бу лазиз ва азиз «Ватан» сўзидир, у мўътабар «Она» сўзи билан ёнма-ён туради.

Дунёда она битта, Ватан битта бўлади, бу тушунча ҳеч қачон ўзгармайди, ҳеч қачон эскирмайди. Нон доим тансиқ бўлганидек, бу сўзлар ҳар қанча айтилса ҳам ҳеч қачон қиммати пасаймайди, иккиси ҳам ягона, дилга жо бўлган қайтарилмас дурдонаки, Ватанни энг суюкли зот таърифи билан ифода этиб «Она-Ватан» деймиз.

Дунёда энг мўътабар сўзлар ота-оналарга, она-Ватанга айтилгани бежиз эмас, албатта.

Дунёда ҳамма ҳамду-санолар Аллоҳ иноят этган бузрукворларимизга ва она-Ватанга ўқилган.

Дунёда одамизот борки, ўзи туғилган, яшаган ва тириклик нашъу намосини сурган заминга ҳамду сано ўқиб дил-дилдан хитоб қилади. Унинг муножоти мана бу тарзда янграйди:

— Эй, жоним Ватан! Сен онам ва отам ўсиб-улғайган, мени дунёга келтирган диёрсан, бағрингда фарзандларингни вояга етказганингдан бахтиёрсан, шундай саҳий, ўктам-санки, барча тирик жонга ва бутун борлиққа фидойи ёрсан!

Ҳаёт яшнаб турган сайёрамиздаги турли миллат ва элатларнинг она-Ватани қаторида юзига қаймоқ суртилган нондек ярқиллаган, биллурий нурафшонлик билан яшнаган Ўзбекистоним, яъни жон Ватанымсан! Сени мадҳ этган шоиримиз Абдулла Орипов:

Дунё бўлди чаманим маним,  
Ўзбекистон ватаним маним,

деб фахру шуурга тўлган! Шоирнинг оташин дилидан қайнаб отилган бу туйғулар миллионлаб ватандошларининг қалб садоларидир.

Эй, жоним Ватан! Сен онадек мўътабар, отадек бузруквор, халқдек доно, нурдек аъло, нондек азиз, ҳаётдек лазиз Ўзбекистонимсан!

Дунёда ватанлар кўп, гулистонлар кўп, боғу бўстонлар кўп, лекин ўзбек учун жаннатмакон диёрим — Ўзбекистонсан!

Сен шундай фазилатли диёрсанки, халқинг — чин меҳнаткаш, тупроғинг — тирик жондек заҳматкаш, табиатинг — дилкаш, хорижий элу юртлар билан доим иноғу елкадош мамлакатсан!

Сен шундай саҳоватли диёрсанки, бағрингда қуруқ чўпдан ниҳол; аччиқ ғўрадан бол етилтирасан!

Сен шундай ҳикматли диёрсанки, оқ момифинг — оппоқ пахтанг билан инсониятни кийинтирасан!

Сен шундай ҳимматли диёрсанки. Одам учун, Олам учун, Ҳаёт учун кавсар суву, минг турли маъдану, хуллас, нимаики зарур-зарурат бўлса, ҳаммасини қўш-қўллаб берасан!

Сен шундай сеҳрли диёрсанки, сир-синоатларинг, ҳислат-фазилатларинг, антиқа мўъжизаларингни таъриф-тавсиф этмоққа қалам заиф, тил ожиз!

...Она-Ватанини севган ҳар бир пок қалб ана шундай хитоб қилиши табиий бир ҳолдир. Зеро, дилда бори тилга чиқади, Ватан ҳақида шу кичик рисолада дилимизда борини баҳоли қудрат тараннум этдик. Бунда хато, камчилик ва баъзи ноқисликлар юз берган бўлса, ёки ҳамду сано орттириб юборилган ёхуд меъёр-маромига етказиб айтилмаган бўлса-ю, кўнгил тўлмаса узру кечирим сўраймиз.

Байт.

Ўзбекистон она юртим — Аллоҳнинг инояти,  
Унга чексиз муҳаббатим — ҳаётим ҳақиқати.



## **ВАТАННИ СЕВМОҚ — ИЙМОНДАНДИР!**

Ўзбекистон — муқаддас Ватан. Ота-бобомиз ётган ер. Ўзимиз ётадиган ер. Фарзандларимизни шу заминга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбларида шу муборак заминнинг ҳар қаричига меҳру муҳаббат уйғотиш — бугунги куннинг энг устивор фазилатларидан бирига айланаётгани ҳаммамизни қувонтиради.

*ИСЛОМ КАРИМОВ*



## ВАТАН НИМА?

**Ватан** — инсон туғилган муқаддас замин, бу замин унинг қалбида абадий қолади ва ҳеч қачон унутилмайди.

Ватан тушунчаси ва унга бўлган муҳаббат она сути, она бағри, она меҳр-муҳаббати, она алласи билан бола юрагига жо-бажо бўлади.

Ватаннинг таъриф-тавсифи ҳам кўп: она-Ватан, она замин, она Ер, ота юрт, она мамлакатим, она тупроғим, жонажон ўлкам, туғилган диёрим каби ўнлаб номлар билан аталади Ватан!

Буюк мутафаккир Абдулла Авлоний: «Ҳар бир кишининг туғилиб ўсган шаҳар ва мамлакати шул кишининг ватани дейилур» деб Ватанга таъриф беради.

Ватан ҳақида «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да эса қуйидагича тушунча берилган: «Ватан — 1) Киши туғилиб ўсган ва ўзини унинг фуқароси ҳисоблаган мамлакат, она юрт; 2) Кишининг туғилиб ўсган ўлкаси, шаҳри ёки қишлоғи, юрт, диёр; 3) Турар-жой, бошпана, макон, уй».

Ватан ҳақида берилган бу изоҳ умумий тарзда бўлиб, инсон туғилиб ўсган Ватан тушунчаси ҳудудсиз мазмунга эга. Дунёнинг барча донишманду алломалари айтган таъриф-тавсифларни жамлаганда ҳам Ватан тушунчаси ифодасини тўлиқ; топмагандай туюлади. «Эшитгандан кўз билан кўрган яхши» деганларидек, Ватан таърифини, унинг ҳудудсиз, чегара билмас туйғу эканини ҳар бир инсон ҳис этиб, севиб ардоқлаши керак, шунда Ватан тушунчаси ёрқин кўринади.

Машҳур файласуф, шоир Мақсуд Шайхзода «Тошкентнома» достонида Ватан тушунчасини эзгу ҳислар билан содда ва равон таъриф этади. Мана ўша дилбар сатрлар:

Ватаннинг маъноси улуғвор, улкан,  
Ҳа, Ватан сўзининг чеги бепоён,  
Бу ерда туғилган, яшаган, ўлган.  
Яратган, ишлаган, курашган инсон.  
Ватан меҳри билан ўз қадрин билган,  
Ватансиз кимсалар дарвиш дейилган.  
Юраклар — юлдузлар. Ватан—коинот,  
Бир тилак, бир ғоя, бир тан коинот.

Чиндан-да, она заминдаги ҳар бир юрак — Инсон, ҳар бир ғоя, ҳар бир янгилик, ҳатто «мўмин бинафшанинг кўз ёшигача»—Ватандир. Шоир Ватанни кенг маънода таъриф-тавсиф этаркан, она юртдаги ҳар бир нарса Ватан эканини назардан қочирмайди:

Ватан — бувилардан набирагача,  
Чўпон сурнайидан операгача...  
Ватан— гўзалликдан яхшиликкача,  
Қишдаги қорлардан яшилликкача

деб тараннум этади.

Ватан — она заминдаги чанг-ғубордан тортиб, осмондаги юлдузлари, Ой ва Кўёши, булуту шамоллари билан гўзал Ватандир. Қашф этилган бир асбоб, шоир яратган бир яхши шеър, барпо бўлган боғ, асалари берган бир томчи бол, жар бўйида ўзи ўсиб чиққан бир ниҳол ҳам Ватандир.

«Ватан деганда нимани англаш керак? — деб ёзади тарихчи ва шоир Хуршид Даврон ўзининг «Самарқанд хаёли» китобида. — Она тупроқ Ватанми? Ҳижратда жон бераётган мусофир кўксига неча йиллар давомида яшириб юрган дил тўтиёси — бир ҳовуч тупроқни боши-остиға қўйишни васият қилади. Ўлжас Сулаймоновнинг шеъри эсингиздами? Оддий тупроқмикан Ватан тупроғи? Қанча қону қанча қора тер, қанча кўз ёшу қанча она сути тўкилган бу тупроққа. Кўзимизни осмондан узмай яшаймиз-у, вужудимиз шу тупроқники... Бу тупроқ боболару момоларимизнинг муқаддас хоқи. Умри иморат тиклаш, пахса уриш билан ўтган кекса усталаримиз, албатта, лой қориш



олдидан хоки тупроққа айланган аждодлар руҳини ёдлаб, улардан ё изн, ё кечирим сўрагандек муқаддас китобдан оятлар ўқийдилар».

Ватан деганда бобо-момоларимиз, бутун авлод-аждодларимиз ўтган, киндик қони тўкилган она Ерни тушунамиз. Авлод-аждодларини билган ва қадрлаган инсон учун улар яшаган макон жонажон Ватандир.

Ватан дегани — бу, Она тили!

Ватан дегани — бу миллат!

Ватан дегани — она тупроқ!

Ватан дегани — дилбанд ва қариндош инсонлар!

Ватан дегани — она Ердаги заррадан кўм-кўк осмонгача!

Ватан дегани — Ватан ҳудудида она табиат инъом этган барча бойликлар ва ноз-неъматлардир.

Ватан — ҳар бир инсон дилига орому роҳат бахш этувчи куй-мусиқадан тортиб, шаршараларнинг шўхчан шарроси — куй-навосидир.

Ватан Аллоҳ инояти билан ҳар бир миллат-элатга берилган неъматки, унинг баҳоси йўқ, Ватандан аълоси йўқ!

Куръони Каримнинг «Анъом» сурасининг 98-оятда инсон зотининг дастлабки Ватани — қароргоҳи ота-она вужудида эканлиги қуйидагича таъриф этиладики, унда ўн тўрт аср муқаддам одам боласининг биринчи маскани таъриф этиб қўйилган:

«У Сизларни бир жондан (Одам алайҳис-саломдан) пайдо қилган зотдир. Бас, (Сизлар учун она қорни) қароргоҳ ва (ота пушти) омонат турадиган жойдир. Англайдиган қавм учун оятларни батафсил баён қилдик» (Алоуддин Мансурнинг изоҳли таржимасидан).

Дарҳақиқат, она қорнида гўдак пайдо бўлиб, тўрт ойлигидан танасида она қони айлана бошлар экан, унинг қароргоҳи она бағридадир, она эса Ватандадир, Ватан инсон юрагидадир. Бу ҳолатни Шайхулислом Хўжа Аҳмад Яссавий бобомиз дилдан тараннум этганлар:

Бошим тупроқ, ўзим тупроқ, жисмим тупроқ,  
Ҳақ васлига етарман деб руҳим муштоқ!

Инсон жисми — тупроқдан, Ватаннинг бир кафт тупроғи демак, руҳ эса илоҳий қудрат, шу руҳ азиз Ватанда

Аллоҳ васлига етмоққа муштоқ! Ватан шундай улугки, унда илоҳий руҳлар яшайди!

Бани одам ҳаммаси бир зотдан, лекин она тили билан бир-биридан фарқланиб, Ер юзида ҳар бир тил миллати рўйи маскундан Ватан танлаб яшаганки, уни халқ дейдилар. Ватан номи ва тушунчаси шу Ер халқининг фазилати, ўзига мос хосиятлари билан аталади.

Буюк бобомиз Алишер Навоий «Ушшоқ» ғазалида «Ватан» сўзига ажойиб ишора қилади:

Қаро кўзим, келу мардумлуғ эмди фан қилғил,  
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.

«Ватан» сўзи маъно жиҳатдан аслида макон, турар-жой, муқим яшайдиган маскандурки, Навоий ҳам мардумга — ўзининг қора кўз кишисига: «Келгил, кўзимнинг қарочиғи бўл», яъни «менинг кўз ўнгимдан кетмай, кўз қорачиғимни Ватан қилгил» деб нидо қилмоқда.

Ватан тушунчаси шундай беғубор оламки, у яхши ва ёмон кунларни, ташвиш ва қувончларни, ғалаба ва мағлубиятларни, эркалаш ва тепкилашларни, тинчлик ва урушларни, туғилиш ва ўлимларни, буюкларни ва содда одамларни, олимларни ва золимларни, тирикларни ва шаҳидларни, ажиб кошоналарни ва вайроналарни, иймонлиларни ва хоинларни, хуллас, ҳамма-ҳаммасини чўнг елкасида кўтариб доим навқирон ва доим кўҳна тарихини яратаверади. Биз инсонлар эса она-Ватанда ердан ўзи ўсиб чиқиб, ўзи очилган гулларга ўхшаб яшайверамиз, кўпаяверамиз ва оламдан ўтиб бораверамиз, олам қонунига кўра тупроқдан яралганмиз, тупроққа — яъники она-Ватанга қайтамыз, руҳимиз эса абадийдир.

Ватанни қалбан, чуқур ҳис қилиш учун ҳам, халқнинг ватанпарварлик намуналарини кўрсатиши учун ҳам Халқ хур, Ватан мустақил бўлиши шарт экан<sup>1</sup> деб таъкидлайдилар «Ватан туйғуси» рисоласи муаллифлари. Бугун шу мус-

<sup>1</sup> Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н., «Ватан туйғуси», Т., «Ўзбекистон», 1996 й.

тақиллик қўлимизда экан, уни эъзозлашимиз, қадрига етишимиз, қадам-бақадам мустақкамлаб боришимиз керак. Мана шу туйғулар, мана шу олижаноб фазилат ва эзгу ҳаракатлар бугунги кун учун ҳақиқий ватанпарварлик намунасидир!

Она табиат гўзаллигига мафтун бўлиб, унинг саҳоватидан мамнун бўлишликнинг ўзи ҳали бу Ватанни чуқур ҳис қилиш эмас. Ватан туйғуси аввало аждодлар ёди, уларнинг хотирасини эслаш ва қадрлаш, олис ва яқин теварак-атрофларда бўлаётган воқеаларни сезгирлик билан кузата бориб, Ватан ҳимояси учун доимо шай туриш, ўзининг келажак насллар олдида масъул эканини туюшдир.

**Ватан туйғуси** — бу азиз ватанимизни пешона тери билан обод ва маъмур этган, лекин номлари тарих саҳифаларида ёзилмаган оддий кишиларимизнинг фидокорона ва яратувчан меҳнатини мудом ёдда тутишдир.

**Ватан туйғуси** — бу ўз ақл-идроки билан жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср ал-Форобий, Абу Мансур ас-Самарқандий, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абул Фазл ан-Насафий, Абул Лайс Наср ас-Самарқандий, Маҳмуд аз-Замаҳшарий, Абдул Коҳир Журжоний, Фахриддин ар-Розий, Мирзо Улуғбек сингари ўнлаб қомусий мутафаккирларни ёдга олишдир.

**Ватан туйғуси** — юксак бадий салоҳиятлари билан ўлмас асарлар яратган адиб Аҳмад Югнакий, Носир Хусрав, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Носириддин Рабғузий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби мумтоз қалам соҳибларини ёдга олишдир.

**Ватан туйғуси** — бу бутун ислом дунёси эътироф этган олти буюк муҳаддиснинг тўрт нафари бўлмиш туронзаминлик имом ал-Бухорий, Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, имом Аҳмад ан-Насоий, имом ад-Доримий, яна шайх

ул-ислом Абу Муҳаммад Абдулло ибн Абдурахмон ад-Доримий ас-Самарқандийлар номини ёдга олишдир.

Улар исломда Куръони Каримдан кейин энг муқаддас ҳисобланувчи Ҳадиси шариф тўпламларини тузиб, юрти-мизга ва халқимизга то қиёмат сўнмас шон-шараф кел-тирдилар, такрорланмас хизмат ила икки дунёларини обод айладилар.

**Ватан туйғуси** — бу шунингдек, ислом таълимоти рав-нақиға бемисл ҳисса қўшган Қаффоли Шоший, Бурхо-ниддин ал-Марғиноний, Шаҳобиддин ас-Сухравардий, унинг фарзанди комили шайх Зайниддин бобо, Бахоуд-дин Нақшбанд, Шайх Ҳованд Тахур, Хожи Аҳрор валий сингари ўнлаб буюк зотларни ёдга олишдир.

**Ватан туйғуси** — бу, аслида қомусий мутафаккирлар-дан бўлиб, замондошларимизга ҳозирча деярли номаълум бўлиб келаётган Абул Фазл ан-Насафий, Абдул Кохир Журжоний, Ислом Журжоний, Маҳмуд Журжоний, Азиз ан-Насафий, Шайх Азиз ан-Насафий, Нажмиддин Дойя Розий, Насриддин Тусий, Абдурахмон ал-Ижй, Сайди-дин масъуд ибн Умар Тафтазоний, Мир Саййид Шариф Журжоний, Юсуф Қорабоғийлар, Ҳадис илмининг пеш-воларидан бўлмиш термизлик икки уламо — ал-Ҳаким ат-Термизий ва Саййид Ҳусайн Бурхониддин Муҳаққиқ Тер-мизийлар каби буюк аждодларимизнинг меросини ўрга-ниш, тарғибу ташвиқ қилиш ҳамдир.<sup>1</sup>

Ватанни севиш инсонда ватан туйғусининг қарор то-пишидан бошланади.

**Ватан туйғуси ...** Бу инсонийликнинг, Ватанга фарзанд-ликнинг муқаддас ҳиссий белгиси, деб таърифлайдилар ислом илмининг таниқли билимдони Абдулазиз Мансу-ров «Ҳадис илми сабоқлари» рисолаларида.

**Ватан туйғуси нимадан бошланади ўзи?**

**Ватан туйғуси** — шу Ватаннинг эгаси бўлган халқни, унинг ўтмишини билишдан бошланади:

<sup>1</sup> Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н., «Ватан туйғуси», Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 149—150 бетлар.

**Ватан туйғуси бу — ўз халқини севиш, у убиан фахрланиш, уни хурмат қилиш ва қадрига етиш деганидир.**

**Ватан туйғуси бу — шу азиз Ватанни ўзининг ҳалол пешона тери билан обод этган аждодларимизни доимо эсламоқ демакдир.**

**Ватан туйғуси бу — ўз ақли-идроки билан жаҳон тараққиётига улкан ҳисса қўшган ватандош буюк алломаларимиз, мутафаккирларимиз, ҳадис ва тасаввуф илмининг султонларини унутмаслик демакдир.**

**Ватан туйғуси — она Ватаннимиз озодлиги йўлида шаҳид бўлган буюк аждодларимизни ёдда тутиш демакдир.**

**Ватан туйғуси бу — азиз ва лазиз, гўзал Ватаннимизга юксак эътиқод билан яшаш ва унга ҳамиша чин фарзанд бўлиш демакдир.**

**Ана шундай туйғу, ҳисларга эга бўлган Инсон ўз Ватанини севмаслиги, Ватанидан йироқда бўлганида уни қўмсамаслиги мумкин эмас.**

**Бу ўринда улуғ бобомиз Бобурнинг ҳаёти ёрқин мисол бўла олади. У Ҳиндистонда қудратли ва шавкатли салтанат бунёд этади. У ҳокими мутлақ. У ҳаётнинг барча ноз-неъматларидан, лаззатларидан истаганча баҳраманд бўлиш имконига эга. Бироқ Бобур беками-кўст ҳаёт билан ўзини бахтли инсон деб ҳисоблаганми? Йўқ, албатта. Унга ҳамиша бир нарса етишмаган, уни ҳамиша бир туйғу қийнаган, қалбини ўртаган. Бу — Ватан соғинчи туйғуси эди. Шунинг учун ҳам Бобур Мирзо бундай деб ёзган эдилар:**

Толёъ йўққи жонимга балолиғ бўлди,  
Ҳар ишники айладим, хатолиғ бўлди.  
Ўз ерни қўйиб, ҳинд сори юзландим,  
Ё раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

**Ўз Ватанини севган инсонга доимо Ватан қайғуси йўлдош бўлади.**

**Буюк ватандошимиз, ватанпарвар инсон Абдурауф Фитрат ҳазратлари асримиз бошида ўз юртининг қайғули тақдири ҳақида қуйидаги сўзларни битган эди:**

«Эй, улуғ Турон... Сен менинг Ватанимсан... Юртим, Туроним, сендан айрилмоқ — менинг ўлимим. Сенинг учун ўлмоқ — менинг тириклигимдур. Паноҳим, саждагоҳим, умидим! Ётларинг сени шу кунга солдилар... Золимлар сени кимсасизми кўрдилар! Йўқ, сен кимсасиз эмассан. Мана мен, чин кўнгил билан сенинг йўлингда ўлурға рози... Мен сенинг учун яшарман, сенинг учун ўлурман.

Эй, туркликнинг муқаддас ўчоғи! Ўлим сенинг ўлимингни истаганларга, нафрат сени кўмгани келганларга!»<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Қаранг: А. Мансуров ва бошқ. Ҳадис илми сабоқлари, Т. 1999 й., 26—27 бетлар.

## ЖАННАТМАКОН ДИЁР

Инсоннинг туғилган она Ери Ватанидир. Одам боласи дунёга келаётганда, «Мен фалон ерда, фалон мамлакатда, фалон Ватанда туғиламан» дея олмаслиги табиий бир ҳолдир. Шу маънода одам Ватанни эмас, Ватан уни танлайди, Инсон қайси Ватанда туғилса, ҳеч инкорсиз. Ўша Ватан фарзанди бўлади.

Ҳар бир миллатнинг она тилиси ва она-Ватани бор. Ҳар бир инсоннинг Ватани ўзи учун суюмли ва гўзалдир. Шимолда яшовчи одам учун музликлар ва қорлар билан қопланиб ётган совуқ ўлка гўзал ва ёқимли Ватандир, африкалик учун жазирама масканлар, саҳройи араблар учун чўлу саҳролар, қозоқлар учун ҳудудсиз қирлар, тяншанликлар учун тоғу адирлар Ватандир. Ҳар ким ўз Ватанини табиати ва хосиятлари билан севади, қиру чўлму, саҳрому, дашту биёбонму, совуқ ёки жазирама юртму, ватан ўз фарзандига гўзал, тенги йўқ, ўхшаши топилмас гўша — она-Ватанидир.

Ўзбекистон — ҳар бир ўзбек учун гўзал, севимли ва ардоқли Ватандир. Ўзбеклар ўз диёрини қанчалик гўзал ва жаннатмакон Ватан деб билганлари ҳолда ўзгаларнинг Ватанларини ҳеч бир камситмайдилар, ҳар ким Ватанини ўзи учун «ойдан-да гўзал, кундан-да гўзал» (Чўлпон) деб билади.

Она юртнинг донолари, шоирлари, машойихлар ўз Ватанларига эзгу ниятлар айтиб, ажойиб ҳикояту ривоятлар тўқийдилар. Ўзбекистон ҳақида ҳам қадим-қадимлардан антиқа ривоятлар тўқилганки, уларни хорижий кишилар эшитиб олиб, ўз она юртлари шон-шухратига назира қилиб

айтиб юборганлар. Шундай ҳикоятлардан бири Аллоҳ ҳидояти билан миллатлар аралашиб кетиб, Ер юзининг тақсимланиши ҳақидадир.

Ривоят қилишларича, Нуҳ пайғамбаримиз замонидаги тўфондан сўнг ундан тарқалган авлод-аждодлар Ер юзи бўйлаб кўчиб кетаётган эканлар. «Таврот»да нақл қилинишича: «Бутун жаҳоннинг тили бир, нутқи бир бўлган вақтлар эди. Одамлар Шарқ томон кўчиб кетаётган эдилар. Бобил мамлакатада бир текислик топиб, у ерда ўрнашдилар.

Одамлар бир-бировига: «Келинг, ғишт қўйиб хумдонда яхшилаб пиширамиз», — деб айтишди. Шундан сўнг тош ўрнига ғишт, гил ўрнига қатрон ишлатадиган бўлишди. Улар: «Келинг, ўзимизга шаҳар ва боши осмонга етадиган минора бино қилайлик, бутун Ер юзига тарқалиб кетмаслик учун ўзимиз учун ном чиқарайлик», — дейишди.

Одам фарзандлари қураётган шаҳар ва минорани кўриш учун Худованд осмондан тушди. Худованд: «Мана, ҳаммасининг миллати бир, тили ҳам бир. Улар бу ишни бошлабди-ю, энди хаёлидаги аллақандай ишларни ҳам қилишдан воз кечмайдилар. Қани энди пастга тушиб, ўша ердаёқ уларнинг тилини аралаштириб юборайлик, токи бири бошқасининг сўзини тушунмайдиган бўлиб қолсин!» — деди.

Шундай қилиб, Худованд одамларни у жойдан бутун Ер юзига тарқатиб юборди. Шундан сўнг шаҳарни қуришни ҳам бас қилишди. Шаҳар Бобил (яъни Аралашув) деб аталиб қолди, чунки ўша ерда Худованд бутун жаҳоннинг тилини аралаштириб, одамларни Ер юзи бўйлаб тарқатиб юборган эди».

Муқаддас «Таврот» китобининг II бобидаги «Бобил минораси ва тилларнинг чатишуви» қисмида ана шундай нақл этилган, сўнг, машойихлар ривоят қилишларича, Ер юзи миллатларга тақсимлаб берила бошлаган. Аллоҳнинг иноятидан дастлаб баҳраманд бўлганлару, олдинма-кетин Ер олган миллатлар хурсанд ҳолда Ватанга эга бўлишган, «Булардан денгиз соҳилида яшовчи халқлар тарқалиб, ҳар бири ўз элати, ўз халқи ва тили бўйича жойлашган».



Турк халқи эса камтарлик, камсуқумлик ва сабр этиб, Ер олишда энг охирида қолган. Ер юзи тақсимланиб бўлинганда Аллоҳга илтижо қилиб, яшашга Ватан сўраган:

— Эй поки парвардигор, биз турк эли тўкис ишонувчанмиз, дунё халқлари қатори бизга ҳам ер-сувли бир Ватан ато этгайсан!

Аллоҳ ғоят самимий, содда, бўш-баёв, лекин ғайратшижоати зўр турк халқининг ирода-матонатига таҳсину раҳмат айтиб, ўзига ажратиб қўйган бағри кенг, жамолидек гўзал, тажаллисидек мунаввар Ерни - Туронни насли аслида туркий, номи тарихларга Ўзбек деб ёзилғувчи халққа инъом этган экан.

Дарҳақиқат, бу Ер Адан (асли Эден - «хузур-ҳаловат» дегани) каби жаннатмакон бир диёр, таърифига чегара йўқ гулшан бир маскан, Аллоҳ инояти билан ўзбек халқига берилган улуғ неъмат — буюк Ватан эди. Унинг йўлбарс жуссали танасидан «Ўзбекистон» деган бир ўлка дунё харитасида йўлбарс боласидек жамол кўрсатиб туриши ҳам тақдир тарихига ёзилган бўлса керак. Ватан душманлар томонидан таланган ва мажруҳ этилган бўлса ҳам она-ота ўз фарзанди заиф, ногирон бўлса-да, севиб, ардоқлаб, даволаб камолга етказгани каби ўзбеклар ўз она-Ватанини кўз қорачиғидек асрлар тўфонидан авайлаб олиб ўтиб, гулшану гулистонга айлантирганлар.

Ўзбекистон — дунё харитасида бўстон бир диёр. Шарқдан, Тинч уммонидан кўтарилган тонг қуёши Ўзбекистон осмонида чарақлаб порлайди. У бу ерда азиз меҳмондек чехрасидан мўл-кўл нур сочиб, бутун ўлкани яйратиб-яшнатади. Бу шундай бир ўлкаки, машҳур ёзувчи ва шоир Ойбек «Ўзбекистон» шеърида мана бундай таъриф этади:

Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди,  
Бир ўлкаки, қишларида шивирлар баҳор.  
Бир ўлкаки, сал кўрмаса, қуёш соғинар...  
Бир ўлкаки, ғайратидан асаби чақнар,  
Бахт тошини чақиб, бунда куч гувиллайди.

Чиндан-да, бу ҳур ўлкани «сал кўрмаса, қуёш соғинар», шунинг учун 365 кунлик бир йилнинг 300 кунда

осмонида қуёш унинг жамолини кўриб, чақнаб туради, шунинг учун бу ўлкани «Қуёшли юрт, серқуёш Ўзбекистон» дейдилар, Ватан мадҳияси ҳам «Серқуёш ҳур ўлкам, элга бахт, нажот, сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон» деб бошланади.

Худудсиз коинотнинг бағридан «Ўзбекистон» деган мамлакатга нигоҳ қаратилса, унинг шарқий чеккасида пурвиқор тоғлар бобо-момоларимизга ўхшаб оппоқ қорларга бурканиб посбон бўлиб тургандек, Амударё билан Сирдарё тоғларнинг покиза қўли каби она диёримизни кучиб эркалаётгандек, минглаб кўл-дарёлар ўлкамиз қон томири каби оқиб ҳаёт бахш этаётгандек, бепоён дала, қир, яйлов, боғ-роғ, адир-водийлар халқ учун ноз-неъматлар тутаётгандек, ҳаммаси шу қутлуғ Ватан фарзандлари учун тер тўкаётгандек, ғарбий ҳудудидаги Орол денгизи олтин коса каби ярақлаб тургандек, тўрт томонида тўрт баҳодир дўстлари, саҳро, чўл, дашт ва қирлари яшнаб-ярашиб тургандек кўринади.

Ўзбекистон муқаддас бир диёрки, шоирлари ғазалхонлик билан унга фахр-ифтихор изҳор қиладилар. Лирик шоир Ҳамид Олимжон машҳур «Ўзбекистон» шеърисида она-Ватаннинг ўзига хос хосияти, фазилати ва табиатини жўшқин ифодалаган эди. Мана, ўша ҳаммага ёд бўлиб кетган шеърдан сатрлар:

...Ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон,  
Достонларда битган гулистон —  
Ўзбекистон дея аталур,  
Уни севиб эл тилга олур.  
Чиройлидир гўё ёш келин,  
Икки дарё ювар кокилин.  
Қорли тоғлар турар бошида,  
Гул водийлар яшнар қошида.  
Чор-атрофга ёйганда гилам,  
Асло йўқдир бундайин кўклим,  
Тоғлардаги қип-қизил лола,  
Бўлиб гўё ёқут пиёла.

Буллардан усади сув,  
Эл кўзидан қочади уйку.  
Далаларда бошланади иш,  
Бошланади ижод ва турмуш.

Шоир тараннум этганидек, бу ўлкани «кўрмаганлар доим хумордир». Бу юртда «Аму билан Сирдан сув ичган», «Зарафшонни лойлатиб кечган» чавандозлар бор. Шоир яна тўлқинланиб Ўзбекистонни қуйидагича мадҳ этади:

Бунда булбул китоб ўқийди,  
Бунда қуртлар ипак тўқийди,  
Бунда ари келтиради бол,  
Бунда қушлар топади иқбол.  
Бунда қорнинг тағларида қиш,  
Баҳор учун сўйлайди олқиш.  
Бир ўлкаки, ҳуснга бойдир,  
Унинг энг зўр кўзгуси ойдир.  
Бир парча ўт бўлиб бунда кун,  
Пахтасига ишлайди ҳар кун.

Серкуёш Ўзбекистоннинг куёши ҳар бир шоирнинг илҳом булоғини жўштириб, шеър уфозларига тугдиради. Ҳамид Олимжон шундай ажойиб юртга омонлик, тинчлик тилайди:

Шундай ўлка доим бор бўлсин,  
Шундай ўлка элга ёр бўлсин.  
Омон бўлсин оғайнилари,  
Омон бўлсин дўстларнинг бари,  
Доим бўлсин тинчлиги омон,  
Шундай бўлсин бу бутун жаҳон.

Шоир Ўзбекистон қасидасини яқунлар экан, уни мадҳ этишда ҳамон чанқоқлиги сезилади:

Шафтолузор боғларни кўрдим,  
Гул кўкарган тоғларни кўрдим,  
Меҳр қўйиб ўпган сари оқ  
Оппоқ бўлди бу азиз тупроқ!

Ўзбекистон тупроғи муборак, қутлуғ, муқаддас ва пок тупроқ! Қадимдан бу ўлканинг тарихларда афсонавий гўзал ўлка деб таъриф-тавсиф этилгани бежиз эмас. Бу диёрнинг хосиятли тупроғида унадиган неъматларни, ер остидан қайнаб чиқадиган бойликларини алоҳида бир боб қилиб таъриф этамиз.

Куёш порлаб турган мунаввар осмони, шарқираб оққан дарёлари, кўзгудек тиниқ кўлу булоқлари, пурвиқор тоғларига тирмашиб чиқиб кетаётган азаматлар каби арчазор-ўрмонзорлари, қир-адирлари, чўлу саҳролари, туқайзорлару бедазорлари, кўм-кўк яйловларини, пахтазор-ғаллазорларида ҳаёт неъматини бор, яшаш роҳати ва яшамокнинг сирли ҳикмати бор! Ўзбекистон жамоли ташқаридан қараганда ҳам нуруний чеҳра каби мунаввар бўлиб кўринади!

Шундай она юртнинг, бебаҳо она-Ватаннинг эгаси бўлмиш ҳар бир ўзбек «Ўзбекистон» сўзини худди муқаддас калимадек ғуруру шуур билан тилга олади. Дарё бўйига чанқоқ келган одам сувга қанчалар энтикиб боққани каби сафарга кетган ҳар бир ўзбек қайтганда «Ўзбекистоним» деб она юртига қаттиқ суқ билан тикилади.

Она-Ватанни дилга жо этиб, унинг муқаддас эканлигини доим ҳис қилмоқ керак. Машҳур қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг «Сомон йўли» қиссасида мунис момо Тўлғаной она Ер билан дардлашиб, бундай дейди: «Ер, жон ато этган Ер, бизни кўтариб юрган Ер, сен бизга бахт бермасанг, нега Ер бўлиб аталгансан, биз нечун дунёга келганмиз! Биз сенинг болаларингмиз, Ер, тилақдош бўлгин, орзу-ниятимизга етказгин!»

Тўлғаной она Ерини эъозлаб: «Кўзи ёриган аёлдек чўзилиб ётганингдан айланайин, она Ерим», — дейди.

Она-Ватан латофати билан ҳар бир юракда илоҳий неъмат бўлиб яшайди, биз ўзбеклар она-Ватанимиз билан фахрланамиз: — Эй, она-Ватан осмонида чарақлаган Ўзбекистон Куёши, Ер юзини айланганда ўзбекларнинг шарқий тоғлар этагидан бошланиб, ғарбга чўзилиб кетган гўзал диёри борлигини айт!

«Жаннатмакон Ер қаерда?» деб сўрасалар, Ўзбекистон-ни кўрсат!

Ўзбекистон — озов диёр, обод ўлка, офтоб юрти деб айт!

Эй Куёш, Ўзбекистон меҳмондўстликда саҳоватли, душманга қаттиқ адоватли, ҳақиқатда энг адолатли Ватан деб айт!

## ҚУТЛУҒ НОМ, ҚУТЛУҒ ЮРТ

Тарих ҳукми қатъий, ҳақиқати одилдир. Қадимда донолар «Тарих ҳаёт муаллимидир» деб бежиз айтмаганлар. Тарих чиқарган ҳукм ва ҳақиқат инсониятга ибрат мактабидир, уни ўрганиш эса яшаш ва яратишнинг энг тўғри йўлидир, ўтмишнинг хато ва нуқсонларини ислоҳ қилиб, келажакнинг йўлларини равон ва мунаввар этмоқдир. Биз яшаб турган Ўзбекистон бир замонлар географик жиҳатдан нақадар кенг, нақадар улкан ва нақадар қудратли Ватан бўлганлигига тарих шоҳидлик беради. Ўша улуғвор Ватаннинг бошидан не-не аччиқ тақдирлар кечганини, бизнинг замонамизгача бу Ватан нақадар талон-торож бўлганини, босқинчи муттаҳамлар оёғи остида хоки-тупроққа айланганини билишимиз ақл кўзимизни очиб, гайрат-жасоратимизга, иродамизга қувват беради.

Узоқ мозийдан Турон деб аталиб келинган бизнинг она юртимиз тарихи ва ўтмиши милоддан аввалги йилларга бориб тақалади. Археолог олимларимиз Фарғона водийсига қарашли Ҳайдаркон ёнидаги Селунғур қояси атрофида қазилган ишларини олиб боришганда бизнинг давримиздан 250 минг йиллар муқаддам яшаб ўтган одам қолдиқлари топилди. Аниқланишича, бу одам суякларининг ёши илк Хитой одами — синантропнинг ёшига тенг экан. Шундан маълум бўладики, 250 минг йиллар олдин ҳам айни Ўзбекистонимиз тупроғида авлод-аждодларимиз яшаган ва ўзига хос турмуш тарзини кечирган. Қадимий тарих зарварақларидан, элшунослик маълумотларидан ва географик манбалардан, шунингдек турли осори-атиқалардан ҳамда

халқ оғзаки ижоди намуналаридан бизга маълум бўлишича, бу худудда яшаган авлод-аждодларимиз ўз уруф-аймоқлари, қабила-улуслари билан турмуш икир-чикирларини ва муаммоларини ҳамкор-ҳамжиҳатлик билан ҳал этиб, аҳил-иноқ ҳаёт кечирганлар.

Ўзбекистонимизнинг қадимги тарихи ҳақида Рум ва юнон муаррихлари, дунёни жасорат билан сайру саёҳат қилган саёҳатчилари, аллома-ю киромлари ажойиб хотира-ю эсдаликлар, меҳр-қўрлари билан ёзилган ёдномалар қолдирганлар. Улардан Геродот, Арриан, Страбон, Фукидид, Птоломей, Таций, Полибий, Сима Цянь, Карпини, Рубрук, Ископлик Фомаларнинг хотираларини халқимиз ҳали деярли ўқимаган, ўрганмаган, ҳатто она-Ватанимизнинг тарихида оламшумул ўрин тутган воқеа-ҳодисалар ҳам чалакам-чатти, афсона-эртак тарзида оғзаки эшитилган, холос. Биз ўз бой тарихимизни ўрганишга нега бунчалар лоқайдмиз? Шу маънода қуйида таниқли олим ва сеvimли шоиримиз Хуршид Давроннинг «Тарих — боболар боғи» мақоласидан бир неча қимматли фикрларни келтирамиз. «Ҳар биримизга болалиқданоқ касаллик тарихи очилади, — деб ёзади Хуршид Даврон. — Ҳақиқий шифокор беморнинг ўша касаллик тарихини ўрганиб чиқибгина тўғри хулоса чиқара олади. Тарих инсоният тараққиётининг касаллик варақаси эмас, балки унинг дарду қувончлари, ғалаба-ю мағлубиятлари, яратувчанлик қудрати-ю, барбод этувчи қора кучлари, жасорат ва хиёнат, оқ ва қоранинг шиддатли тўқнашувлари ҳақида ҳикоялар битилган кундалик дафтардир.

...Тарихи минг йиллар билан ўлчагулик маданий меросимиз ўрганилмаётгани ҳақида ёзишга умримизнинг қолган қисми етармикин? — деб давом этади муаллиф. — Ахир «Эзгу ишнинг кечи йўқ», деб юрган неча-неча бизга орқадош авлодлар нес-нобуд бўлиб кетди».

Дарҳақиқат, тарихимиз ғоят бой ва ранг-баранг бўлишига қарамай, мустамлакачилик йилларида уни ўрганиш чеклаб қўйилади, яна ҳам аниқроғи, буюк ўзбеклар тарихи халқимиз эътиборидан мутлақо махфийлаштириб ташланди.

Тарихимизга доир буюк алломалар ва тарихчилардан Ибн Хурдодбек, Ибн ал-Фақиҳ, Ал-Муқаддасий, Ёқут ал-Ҳамавий, Ибн Арабшоҳ, Ал-Умарий, Рюи де Клавихо, Марко Поло, Вамберининг асарлари, Ота Малик Жувайний, Ибн Асир, Рашидиддин Фазлуллоҳ Ҳамадоний, Миҷхожиддин Усмон Жузжоний, Муиниддин Муҳаммад Исфизарийларнинг қимматли асарлари борки, булар таржима қилинмаган.

Муҳаммад Насафий, Шарафиддин Али Яздий, Ҳофиз Аbru, Мирхонд, Абулғози, Хондамир, Восифийларнинг ёзган ажойиб асарларини халқимиз яхши билмайди, чунки бу асарлар нашр этилиб, ўқиб ўрганилмади.

Ватанимизнинг жуда қадим тарихини ўрганишда унинг дастлабки ҳудудларининг қандай номлар билан аталганини, бу ҳудудларда яшаган авлод-аждоқларимизнинг шажараларини билмоғимиз муҳимдир. «Тарихчиларнинг отаси» деб машҳур бўлган Геродот ва бошқа муарриху сайёҳларнинг берган маълумотларига қараганда, милоддан аввалги сўнгги минг йиллик давомида Ватанимиз ҳудудида яшаган уруғ-қабилалар ажойиб инсонлар бўлишган. Улар Днепрдан то Олтойгача бўлган ҳудудларда, шу жумладан Ўрта Осиё минтақасида яшаганлар, Рум ва юнон тарихчилари ана шу авлоқларимизни скифлар деб атаганлар. Каспий орти текислигида массагетлар, улардан шарқроқда саклар, сўғлар, бақтрияликлар, хоразмликлар, шунингдек кўплаб қабила ва халқлар яшаганлар. Мана шу авлод-аждоқларимиз, тарихчиларнинг шаҳодат беришларича, ўта иқтидорли, истеъдодли, қобилиятли, жасорат ва матонатли, шу билан бирга ғоят меҳнатсевар бўлганларки, ҳаёт жабҳаларида жиддий ўзгаришлар ясаганлар.

Геродотнинг ёзма ёдномаларида таъкидланишича, авлод-аждоқларимиз Ўрта Осиё заминида суғорма деҳқончилик маданиятини юқори чўққига кўтарганлар. Улар биргина Аракс (ҳозирги номи Амударё) дан жуда кўплаб сунъий суғориш каналларини, сув иншоотларини қазиб, чўл ва саҳроларга сув чиқарганлар, боғ-роғлар, экинзорлар бар-

по этганлар, шу тариқа деҳқончилик тармоқларини ривожлантириб, турмуш тарзларини фаровон этганлар.

X асрнинг машҳур муаррихлари ҳам Ватанимиз худудида яшаган авлод-аждодларимизнинг турмуш тарзини ва уларнинг иқтидорли кишилар бўлганлигини алоҳида фахр билан ёзиб қолдирганлар. Жумладан, Ибн ал-Фақиҳ «Китоб ал-булдон» («Мамлакатлар ҳақида китоб») асарида бир донишманднинг хоразмликлар ҳақидаги фикрини келтиради: «Булар ҳеч қачон бош эгмайдиган, ҳаммадан кўпроқ фидойиликка мойил кишилардир».

Хоразм ҳақида яна X аср тарихчиси ал-Муқаддасий бундай деб ёзади: «Бу жуда кўп шаҳарларга эга бўлган, ёппасига обод, кенг ва муҳташам бир ўлкадир. Сон-саноксиз уй-жой, туташ боғлар, дарахтзор ва экинзорлар; узум шарбати сиқадиган қурилмалар бор, мева мўл, тижорат аҳлига мол-ҳол бемалол. Одамлари зукко-зийрак, билимдон, фикҳни билишади, истеъдодли ва маърифатлидирлар... Аллоҳ уларга арзончилик, самараю барака насиб этган. Яхши ва тўғри қироат (Куръон ўқиш) қобилияти, ўтқир ақлу идрок ато этган, улар меҳмондўст, яхши таомларни хуш кўришади, жангда мард ва алпсифатдирлар».

Ал-Муқаддасий ана шу маълумотни баён қилиб, Хоразм пойтахти — Журжония дарё-соҳилидадир, деб ёзади ва Журжонияда ал-Маъмун қурган сарой ва унинг чиройли арклари борлигини қайд этиб ўтади.

Ал-Муқаддасий Бухоро ҳақида ёзиб, уни Мисрдаги Фустат билан қиёслайди: «Шаҳар ғоят даражада обод, етита қурчбанд дарвозаси бор) Боби нур, Боби Фуфро, Боби ал-Холид, Бобил-Кўхандиз, Боббани Суд, Боббани Асад, Боб ал-Мадина), ичкарида эса Султон Кўхандизи (Шаҳристон), Жомеъ масжиди шаҳар ўртасида, унда бир неча ҳовли-саҳн бор, бари саришта... Ушбу иқлимда бунчалик гавжум ва обод шаҳар йўқдир...»

Дарҳақиқат, Ал-Муқаддасий шаҳри азим Бухорони ўша пайтдаги Фустат ва Дамашқ каби муаззам шаҳарларга тенглаштирадигани, юқоридаги таърифлардан ҳам Бухоронинг ғоят азим шаҳар бўлганлигини кўз ўнгимизга келтираемиз.



Ёқут ал-Ҳамавий ҳам «Китоб ас-сувар» асарида Бухоро-ни алоҳида таърифлаб, кўплаб маълумотлар келтиради: «Шубҳасизки, бу жуда қадимий шаҳар, унда боғлар, сарҳил мевалар кўп. Мен борганимда Бухоро мевалари ўн саккиз кун йўл босиб Марвга, ўн беш кун йўл юриб Хоразмга ҳам элтиб сотилар эди... Мовароуннаҳр ерларининг гўзаллигига келсак айтиш керакки, мен ислом мамлакатларининг бирортасида Бухородан кўркамроқ шаҳарни кўрган эмасман. Унинг аркига чиқсанг, атрофида зангори осмон туташ кўм-кўк масофаларни кўрасан. Мовароуннаҳр ва Хуросон юртларида ўз ерларини бухороликларчалик яхши парвариш қиладиган аҳоли йўқдир!...»

Мана шу баҳонинг ўзи авлод-аждоғларимиз ўз она-Ватанларини нақадар эъзозлаганликларининг ёрқин исботи ва намунасидир.

Ал-Истахрий Самарқанд шаҳрининг гўзал ва ободлигини тасвирлаб, унинг тўрт дарвозасини номма-ном санайди: «шарқ томонга Хитой дарвозаси, ғарб томонга Навбаҳор дарвозаси, шимол томонга Бухоро дарвозаси, жанубга — Кеш дарвозаси орқали юрилади».

Ибн Ҳавқалнинг «Китоб ал-ард» китобида ҳам Самарқанд ва Ўрта Осиёдаги кўпгина шаҳарлар тилга олинади. «Самарқандга келсак, бу юксак кўрғонли буюк шаҳардир, — деб таърифлайди Ал- Умарий ибн Ҳавқалнинг китобидаги маълумотларга асосланиб. — Шаҳарга назар солган одам кўм-кўк дарахтзорларни, муҳташам қасрларни, бир-бирига қўшилган дарёларни, оппоқ биноларни кўради. Қаяққа боқсанг кўзинг яйрайди, қайси боққа кўз солсанг дилингни ҳайрат чулғайди».

Китоб муаллифи ёзадики, Муслим ибн Қутайба дедиларким: «Самарқандга яқинлашганимизда уни нимага қиёлашни ўйлаб қолдик, аммо бунга муносиб ўхшаш тополмадик. Мен эса дедим: «Унинг ранги осмонга монанд, қасрлари эса осмонда чарақлаган юлдузлар, дарёлари мисли Сомон йўлидек!» Бу ўхшатишларим барчага маъқул бўлди».

Она-Ватанимиз худудидаги вилоятлар, туманлар, ажойиб водий-адирлар, ҳали Европа мамлакатларида расм-

русум бўлмаган бинокорлик анъаналари бу ерда бунёд бўлганлиги тарихимизнинг нақадар узоқ мозийга бориб тақалишидан, улкан иншоотли шаҳарлар халқимизнинг маданий- маърифий томондан жуда қадимдан билимдон бўлганликларини, ижтимоий ҳаётда кўп истилоҳлар қилганликларидан дарак беради. Она Ўзбекистонимизнинг Самарқанд, Бухоро, Тошкент (қадимда Шош), Урганч, Қарши, Термиз, Марв каби ўнлаб шаҳарлари машҳуру жаҳон бўлганлиги рўйи заминга маълум. Бухоро билан Самарқанднинг таърифи тарих китобларида ўз ифодасини топган. Айниқса, Амир Темур бобомиз барпо этган Самарқанд тилларда дoston бўлган.

Ал-Маъмун дунё шаҳарларига баҳо бериб, шундай ёзган экан: «Шомнинг кўзи — Дамашқ, Румнинг кўзи — Кустантия, ал Жазираининг кўзи — ар-Ракка, Ироқнинг кўзи — Бағдод, ал-Жиболнинг кўзи — Исфакон, Хуросоннинг кўзи — Найсабур ва Мовароуннаҳрнинг кўзи — Самарқанддир.»

Улуғ ва муқаддас бу шаҳарга шоирлар минглаб сатрлар бағишлаб, унинг гўзал ва мўътабарлигини куйлаганлар. Абул-Фатх ал-Бустий Самарқандни куйидагича тараннум этган:

Ул дунёда жаннат бордир мўминларга аталган,  
Бул дунё жаннатининг номи эрур «Самарқанд».  
Балхни унга тенглаштирган эй билмаран гофил зот,  
Абу Жаҳл тарвузига тенг келурму, ахир, қанд?!

Она-Ватанимизнинг энг кўҳна ва навқирон шаҳарлари Бухорога берилган лаъл бу таъриф тарихларга ёзиб қўйилган:

Самарқанд сайқали рўйи замин аст,  
Бухоро қуввати исломи дин аст!

Ўзбекистон деган буюк мамлакатимиз бир пайтлар жуда кенг ҳудудга эга бўлган. Унда яшаган эл-элатлар ва ўша халқлар истиқомат қилган жой номлари турлича аталган. Жумладан, узоқ тарих давомида бу халқлар *хунлар, оқ хун-*

лар, саклар, скифлар, массагетлар деб, Ватан номи Турон, Туронзамин, Туркистон, Бақтрия, скифлар юрти, Сўғдиёна, Афросиёб, Варахша, Ахсикет, Мовароуннаҳр деб атаб келинди. Машҳур муаррихлар ва жаҳонгашта сайёҳларнинг гувоҳлик беришича, милоддан аввалги сўнгги минг йиллик давомида бу диёрда яшаган уруғ-қабилалар шу қадар истеъдодли ва жасоратли бўлганларки, улар она-Ватанни ҳар томонлама гуллаб-яшнадиб, ижтимоий фаровонликка эришганлар. Бу қадар ўсиш-юксалиш ажнабий халқлар ва кўплаб мамлакатларнинг ҳавасу ҳасадини келтирган, натижада улар бу гуллаб-яшнаган диёрга хиёнаткорона босириб кирганлар ва уни кўп бор хонавайрон этганлар.

Она-Ватаннимиз минг йилликлар тарихи давомида не-не балоларни, урушу вайронагарчиликларни, не-не зулм-қатағонларни, не-не қатлиомларни кўрмаган дейсиз. Тарихчиларимиз сардори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги, жонкуяр ватанпарвар Бўрибой Аҳмедовнинг сарҳисобига қараганда, Туркистон ўзининг кейинги минг йиллик тарихида фақатгина 376 йил хур мамлакат тарзида яшаган, холос, қолган бир минг бир юз йилдан кўпроқ умри босқинчилар зулми остида ўтган. Ўша «хур мамлакат» тарзида яшаганда ҳам она-Ватаннимиз чамбарига босқинчилар унинг тинч-осойишта йилларига доим хавф-хатар солиб турганлари сир эмас.

Хўш, энди шундай бир савол туғилади. Минг йилдан ҳам ортиқ вақт мобайнида ўзгалар зулми остида яшаган ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик, қорақалпоқ халқларининг барча қавмлари-ю, қабилалари озодлик ва рўшноликка интимай, доим мутеликда яшайверганми? Йўқ, албатта, бу иқтидорли ва жасоратли халқлар барча босқинчиларга якдил бўлиб, гоҳида якка ҳолда қаттиқ курашдилар. Бу ҳақда тарихда кўплаб жасоратли ва мардонавор курашу исёнлар бўлганлигига мисоллар бисёр топилади.

Афсус-надоматлар бўлсинки, Улуғ Турон, Бутун Туркистон босқинчилар асорати остида ҳамма замонларда ҳам

оёқ ости қилинди, тақсимлашга, таланишга ва горатга учради. Ҳар сафар қайси босқинчи босиб олса, табаррук номини ўзгартирди, чунки ўша босқинчи она-Ватанимизнинг асл номини айтишга тил-забони келишмай, ўз тили-талаффузига мослаб янгича ном билан атаган. Араблар уни босиб олгач, «Турон» дейишга тиллари қайрилмай, «Мовароуннаҳр — Икки дарё оралиғи»даги ўлка деб атадилар, қонхўр мўғуллар эса «доҳий»ларининг ўғли номи билан «Чигатой улуси» дея номладилар. Хуллас, ҳар бир босқинчи она-Ватанимизга ўзларига мос тарзда ном кўяверди, унинг кенг бағрида яйраб-яшнаб яшади, бойликларини талади, одамларини хўрлади.

Она-Ватанимиз бошига тарихда чор Россияси босқини кўп ёмон асоратлар солди. XIX асрнинг иккинчи ярмида бу давлат она еримизни босиб олиб, уни «Туркистон ўлкаси» деб атади. Орадан кўп ўтмай чор Россиясининг барча халқларига гўё хуррият, тинчлик, тенглик ва ер берадиган «Октябр тўнтариши» юз берди, бу тўнтариш озодлик эмас, миллион-миллион халқларнинг қатлиом бўлишига ва очликдан ўлишига олиб келди. Дунё халқлари, шу жумладан ўрта осиелик халқларнинг оёғига кишан солди, бир-бири билан қондош-қариндош бўлган қозоқ, ўзбек, қирғиз, қорақалпоқ, туркман, тожик халқларини худди қисқич-бақа ёки денгиз саккизоёқли ҳайвони каби йсканжага олди. Қадимдан жабрдийда Туркистон чор Россияси «инқилоби» туфайли озод бўлади, деган халқлар илгаригидан минг бор, миллион бора оғир зулм-асоратга гирифтор бўлди. Энг ёмони маккорона сиёсат туфайли Ўрта Осиёда миллий чегараланиш ўтказилиб, яқдил туркий миллатлар бир-биридан ажратиб ташландики, бутун ва қудратли Туркистон янада тақсимланиб ташланди. Большевикларнинг бир асрга яқин Ўрта Осиё халқларига ўтказган зулм-истибдодлари ичида ана шу тақсимлаш энг мудҳиш дард, офат ва халқлар бошига бир умрлик кулфат бўлди. Муқаддас кун — мустақилликка эришганимиздан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Туркистон — умумий уйимиз!» деган доно даъвати ана шу мудҳиш

парчаланишни яна яхлит — қудратли Туркистонга айлан-тиришнинг энг эзгу омилидир.

Доно халқимизда ажойиб нақллар бор: «Бир оғирчиликдан кейин, бир енгилчилик бор», «Йиғидан кейин, кулги келади», «Бахтсизликдан кейин бахт кулиб боқади», «Ўсма ювилиб кетади, қош қолади». Тарихда шундай бўлди. Чор Россияси босқини ва большевиклар зулми тарих тақозоси, аввало Аллоҳ таолонинг рушди ҳидояти билан тугади, улар талон-торож қилган, қатлиом этган ва бутун турфунлик йилларида жабр-зулм ўтказган халқ, Ватан яшамоқда ва яшайди, яшаганда ҳам гуллаб-яшнаб, обод ва озод бўлиб яшамоқда. Яна бир ҳикматда: «Эллик йилда эл ўзгарар» дейилган. Эллик йилда эл ўзгарди, ғайри-шижоат ва жасорат отига минди. Мақолда айтилганидек, «Эллик йилда — эл бошқа, қирқ йилда — қозон бошқа бўлди».

Хорижий босқинчилар Ўзбекистон диёрига ҳар қанча жабр-зулм ўтказган бўлсалар ҳам ўз жазо-насибаларини олганлар, бунга тарих гувоҳ. Ўзбекистон Республикаси доно йўлбошчиси Ислом Каримовнинг нурли ақл-заковати билан олға, мунаввар кунларга бормоқда, она-Ватанимизнинг номи эса ҳар биримизнинг қалбимизда шоиримиз Абдулла Орипов шеърида айтилгандек янграмоқда:

Номи қутлуғ гулшаним маним,  
Ўзбекистон Ватаним маним!

## ТУРОННИНГ МАЪНОСИ

*Ота мозий қаърига тортар,  
Ким ўзбек, ким қозоқ, ё хундир,  
Юрагимга бир тош зил ботар,  
Бутундир Турон юрт, бутундир.*

(Азим Суюн)

Оққан дарё — оқмай қўймайди, деган ҳикматни доно халқимиз бежиз айтмаган. Она-Ватанимиз мозийда мўътабар ном билан аталиб, кейинчалик шон-шуҳрати ва қудрати ошгандан ошиб боргач, душманлари босиб олиб ўша

чиройли номини ҳар турли номлар билан атадилар. Она-Ватанимизнинг ёқимли номларидан бири Турондирки, у асрлар оша оққан дарё каби тилдан тушмайди.

Хўш, «Турон» сўзининг маъноси нима? Бу ном мазмунида нималар англашилади, қайси халқ бу табаррук номга сазовор бўлган?

«Турон» сўзининг келиб чиқиши ва маъноси тарихларда озми-кўпми тилга олиниб, унга турлича таъриф-таъсифлар берилади. Таниқли муаррих, тарих фанлари доктори Ашраф Аҳмедов ўзининг «Турон» мақоласида бундай дейди: «Биз ўзбек-турклар бу сўздан қандайдир мўъжизакор ва сеҳрли маъно сезамиз; бу сўздан қандайдир узоқ ва ноаниқ ўтмишнинг ҳиди анқиб туради. Ҳақиқатан ҳам, бу сўзнинг аниқ маъноси нафақат биз ўзбеклар учун, балки умуман фан учун тугал маълум эмас. Бу тушунчанинг маъзини чақиш учун узоқ, ўтмиш тарихига назар ташламоқ ва у билан боғлиқ бўлган «Турон» сўзининг маъносини чақишга уриниб кўрмоқ лозимдир».

Географик ва элшунослик маълумотларига кўра, «Турк» сўзи ҳозирги кунларда ҳам ғоят катта ижтимоий-сиёсий тушунчани ўз ичига олади. Туркий халқлар географик жиҳатдан Тинч океани соҳилларидан то Эгей ва Адриатика денгизларигача, яна Шимолий муз океани соҳилларидан то Ҳинд океани қирғоқларигача бўлган ғоят улкан ҳудудда тарқалган. Туркий халқлар жаҳон аҳолиси нуфузининг 120 миллионини ташкил этадики, бу халқ ўз номи, авлодаждодлари, иқтидорли, жасоратли ва матонатли халқ эканлиги билан фахру шуурга тўлади.

Олимларнинг берган маълумотларига қараганда, қадим туркийзабон халқ хитой ёдномаларида милoddан аввалги 1756 йилдан тилга олинган, бу халқ ўзини «хун» деб атаган. Уларнинг тили асли туркий бўлса ҳам, ўзларини «хунлар» деб аташган. Олим Ашраф Аҳмедовнинг маълумот беришича, «турк» сўзи халқ номи сифатида милодий V асрдан эътиборан учрайди. Ўрта Осиёдаги Хун давлати V асрнинг ярмига келиб парчаланиб кетади, лекин унинг катта бўлмаган бир қисми ўз тасарруфига қисман мўғул ва

хитой муҳожирларини бирлаштиради, аҳолиси ҳеч қандай давлат ва ҳукмронликка бўйсунмай кўчманчилик билан ҳаёт кечиради.

Птолемей (милодий I—II асрлар) нинг «География» асарида келтирилган маълумотларга кўра, милоддан аввалги I минг йилликнинг охири ва милоднинг бошларидаёқ хунларнинг яна бир йирик тоифалари ҳозирги Марказий Осиё ерлари, Волга ва Дон бўйларига ёйилганлар, улар ҳам туркийзабон бўлсалар-да, ўзларини турк деб атамас эдилар. Ашин давлатининг чегара ҳудудлари ғарбга кенгайиб борган сари ўша хунларнинг қолган-қутганлари туркларга қўшилиб, тез орада Тинч океанидан то Қора денгизгача бўлган ерларда Буюк Турк хоқонлиги вужудга келади. «Авесто» китобида таъбир этилишича, Эроннинг шимолидаги барча ерлар асосан турклар истиқомат қиладиган ватан бўлиб қолади. Бу ҳудудлар форсчада турли замонларда *Турон*, *Туркистон*, баъзан *Туристон* деб аталиб келинди.

Авлод-аждодларимизнинг туркийзабон халқ бўлиб, жуда катта ҳудудларда ҳаёт кечирганликлари тарих зарварақларига ўчмас қилиб ёзиб қўйилган. Беш-олти аср илгариги даврга назар ташласак, Амир Темур бобомиз ва унинг авлодлари замонларида Турон деб ҳозирги Мўғулистоннинг шарқий ҳудудларидан то Днепргача бўлган ерлар тушуниланган. Шунингдек у даврда Турон Ғарбий Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Ироқ, Туркия, қисман Сурия, Жанубий Россияни ҳам қамраб олган эди.

«Хулоса қилиб айтиш мумкинки, — деб ёзади олим Ашраф Аҳмедов, — Туркистон деб асосан Ўрта Осиё тушуниланган бўлса, Турон деб энг тор маънода шу ерларнинг ўзи ва кенг маънода умуман туркларнинг, яъни туркларнинг тасарруфидаги ерлар тушуниланган. Бу ерларнинг ҳудуди турли даврларда ўзгариб турган».

Мана шулардан хулоса чиқариб, она-Ватанимизнинг кўҳна тарихи, тарихий чиройли номи буюк аждодларимиз истеъдоди ва матонати билан шуҳрат топганини фахр билан эслаймиз.

## ОНА ТИЛИМ—ВАТАНИМ РАМЗИ

Инсон тафаккурининг олтин меваси — одамлараро ўй-фикрларнинг алмашиш воситаси бўлган тилдир. Тил — миллатнинг борлигини, қудратини, насл-насабини англатади. Тил борки — миллат бор, миллат борки — Ватан бор. Тили йўқ миллатнинг ўзи йўқ ўзи бўлганда ҳам ватани йўқ.

Ватан ҳам тил билан ифодаланади. «Она юртим», «она ватаним», «она тупроқ», «ота юрт», «муқаддас замин», «Момо Ер» каби иборалар тил воситаси билан ифода этилади. «Ватан тупроғи», «Ватан ҳудуди», «Ватан чегараси», «Ватан муҳаббати», «Ватан адабиёти», «Ватан тарихи», «Ватан истиқболи» деган туйғулар тил билан таъриф этилиб, юракка жо-бажо этилади.

Ватан сарҳадидаги заррадан тортиб, барча ноз-неъматларгача, ҳамма-ҳаммаси она тили билан номланади. Ҳар бир миллат ўз она тилисини жондан севади ва она тилисида бутун вужуди яйраб, ҳур ва эркин гаплашади. Бегона бир юртда ўз тилдош кишисини учратиб қолган одам, ўша миллатдоши ким бўлишидан қатъи назар, севинч билан, худди бахт билан юзма-юз келгандек яйраб суҳбатлашади. Миллат тили қондошлик ва ватандошлик рамзи бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам «она тили — она ватаним тимсоли» дейишга ҳақлимиз. Ҳар бир миллат ўз она тилисини ва ватанини улуғлашга ҳақлидир. «Улуғ тил», «улуғ эл», «улуғ Ватан» бўлиши керак, лекин «паст тил», «майда миллат», «заиф ватан» тушунчалари билан бошқа тил соҳиблари ва уларнинг ватанларини камситмаслик лозим. Дунёдаги ҳамма тиллар ва бу тилларда сўзлашувчи халқлар ҳам, уларнинг ватанлари ҳам ўзларидек улуғ, азиз ва мўътабардир.

Шулардан хулоса чиқарганимизда, она тили она-Ватан билан барабар муқаддасдир. Кимда-ким ўз она тилисини жони-жаҳони билан севса, уни қанчалар асраб-авайласа ва улуғласа, у инсон она-Ватанини шунчалар улуғлаган бўлади.



Ўзбек халқининг тил тарихи жуда узоқ, даврларга бориб тақаладики, бу ҳақда кўпдан-кўп ёднома маълумотлар бор. Туркий халқлар она тилисининг замини руний ёзувлари замонидан келаётганини тарих акс-садолари хабар беради. Филология фанлари доктори, таниқли олим Насимхон Раҳмонов «Битиклар шаҳодати» мақоласида бундай деб ёзади: «VI—VIII асрлардаги битиклар милоддан аввалги ёзувлар заминида такомиллашган. Зотан, ҳар қандай ёзувнинг юзага келиши узоқ асрлар маҳсулидир.

Ўрта Осиё халқлари, умуман, туркий халқларнинг қадимий ёзувларига назар ташлайдиган бўлсак улар хилма-хил, айна пайтда мураккаб жараёнларни босиб ўтган. Туркий халқлар тарихида милоддан аввалги асрлардан бошлаб қўллана бошлаган куфий, сўғд туркун (ўрхун-энасой), уйғур, моний ёзувлари эндиликда кўпчиликка маълум...

...Қадимги туркий битикларнинг энг йирик намуналари *Кул тигин (731)*, *Билга хоқон (734)*, *Тунюқуқ (716)* битикларидир. Умуман, ҳудудгача топилган барча битиктошлар уч юзга яқин. Бугунги кунда ҳам Сибирь, Мўғулистон ва бошқа жойлардан битиктошлар топилмоқда. Чунки туркий халқларнинг илк ватани Ўрта Осиёда, умуман Манжуриядан тортиб Қора денгиз соҳилларигача бўлган ерларни ўз ичига олган эди».

Муаррихларнинг илмий-тадқиқотларидан яна шу нарса маълумки, бундан тўрт минг йил илгари яратилган ва қадимги туркий тил билан бевосита алоқадор Шумер михатлари XIX асргача фанга маълум эмас эди. Худди шу сингари битиктошларнинг тақдири ҳам XIX асрнинг охиригача пинҳон тутилди. Бир неча минг йиллар давомида шаклланган туркий ёзувлар XX асрга келиб дунёга маълуму машҳур бўлди. Туркий битиктошларни тарғиб қилиш ва халқимизнинг бу ноёб маданий меросини сақлаб катта илм-фанга киритишда Қозоқбой Маҳмудов, Насимхон Раҳмонов ва бошқа фидойи олимларимиз бутун куч-ғайратларини сарфламоқдалар.

Араб халқ ўз тили ва билимини маҳкам тутмас экан, бошқаларга қарам бўлиб, қулга айланиши битиктошларда ҳам аниқ баён қилинганлигининг гувоҳи бўламиз, мамлакатнинг гуллаб-яшнаши халқнинг яктанлигига, билим ва заковатига боғлиқ. Насимхон Раҳмонов шу ҳақдаги маълумотни келтиради. Йўллиғтигин турк халқи бошига туш-

ган фожиаларнинг натижасини Билгахоқон тилидан қуйидагича тасвирлайди: «Табғач ҳақида бек бўладиган ўғил боласи қул бўлди, хонзода бўладиган қиз боласи чўри бўлди. Турк беклари туркча отини ташлаб, табғач бекларининг табғачча отини қабул қилиб, табғач хоқонига қарам бўлди».

Мана шу тарихдан сабоқ олиб айтиш керакки, қайси халқ эркини, тилини, тарихини унутиб, босқинчи халққа тақлид қилиб ҳаёт кечирар экан, тилидан, ватанидан, сўнг озодлигидан айрилади ва қул бўлади.

**Тарих** — бу боболаримиз ўтмиши бўлиб доимий сабоқ беради. Тил эса бугун бир миллатнинг ўзлигидирки, уни билмоқ, уни асрамоқ, уни тоза сақламоқ ўзликни англашдир. Туркий қавмларнинг ўша VI асрдан, яъни Турк хоқонлиги давридан бир туғ (байроқ) остига бирлашиши, давлат ва миллат номини олиши ажойиб тарихимиздир.

XII асрда яшаб ўтган форс тарихчиси Муҳаммад ибн Мансур Марваррудий ўзининг туркларнинг ёзувлари ҳақидаги «Тарихи Муборакшоҳ» асарида қуйидаги маълумотларни келтиради: «Туркларнинг ёзувлари бор эди: улар сеҳру афсунни ва осмон ёриткичларининг сирларини яхши билишарди, болаларини хат-саводга ўргатишарди. Уларда икки хил ёзув бор эди: сўғдча ва тўғуз-ўғ узча. Сўғдчада йигирма бешга яқин ҳарф бўлиб, «зод», «зо» ва «ғайн» ҳарфлари йўқ, ўнгдан чапга қараб ёзадилар, аммо ҳарфлар бир-бирлари билан боғланмайди. Тўғуз-ўғуз ёзуви йигирма саккиз ҳарфдан иборат, ўнгдан чапга ёзадилар»

Қаранг, авлод-аждодаларимиз минг йиллар муқаддам ўз тарихлари давомида она туркий тилида ҳарфлар, алифболар, ёзувлар илмини яратганлар, болалари хат-саводли бўлиши учун билим берганлар, шу тариқа тарихни, ҳаёт ва яшаш сирларини ўрганганлар, уларни биз авлодларга мерос қилиб қолдирганлар..

Ўзбек халқининг буюк саркарда бобоси Амир Темур зиммасига халқимизнинг тарих саҳнасидаги ўрнини асослаб бериш тушган бўлса, маънавий-маърифий заминини белгилаб бериш улуғ бобомиз Алишер Навоийга насиб этдики, буни беш-олти асрлик тарих ёрқин кўрсатиб ту-

рибди. Амир Темур бобомизнинг Туркистон ва умуман жаҳон тарихида юксалишлар қилиб, она-Ватанни нақадар юксакликларга кўтарганлигини алоҳида бобда зикр эта-миз. Қуйида эса, мавзу нуқтаи назаридан, Мир Алишер Навоий бобомизнинг ўзбек тилининг асосчиси эканлиги ҳақида қисқача тўхталамиз.

Навоий бобомиз ўзбек тили мавқеини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан барқарор этдиларки, бу тилнинг ни-маларга қодирлиги намоён бўлди. У ўзбек тилида нафақат бадиий асарлар, балки ўткир илмий асарлар ҳам яратиш мумкинлигини исботлаб берди. Навоий соф ўзбек тилида шундай ноёб асарлар яратдики, бу асарлар бутун ўзбек халқининг дунё хазиналаридан ҳам қимматли бойлигига айланди. Навоийнинг барча бадиий асарларини, шоҳ аса-ри «Хамса»ни, «Хазойинул-маоний» девонларини шу тилда яратиши ўз эътиқодига садоқатининг рамзи бўлди. Наво-ий ўзбек тилини камситган кимсаларга ўзининг «Муҳо-каматул-луғатайн» асарида ўткир тафаккур билан жавоб бериб, она тилимизни улуғлади. У ўзбек тилини, яъни «турк илдизини» ўн саккиз минг оламдан, тўққиз осмондан, дурлар тўла хазинадан зиёда кўрдикки, бу доҳиёна башо-ратдир. Мана, ўша ўзбек тилига берилган Навоийнинг ба-ҳоси: «Турк алфозидаги мулоҳазани лозим кўрулди — ола-ме назарга келди, — ўн саккиз минг оламдан ортуқ, тўққиз фалақдан ортуқ; анда фазл ва рифъат: маҳзана учради — дурлари каво каб гавҳарларидан равшанроқ; ва гулшане йўлиқти, гуллари сипеҳр ахтаридан дурахшандароқ; ҳари-ми атрофи эл оёғи етмақдин масун ва ажноси ғаройиби ғайрилиги тегмақдин маъмун».

Навоийшунос ва тилшунос олимларимиз эътироф эта-диларки, ҳеч ким туркий тилни, шу жумладан ўзбек ти-лини бу қадар юксак таъриф ва тавсиф қилмаган. Навоий бобомиз Султон Ҳусайн Бойқаро билан ҳокимиятни бош-қарган пайтларда туркийзабон ҳақида султоннинг махсус фармонини чиқартиришга ва уни тарғиб қилишга муяссар бўлганки, бу тарихий ёдномаларда қайд этилган.

Ўзбек тили қадимда туркийзабон атамасида юритилган-ки, буни «туркона шеър», «туркона ибора», «туркона ус-

луб» деган ибораларда учратамиз. «Туркона» сўзи — «содда», «оддий», «гўзал», «туркларча», яъни «ҳақиқий ўзбекча» маъноларини англатади. Навоий ўзининг «Мажолис ун-нафоис» асарида бир қанча шоирларнинг туркона шеърларини мақтайди, ўзининг асарларида эса туркона — соф ўзбекча байтлар минг-минглаб учрайди. Мисол тариқасида «Фарҳод ва Ширин» достонидан сатрлар келтирамиз. Достон сўнггида Баҳром Фарҳоднинг душманларини енгиб унинг қабри бошига келгач, ўз дарду аламларини қуйидагича хитоб қилади:

...Кўзум чиқсун сени кўргунча мундоқ,  
Кесилсун тил, сени сургунча мундоқ,  
Нелар келмуш бошинга ғурбат ичра?  
Не ғурбатлар чекибсан шиддат ичра?

Ҳар бир ўзбек бу сатрларни ўқиганда ҳаяжонланмай иложи йўқ! Ёки бобомизнинг наинки Ўрта Осиё, балки дунёга машҳур бўлиб кетган мана бу ҳикматона байти соф турконаки, у бир ўқишда қалбга жо этилади:

Одами эрсанг демагил одами,  
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.

Мана шундай содда ва гўзал, маъноси чинор каби улкан ва серилдиз сатрлар ҳар бир туркийзабон учун ёқимли ва тушунарлидир. Лекин биз кейинги даврларда меросимизга ўта бефарқ бўлиб, миллий хусусиятларимиздаги жозибаларни йўқотиб қўйдик.

Очиқ гап, халқимизнинг маълум бир тоифасида ўта мутелик, тақлидчилик, ҳатто хоинлик иллатлари бор эдики, бу халқ бошига кўпдан-кўп фожиаларни, ҳеч ўнглаб бўлмайдиган асоратларни солди. Шон-шуҳрат ва доврўф қозонишга ўта мойил кимсалар босқинчиларнинг ҳар соҳада малайи-фидойисига айланиб, урф-одатларимизни кунпая-кун қилишда «баракали» ҳисса қўшдилар. Бу нафс бандалари чет сўзларни ва атамаларни тилимизга зўрлаб киритишда тил қонунларимизни буздилар, ҳарф-алифболаримизни ўзгартирдилар. «Қизил салтанат» ўн йиллар да-

вомида киши билмас тарзда руслаштириш, байналмилаллаштириш ниқоби остида она тилимизга ва ажойиб миллий урф-одатларимизга оғир путур етказди, натижада ўзбекчилигимизни тўлалигича сақлаб қололмадик. Миллий кийим-кечакларимиз аста-секин йўқотилиб, европача — гуё маданий кийиниш расм бўлди. Алишер Навоий бобомиз: «Ўзбагим бошида қалпоқ, эгнида ширдоғи — бас».. деб ёзган эди. -Улуғ шоиримиз ўз халқини миллий кийимда, яъни «бошида қалпоғи» ва «эгнида ширдоғи» (юпқа устки кийим) сиз тасаввур эта олмаган. Сўнгги пайтда баъзан атлас ва дўппи унча-мунча кийилганини ҳисобга олмаганда, ҳамма миллий кийимларимиз истеъмолдан чиқарилиб, европача кийимлар кийиш оммавий тус олди. Ўша қатағон йиллари бирор раҳбаримизнинг (Йўлдош Охунбобоевдан ташқари) миллий тўн, кийим-кечак кийиб юрганини ҳеч ким кўрмаган. 1955 йили Ҳиндистон Бош вазири Жавоҳарлал Неру республикамизда меҳмон бўлиб турганида Тошкент вилоятидаги бир жамоада унга дўппи ва тўн кийдирганлар. Тўн кийдираётган одам ўзича фахр билан:

— Бу — бизнинг миллий кийимимиз! — деган. Шу пайт Жавоҳарлал Неру унга:

— Ундай бўлса нега ўзларингиз бундай дўппи кийиб юрмайсизлар? Кийим уни кийиб юргандагина миллий бўлади, — деган ва совғани кийдираётган кимсани ўта мулзам қилган экан.

Биз миллий урф-одатларимизни анчайин йўқотдикки, эндиликда бу фожиаларни ўнглаш бир оз оғир кечади.

Миллий кийим-кечак ва баъзи унутилмас, яхши анъаналаримизнинг вақт-соати билан тикланишига шубҳа йўқ. Лекин она тилимиз билан миллий маданият, она табиатимиздаги йўқотишларни ўз ўрнига келтиришга бир-икки авлод умри керак бўлади.

Тилимиздаги оддий, самимий дўстим, биродарим, қардошим, орқадошим сўзлари ўрнига — ўртоқ (товаришга тўғри келса керак) ни кўп қўллайдиган бўлдик, чиройли

сўзларимиз ўрнига қўпол ибораларни алмаштирдик. Бобокалон шоиримиз Навоийнинг, ҳатто шу аср бошида яшаган шоирларимиз Фурқат ва Муқимийларнинг, мумтоз адабиётимиз намояндаларининг асарларини ўқиб тушунмайдиган, уларни изоҳ, шарҳ ва луғатлар билан мутолаа қиладиган бўлиб қолдик. Бу миллат учун нақадар оғир кўргилик!

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, дунёнинг қайси халқи ўз она тилини бузса, миллий урф-одатларидан маҳрум этилиб борса, бунинг устига тарихини унутса, бундай халқ таназзулга учраши аниқ! Бу аччиқ тарих сабоғидир. Она тилимизни асраб-авайламас эканмиз, Ватан биздан рози бўлмайди. Тилни сақламоқ учун унинг асоси бўлган ёзувимизни мустаҳкам ва ўзгармайдиган ҳолга келтиришимиз керак.

Тарих яна шоҳидлик берадики, туркий халқлар, жумладан ўзбек аждодларимизнинг ёзуви аслида ўрхун-энасой ёзувлари бўлган. Милоддан аввалги IV аср (ҳозир бизга маълум бўлгани)дан то милоднинг VIII асригача—араблар Осиёни забт этгунига қадар ота-боболаримиз ана шу ёзувдан фойдаланишган. Олимларнинг барча берган маълумотича, шу пайтгача қўлланилган ёзувлар орасида ҳеч қайси ёзув урхун-энасой ёзувичалик туркий тилнинг товуш таркибини тўлиқ ифодалай олган эмас, бу масалада ҳам аждодларимиздан сабоқ олишимиз лозим. Тинч океанидан тортиб ҳозирги Украинагача бўлган ҳудудларда ўрхун-энасой ёзувининг қўлланилгани бежиз эмас. Византия, Хитой, Ҳиндистон билан ўрнатилган дипломатик алоқаларда ушбу ёзувдан фойдаланилганлиги ҳам бежиз эмас. Япония ва Корея мамлакатлари минг йиллар давомида ўз ёзувидан кечмагани, ўзгартирмагани уларнинг жаҳонда ҳар соҳада илғор ўринни эгаллаб келаётганлигига омилдирки, бундан ҳам сабоқ олсак арзийди. Бизда эса кимларнингдир фикри билан уларга осон бўлсин учун ёзувимизни ўзгартиравериш кўп маънавий-моддий қийинчиликларга ва оғир таназзулларга сабаб бўлди!

## ОЛТИН БЕШИКДА ТУФИЛГАН МУҲАББАТ

*Жоним Ватан, таним Ватан, кўзим Ватан,  
Эсдан чиқар они кўргоч кўргон ерим.*

Сидқий Хондайлиқий.

Дунёда шундай бир меҳру муҳаббат борки, уни ҳеч нарсага, ҳатто энг олий муҳаббатларга ҳам тенглаштириб бўлмайди. Бу олий муҳаббат фақат олий зотлар — она ва ота муҳаббатига қиёсланиб, шу йўсинда яна ҳам мўътабар этилади. «Она-Ватан» ёки «Ота юрт» деб улуғ зотлар номи билан Ватан севгиси ифодаланади.

Ватан — инсоннинг олтин бешиги, шу бешикда она ва отамиз меҳри билан улғайиб камол топамиз ва ўсиб-унгач Ватанимизга муҳаббат боғлаймиз. Минг йиллар давомида қанчалар фарзандларини вояга етказган она замин аждодларимизга она бўлган, бизга ҳам онадир ва келажак авлодларимизга она бўлажак!

Инсон дунёга келиб, кўз очиб кўргани Ватандир, шу Ватан у инсон учун бир умрлик гўшадир, бешиги шу замин устида тебраниб, шу замин осмонидан нафас олгандир. Шунинг учун унинг қалбида бу Ватан бир умрлик ёдгордир. Киндик қони шу замин тупроғига тўкилганки, бир умр шу қон шу она Ерга тортиб турадир, Ватанга меҳр-муҳаббат ана шундай туғиладир. Жаноби пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоху алайҳи васаллам: «Хуббул-ватани минал имони» дебдилар, яъни «Ватанни севмоқ — иймондандир».

«Хуббул-ватани минал имони» — ажойиб калима! Хўш, бу мўътабар иборанинг маъно-мантиғи нима? Зариф ва зукко кишилар бу калимага шунчаки «бир гап» деб қарамайдилар. Зеро, бу иборанинг туб маъзида жуда табарруқ фоя — тафаккур яширинган..

Ватанга муҳаббат она қорни — гўдакнинг биринчи қароргоҳи, яъни ватанида она қони билан ўтади, сўнг она сути билан бутун аъзои-танига жон билан киради. Бу туйғу кейинчалик она алласи, ота-она тарбияси, катталар наси-

ҳат-ибрати билан камол топади. Ватан инсон боласини фарзандим, асал-қандим, ҳаётим гултожиси деб эъзозлайди.

Ватанни севиш иймондан эканлигига она табиатдан ва илоҳий куч-қудратдан сабаб-натижа излаб қарамоқ керак. Ватан ватанли ҳар бир инсонга олий бир насибадир. Ватан илоҳий неъматдир. Она-отанинг фарзандга меҳру муҳаббати илоҳий бўлгани каби ҳар бир инсон боласининг она Ерга, туғилиб ўсган ватанига муҳаббат туйғуси ҳам илоҳий неъматдир.

Илоҳий неъматлар — соф юракларда, пок иймонларда, тоза ва эзгу ният-тилақларда бўлади. Пок иймонли киши она-Ватанини пок иймони билан севадики, у бу туйғуни бир умр муқаддас билади ва бутун ҳаёти давомида эъзозлаб ўтади.

«Ватанни севмоқ — иймондандир» калимасининг маъно-мантиғи шу қадар улканки, уни жону иймондек севиш, унга жон фидо этишдан тортиб, жондан азиз тутмоқ, кўз қорачиғидек асрамоқ, вафо қилмоқ, ҳимоя этмоқ, чанг-гардидан тортиб, номигача азиз билмоқ... каби чексиз аъмолларни ўз ичига оладикки, бунинг ҳаммасини таъриф-тавсиф этмоқ мушкул илмдир, қудрат ҳад-худуди чексиздир.

Она-Ватанга муҳаббат туйғуси Одам Ато ва Момо Ҳаводан ёдгорки, улар Она Ерда ўсиб-улғайганлар, шу заминда уй-жой, оила, фарзанд тутганлар. Қадимий турк даврига оид Ўрхун-Энасой даврига мансуб битиктошлардаги ёзувларда Ватан ҳақида ажойиб ёдномалар битилган. Бу борада таниқли олим Насимхон Раҳмоновнинг илмий тадқиқотларида қизиқарли маълумотларни ўқиймиз. Култигин битиғида мана бу калима ёзилган:

«Юқорида кўк осмон, остида қора ер, иккисининг ўрта-сида инсон болалари яратилган. Инсон болалари устидан ота-бобом Бумин хоқон Истами хоқон ўрнашганлар, ўрнашиб турк халқининг давлатини, қонун-қоидаларини бошқарганлар».

Олим авлод-аждодларимизда Ватан туйғуси юксак даражада бўлганлигини атрофлича тадқиқ этади. Иккинчи



туркий хоқонлигининг асосчиси Элтаришнинг ўгли Билга хоқонда Ватан туйғуси шу даражада юксакки, у туркий халқининг ватани абадий бўлишини истайди ва шу мақсад йўлида мардона курашади, самимийлик билан ёлғонни фарқлай билишни халқига қатъий ўқтиради. Битикларда мана бу ҳикматона фикрларни ўқиймиз:

«Эй турк халқи, тўқис ишонувчансан, самимий, носамимийни ажратмайсан, ким қаттик гапирса, самимийни ҳам танитайсан, ўшандайлигинг учун тарбият қилган хоқонингнинг сўзини олмайин, қаерга кетдинг, у ерлардан бутунлай ғойиб бўлдинг, ном-нишонсиз кетдинг, ўша ерда қолганигда ҳар ерда ўлиб-тирилиб юрган эдинг».

Ёлғон-яшиққа алданган, она ерини ташлаб кетган халқ хор-зор бўлиши бу битикларда ёрқин ифодасини топган. Насимхон Раҳмонов бу фикрларра якун ясаб, «Билга хоқон истеъдодли хоқон бўлгани учун дарбадар халқни бир ерга тўплади. У хоқон бўлиб ўтиргач, йўқликка юз тутган қашшоқ халқни яхшилаб оёққа турғизди, қашшоқ халқни бой қилди, оз халқни кўпайтирди, деб ёзади. Билга хоқоннинг она-Ватанига, она халқига муҳаббати бутун авлод-аждоғларга ҳикмат-ибратдир.

Ватанни севиш — эл-юртни, унинг бутун табиатини, урф-одатларини, ўзига хос хусусият-хосиятларини жондилдан яхши кўрмоқдир. Аллоҳ бизга иноят этган бутун коиноту, бутун Ер шари умумий гўшамиздир, лекин шу буюк сайёрада туғилиб ўсган, момо-боболаримиз хоки ётган ер она-Ватанимиздир. Ана шу она-Ватан бизни доим ўзига тортиб, маҳлиё этиб туради. «Бутун дунё — менинг Ватаним!» деб ҳайқирик солмоқ, «Ватанимни жондан севаман!» деб хитоб қилиб, уни оёқ ости этмоқ ва хоинлик кўчасига кирмоқ она-Ватанга меҳр-муҳаббат бўлолмайди. Мана шу ғоядан келиб чиқиб айтганда ҳам Ватанни севоқлик чинакамига иймондан бўлмоғи керакки, яна қайта айтаемиз, бунинг маъноси ғоят терандир.

Шу ўринда мумтоз шоиримиз Камол Хўжандийнинг бир байтини келтираемиз:

Хоки пойингиз кўзимга тўтиё,  
Айб эмас, дўстлар, ватандин келдингиз.

Ватандан келган одамлар оёғининг чангини кўзга тўтиё этиш орқали шоир Ватан соғинчи ва унга улуғ меҳру муҳаббатини изҳор этмоқда, дўстларига ватан тупроғини оёқларида олиб келганидан шодланиб хитоб қилмоқда. Яна Камол Хўжандий Ватан ҳақидаги бир байтида бундай дейди:

Сарсон дилра беҳиштдин ҳам кўчанг яхши,  
Ғариб қушра гулистондин ватан яхши.

Ватандан жудо бўлган кишига жаннатдан кўра ҳам ватаннинг ўша оддий кўчаси яхши, ғариб қушга эса яшнган ўша гулистондан қандай бўлса ҳам ўзининг ватани афзал — севимлидир.

Дарҳақиқат, ҳар бир тирик жонга ўзи туғилган маскан севимли ватандир. Шундай бир иборани келтирамиз: бойқушнинг саҳро ёки ўрмондаги яшин урган дарахтдаги ковак уяси ўзи учун севимли ватандир.

Машҳур аллома Абдулла Авлоний ўзининг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида «Ватанни суймак» бобида шундай фикрни изҳор этадики, ундан бир қанча кўчирмаларни ибрат учун қуйида баён қиламиз:

«Ватан. Ҳар бир кишининг туғулуб ўсган шаҳар ва мамлакати шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғулган, ўсган ерини жонидан ортиқ суяр» Ҳатто бу ватан ҳисситуйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз ватанидан — уюридан айрилса, ўз еридаги каби роҳатда яшамас, маишати талх бўлуб, ҳар вақт дилининг бир гўшасида ўз ватанининг муҳаббати турар».

Чиндан ҳам инсон—олий ақл эгаси у ёқда турсин, ҳатто «ақл»сиз ҳайвон ўз туғилган еридан бошқа жойда роҳат қилиб яшамайди, мушук ёки ит эгаси томонидан ҳар қанча узоқ жойларга олиб борилиб, адаштирилганда ҳам ўша мушук ёки кучук туғилган жойига — яшаётган оиласига машаққатлар билан йўл топиб қайтиб келишини қандай

изоҳлаш мумкин. Демак, ҳайвонларда ҳам яшайдиган гўшаси, — «ватани»га меҳр туйғуси кучли экан-да. Куруқликдаги жуда кўп ҳайвонот, ҳатто учар қушларнинг узоқ-узоқ масофаларга кетиб, йил ўтиб яна туғилган жойларига қайтиб келишлари ҳам сирли оламнинг мўъжизали синоатидир. Яна бир ажойибот: лосось деган балиқ умрининг сўнггида денгизу дарёлардан, тошу тўғонлардан ўтиб ўзи туғилган кичиккина ўзанга қайтиб келаркан.

**Ватан** — туғилиб ўсган жой ана шундай табаррукки, уни ҳар бир тирик жон жондан севади.

— «Биз туркистонликлар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ суйганимиз каби араблар Арабистонларини, қумлик, иссиқ чўлларини, эскимуслар шимол тарафларини, энг совуқ қор ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёда суярлар, — деб ёзади Абдулла Авлоний. — Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларини ташлаб ҳижрат қилурлар эди».

Алломанинг мана шу қимматли зикрларидан маълум бўладики, ҳар бир эл-элатга Аллоҳ таоло яшаш гўшани мослаб-хослаб неъмат қилиб берган. Шимолнинг қаҳратон совуқларига ўрганган жануб жазирамасида, жанубнинг кўёшга ўрганган бандаси шимолнинг қаҳратон совуғида кўникиб яшаши қийин. Ҳар кимнинг Аллоҳ ато этган яшаш гўшаси бор.

Ярим аср муқаддам она-Ватанидан қувғин қилинган Қрим татарлари ва месхети турклари имкон бўлиши билан ёппасига она-Ватанларига ошиқиб, жаннатмакон Ўзбекистондаги уй-жойларини ташлаб кетишларини ҳам она-Ватан муҳаббати билан боғлаш керак. Инсон қалбида Ватанни севишдек покиза ният бўлса, ҳар қандай қийинчиликни бўйнига олиб, туғилиб ўсган жойига интилади ва уни «Жоним Ватаним!» деб гардини «кўзига тўтиё» қилади. Зеро, ҳар бир халқ ватанида ҳақиқий миллий маданиятини яратади ва бойлигини оширади.

Ҳар бир инсон ўз халқини севиши табиий, — деб ёзади шоир ва тарихчи Хуршид Даврон—Ҳамма замонларда босқинчилар ва уларнинг маҳаллий малайлари илғор ки-

шиларга «миллатчи» деб айб тақаб келишган. Бироқ, ҳамма вақт одам қайда яшамасин — Нил бўйидами, Фудзияма пойидами ёхуд Саҳрои Кабирдами у ўз ерини, ўз элини, ўз тилини, ўз эркини ҳимоя қилган. Мисрлик учун Нил бўйида ўсган қамиш, япон учун Фудзияма шамоли, хабаш учун саҳродаги калтакесак ҳам кўнгилга яқин.»

Инсон ватанини нима учун севади? Агар инсон ватанини фақат бойликларининг кўплиги учун сева, бу одамнинг муҳаббати чинакам эмас, сохтадир. Ватанда элни, тилни, урф-одатларни, диёрнинг барча табиат кўринишларини, унинг чанги, суви, ҳавоси, осмони, тупроғи ва иқлимигача жон-дилдан севилса, ҳаммаси ардоқланса ва ёмон кўзлардан ҳимоя этилса, у Ватанга чинакам муҳаббат бўлади. Севимли шоиримиз Абдулла Орипов «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» шеърида Ватан муҳаббатининг асли нима эканлигига ғоят чуқур маънода жавоб беради:

Мен нечун севаман Ўзбекистонни  
Тупроғин кўзимга айлаб тутиё.  
Нечун Ватан дея ёру осмонни.  
Муқаддас атайман, атайман танҳо.  
Аслида, дунёда танҳо нима бор,  
Пахта ўсмайдими ўзга элда ё?  
Ёки қуёшими севгимга сабаб?  
Ахир қуёшли, ку бутун Осиё,  
Мен нечун севаман Ўзбекистонни?  
Боғларин жаннат деб кўз-кўз этаман,  
Нечун ардоқлайман тупроғини мен  
Ўпаман: «Тупроғинг бебаҳо, Ватан»  
Аслида тупроқни одил табиат  
Тақсим айлаган-ку ер юзига тенг,  
Нечун бу тупроқ деб йиғлади Фурқат  
О, Қашқар тупроғи, қашшоқмидинг сан?!  
Хўш, нечун севаман Ўзбекистонни?  
Сабабини айтгин десалар менга,  
Шоирона, гўзал сўзлардан олдин  
Мен таъзим қиламан она халқимга

Халқим, тарих ҳукми сени агарда  
Мангу музликларга элтган бўлсайди,  
Қорликларни макон этган бўлсайдинг,  
Меҳрим бермасмидим ўша музларга?  
Ватанлар, Ватанлар, майли, гулласин,  
Боғ унсин мангулик музда ҳам, аммо  
Юртим, сени фақат бойликларинг-чун  
Севган фарзанд бўлса, кечирма асло!

Она-Ватанни севиш ҳақидаги бу оташин шеърни шарҳлаш ёки маълум бир мисра-байтларини мисол келтириб таҳлил этиш қийин. Шоир зикр этганидек, инсон боласида Ватан битта бўлади, ана шу танҳо Ватанни пок иймон билан севиш чинакам иймондандир, таъма қилиш, бирор фойдани кўзлаш, Ватанни фақат бойлиги учунгина севиш сохта муҳаббатдир. Бу худди фойдаси теккан одам билан дўст бўлиб туриб, фойдаси тегмай қолса қўл силтаб кетадиган мунофиқ банданинг хулқига ўхшаш жирканч бир ҳолатдир.

Иймон билан севилган Ватан инсон қалбида бир умр муҳрланиб қоладика, бу муқаддас туйғуни сирли-синоатли тарзда ҳар бир одам ҳаётида кўрамиз, умр сўнггида у ўз она гўшасига қайтмоқни, хоки она-Ватанида бўлмоқни истайди. «Ҳаммага маълумдирки, — деб ёзади аллома Абдулла Авлоний, — энг муқаддас диний еримиз ўлан Арабистонга боғларини, ҳовлиларини сотуб ҳижрат қилган ҳожиларимизнинг аксари яна ўз ватанларига қайтуб келурлар. Бунинг сабаби, яъни буларни тортиб келтурган қувват ўз ватанларининг, тупроқларининг меҳру муҳаббатидур»,

Ўша «энг муқаддас диний еримиз» бўлган Арабистонда маълуму машҳур бўлган Имом Исмоил Бухорий ўзга юртларда ҳар қанча яшаб, илмда ягона бўлиб, ҳар қанча эъозланса ҳам умри охишлаб қолганда она юрти Бухорога қайтиб келади, чунки Ватан меҳру муҳаббатининг ўзига тортиш қуввати иймонида мужассам эди. Ҳар бир инсон умри сўнггида ўз хилхонасида, яъни Ватанида бўлишни,

авлод-аждодлари ётган тупроққа жасади қўйилишини умид қилади. Кўпчилик ўлими олдидан васият қилиб, ўзларини «фалон жойга», яъни туғилиб ўсган ватанларига дафн этишни айтадилар, ана шундай васиятларда ибрат-ҳикмат бордир.

Машхур ўзбек адиби Абдулла Қаҳҳор Москвада бетоб ётиб сўнги кунларини кечираётганда, уни кўргани борган шоир Шухратга: «Бундоқ энгашинг, Тошкент нафасини олиб келгандирсиз», деган экан. Кейин Тошкентга олиб кетишни илтимос қилаверган, яна сўзлаб: «Кўзимни мана бундай очиб... Тошкентга кириб борай, бир яйраб нафас олай» деб илтижо қилган. Она-ватан соғинчи, уни бир кўриб яйраш армони буюк адибнинг орзуси бўлганки, бунда ҳам ватан муҳаббатининг тортиш қувватининг зўр-аъмолини кўрамыз.

Хулоса қилиб айтганда, «она-Ватан — олтин бешигим» деган нақлга амал қилганда ҳар бир инсон қалбида шу бешиқда ёнган, ёлқин олган нур бўладики, у ҳеч бир одам дилидан ҳеч қачон ўчмасин. Мана шу нур ўчмас экан, инсоннинг ҳаёт йўли нурафшон, ниятлари мунаввар, иймони пок бўлаверади.

## ЎЗИГА ТОРТАДИГАН ҚУВВАТ

Инсон руҳиятидаги ўзига тортиш қуввати ичида кучли туйғулардан бири она-Ватанга меҳру муҳаббатдир. Бунинг баъзи хислатларини юқоридаги мисолларда кўрдик. Қуйида икки тарихий воқеани келтирамиз. Машхур аллома Давлатшоҳ Самарқандий «Тазкират ушшугаро» («Шоирлар бўстони») асарида Абу Абдулло Рўдакий ҳақида сўз юритиб, қизиқ бир воқеани ҳикоя қилади. Самарқандийнинг ёзишича, устод Рўдакий сомонийлар ҳукмронлиги даврида шу сулоланинг иккинчи ҳукмдори амир Наср ибн Аҳмаднинг мухлиси ва хос надими эди. Рўдакий машхур «Калила ва Димна»ни ўзининг назмий наздига солгани учун амир Наср ибн Аҳмад унга беҳисоб инъомлар туҳфа қилган экан.

Бир куни ҳукмдор Хуросон ўлкаларини таслим қилиб, пойтахт шаҳар Ҳиротга етишгач, бу шаҳарнинг жаннатий иқлимига мафтун бўлиб қолибди. «Сарахс навбахори, Кўксор саратони, Бодғис кузидан кўнгил узолмай, нознеъматга тўла шаҳар атрофини сайр қилар, ўз пойтахти Бухоро амири хотиридан тамом кўтарилган эди, — деб ёзади Давлатшоҳ Самарқандий. — Асли бухоролик бўлган амирлару аркони давлат Ҳиротда узоқ туриб қолганларидан ранжида эдилар, (лекин) ҳеч тадбир била Амирни Бухорога қайтишга кўндирилмадилар. (Шундан сўнг) устод Рўдакийга кўпдан-кўп совғалар тортиқ қилиб, ўтиниб сўрадиларким, токи у улфатчилик пайти амирда Бухорога қайтиш шавқини уйғотсин. Бир куни амир шароб ичиб ўтириб, Бухоро неъматлари ва у жаннатий мулкнинг об-ҳавосини тилга олиб қолди».

Мана шу маълумотлардан маълум бўладики, гарчи амир Ҳиротнинг жаннатмисол иқлими табиатига таъбан маҳлиё бўлиб қолган бўлса-да, она юрти Бухоронинг об-ҳавосини кўмсайди, демак, юрт меҳру муҳаббатининг қудрати ўзига тортади. Худди шу аснода, вазиятдан фойдаланиб Рўдакий Бухоро ҳақидаги қасидасини ўқийди:

Мўлиён<sup>1</sup> бўйи буён келмоқдадир,  
Ёдга ёри меҳрибон келмоқдадир.  
Гар дағалдир анчайин омул қуми  
Лек майин ипаксимон келмоқдадир.  
Гарчи кенгдир анчайин Жайхун суви,  
От белидан безиён келмоқдадир.  
Эй, Бухоро, шод бўлў таъзимга чиқ.  
Чунки подшоҳ — меҳмон келмоқдадир.  
Ой агар бўлса амир, Бухоро — осмон,  
Ой чиқиб осмон томон келмоқдадир.  
Сарв агар бўлса амир, Бухоро — бўстон,  
Сарв бу кун бўстон томон келмоқдадир.

---

<sup>1</sup> Мўлиён — теваракли боғу бўстонлар билан ўралган Бухоронинг қадимги подшолари манзилгоҳи.

Қаранги, бу қасида амирнинг кўнглига шу қадар ёқиб тушибдики, уни эшитиб бўлиши билан этигини ҳам киймай Бухорога отланиб жўнабди. Она юртнинг тортиш қуввати шу қадар кучлики, биз ҳар биримиз туғилган еримиздан ҳар қанча узоқ кетсак ҳам, нимасидир ўзига оҳанграбодек тортиб туради.

Она-Ватаннинг биргина гиёҳи бутун она юртни эслатиши ҳақида ҳам қизиқ бир ҳикоя бор. Бу ҳикоя ҳам Бухоро амирига Мўлиён она юртни эслатганига ўхшашдир. Ривоят қилишларича, мўғул хонларидан бири Кавказ ҳудудидаги бир сўлим масканга жойлашиб олиб, шаробхўрлик билан кеча-ю кундуз кайфу сафо қилаверади, оқибатда унинг ҳукмронлигидаги давлатда бош-бошдоқлик бошланиб, ҳатто Ватан чегараларида душман кўшинлари пайдо бўлади. Хон эса ҳеч парво қилмай кайфу сафони давом эттираверади, унга бирор гап айтишга ҳеч ким ботина олмайди. Шунда хоннинг одамлари йиғилишиб, донишманд билан маслаҳатлашадилар. Мункиллаб қолган қари донишманд ўйлаб, шундай тадбир қилишини айтади:

— Бир киши хон ҳузурига ёвшан гиёҳини олиб бориб кўрсатсин.

Донишманд айтгандек тадбирни қилишади. Хон ҳузурига кирган кишининг қўлидаги оддий ёвшан гиёҳини кўради-ю, бирдан она-Ватанини эслаб йиғлаб юборади. Қаранги, томчида кўёшнинг жамоли акс этанидек, ўша оддий бир ёвшан гиёҳи хонга она юртини кўз ўнгига келтиради. Бу ҳам она-Ватан меҳру муҳаббатининг ўзига тортадиган қувватидирки, ҳеч сўзсиз илоҳий неъматдир, илоҳий неъматлар эса пок иймонда, софдил дилларда бўлади.

Она-Ватанида ватан тутолмаган буюк саркарда Заҳриддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистондек афсонавий юртда улуғ салтанатга асос солиб, бу мамлакатда мўжизакор боғлар ва ажойиб кошоналар қуради, гуллаб-яшнатади, лекин шунда ҳам она-Ватанини бир умр кўмсаб, соғинч билан ўтади. Ҳикоя қилишларича, Мовароуннаҳрдан қовун олиб борилганида Бобур кўзларига ёш олиб, Ватанини эслаган, унинг неъматларини, табиатини, миришкор ки-



шилларини назм ва насрда тараннум этган, мусофирлик ғам-андуҳларини дард билан куйлаган.

Турли сабаблар билан она-Ватанидан йироқ кетганлар ва ундан жудо бўлганлар умрлари сўнггида бола-чақа, қариндош-уруғлари ва яқин биродарларига она-Ватанини дилларида армон билан олиб кетаётганликларини афсус-надомат билан айтганлар, Ватанни севишни уни доим эъозлашни васият қилганлар. Мирзо Бобурнинг кўплаб назм ва насрларида Ватандан жудоликнинг оғир кечинмаларини, соғиниш ҳисларини ўқиймиз. Мана, Бобурнинг ғариблик ҳақидаги бир рубойиси:

Ёд этмас эмиш кишини меҳнатда киши,  
Шод этмас эмиш кўнгулни ғурбатда киши.  
Кўнглум бу ғарибликда шод ўлмади ҳеч,  
Ғурбатда севунмас эмиш, албатта киши.

Буюк Бобур ҳинд мамлакатада яшаса ҳам умрининг охиригача она юртини унутмадики, ўша ерда ўз она тили бўлмиш эски ўзбек тилида ижод этади. Бу шеърларида ўз диёрини соғиниб, кўмсаб яшаганини ифодалайди:

Кўпдан бери ким ёру диёрим йўқдир,  
Бир лаҳза-ю, бир нафас қарорим йўқдир.  
Келдим бу сари, ўз ихтиёрим бирла,  
Лекин, боруримда ихтиёрим йўқдир.

Бобурнинг ўз ватанига бўлган меҳру муҳаббати шу қадар кучли эдики, уни шоҳона салтанат ҳам, шоҳона ҳаёт ҳам сўндирилмайди, у бир умр Ватанни ўзига тортадиган азим қудратига киргитгон бўлиб яшайди.

## ХАЛҚНИНГ МУҚАДДАС ЁДНОМАСИ

Она-Ватан тарихи — халқнинг муқаддас ёдномасидир. Кимки шу ватанда яшар экан, унинг тарихини мўътабар билиб ўрганиши, дилига жо этиши керак. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, халқ тарихини фақат унинг ўқимишли, яъни зиёлиларигина эмас, ҳар бир хат-саводли ва ақли-

хуши жойида бўлган фуқароси ўрганиши, зарурий маълумотларни, тарихий воқеа-ҳодисаларни билиши шарт, ёш авлодни ҳам шундай она-Ватан тарихига муҳаббат руҳида тарбия қилмоқ керак. Чунки ҳар бир инсон боласи ўз ватанини иймон билан севар экан, авлод-аждодлар ҳаётидан ҳикмат, ибрат ва қалбига қудрат олади.

Хўш, ҳикмату ибрат ва қудрат берадиган тарихимиз нималардан иборат? Эҳ-э, агар тарихимизни чин ихлос билан ўргансак, саҳрода сувсаб қолиб, бирдан яшил ўт-ғиёҳлар ўсиб, ён-атрофини қоплаб ётган зилол чашмани топиб олгандек роҳат ҳиссига тўламыз. Ўзбек халқининг бой ва соф тарихи шу қадар улкан, ажойиб ва мўъжизаларга тўлаки, уни ўқиб-ўрганмоққа бир авлод умри етмайди.

Геродот ўзининг «Тарих» асарида Ўрта Осиё замини бир пайтлар гуллаб-яшнаган ўлка бўлганлиги ҳақида шохидлик беради. Узоқ мозийнинг тарихчиси бу қутлуғ ва муаззам ватандаги халқлар тинч ҳаёт нашидасини суриб, кенг ҳудудларда ўз қўй-қўзиларини, мол-йилқиларини боқиб, Аракс (Амударё) дан кенг ариқлар чиқариб, деҳқончилик қилиб фаровон ҳаёт яратганликларини ёзади. Авлодларимиз олтин қўллари билан ажойиб обидалар яратганларки, буларнинг ҳаммаси атроф-теварақдаги мамлакатлардаги душманларнинг ҳасад-очкўзлигини кўзғайди. Душманлар бу ватаннинг бошига қора кунларни солиш, унинг барча моддий-маданий бойликларини талон-торож қилиш мақсадида мўр-малаҳдек ёпириладилар.

Она Ўзбекистонимиз ҳудуди милоддан аввалги VI — V асрлардан эътиборан то ҳозирги мустақиллик кунларимизгача бирин-кетин эронийлар, юнон-македонлар, араблар, мўғуллар, қалмиқлар, руслар ва бошқа ажнабий босқинчи тўдалар томонидан ёвуз ниятларини амалга ошириш майдонига айлантирилди. Улар биринчи галда бойликларни таладилар. Улар халқимизни қуллик-мутелик асоратига солдилар, маданий-маърифий ёдгорликларимизни оёқ-ости қилдилар, миллий урф-одатларимизни унутишга, она тилимизни ғализлашга, динимизни ўзгартиришга ва ўзимизга хос ва мос ғояларимиздан маҳрум қилишга уриндилар.

Мана шулар ва биз фикру зикр этишга кучимиз етмаган жуда кўплаб бебаҳо бойликларимиз, она табиатимиз хази-налари душманлар қўл остига ўтди, ўша босқинчи мамла-катларнинг очкўз, ғоят ёмон нафси-аммораси аждаҳо оғзи-дек очилиб она юртимизнинг барча неъматларини бир луқ-мадек ютиб келаверди. Муқаддас диёримиз — тарихига кулоқ тутсак, мозийда авлод-аждодларимизнинг «Эрк!», «Озодлик!», «Ҳурлик!», «Мустақиллик!» дея нола чеккан-ларини ва душманлар билан мағрур-мардона жанглар қилиб курашганларини кўз ўнгимизда кўргандек бўламиз.

Келинг, яхшиси буюк тарихчилар Геродот ва Полиэн-ларнинг Ўрта Осиё халқларининг босқинчи золимларга қарши курашган авлодларимиз ҳақидаги ҳикояларини баён қилайлик. Мазкур муаррихлар «Тўмарис» ва «Широқ» ҳо-дисотларини ўз китобларида мардлик-мардоналик деб фахр билан ёзганлар. Бу ҳодисотларни бизга «афсона» деб ўқита-диларки, бу ҳам кўзбўямачилик, ҳасад ва мунофиқликдир (унутмаслик керакки, ҳатто халқ оғзаки ижоди бўлган эр-так-чўпчаклар тагида ҳам ҳақиқат ётади). Шундай экан, биз «Тўмарис» ва «Широқ» ҳодисотларини авлод-аждод-ларимиз бошдан кечирган ҳаётий, тарихий ва аниқ воқе-алар деб қарашимиз лозим. Муқаддас тарих шоҳидлик бе-радики, мана шу киндик қонимиз тўкилган она заминда яшаган бизнинг авлод-аждодлар — массагет ва шак қаби-лалари мағрур, мардона, жасур, масрур, лафзи ҳалол, вафо-садоқатли ва ғоят эрксевар бўлганлар. «Тўмарис» ҳо-дисотида Ўрта Осиё халқларининг Эрон аҳамонийлари бос-қинига қарши кураши акс эттирилган. (Қуйида «Тўмарис» ва «Широқ» ҳодисотларини «Ўзбек адабиёти дарслик-маж-муаси»дан келтирамиз. Бу ҳодисотларнинг бадий наму-наси билан атоқли ёзувчи Миркарим Осимнинг шу ном-даги қиссаларини ўқиб танишиш мумкин.)

## ТЎМАРИС

Энг қадим замонларда Амударё (Аракс) ёқаларида Ўрта Осиё аҳолисига мансуб массагетлар яшар эди. Бу даврда

уларга мархум подшонинг хотини малика Тўмарис бошчилик қилар эди. Эрон шоҳи Кир массагетларни ўзига қарам қилиш мақсадида Тўмарисга уйланмоқчи бўлиб, совчилар юборади. Лекин малика шоҳнинг асл мақсадини тушуниб, унга рад жавобини беради. Шундан сўнг Кир очиқ тажовузга ўтади ва массагетлар томон қўшин тортади. У дарёдан ўтиш учун кўприклар қурдира бошлайди. Бу хатти-ҳаракатлардан бохабар бўлган Тўмарис Кирга элчи юбориб айтади:

- Эй, шоҳ, қилаётган ишингни тўхтат, ҳали сен бошлаган ишининг қандай тугашини билмайсан-ку? Қўй, сен ўз юртингда подшоҳлик қилабер, бизни ҳам ўз ҳолимизга қўй. Лекин сен бунга кўнмайдиган кўринадан. Агар биз билан куч синашмоқчи бўлсанг, у ҳолда кўприклар қуриб овора бўлма, биз дарёдан уч кунлик йўл нарига кетамиз, сен бизнинг еримизга ўт ёки ўз юртингда учрашишни истасанг, шуни хабар қил.

Бу таклифни эшитгач, Кир аъёнларини тўплаб маслаҳат сўрайди. Уларнинг кўпчилиги Тўмариснинг чекинишини қувватлайдилар. Лекин улар ўртасида Крез исмли маслаҳатчиси шоҳга бошқача бир ҳийлани ўргатади.

— Эй, Кир, — дейди у, — агар сен ўз қўшининг қирилиб кетмасин десанг, фикримни айтаман. Агар сен уларнинг инсон эканликларини ва тақдир ҳамиша бир хил бўлавермаслигини билсанг, у ҳолда кулоқ сол! Агар биз душманни ўз еримизга ўтказсак-да, енгилсак, подшоҳлигиндан батамом айрилсан. Чунки голиб чиққан душман мамлакат ичкарасига томон интилади. Агар душман ерига ўтиб, ғалаба қилсанг олдинга интилсан, лекин уларни ҳамма ерда таъқиб қилиш даражасида енга олмайсан. Хотин кишидан енгилсанг, чидаб бўлмас номусга қоласан. Шунинг учун яхшиси, биз Тўмарис айтган ерга борайлик-да, уни енгилсак ҳаракат қилайлик. Менимча, массагетлар эронийлардай ноз-неъматнинг лаззатини билишмайди. Шунинг учун биз шаробни аямасдан, моллар сўйиб, катта зиёфат тайёрлайлик-да, яроқсиз аскарлардан бир

қисмини қолдириб, орқага қайтайлик. Сўнг ўзимизни ғалаба билан шарафлайлик.

Бу маслаҳат Кирга маъқул тушади. У Тўмарисдан чекинишни сўрайди. Кир ўғли Камбизга Крезни топшириб, агар урушдан қайтмасам, унинг маслаҳати билан шоҳлик қилсан, деб Эронга жўнайди, ўзи қўшини билан массагетлар юртига ўтади.

У ерда Кир ғалати бир туш кўради. Тушида Гиштаспнинг катта ўғли Доронинг икки елкасидан икки қанот ўсиб чиққанмиш ва бири Мағрибни, иккинчиси Машриқни тўсиб турармиш. Бу вақтларда Доро 20 ёшда бўлиб, ёш ҳисоблангани учун урушга олинмаган эди. Туш Кир юругига ғашлик солади.

У Доронинг отасини чақириб: «Ўғлинг менга қарши фитнада айбдор, Эронга қайтиб уни судраб олиб кел», дейди.

...Кир массагетлар юртига ўтгач. Крез таъкидлаганидек, зиёфат тайёрлаб, бир оз аскар қолдириб орқага чекинади.

Массагетларнинг бир қисм қўшини Тўмариснинг ўғли Спарганис бошчилигида у ерга келиб, қолдирилган аскарларини енгиб, зиёфатга машғул бўладилар. Сўнг лашкар маст бўлиб, уйқуга кетади. Шу вақт Кир ҳужумга ўтиб, массагетларнинг кўпини ўлдириб, кўпини асир олади. Асирлар орасида шаҳзода Спарганис ҳам бор эди.

Тўмарис воқеадан хабардор бўлиб, Кирга элчи юбориб айтади:

— Эй, қонхўр Кир, узум суви ёрдамида бўлган воқеадан хурсанд бўлма. Сен ўғлимни жанг майдонида эмас, найранг билан қўлга олдинг. Энди кулоқ сол, сенга яхши бир маслаҳат қиламан. Ўғлимни менга топширгин-да, қилган ишинг учун жазоланмасдан юртингга жўна, йўқса, массагетлар тангриси номи билан қасамёд қилиб айтаманки, сен очкўз юҳонинг қонга ташналигингни қондираман!

Кир бу сўзларга парво қилмайди.

Спарганис эса ўзига келгач, воқеани англаб, хижолатдан ўзини ўзи ўлдиради.

Шундан сўнг Тўмарис қўшинини тўплаб жангга отланади. Даҳшатли жанг бўлади. Унда массагетлар ғолиб келади. Тўмарис ўз сўзи устидан чиқиб, жангда ўлдирилган Кирнинг бошини кесиб, қон билан тўлдирилган мешга солади. У айтади:

— Гарчи мен жангда ҳалоллик билан енган бўлсам-да, сен маккорлик билан мени ўғлимдан жудо қилиб қайғуга солдинг. Онтимга амал қилиб сени қонга тўйдираман!

...Тарихчи Геродот томонидан ёзиб қолдирилган бу ҳодисот афсона эмас, ҳақиқат эканлигига мозий зарварақлари ҳам шоҳидлик беради. Тўмарис асли тарихий шахс бўлиб, у ҳозирги ватанимиз ҳудудида яшаган авлод-аждодларимиздан сак-массагет қабилаларининг жасур аёл ҳукмдори эди. Бу қабила Каспий денгизидан то Урал дарёсигача бўлган кенг ҳудудларда чорвачилик билан кун кечирувчи мард, жасур ва мағрур туркий қабилаларнинг авлодларидан эди. Тўмарис эса мард, аёл бўлса ҳам бир сўзли, ор-номусли, ниҳоятда шиддаткор, ўз халқи ва ватанини ҳар қандай тизгинсиз туйғуларга, мансаб-шуҳратларга алмашмайдиган доно ҳукмдор ва мардона саркарда эди. У суюкли ўғлидан жудо бўлганда ҳам иродасини қўлга олиб, маккор душман билан адолатли жанг қилади ва лафзининг устидан чиқиб мунофиқ душмани Кирнинг бошини қонли мешга солиб, қонхўрни қонга тўйдиради. Қимматли томони шундаки, она-Ватанга жон фидо қилиш инсонни улуғлайди, ҳақиқат енгади, найрангу ҳийла барибир мағлубият келтиради, деган ғоя ҳикмат-ибратдир. Кимки душман найрангига дучор бўлса ҳалок бўлади, кимки она-Ватан меҳру муҳаббатини дилига тугиб душманга қарши мардонавор курашса ғалаба қозонади, деган жуда кўпдан-кўп ибратли ғоялар бу ҳодисот мағзида сингиб ётибди.

Тарихимиздаги бу каби ибрату ҳикматга бой яна бир ҳодисот борки, у халқ қаҳрамони Широқ номи билан машҳурдир. Мана ўша воқеанинг қисқача баёни:

## ШИРОҚ

Доро қўшини билан саклар ўртасида уруш борар эди. Сак подачиларидан Широқ (ёки Сирак) оқсоқолларидан

Саксафар, Омарг (Аморг) ҳузурига келади. У Эрон қўшинини ҳийла билан ҳалок этажагини айтади, аммо подшоҳлар Широқнинг оиласига, болаларига, авлодига ғамхўрлик қилишлари шарт эди. Уларга қасам ичириб, шу ваъдани олгач, Широқ ўша ердаёқ ўзининг қулоқ-бурнини кесади, бошқа аъзоларига ҳам жароҳат еткази, сўнг саклардан Эрон қўшини томонига қочиб ўтган киши сифатида эронийлар турган жойга келади.

Широқ Дорога арз қилиб, ўзини саклардан алам кўрган киши қилиб кўрсатади. У Эрон қўшинини сакларнинг энг чекка ерларига олиб боражагини, у ерда туриб сак қўшинига тўсатдан хужум қилиб ғалаба қозонишлари мумкинлигини айтади.

Эрон қўшини бир ҳафталик озиқ-овқат олиб йўлга тушади. Қўшин ўзоқ йўл юради, озиқ-овқат ва суви тамом бўлади. Атроф сувсиз қуруқ кум ва саҳродан иборат эди. Эрон қўшини алданганини англайди. Эрон саркардаларидан бири Широқдан:

— Шундай улуғ подшоҳни алдаб, катта қўшинини бирор қудуқ бўлмаган, бирор қуш учмайдиган, бирор жонивор кўзга кўринмайдиган, на олға юриш, на ортга қайтиш мумкин бўлмаган саҳрога бошлаб келишдан мурудинг нима эди? — деб сўрайди.

Широқ: — «Ўз ватандошларимни сақлаб қолиш ва Эрон қўшинини ҳалок этиш», — деб жавоб беради.

Ботир чўпон қатл этилади, эронийлар аранг Амударё соҳилига етиб оладилар.

...Халқимизнинг жуда кўҳна тарихидан ёднома бўлиб қолган бу ҳодисотни милоддан аввалги II асрда яшаган юнон тарихчиси Полиэн «Ҳарбий ҳийлалар» асарида қисқача баён қилган. Ватанини жондан севган Широқнинг ўз жонидан кечиб душманни ҳалокатга учратиши жуда буюк қаҳрамонликдир. Биз ана шундай қаҳрамон авлодларимизнинг жасоратларидан ибрату ҳикмат олишимиз керак, бу қаҳрамонликлар оддий бир афсона эмас, чинакам воқеа, яна такрорлаймиз, бўлган воқеа, Широқ эса тарихий шахс эканлигини ҳис этмоғимиз керак. Бу воқеа-ҳодисотда Эрон

хукмдори Доро ва унинг золим лашкарбошиси Раносбат ҳам қатнашадики, демак Широқнинг қаҳрамонлиги афсона эмас, ҳақиқатдир. Босқинчилар сак-массагетларнинг бой, серҳосил ерларини ва гуллаб-яшнатган ватанларини босиб олиб, ўз нафс-аммораларини қондирмоқчи, одамларини қул қилиб ўз манфаатлари йўлида ишлатмоқчи бўлганлар. Лекин она халқини, она-Ватанини дил-жонидан севган оддий чўпон Широқ ўз жонидан кечиб, Доронинг жуда катта лашкарини сувсиз саҳрода куч-мадордан қолдириб, мағлуб этадики, буюк аждодларимизнинг бу буюк жасорати ҳикмату ибратдир.

Очиқ гап, биз ўзбеклар қадимий ва тарихий бой халқмиз-ку, лекин уни баъзан қадрлашни, ўрганишни, асраб-авайлашни, тарғиб-ташвиқот қилишни, ўша буюк авлод-аждодларимизга ҳурмат бажо этиб, руҳи-покларини эъзозлашни ўрнига қўя олмаймиз; Айтинг-чи, тарихнинг ҳамма замонларида она-Ватан ҳудудида душмандан хавф-хатар туғилганда уни жонидан ҳам ортиқ кўриб, кўксини қалқон, жонини қурбон этган ўша машҳур Широқ, Тўмарис, Спитамен, Мавлонозода, Маҳмуд Торобий, Темур Малик, Жалолоддин Мангуберди, Қурбонжон, Номоз ва бошқа юзлаб жаҳонгир-саркардаларимизнинг, ботир ўғлонларимизнинг қабр-мозорлари қаердалигини биламизми? Агар тарихнинг бешафқат қисмати уларнинг ҳоки жасадини тупроқ остига мангуга яшириб ташлаган бўлса, биз уларнинг жасорат-матонатлари ва она-Ватанимизга қилган хизматлари учун, руҳи покларини эъзозлаш учун, ҳозирги ва келажак авлодга намуна учун рамзий мақбара-ёдгорликлар ўрнатганмизми? Бизнинг садоқатимиз кўпинча тилда ва сохта «ура-ура»дан нарига ўтмади. Мустақил Ўзбекистонимизда ҳурлик куёши порладики, шояд унинг нури билан буюк қаҳрамонлар номи мунаввар этилса.

## СПИТАМЕН-СЎҒДИЁНА ҚОПЛОНИ

Турон замини шундай гўзал, фусункор ва барча ноз неъматларга бой ўлкаки, унинг жозибаси хорижий босқинчи жаҳонгирларни доим ўзига тортиб келган. Милод-



дан аввалги 334-330 йилларда катта кўшин билан Византия, Кичик Осиё, Вавилония, Месопотамия ва Эрон давлатларини босиб олган Александр Македонский (Шарқда уни Искандар Зулқарнайн деб атайдилар) 329 йилда Ўрта Осиёга ўз фотиҳлик юришларини бошлади. Турон замида у катта шуҳрат қозониб, Александр исмига кўшимча Зулқарнайн — икки шохли лақабини олади. Бу лақаб рамзий маънода бўлиб, гуё Искандар Фарбу Шарқни ўзига бўйсундиргани учун шу рамзий маъно берилган эмиш (одатда, шохли ҳайвонларнинг ҳимоя қуроли ва кучи шохларида бўлиб, Искандарни ҳам шохли дейишда унинг куч жиҳатдан қудратли эканлигига ишора бўлса керак).

Хуллас, Александр-Шарқда шохли Искандар — Зулқарнайн номини олиб, Ўрта Осиёни босиб олишга шайланади. Маҳаллий массагетлар, саклар, сўғдлар, дахлар, бақтрийлар ва қондош-қардош халқлар бу босқинчига қарши отланадилар. Она-Ватанимиз ҳудудида кўпгина халқлар, айниқса, Самарқанд (ўша пайтда Мароканд), Бухоро ва Зарафшон воҳасида яшаб турган жасур сўғд халқи юнон босқинчиларига мардона жанг билан қарши чиқадилар. Мана шу халқнинг жасур ўғлони, чинакам миллий қаҳрамони Спитамен эди. У ўз халқига оталик қилиб, милоддан аввалги 329—328 йиллар давомида жабрдийда халқини бирлаштиради ва қонхўр Искандарга зарба бера бошлади. Искандарнинг енгилмас саркардалик шуҳрат-қудрати ҳам, «икки шохли» эканлиги ҳам, маҳаллий аҳолидан 120 минг кишини қилчдан ўтказиб даҳшат солгани ҳам сўғд халқининг баҳодир ўғлони Спитаменни заррача чўчита олмайди.

Машхур ёзувчи Явдат Илёсовнинг «Сўғдиёна» тарихий романида таъкидланишича, Спитамен Искандар билан юзма-юз кўришганда ўзини ундан баланд тутса тутганки, лекин босқинчига зарра илтифот кўрсатмаган; душманни кейинчалик ҳам таъқиб этиб, ўнганмас зарбалар берган, ҳатто бир марта қуршовга ҳам туширган.

Хўш, Спитамен бундай ёвуз душманга қарши мардонвор курашишда чексиз куч-қудратни қаердан олади? У ўз она халқини, ота Ватанини жон-дилидан севарди. Мана

унинг оташин сўзлари: «Мен... ўз насл-насабимни севаман. Аммо Сўғдиёна — сизнинг ва менинг оталаримиз Ватанини, бир тилда сўзлашадиган, бир хил кўшиқларни куйлайдиган ва бир хил кийим киядиган одамлар ватанини ундан ҳам кўпроқ севаман. Шунинг учун ким Сўғдиёнани озод қилиш учун курашаётган бўлса, шулар тарафидаман».

Спитаменнинг оддий халққа қарата айтган бу сўзларида пок иймон, она-Ватанга муқаддас муҳаббат туйғуси жўш уриб турибди. Спитамен қасамига содиқ қолиб ҳеч қачон халқ ишига хиёнат қилмайди, ўз сўзига бир умр содиқ қолади, уни турли табақа ва соҳа кишилари, диндору қосибу ҳунармандлар, деҳқонлар қўллаб-қувватлаб мадад берадилар. Афсус-надоматлар бўлсинки, ҳоким ва бузургонлар унга хиёнат қиладилар. Рим муаррихи Аррианнинг ёзиб қолдирган маълумотларига қараганда, Искандарнинг қудрат-босқинидан қўрққан маҳаллий қабилаларнинг зодагонлари Спитаменни ушлаб, бошини кесиб олиб Искандарга юборган эканлар. Явдат Илёсов «Сўғдиёна» романида маҳаллий зодагон Оробанинг хоинлигини, унинг қизи Заронинг ўз эри Спитаменга хиёнатини ажойиб лавҳаларда тасвирлайди. Спитаменнинг кесилган бошини Заролтин баркашга солинган, рўмол билан ёпилган ҳолда Искандарга ўз қўли билан тутқазади.

Сўғдиёна қоплони Спитаменнинг ўлимини билгач, Искандар гўё «тинчийди», лекин буюк инсонга кўнглидан бир нидо келадики, Спитаменнинг зўрлигини тан олиб бундай дейди:

« — Биродарлар! — Искандар безовта нигоҳ билан ҳаммага қараб чиқади. — Спитамен ўлдирилди. Бу одам Сўғдиёнанинг кўрқмас ва баҳодир йигитларидан бири эди. Аммо у бизга қарши қурол кўтаргани учун жазосини олди. Унинг қанча зиён келтиргани ўзингизга маълум. Бироқ, биз икир-чикирлардан баланд бўлишимиз керак. Биз Спитаменга ўлимидан кейин Сиёвуш авлодига муносиб ҳурмат кўрсатамиз... Қоплоннинг бошини Биҳарга олиб боринглар ва уни отабоболари кўмилган тепаликка дафн этинглар».

Искандар буюк сўғд ўғлонининг жасоратини «баҳодир йигит» ва «унинг қанча зиён келтиргани»ни айтиб ифода-ламоқдаки, шундан ҳам Спитаменнинг куч-қудрати қандай бўлганлигини англаш мумкин. Агар маҳаллий зодагонлар хоинлик қилмаганда, Спитаменга улар ҳар томонлама ёрдам берганларида Искандарнинг думини тугиб жўнатиш мумкин бўларди. Қарангки, ўша узоқ ўтмишда ҳам жамиятнинг ҳукмрон қатламлари, айниқса, бой-зодагонлари орасида диёнатсиз хиёнатчилар бўлган экан. Одатда, юқори ҳукмрон табақадан, бой-зодагонлардан хоин чиқиши табиийдек туюлади, чунки улар бойликка, мансабга, шахсий роҳат-фароҳатга муккаларидан кетган бўладилар, улар халқ тинчлиги, эрки, озодлиги, мустақиллигини ўз манфаатлари йўлида сотиб юборишлари ҳеч гап эмас, улар разил мақсадлари йўлида халқни, ҳатто ота-оналари, азиз ватанини ҳам сотадилар. Спитаменга хиёнат қилган Ороба каби сотқинлар ҳам еб-ичиб, роҳат-маишатда кун ўтказиб, охири қора ерга бадном бўлиб кирдилар. Лекин жасоратли ўғлонларнинг пок номлари шу қадар улуғландики, авлодларга ибрату-ҳикмат бўлиб қолди.

Ҳар бир даврнинг ўз донолари бўладики, Спитамен йўлбошчилигидаги халқ кураши мағлубиятга учраб турган бир пайтда оддий авомдан чиққан руҳоний Тана Оксар Спитаменнинг жасоратини муқаддас деб, улуғлаб, мана бу сўзларни айтади: «...Сен Искандарга қарши мардона курашга асос қўйдинг. Сенинг номинг келажак авлодлар учун йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилади. Бир йилдан кейин юзта Спитамен чиқади, ўн йилдан кейин Спитамен мингга етади. Юз йилдан кейин ўн минглаб Спитамен бош кўтаради. Сен ташлаган битта уруғдан кўплаб, ҳадсиз-ҳисобсиз ниҳоллар туғилади. Улар ҳам янги ҳосил беради ва ниҳоят, эртами-кечми душман муносиб жазосини олади. Буюк ишлар бир зумда амалга ошиб кетмайди. Ҳужум қил! Кураш! Лозим бўлганда орқага чекин. Аммо нима учун курашаётганингни унутма»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> *Явдат Илёсов. «Сўғдиёна» (тарихий роман). «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти. Тошкент, 1994.*

Оташин бу сўзлар қадим авлод-аждодларимизнинг қалб нидоларидир. Искандар Зулқарнайндан кейин яна қанча золиму қонхўр босқинчилар она-Ватанимизга бостириб кириб, ҳоки-тупроқ қилдилар, одамларимизни қулга айлантириб, бойликларимизни талон-торож этдилар. Юқоридаги дил сўзларида айтилганидек, она диёримиздан ўнлаб, юзлаб, минглаб спитаменлар етишиб чиқди, ҳозирда ҳам бу қуёш ўлкасининг минглаб спитаменлари бор. Йлоҳим, она-Ватанимизда баҳодиру ботир, жасур ва мағрур Спитаменлар кўпаяверсин! Лекин Ороба каби маҳаллий хиёнатчи хоинлардан, айниқса, Ватанни сотадиган диёнатсизлардан ўзинг асрагин, Аллоҳим! Биз бировнинг ҳақиқа хиёнат қилиб ҳужумга отланмаймиз, душман Ватанга тумшуғини тикса янчамиз, ва нима учун курашаётганимизни биламиз.

## ТАНДИРДА ЁНГАН МУҚАННА

Она-Ватанимиз ҳудудида яшаган авлод-аждодларимиз қисмати босқинчилар ҳужуми туфайли ғоят аянчли ва фожиали бўлганлигидан тарих ёдномалари фиғон билан шохидлик беради. Ватан тақдири ҳар қандай оғир хавф-хатарларга учраганда ҳам унинг фидойи ўғлонлари эрк ва озодлик учун курашларга отланиб, халқ шон-шарафи ва Ватан истиқлоли учун жонларини аямадилар. Шундай фидокор аждодларимиздан бири араблар босқинига қарши исён кўтарган ва душманга қақшатқич зарба берган буюк халқ қаҳрамони Муқаннадир.

Ислом дини туғи остида бирлашиб, марказлашгач араб халифалик давлати ўз чегара ҳудудларини кенгайтириш мақсадида VII асрнинг иккинчи ярми ва айниқса VIII аср бошларидан эътиборан Ўрта Осиё ерларини бўйсундириш учун катта қўшин билан Турон заминига бостириб киради. Араб босқинчилари авлодларимиз ақл-заковати, истеъдоди ва пок меҳнати, машаққати билан яратилган барча моддий-маънавий бойликларни, ёдгорликларни, осори-атиқаларни таладилар, талон-торож қилдилар. Қутайба ибн Муслим бошчилигидаги араб босқинчилари маҳаллий дин,

санъат ва адабиёт аҳлини, кўплаб олимларни ҳалок этадилар.

XI асрнинг буюк алломаси Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида қаттиқ ўқинч билан араб босқинчиларининг ёвузликларини бундай ифодалайди: «Қутайба ибн Муслим Бохилий хоразмликларнинг котибларини ҳалок этиб, билимдонларини ўлдириб, китоб ва дафтарларини куйдиргани сабабли улар саводсиз қолиб ўз эҳтиёжларида ёдлаш қувватига суянадиган бўлдилар. Узоқ замон шундай бўлгач, улар ихтилоfli нарсаларни унутиб, келишиб олганларини ёдда сақлаб қолдилар».

Ҳўш, Қутайба ибн Муслим ким эди? Унинг тўлиқ исми Қутайба ибн Муслим Бохилий бўлиб, 705—715 йилларда уммавийларнинг Хуросон ва Сеистондаги ноиби бўлиб турган, У Ўрта Осиёни забт этишда араб лашкарига саркардалик қилган. Баъзи тарихий маълумотларга қараганда Қутайба ибн Муслим 715 йили Қиличмозор (ҳозирги Андижон вилояти Жалолқудуқ туман маркази яқинидаги «Пахтакор» жамоаси) деган жойда ўлдирилган.

Қутайба ибн Муслимнинг Самарқандга ҳужуми ҳақида буюк ватандошимиз Давлатшоҳ Самарқандий ўзининг «Тазкират уш-шуаро» («Шоирлар бўстони») асарида шундай бир воқеани келтиради: «...Валид ибн Абдумалик замонида Қутайба ибн Муслим Бохилий Самарқандни тўрт ой қамалда тутди, лекин уни фатҳ этишга ожизлик қилди. Кунлардан бир куни кимдир қалъа девори устидан овоз беради: «Эй, араблар, беҳуда ранж тортманг, сизлар шаҳарни ололмайсизлар!». Қутайба сўради: «Унда бу шаҳарни ким фатҳ этади?» Ўша шахс жавоб қилди: «Ҳақимлар, Муҳаммад миллати замонида бу шаҳарни исми юкли туя бўлган шахс забт эта олади, деб ҳукм чиқарганлар». Қутайба (ўзи ва қўшинига — Бўрибой Аҳмедов изоҳи) деди: «Худога шукур қил, Қутайба ва лашкар! Бу гап сизларнинг аҳволингизга тегишли экан». Ва овоз қилди: «Менинг исмим юкли туя, чунки араблар туянинг асбоб-ан-

жомини «қутиб» деб атайдилар, «қутайба» эса унинг кичиклаштирилганидир. Самарқандликлар аҳвол шу тариқа эканлигини билгач, шаҳар дарвозасини очдилар ва Самарқанд Қутайбанинг қўли билан фатҳ этилди. Бу ҳол 712—713 (ҳижрий 94) йили воқеъ бўлди».

Шу тариқа араблар Қутайба ибн Муслим бошчилигида Туронзаминни истило этиб, унинг меҳнаткаш халқи яратган барча моддий-маданий ёдгорликларни, қурилиш иншоотларини, она замин бойликларини, табиатининг гўзалликларини кўриб ҳайрат-ҳаяжонга тушадилар, кейин Турон исмини Мовароуннаҳр (икки дарё оралиғидаги диёр) деб ўз тилларига мослаб ном қўядилар.

Ажнабий араблар бу жаннатмакон ўлканинг барча бойликларини талон-торож қилиш билан чекланиб қолмай, ислом динини мажбурий тикиштирадилар, маҳаллий аҳолидан закот, хирож, жузья, ушр каби хилма-хил солиқлар ола бошлайдилар, миллат елкасига турли мажбуриятларни юклайдилар, маҳаллий миллатни «қора халқ» «авом» деб камситиб, ўзларини «саҳобалар», «хўжалар», «сайидлар», «оқсуяклар» деб кибру ҳаволанадилар. Буларнинг ҳаммаси халқнинг иззат-нафсониятига тегади ва у озодлик учун курашга отланади.

Она-Ватан истиқлоли ва халқимиз шон-шарафи учун 776 йилда Марв шаҳрида арабларга қарши бошланган ғоят катта кўзғолон бутун Мовароуннаҳрга ёйилади. Бу қутлуғ кўзғолонга Муқанна бошчилик қилади.

Машҳур тарихчи Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий ўзининг «Бухоро тарихи» асарида, «Муқанна Марв атрофи аҳолисидан, Коза деб аталган қишлоқдан бўлиб, номи Ҳошим ибн Ҳаким эди. У илгари кудунггарлик қилар эди, кейин эса илм ўрганишга машғул бўлди ва ҳар хил илмларни: кўзбўямачилик ва сеҳр, тилсим илмларини ўрганди... Муқанна кўзбўямачиликни ўрганган ва ғоятда зийрак бўлиб қадимги (олимлар) илмларига оид кўп китобларни ўқиган ва жодугарликда устоз бўлган эди. Унинг отасининг номи Ҳаким бўлиб, у Абу Жаъфар Давонақий

давридаги Хуросон амири лашкарбошиларидан бири эди. У Балхдан чиққан эди», деб ёзади.

Наршахий истеъдодли саркарда Муқаннани тасвирлар экан, яна бундай деб унинг шахсига шарҳ беради: «Ҳошим ибн Ҳақимни Муқанна дейишларига сабаб шу эдики, у жуда хунук, боши кал ва бир кўзи кўр бўлганидан ҳамиша боши ва юзига кўк парда тутиб юрар эди. Шу Муқанна аббосийлар даъватчиси Абу Муслим замонида Хуросон лашкарбошиларидан бири бўлиб, Абдулжаббор Аздийга вазир бўлди».

Шундан кейин Наршахий Муқаннани қоралаб, у пайгамбарликни даъво қилди, бир қанча вақт дарбадарликда юрди, маишатга берилди ва ўзини худо деб атади каби айбларни тақайди, буни тарих билади ва ўз ҳукмини ўқийди.

Халқ раҳнамози бўлиб етишган Муқанна («юзига парда тутиб юрувчи» маъносида) жуда катта жасорат кўрсатиб, халқимизнинг миллий қаҳрамонига айланади, у жабрдийда оломонни тўплаб арабларнинг асоратига қарши курашга отлантира олади. Унинг қўзғолончилари араб босқинчиларидан фарқланиш учун оқ кийим киярдилар, шунинг учун бу қўзғолон «Оқ кийимчилар қўзғолони» деган ном билан тарихга киради. Мовароуннаҳрликлар, турклар ва бошқалардан иборат эллик минглик Муқанна лашкари арабларга қарши кескин жанглар олиб боради, бу жанговар қўзғолоннинг акс-садоси бутун Самарқанду Бухоро, Шаҳрисабзу Ҳисор тизма тоғлари оша бутун мамлакатга ёйилади. Бу даҳшатли қўзғолон 14 йил давом этади, қўзғолончиларнинг арабларга нисбатан ғазаб-нафрати кучайгандан кучайиб жангларда одамлар қони дарё мисол оқади. Афсус-надоматлар бўлсинки, бу сафар ҳам халқнинг шунчалар жон бериб бошлаган қўзғолони завола топиб, араблар босиб олган заминда ғолиб чиқадилар.

Она-Ватан, халқ ва озодлик учун жангу жадалларда толиқиб, зафар қозонишига умиди қолмаган Муқанна умринтиҳосини ҳам қаҳрамонона яқунлайди. Муаррих Нар-

шахий ўз асарида Муқаннани қоралаб ёзган бўлса-да, унинг мардона ўлимини Кеш деҳқонларидан бўлган Абу Алидан эшитилган воқеа бўйича бундай тасвирлайди: «....Муқаннанинг фармони билан уч кундан бери тандир қизитаётган эдилар. Муқанна ўша тандир олдига бориб кийимини ечади ва ўзини тандирга отади. Тандирдан бир тутун чиқади. Мен у тандир олдига бориб, унинг жасадидан ҳеч асар кўрмадим».

Муқаннанинг ўз умрига даҳшатли суратда мана шундай фожиали яқун ясаши ҳам душманларини лолу ҳайрон қолдиради.

«Оқ кийимлилар қўзғолони»нинг таянч маркази Шаҳрисабз яқинидаги Сом қишлоғи эди. Муқанна ана шу жойда тандирда ёниб, унинг ҳоки кулга, руҳи нурга айланиб кетади.

Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудида Спитамен, Муқанна каби миллий қаҳрамонлар ҳурлик, эрк, озодлик, адолат, халқ ва Ватан мустақиллиги учун жондан кечиб курашганларки, уларнинг пок ва жанговар руҳлари доим кўз ўнгимизда ҳаётдек нур тараб туради, уларнинг руҳи-поклари нурини кўриб-кўрмасликка олиш кабира гуноҳдир. Спитамен ва Муқанна каби мардона боболаримиз борлигидан фахру шуурга тўлмоғимиз, она-Ватанимизга кўз олайтирадиган ҳар қандай душманга шу улуғ боболаримизнинг мардона руҳларидан қувват олиб, жавоб бермоғимиз керак.

Кимки ўз тарихига, ўтмишига ихлос билан қараса, «кул» эмас «чўғ» олади. Юқорида номлари зикр этилган кўҳна заминимиз фидойилари руҳидан илҳом олган ХХ аср бошларидаги Ватан фидойилари хотираси биз учун муқаддасдир.

Муҳтарам Президентимизнинг ташаббуслари билан Ватанимиз истиқлоли фидойилари хотирасини абадийлаштириш мақсадида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи қурилди.



## ШАҲИДЛАР ЁДИ

Улар... минглаб, балки милён эдилар,  
Яшашга туғилган инсон эдилар,  
Ширин жон эдилар, иймон эдилар,  
Бу жаҳон уйига меҳмон эдилар,  
Ҳали ушалмаган армон эдилар.

Ногоҳ чангал уриб даҳшатли бало,  
Уларни шу кунга этди мубтало.  
Сирти хўп ялтироқ, асли аждаҳо  
Сочди ғазабини-ёвуз ва юҳо...

Айбларин билмасдан ҳайрон эдилар.  
Айблари? Эмиш халқига душман,  
Уларга ёт эмиш шу юрт, шу гулшан,  
Қалб-у фикрлари эмиш чирк, тубан,  
Ватанни тўнтариб ташлаган тубдан —  
Аҳд этган, гўёким нодон эдилар.

Дилларни титратур жаҳоний алам,  
Руҳлар чирқиллашин тинглаймиз ҳар дам,  
Бу дардни ёзганда тоқатсиз қалам,  
Шаҳарим, қишлоғим, чаманим, далам—  
Улар Қодирий ва Чўлпон эдилар.

Вале бу дунёда олий ҳакам бор,  
Ўшал қудрат эрур мангу устувор,  
Шаҳидлар бонг уриб ҳар шому наҳор,  
Бизни огоҳ этар, бўлинг, деб, хушёр.  
Улар халқимизга қалқон эдилар,  
Абадий барҳаёт виждон эдилар!

*Жуманиёз ЖАББОРОВ.*



## МОВАРОУННАҲР ФИДОКОРЛАРИ

Аждодларимиз бошидан не-не суронлар, фожиалар, талон-торожликлар кечмади. Аммо инсоният тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларни, донишмандларни, саркардаларни етиштирган, бебаҳо маънавий қадриятларни яратган ҳам ана шу халқимизнинг даҳосидир.

Асрлар давомида ақлу заковати ила бунёд этган бой маънавияти туфайли халқимиз мағрур яшади, меҳнат қилди, доимо ҳуррият ва эрк сари интилди.

Ана шу миллий онг, ана шу миллий гурур бугунги истиқлолимизнинг олтин пойдеворидир. Бу пойдеворга Широқ ва Тўмарис, Беруний ва Форобий, Абу Али ибн Сино ва Ал-Хоразмий, Амир Темур ва Бобур, Навоий ва Улуғбек каби юзлаб улуғ зотлар асос солганлар...

Халқимиз фақат жисман эмас, руҳан ҳам уйғоқ бўлмоғи даркор. Руҳ бедорлигига унинг раҳбар раҳнамолари, олим-му зиёлилари, барча фарзандлари масъулдир.

Иймоним комилки, улуғ бобокалонларимизнинг руҳи поклари истиқлол йўлидаги барча саъй-ҳаракатларимизни қўллаб-қувватлайди.

*ИСЛОМ КАРИМОВ.*



\* \* \*

Она-Ватанни севмоқлик иймонданлиги ҳақида сўз юри-тар эканмиз, узоқ ўтмишимиздаги тўфонли йилларни, босқинчи галаларининг муқаддас тупроғимизга бостириб кирганликларини, халқимизнинг мардона ўғлонлари улар билан жангларда жон фидо қилганликларини эслаб, авлод-аждодаларимиз руҳини шод этамиз, ватанни севиш нақадар мўътабар туйғу эканлигини ҳис қиламиз ҳамда ўтмиш ҳодисотларидан ибрату ҳикмат оламиз. Юқорида ғарбдан македониялик Искандар Зулқарнайннинг ҳужуми, ундан сўнг араблар босқини ва халқ миллий қаҳрамонларининг бу қора кунларда босқинчиларга қарши мардона курашлари тарихимиз саҳифаларида буюк ёдномалар бўлиб қолганлигини кўрдик.

Чарх кажрафторининг пешонамизга битган аччиқ тақдирими ёки фалакнинг доимий бир ҳукми-ҳазилими, XIII асрга келиб Мовароуннаҳр осмонида яна қора булутлар айланди. Қотил Чингизхон ва унинг тўрт ўғли — Жўчи, Чиватой, Ўқтой, Тўлихонлар бошчилигидаги мўғул-татарларнинг сон-саноксиз саҳройи галалари Мовароуннаҳр тупроғига мўр-малаҳдай бостириб келдилар.

Тарих шоҳидлик берадики, мўғулларнинг Мовароуннаҳрга бостириб киришларига деярли Хоразмнинг ҳукмдор доиралари айбдор эди. Ҳукмдорлар ўртасида, умуман улкан Хоразм салтанатида бирлик, иноқлик, ҳамжиҳатлик йўқ эди, аксинча ҳокимият учун кураш, ўзаро низо ва бошбошдоқлик авж олган эди. Бунинг устига ўзаро урушлар, халқни асоратда тутиш, турли солиқ-жарималар олиб, аҳолининг тинкасини қуритиш, номи улуғ, супраси қуруқ

амалдорларнинг шоҳона зиёфату маишатлар уюштириб давлат ва ҳокимият ишларига, лашкари аҳволига бефарқ-бепарво бўлишлари тангликка келтирди. Мана шуларнинг ҳаммаси бир бўлиб буюк Хоразм салтанатини ич-ичидан емириб ташлади. Худди шу пайтда Муҳаммад Хоразмшоҳ Чингизхон билан қаттиқ ёвлашди. Шундай қилиб, 1219 йилнинг кузидан бошлаб Чингизхон қўшинлари Мовароуннаҳр ҳудудига кела бошлади. Чингизхон лашкарлари ўз йўлларида учраган жамики нарсаларни хоки-тупроқ қилиб, ёндириб, одамларни қатлиом этиб, бостириб келавердилар. Мана шундай қонли кунларда яна халқнинг мардона ўғиллари душманга кўксиларини қалқон қилдилар. Она-Ватанни иймонидан севган, қалбида Ватан меҳру муҳаббати алангаланиб турган халқ қаҳрамонлари мўғул галаларига қарши нафрат-ғазаб билан жанг қилдиларки, қуйида улардан энг машҳур саркарда, донишманд ва чинакам миллий қаҳрамонларнинг ҳаётидан баъзи лавҳаларни келтирамиз. Уларнинг ҳаёти, кураши, қаҳрамонлиги ва она-Ватанга жон фидо қилишларида ҳикмату ибрат бор.

### «МЕНИ СОТҚУН ОЛА БИЛМАССЕН!»

1219 йилнинг куз ойида биринчи бор Ўтрор шаҳрига юриш қилган мўғул ҳоқони Чингизхон бу улкан шаҳарни олишда кўп машаққатлар чекди, сон-саноксиз ҳарбий қудратини ишга солади, халқни қирғин қилади. Шундаёқ, у бу улуғвор Ватанда жанг қилмоқ ва голиб бўлмоқ осон кечмаслигини сезган эди, чунки бу Ватаннинг ўғлонлари мард, жасур ва ғоят истеъдодли, ўз она юртини жондан севиб, уни сўнгги қони қолгунча ҳимоя қилишга қудратиродаси етадиган инсонлар эканини тушунади.

Таниқли ёзувчи Мирқарим Осимнинг «Жайхун устида булутлар» тарихий асарида шундай фидоий инсонлардан бири — Ўтрор ҳокими Инолчиқ баҳодирнинг мардлиги ҳақида тарихий бир лавҳа келтирилган. Мана ўша ибратли лавҳа:

«...Ғолиб Чингизхон ўтирган, ясатилган ўрдага Ўтрор ҳокими Инолчиқ баҳодирни мўғул жангчилари асир си-

фатида олиб келишар экан, хон уни обдан синаш, «кўйнига қўл солиб кўриш» ниятида унга шундай гап қотди:

— Менга қара, баҳодир, сен бизга кўп зиён-заҳмат етказдинг, элчиларимизни ўлдирдинг. Ўтрорни қамал қилган шерикларимдан ўн мингини қириб ташладинг. Бу қилмишларинг учун бошқа ҳукмдор тириклайин терингни шилиб олдуртирган бўлур эди. Лекин мен гуноҳингдан ўтдим. Сен эса хусуматларни унутиб, менинг хизматимга кир. Сенга туман оғаси деган унвон берайин. Мен бирла Гурганжга бориб, аҳолисини таслим бўлмоққа...

Ўша заҳоти:

— Мен ўз улусимга хиёнат қилмаймен, — деди Инолчиқ унинг гапини чўрт кесиб. — Душман хизматига кирмасмен!

— Сенга олтин ва кумушлар инъом этайин...

— Олтинингда керакмас, кумушингда. Мени сотқун ола билмассен!»

Бу лавҳада Ўтрор баҳодирининг мардоналиги ўз ифодасини топган. Албатта, Чингизхон ўз лашкарига талафот етказган Инолчиқ баҳодирни азоблаб ўлдириб, қасос олган, лекин унинг мағрур сўзларидан она-Ватани ва халқига хиёнат қилмаслиги ибрату ҳикматдирки, бизнинг авлод-аждодларимиз шу қадар жасур бўлганликлари билан фахру гурурга тўламиз.

Ғолиб чиққан мўғуллар Ўтрор шаҳрининг меҳнаткашу заҳматкаш, турли касб-кордаги кишиларини асир олиб ўз юртларига ҳайдаб кетаётганларида ҳам уларнинг дилидан она юрт, она халқ муҳаббати фаввора бўлиб отилганки, буни ёзувчи қуйидаги оташин ибораларда жуда таъсирли тасвирлайди: «Хайр, жонажон Ўтрор, киндигимиз қони тўкилган кутли ўлка! Биз сени асрай олмадик, ёвуз душман кўлига бериб қўйдик. Ёввойи мўғул сени оёқ ости қилиб, бағрингни чок-чок этади. Мактаб-мадрасаларингни, ҳаммомларингни отхонага, экинзорларингни ўтлоққа айлантиради, аммо бу зулми ваҳшат узоққа бормас. Халқ ўз кучини тўплаб, ахир бир кун душманни улоқтириб ташлар, бўш қолган далаларни яшнатиб, шаҳарни яна тиклар.

Биз кетяпмиз, алвидо она шаҳар! Бизга насиб қилма-са, болаларимиз қайтиб келиб, сени озод қиладилар».

Босқинчи мўғулларга зўр ғазаб-нафрат, она-Ватанга чексиз меҳру муҳаббат туйғулари жўш урган бу сатрлар остида яхши умид, келажак Ватан, садоқатли авлод ҳақидагри ниятлар балқиб турарди. Мўғуллар Ўтрорни ер билан яксон қилганларидан кейин Мовароуннаҳрнинг гуллаб-яшнаган шаҳарлари, қишлоқлари ва боғ-роғу, экинзорларини хоки тупроқ этиб, кўп зулм-ваҳшийликлар қиладилар, халқни, унинг асил фарзандларини, донишмандларини қатлиом этиб, она-Ватанимизни харобазорга айлантирадилар, энг даҳшатлиси — уни улуғ фарзандларидан жудо этадилар. Лекин босқинчиларга ҳар қачон халқнинг қаҳрамон ўғиллари етишиб чиқиб, шундай зарбалар берадиларки, бу тарихга ёднома, бизга ҳикмату ибрат бўлиб қолди.

## ТЕМУР МАЛИК-ЕТУК САРКАРДА

Мўғул босқинчилари она-Ватанимиз сарҳадида ҳар қанча хунрезликлар қилмасин, халқнинг довиюрак фарзандлари уларга таслим бўлиш у ёқда турсин, қақшатқич зарбалар бердилар. Инолчиқ баҳодирнинг мардоналиги бошқа саркардаларда ҳам намоён бўлади. Шундай етук саркардалардан бири Хўжанд ҳокими Темур Малик эди, у ўз она-Ватанини жонидан севган, имони бутун, жасур ва мард халқ фарзанди эди, унинг жасорати тилларда дoston бўлади.

Темур Малик ақли дониш, ҳарбий ишда ҳар бир масалани мулоҳаза қилиб ечадиган, бир сўзли саркарда эдики, мўғуллар Мовароуннаҳрга ҳужум қилган дастлабки вақтдаёқ ўзининг аниқ ва дадил фикрлари билан чиқади. Муҳаммад Хоразмшоҳ ўз ҳузурда ўтказилган ҳарбий машварадда Темур Малиқдан:

- Сенинг фикринг надир? — деб сўрайди.
- Ҳужум қилганлар ютади! — деб мардона жавоб беради Темур Малик. — Тарқоқ лашкарни тўплаб, душманга омонсиз зарба бермоқ ғалаба келтиради.

Темур Малик баъзи ҳарбийларнинг ва ҳокимларнинг душмандан чекиниб Ҳиндикуш тоғига қочиш керак, деган маслаҳатларини хиёнат деб билади. У дадил туриб:

«Ҳатто ожиз инсон ҳам бор кучи билан ташланса, ваҳшатли йўлбарсни ҳам енгади. Наҳотки, биз чекинишни ўйласак? Душманни саратон иссиғидан қочади демаклик—нодонлик!» деб хитоб қилади. Ботир саркарда сўзини тугатар экан, Хоразмшоҳга худди Ватанга қасамёд қилаётгандек мағрурона гап айтади: «Амрингга доим мунтазирмен. Жангга кирсак, ўқимиз нишонга тегишини, қиличимиз осмонда ярқирашини кўрсинлар!»

Темур Маликнинг жанговар саркардалиги Владимир Янчевский (В. Ян.)нинг «Чингизхон» тарихий трилогиясида ўз ифодасини топган. Бу етук саркарда халқнинг ботир ўғлонларини мўғул bosқинчилари билан бўладиган жангга ғоят уюшқоқлик билан сафарбар этади, шахсан унинг ўзи лашкарига Ватанни севиш ва уни қандай ҳимоя қилиш борасида намуна кўрсатади. Темур Малик бошчилигидаги мудофаачилар бир неча ой Хўжанд шаҳри қалъасини ҳимоя қилиб туради. Душманнинг ваҳшийларча хужумига қарши кўплаб қурбонликлар бериб, шаҳарни қўлда тутиб турган Темур Малик жасорати ва саркардалик истеъдодига ҳатто душман ҳам тан беради. Қарангки, бутун Хўжанд ўт-олов ичида қолганда Темур Малик ўзининг жасур йигитлари билан Сирдарё ўртасидаги оролга вақтинча чекиниб, шу ердан душманга ғоят кўп зарбалар беради. Шу тариқа унинг лашкарлари Хоразмга қадар борадилар.

Мўғуллар жасоратли Темур Маликни изма-из қувиб, уни йўқ қилмоқчи бўладилар, лекин буюк саркарда бирдан Хуросонда, сўнг Афғонистонда ўз лашкарлари билан пайдо бўлиб, bosқинчиларга тўсатдан хужум қилар, уларга катта талафотлар етказарди.

Темур Малик ўз сўзига содиқ қолиб, ўқлари нишонга аниқ тегишини қонхўр душманга кўрсатади. У ўз халқининг содиқ фарзанди бўлади, олчоқ ҳукмдор каби халқ бошига кулфат тушганда Хоразмшоҳга ўхшаб жон сақлаш

учун Ҳиндикуш тоғига ёки Каспийдаги оролга қочмайди. Темур Малик она-Ватан, халқига содиқ бўлиб, жангларда курашиб, ҳалок бўлади. Шунинг учун унинг номи тарихларга ибрат ёдномаси бўлиб ёзилади.

## ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИНИНГ ЖАСОРАТИ

Мўғул босқинчиларининг додини берган саркардалардан энг улуғи халқ қахрамони Жалолиддин Мангуберди эди. У мўғуллар босқинининг биринчи кунларидан бошлаб, ўн йиллар давомида душман билан юзма-юз олишади.

Хоразмшоҳ ҳузурида бўлган ҳарбий машваратда Жалолиддин Мангуберди мамлакатдаги бош-бошдоқликни тугатиш, лашкарнинг бошини бир ерга қовуштириб, душманга яқдил бўлиб зарба беришни маслаҳат солади. У кучли душманга қарши курашда ҳаммани сафарбар этиш кераклигини уқтиради, Чингиз қўшини шунчаки лашкар эмаслигини айтади.

Шоир Мақсуд Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди» асарида ҳарбий машварат тасвирланади. Унда Жалолиддин Чингиз қўшини ҳақида бундай дейди:

Харобалар остида ҳалок бўлмайди ул,  
Ўзи харобалар ясайди мўғул!

Саҳройи мўғулларнинг жангу жадалда ўта даражада раҳмсиз ва бешафқатлик қилиши англашиладики, мана шу золим босқинчиларга қарши қаттиқ жангга тайёргарлик кўриш кераклигини Жалолиддин олдиндан сезади ва мардона туради. Бу саркарда юртни ташлаб қочиш, чекиниш ва душманга ён беришни она-Ватан ва халққа хиёнат деб ҳисоблайди. У шоҳ ўғли бўлса ҳам ўз жонини, маишатини, роҳат-фароғатини ўйламайди, бугун фикри-зикри она-Ватанни ҳимоя қилиш, халқни душман асоратидан асраш бўлиб, ётганда ҳам, юрганда ҳам шу мақсад билан ўртанади.

Жалолиддин Мангуберди шундай олижаноб бир инсон эдики, у шуҳратпараст, маишатбоз, худбин, калтабин ва кўрқоқ отаси Муҳаммад Хоразмшоҳдан мутлақо фарқ



қилиб, жасур-мардоналиги билан ажралиб туради. Мўғуллар босқини бошланишиданоқ Жалололиддин халқ қайғуси билан ҳамнафас бўлиб, юрт ҳимоячиларининг олдинги сафида бўлади, у ўзининг саркардалик, қўрқмаслик, мардлик фазилатларини тўла намоён этади. Унинг бошчилигидаги Хоразм ўғлонлари жангга кирганда мўғул лашкарларига шу қадар катта талафотлар етказадик, номи машҳур бўлиб кетади. Ҳатто Жалололиддиннинг номини эшитганда улуғ хоқон Чингизнинг тепа сочи тик бўлиб, асабийлашар, уни қандай ҳийла-найранг билан қўлга туширишни ўйлар, мақсади тубига ета олмай ҳайрон эди. Мовароуннаҳр йўлбарси Жалололиддин Чингизхон қўшинларига пайт пойлаб шундай қақшатқич зарбалар берардики, унинг лашкарлари пакана отларида тумтарақай бўлиб қочардилар. Жалололиддин шу тариқа ўн йиллар давомида ўзининг фидокор ва жасур жангчилари билан мўғул тўдаларига она-Ватаннинг турли сарҳадларида зарбалар беради. У гоҳ Мовароуннаҳр, гоҳ Афғон, гоҳ Ҳинд, гоҳ Эрон ва Кавказ орти ҳудудларида кезиб, халқлардан янги-янги лашкарлар тўплаб, уларга моҳирлик билан саркардалик қилиб, ёвуз душман билан тинимсиз олишар, халқ эрки, озодлиги ва мустақиллиги учун бутун истеъдодини ва кучини бахшида этиб курашарди.

Жалололиддин Мангубердиннинг она-Ватан ва халқ муҳаббати билан яшаганини, бутун ҳаётини шу йўлга нисор этганини шоир Эркин Самандар «Аждодлар қиличи» тарихий фожиасида саркарда тилидан бундай тасвирлайди:

Энди кўзин очган гўдак бешик ичида,  
Нафаслари қайтиб, титраб бир-бир йиғласа,  
Нечун тифга айланмасин бизнинг мўйимиз,  
Қаҳримиздан қонхўр Чингиз лашкари нечун  
Парчаланиб кетмас худди ўқ теккан тошдек?!  
Акс ҳолда, кўр бўлгани яхши кўзимиз,  
Шол бўлгани яхши оёқ-қўлларимиз.  
Гар ҳаммамиз битта бўлиб Чингиз сиртмоғин  
Узолмасак, уни буткул ернинг юзидан,  
Худди тердан доғни ювган каби сидириб

Ташлолмасак, ҳаром бизга одам деган ном,  
Ҳаром бизга оналарнинг берган оқ сути.

Буюк халқ қаҳрамони «оналарнинг берган оқ сути» ни оқлаш учун бутун ҳаётини эл-юртининг озодлиги ва ҳурлиги учун тикади. У мўғул қўшинлари билан қаерда юзма-юз келса, жуда қаттиқ талафотлар етказди. Чингизхон энг сара лашкарлари ва моҳир саркардаларини Жалолоддин Мангуберди изидан қувиб боришга, уни йўқ қилишга, иложи бўлса тириклайин қўлга туширишга қатъий фармонлар беради. Лекин Мовароуннаҳр йўлбарсини мағлуб эта олмайди, унинг кетига ҳатто Чингизхоннинг ўзи ҳам махсус лашкари билан тушади. Ниҳоят, у билан дарё соҳилида анча юзма-юз келади-ю, барибир, буюк саркардани қўлга тушира олмайди. Герман Вамбери ўзининг «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи» асарида ана шу воқеани ажойиб тарзда тасвирлайдики, қуйида ундан бир лавҳани келтирамиз.

Хоразм салтанатининг вориси этиб анча кеч белгиланган Жалолоддин Мангуберди то «...подшоҳликни қўлга киритгунча ўзини ҳимоя қилиш учун қилич ушлашга мажбур бўлади, — деб ёзади тарихчи Герман Вамбери. — У Хоразмдан Ҳирот ва Фазнага азм этади. Бу ерда кучли лашкар тўплайди ва икки жангда мўғулларни мағлуб этиб, уларга катта талафот келтиради. Чингизхон Толқон шаҳрини қамал қилгани сабабли йўлда тўхтаб қолган эди. Бу мағлубиятдан у қаттиқ ғазабланади ва Бомиён ҳамда Қобул орқали Фазнага шу қадар тез юрадики, мўғулларнинг озиқланишга ҳам вақтлари бўлмайди, лекин у Фазнага келгач, Жалолоддин 15 кун аввал Ҳинд соҳилларига кетганини билади. Мўғуллар юришларини тезлаштириб, ғалаба қилган шаҳзоданинг ортидан кетадилар. Унга аблаҳона ғазаб билан ҳужум қиладилар. Жалолоддин одатдагидай қаҳрамонликлар кўрсатиб мудофаада туради. У ғазабланган арслон каби душманга гоҳ ўнг, гоҳ сўл қанотдан, баъзан марказдан ҳужум қилади. Оқибатда мўғуллар уни ўраб оладилар. У остидаги икки от чопилгач, учинчи отга минаётганда

мўғуллар унга тенглашадилар. У Ҳинд дарёсининг 10 аршинлик буюк соҳилидан сувга сакраб тушади. Нариги томонга саломат чиқиб олади. Буни кўрган мўғуллар унинг ортидан сувга ташланмоқчи бўлган эдилар. Лекин Жалолиддиннинг қаҳрамонлигига ҳайрон қолиб, мутаассир бўлган Чингизхон бундан кейин таъқиб этишни ман қилади.

Ҳа, буюк халқ фарзанди Жалолиддин Мангубердининг жасоратини виждонан ҳис этган ўша қотил Чингизхон ҳам унга нисбатан «юксак фикрда бўлган», тан берган эди. Севимли шоиримиз Абдулла Орипов «Ўзбекистон» шеърида оташин мисраларда бундай деб куйлайди:

Бош устингдан ўтди кўп замон,  
Ўтди ислом, ўтди зардушти,  
Ҳар учраган нокасу нодон,  
Она халқим ёқангдан тутди.

Сени Чингиз газабга тўлиб  
Йўқотмоқчи бўлди дунёдан.  
Жалолиддин самани бўлиб  
Сакраб ўтдинг Амударёдан.

Сенсан ўшал саманим маним,  
Ўзбекистон, Ватаним маним.

«Жалолиддин самани бўлиб» Амударёдан сакраб ўтган ўша буюк инсон руҳи «Ўзбекистон» деган буюк мамлакатнинг толмас, енгилмас ва муқаддас рамзи бўлиб қолди. Жалолиддин Мангуберди қонхўр душман билан аёвсиз жангларда ғолиб чиқди-ю, умрнинг аччиқ интиқосини қарангки, шундай улуғ қаҳрамон бир хоиннинг баногоҳ, тасодифий тигидан ҳалок бўлади. Бу мудҳиш воқеа 1231 йилнинг 17—20 августларида содир бўлган эди. Унинг жанговар руҳи, она-Ватанга муҳаббати сўнмас вулқон алангасидек ўзбек халқи ҳаётида мангу нур сочиб туради.

Мўғул босқинчилари она-Ватанимиз ҳудудида ҳар қанча қутурмасинлар, она-Ватан мудофааси ва халқ ҳимоясига Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Шамсиддин

Маҳбубий, Маҳмуд Торобий сингари қаҳрамонлар севги-садоқатлари билан камарбаста бўлдиларки, уларни халқимиз дил-дилдан улуғлаб, руҳларини доим пок тутадилар.

## НАЖМИДДИН КУБРОНИНГ МЎЪЖИЗАСИ

Донолар ўз халқи ва Ватанини ақл-заковати билан севадилар, иймон-иродалари бут бўлади, ҳеч қачон хиёнат йўлига кириб, она-Ватанига ва ўз халқига хоинлик қилмайдилар, аксинча эл-юртини ардоқлаб, ҳикмату ибрат кўрсатадилар. Шундай улуғвор ва донишманд ватандошларимиздан бири хоразмлик буюк шайх Нажмиддин Кубродир.

Исми тарихларга олтин ҳарфлар билан ёзилган бу улуғ инсоннинг тўлиқ исми Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад Хивақий Хоразмийдир. Бу табаррук зотнинг ақл-заковати, илму башорати, истеъдод ва иродаси шу қадар юксак бўлганки, исм-шарифларига қўшиб айтилган атама-иборалар ҳам шундан далолат беради. Машҳур тилшунос ва муаррих Али Акбар Деҳхудонинг «Луғатнома» асарига шайх ҳақида бундай дейилади: «У кишининг Кубро деб аталишларига сабаб шуки, беҳад зийракликлари ва туганмас заковатлари туфайли ҳар қандай муаммоли масалалар сўралганда ҳал қилиб берар эдилар ва у билан баҳс ва мунозара қилган ҳар бир кишидан ғолиб чиқар эдилар».

Яна бу мўътабар инсонни Томатул Кубро, яъни бало ва қазоларнинг олдини олувчи, халоскор деб ҳам аташган. У киши дунё икир-чикирларидан узоқ тургани учун Абул Жаноб деб ҳам аталган. «Валитарош» деб ҳам исмларига сифат қўшганларки, бу сўз «валиларни парваришлаб етказувчи» маъносини беради, зеро Нажмиддин Кубро бутун умри давомида ўн икки кишини ўз муридлигига олиб, ҳаммаларини шайх ва авлиё даражасига етказган. Унинг муридлари шу қадар нуфузга эга бўлганки, ҳатто Фахриддин Розий ва султон Муҳаммад Хоразмшоҳ уларнинг рақобатидан чўчиганлар.

Олим Муҳаммаджон Қодиров ўзининг илмий тадқиқотида Нажмиддин Кубронинг муридларидан, машҳур шайх-

лардан Мажидиддин Бардодий, Саъдидин Хамовийлар ҳақида зикр этиб, қуйидаги тарихий воқеани келтиради:

...«Жалолиддин Румийнинг «султон ул аламо» лақабига эга бўлган отаси Баҳоуддин Валад Балх шаҳрининг уч юзга яқин файласуф олимлари билан баҳсда ғолиб келган. Нажмиддин Кубронинг бошқа бир шогирди ўз навбатида шайх Фаридиддин Атторнинг муршиди бўлган Мажидиддин Бағдодий ҳокимиятдаги ишларни танқид қилгани учун қатл этилган. Уларнинг минглаб шогирдлари бўлган. Баъзида султон Муҳаммад Хоразмшоҳ шайхларнинг ҳузурига келиб, зиёрат ҳам қилиб турган. Кунлардан бир куни у Баҳоуддин Валад зиёратига келганда унинг атрофидаги муридларнинг кўплигидан таажжубланиб, бу ҳақда Фаҳриддин Розийга ташвиш билан гапирган. Бу файласуф олим унга ҳасад қилиб, бундай муридлик салтанатга хавф солиши мумкинлигини шоҳга таъкидлаган.

Муҳаммад Хоразмшоҳ бундан қутулиш чорасини қидиришни топширган, Фаҳриддин Розий маслаҳатига биноан бутун қалъалар ва мамлакат хазинасининг калитлари Баҳоуддин Валадга жўнатиш ва айрилганки, «Сизнинг муридларингиз кўплигидан бизда мамлакатнинг инон-ихтиёри қолмади. Шунинг учун бу калитларни олинг-да, мамлакатни идора қилинг ёки дорус-салтанатдан чиқиб кетинг». Бундан қаттиқ ранжиган Баҳоуддин Валад, токи Муҳаммад Хоразмшоҳ Хуросон тахтида экан, қайтиб келмайман деб, бир гуруҳ муридлари (уч юз кишидан кўпроқ) билан мамлакатдан чиқиб кетган. Аввал ҳажга, кейинчалик Туркиянинг Кўнё шаҳрига бориб яшаб қолган ва у ерда вафот этган. У Хоразмдан чиқиб кетганда Жалолиддин олти яшар бола эди. Улар Нишопурда шайх Фаридиддин Аттор билан учрашишган ва у Жалолиддинга ўзининг «Асрорнома» асарини тақдим этган.

Машҳур шайхларнинг ҳаётига доир бу ҳужжат-маълумотларни келтиришимиздан мақсад илму донишлар билан ҳукмрон синф ўртасида аҳиллик, ҳамжиҳатлик ва яқдиллик йўқлиги сабабли Хоразмшоҳ салтанатининг илдиз-илдизидан путур кетганлигини кўрсатишдир. Қайси

мамлакатда донишмандлар билан ҳокимият ўртасида қарма-қаршилиқ ва ихтилоф бўлар экан, ҳеч сўзсиз у салтанат ҳалокатга юз тутди. Тарихчи олимларнинг шоҳидлик бериб таъриф этишларича, Хоразмдек буюк салтанатнинг мўғуллар бало-қазосига учрашига кўпгина ихтилофлар қатори юқоридаги шайхларнинг ноўрин ранжитилганлиги ҳам сабабдир.

Она-Ватанимизни мўғуллар галаси босганда камтарона ҳаёт кечириб яшаётган Нажмиддин Кубро шундай бир садоқат, ўз халқига чексиз муҳаббат намунасини кўрсатадики, унинг ибрати ғоятда беназир бўлади. Чингизхон кўшинлари Урганчни қамал қилганда Нажмиддин Кубро мункиллаб қолган 76 ёшдаги қария эди. Унинг довуғи улуғ Чингизхоннинг ҳам қулоғига етиб боради. Одамларнинг сараси ва марази икки турли бўлишини қарангки, бир кутбда олижаноб инсонлар — Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Инолчиқ баҳодир каби мардонлар турса, паст бир кутбда олчок, ўз халқига хиёнаткор юқори табақа аъёнлари турарди. Ватанни ташлаб, ўз жони хузурини кўзлаб биринчи навбатда Муҳаммад Хоразмшоҳ қочиш қилади, шоҳнинг лашкарбошиси Хумортегин бошлиқ ҳарбий саркардалар хоинлик қилиб, душманга Урганч дарвозаларини очиб берадилар.

Чингизхон Хоразмга ҳали хужум қилмасданоқ Нажмиддин. Кубронинг довуғ-шухратини эшитиб, унга чопар йўллайди ва қуйидаги мазмунда таклиф айтади:

— Мен Хоразмни қатлиом қилмоқчиман, шунинг учун сиздек улуғвор шахс у ердан кетиб, бизга кўшилишингизни сўрайман.

Шайх Нажмиддин Кубро раҳматуллоҳи алайҳ унга жавобан бундай деб айтади:

— Мен етмиш йил давомида хоразмликлар билан турмушнинг аччиқ-чучугини бирга тортганман. Энди улар бошига бало-қазолар ёғилаётган бир пайтда қочсам мурувватдан бўлмайди.

Шайх Кубронинг она-Ватанига садоқати унинг: «Шу тупроқда туғилибмиз, шу тупроқда ўламмиз!» деган хито-

бида иймони-ифодасини топганки, у ана шу қасамёдига содиқ қолади. Етмиш олти ёшли кекса донишманд қотил Чингизхоннинг «лутфу марҳаматига» тупуриб, эртаси куниеқ қасоскор халқдан лашкар тўплаб, ёвуз душманга қарши жанг майдонига чиқади. У жанг майдонида лашкарнинг энг олдида қилич кўтариб борар эди...

Худди шу ўринда икки мўъжизани айтиб ўтамиз (шарқшунос олим Евгений Бертельс «Нажмиддин Кубро» деган ноёб асар бобларининг қисқача баёнини ёзиб қолдирган, уни Урфон Отажон ўзбек тилига таржима қилган. Шундан биз қуйида баъзи маълумотларни келтирамиз):

«Чингиз Хулагуни Хоразмга юборади... Кечки пайт Хулагу Хоразмни қамал қилади ва «Тонгда биз уни оламиз», дейди. Аммо эрталаб Хоразм кўздан ғойиб бўлади, фақат ҳайвонлар ва одамларнинг овози келади. Бу Нажмиддин Кубронинг мўъжизаси эди».

Машҳур шайх Кубро илму ҳол ва қол биланми ёки башорату каромат биланми, хуллас Аллоҳнинг қудрати-инояти билан Хоразмни шу тарзда кўзга кўринмайдиган қилиб қўяди. Шунда Хулагу шайхнинг оиласи билан Хоразмдан чиқиб кетишини, унга ҳеч қандай зиён-заҳмат етказилмаслигини айтади. Лекин она-Ватанга садоқатли Нажмиддин Кубро: «Мен бу ерда ўзимнинг энг яхши кунларимни ўтказдим, энди бундай ҳалокатли кунларда шаҳарни ташлаб кетиш пасткашлик бўлур эди,» — деб жавоб беради.

Икки манбадан олинган бу ҳужжатларда Нажмиддин Кубронинг ўз сўзига содиқ, садоқатли қолганлиги таъкидланади. У Хоразмни душман кўзидан ғойиб қилиб қўйганда, хоину жосуслар бу иш буюк шайхнинг мўъжизаси эканини Султон Муҳаммад Хоразмшоҳга ва босқинчи мўғулларга хабар қиладилар. Султон Хоразмшоҳ шаҳардан қочиб чиқаётганда «дарвоза олдида шайх оёғини узатиб, йўлни тўсиб ўтирган бўлади. Султон ундан оёқларини йиғишни талаб қилади. Шу онда Нажмиддин Кубро мўғул лашкари олдида Ҳизр алайҳиссалом келаётганини кўради ва Ҳизрдан нега келаётганини сўрайди. Ҳизр алайҳисса-

лом шайхни муҳофаза қилаётганини айтади. Қарангки, «Шайх оёқларини йиғиштиради ва Хоразм бирдан кўринадиган бўлиб қолади, Нажмиддин Кубро шаҳардан ташқари чиқади».

Шундай қилиб, Хоразм бошига оғир бало-қазо тушганда ҳам кекса донишманд она-Ватанга садоқат кўрсатиб, ўз жонидан кечиб қўлда қилич билан жангга киради, душман билан беомон курашади. Ана шу даҳшатли жангда Нажмиддин Кубро бир ҳамла билан душман туғини тортиб олиб, то сўнгги нафаси қолгунча ҳам қўлидан чиқармай ушлаб турган. Бу ҳақда Мир Алишер Навоий ўзининг «Насоимул муҳаббат» асарида шоҳидлик бериб, ганимлардан ўнтаси ёпирилиб ҳам Кубронинг қўлидан байроқни олишолмаганини, ниҳоят шайхнинг бармоқларини битта-битталаб қирқишганини ёзиб қолдирган. Жалолиддин Румий эса, шу фожиа ҳақида бир рубоий ёзиб, «биз ўлганда ҳам ўз эътиқодига собит қоладиган наслларданмиз», деб фахрланган экан.

Нажмиддин Кубро жангда мўғуллар билан мардона курашганини, у бир неча жойидан яраланганда ҳам душманга қилич солганини, бир неча мўғул лашкари унга ёпирилиб қийма-қийма қилиб ташлаганини Рашидиддин Фазлуллоҳ ўзининг 710 йилда (милодий 1311 йил) ёзган «Жомеъ-ут таворих» («Тарихлар тўплами») асарида баён этган. Орадан йиллар ўтиб, Хоразмга 733 ҳижрийда сафар қилган машҳур араб сайёҳи Ибн Баттута бундай деб ёзади: «Хоразмдан чиқаверишда бир зовия бор. Уни энг буюк авлиёлардан бири бўлмиш Нажмиддин Кубро қабри узра бунёд этишган. Бу ерда зиёратчилар учун таом тайёрланади».

Нажмиддин Кубро — Кубравия тариқатининг асосчиси, машҳур шоир, буюк авлиё бўлиш билан бирга она-Ватанга садоқати ва меҳр-муҳаббати туфайли душман билан жангда улуғ саркардаларча курашиб шаҳид бўладигани, унинг пок номи тарихларга олтин ҳарфлар билан ёзилди.



## МАҲМУД ТОРОБИЙНИНГ ЛАРЗАЛИ ҚЎЗҒОЛONI

Мовароуннаҳр заминида босқинчи мўғул галалари «от суриб, қилич яланғочлаб» кўп хунрезликлар ва вайронгарчиликлар қилиб, барча ҳудудларда тузган ҳокимиятларда тўраллик билан халқ қонини зулукдек сўрадилар. Бу ҳукмронлик Мовароуннаҳрни оғир асоратларга солади. «Лекин бу ҳудудларда яшаган ўзбекларнинг авлод-аждодлари доимий мутеъликни бўйнига олмайдилар. Гарчи мўғул босқинчилари Маҳмуд Ялавоч ва унинг ўғли Маъсудбек каби бадавлат табақага мансуб ватан сотқинлари ва хиёнатчилар кўмагида халқни зулм-асоратда тутсалар ҳам маҳаллий халқ фарзандларидан шундай ботир қаҳрамонлар етишиб чиқадики, улар душманга доимий равишда хавф-хатар солиб, ўз куч-қудратларини, ирода кучларини, тобе бўлиб яшамасликларини жасорат билан намоён этадилар. Мовароуннаҳрнинг гоҳ у, гоҳ бу ерида мўғул босқинчиларига қарши турли ҳаракатлар ва исёнлар кўтарилиб туради.

1238 йилда Бухоро яқинида бўлган қўзғолон мўғул истилочилари ва уларнинг гумашталарини чунонам ларзага соладики, бундан Чингизхоннинг ўғли Чигатой айниқса қаттиқ кўрқиб кетади. Ушбу қўзғолонга бухоролик элакчи Маҳмуд Торобий бошчилик қилади. Бу халқ қўзғолони мўғул босқинчиларининг жабр-зулмларига ва маҳаллий феодалларнинг халқ манфаатларига нисбатан зид ҳаракатларига қаратилган эди. Қўзғолон ҳақиқат йўлида «Ё ҳаёт, ё мамот!» деб бошланган улуғ қўзғолон бўлади.

Маҳмуд Торобий бошлаган қўзғолон Ислом ҳимояси тарзида бошланадики, бунинг ҳам маълум ижтимоий сабаблари бор. Чингизхоннинг ўта тажанг ўғли Чигатой мусулмон аҳлининг ашаддий душмани эди. Чигатой тўра мусулмонларнинг ўтроқ ҳаётини, маданиятини, шаҳарда яшаш тарзини ёмон кўрарди. Чигатойнинг шаҳарлардан чўчишига сабаб, одатда марказда босқинчилик сиёсатига қарши кучларнинг тўпланиши эди. Саҳройи босқинчиларнинг шаҳарларни ёндириб, хокитупроқ қилишларига ҳам сабаб шундан келиб чиқарди.

Маҳмуд Торобий кўзғолони босқинчилар тузган маҳаллий ҳокимиятдаги барча аъёнларни, тўраларни, уларнинг ҳамтовоқ маҳаллий гумашталарини ларзага солиб, ғазабларини кўзгайди. Кўзғолончилар уларга қақшатқич зарбалар бериб, халқни оёққа турғазадилар. Уларга сардорлик қилган Маҳмуд Торобий ҳақли суратда ўзини султон деб эълон қилади-ки, бу ҳам босқинчилик билан «султон» бўлиб олганларга маънавий зарба эди. Маҳмуд Торобий кўзғолони бостирилгач, Чигатой Бухорони ер юзидан сугуриб ташламоқчи бўлади, кейинчалик у Бухоро аҳлини қатлиом қилмоқчи ҳам бўлади, лекин Ватан хиёнатчиси Маҳмуд Ялавоч орага тушиб, уни бу зулмдан қайтаради, шу иши учун у Мовароуннаҳр ҳокимлигидан туширилади. Душман барибир душманлигини қилиб, 1273 йили Бухоро аҳлини қирғин қилади. Бундай қатлиом Мовароуннаҳрнинг кўпгина шаҳарларида, жумладан Самарқандда ҳам бўладики, Хитой сайёҳи Чан Чуннинг ёзишича, мўғул босқинидан сўнг Самарқанд шаҳри аҳолисининг фақат чорак қисми — 25 минг оила, 100 минг киши тирик қолган, холос.

XIV асрнинг биринчи ярми давомида уюшган халқ фидокорларининг кўзғолони сарбадорлар номи билан бутун Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳудудларига кенг ёйилади. Самарқанд сарбадорлари (ўз бошини дорга тикканлар маъносида) биз мўғуллар асоратидан юртни озод қиламиз ёхуд шу эзгулик йўлида қурбон бўламиз, деб қасамёд этадилар, ўз раҳнамолари — оддий тўқувчи касбидан чиққан Абу Бакр Калавий, Хурдак Бухорий ва Мадраса муллаваччаси Мавлонозодалар бошчилигида кўзғолон кўтардилар. Улар мўғуллар ҳукмдори Илёсхўжа кўшинларига жуда катта зарба бериб, ўз она шаҳарлари Самарқандни душмандан сақлаб қоладилар.

Маҳмуд Торобий кўзғолони ва сарбадорлар ҳаракати мисолида халқнинг зўр куч, енгилмас ирода, аёвсиз тўлқин, шиддатли бўрон эканлиги намоён бўлади. Она-Ватанни жон-дилдан севган халқ фарзандлари доимо кўк-  
6—Ватан — юракдаги жавоҳир.

силарини қалқон қилиб, душманга зарба берганларини, жон фидо этганларини тарих унутмайди, халқ улуғламай қўймайди. Дунёда ҳеч бир босқинчига босиб олган ери ватанлик қилмайди, босқинчи ўзгалар юртида ҳар қанча яйраб-яшнаб, халқ қонини зулукдек сўрса ҳам, бир кун келиб ортига тепилган итдек думини тортиб, ўз маконига кетишга маҳқум бўлади. Мовароуннаҳр худудида мўғул босқинчилари зулмига кўзғалган халқ тўфони келгиндилар даври-салтанатига путур кета бошлаганидан дастлабки далолат эди. Бир ярим асрдан кўпроқ давом этган мўғул истилосининг охири кўрина бошлаган эдики, ўзбек халқининг улуғ ўғлони худди шу пайтларда дунёга келган эди. У халқимизни эркакка, озодликка ва рўшноликка етаклади, бу улуғ ўғлон — буюк соҳибқирон Амир Темур эди.

## АМИР ТЕМУР — ҲУРЛИК ҚУЁШИ

Узоқ мозийдан, сўнгги даврлар тарихидан сабоқ чиқариш мумкинки, эркакни, озодлик ва мустақилликни севган халқлар бирликни, аҳил-ҳамжиҳатликни ва она-Ватанни чин дилдан ардоқлаб, унга меҳру муҳаббат боғлашни муқаддас бурч деб биладилар ва барқарор фаровон ҳаётга эришадилар. IX—X асрларда деярли бутун Мовароуннаҳр худуди ажнабий араблар ҳукмронлигидан халос бўлиб, Сомонийлар давлати кўлига ўтади. Бу қудратли давлатга маҳаллий халқ орасидан чиққан Сомон Худод раҳбарлик қилади. Шу сулолага мансуб Аҳмад, Наср, Исмоил Сомонийлар сингари тадбиркор ва донишманд ҳукмдорлар даврида бутун мамлакатда тинчлик, осойишталик, барқарор ҳаёт ҳукм сурадики, бунда ўта олиймақом шахсларнинг тадбир-раҳнамоликлари жуда муҳим аҳамият касб этган, бу даврда буюк алломалар етишиб чиққан.

Мардона ва жасур халқнинг саъй-ҳаракатига раҳнамолик қилувчи шахс қанча кучли, иродали, адолатли бўлса, бу мамлакатнинг шон-шухрати оламга таралади. XIV асрнинг иккинчи ярмига келиб Мовароуннаҳр тахтига Амир Темур Кўрагоний ўтиради.

Доно сиёсатчи ва ғолибкор жаҳонгир Амир Темур ёшлик чоғлариданоқ она-Ватан тақдирини дилига тугиб, куйиб-ёниб яшайди, халқи учун ҳамма бало-қазоларга қалқон бўлиб туради. Қашқадарё воҳасининг ҳоқими лавозимида турган тоғаси Амир Ҳожи Барлос Мўғулистон хоқони Туғлуқ Темур келаётганидан кўрқиб Амударёнинг нариги соҳилига — Хуросонга қочаётганда Амир Темур уни кузатиб туриб, юз бераётган воқеани ақл-заковат билан чама-лаб, тоғасига: «Сизнинг Хуросонга қараб йўл олишингиз, менинг эса вилоятни вайронгарчиликдан қутқазиб қолиш учун Шаҳрисабзга қайтишим маъқулдир ва давлатни идора қилишни сақлаб қолмоқлик мақсадида мўғул хони хизматига кирганим фойдалидир», тарзида дадил фикр айтади.

«Зафарнома» муаллифи Шарафиддин Али Яздий шу ҳақда маълумот бериб, яна Амир Темурнинг куйидаги мазмунни англатган ҳикматона иборасини келтиради: «Бошлиқсиз мамлакат жони суғуриб олинган танага ўхшайди, жонсиз тана унинг ҳалокати билан барабардир.»

Амир Темурда она-Ватанга муҳаббат ҳисси шу қадар кучли бўлганки, хоқон келаётганидан ва унинг қаҳри-зулми қандай бўлишидан ҳеч бир чўчимай, тоғасини кузатиб, ўзи ватанга кўксини тутиб туради. «Шундай қилиб, — деб ёзади академик Иброҳим Мўминов ўзининг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» китобида, — ўзига хос ватанпарварлик ҳиссиётлари билан руҳланган, ижтимоий воқеаларни ўзича тушунган тадбиркор Темур 25 ёшида Шаҳрисабз ҳоқими бўлишга муяссар бўлади. Шу йили эса унинг отаси — турк зодагонларидан, оқсуяқларидан бири бўлган Амир Тарағай Баҳодир вафот этади».

Амир Темурнинг Мовароуннаҳр тахтига чиқиш тарихи шу тариқа бошланади. Амир Темур Кўрагонийдек улуғ зотни етиштирган халқ унинг раҳнамолиги ва донишона сиёсати туфайли мўғуллар зулмидан халос бўлади ва марказлашган қудратли давлат тузишга, ўз қадр-қимматини би-

лишга, ўксик ҳам бўлган бошини дадил кўтариб юришга эришади, у ўз эркига эга бўлади.

Буюк Амир Темурнинг салтанат тахтига чиқишида, Мовароуннаҳр шон-шухратини Машриқдан Мағрибгача ёйишда чеккан азият-азобларини, куч ва ирода билан сиёсат олиб борганини батафсил баён этиш қийин. Улуғ бобомизнинг она-Ватанга қилган буюк хизматларини дунё тарихи ва инсоният бор экан, ҳеч ким унутмайди ва унутолмайди.

Буюк саркарда қайси халқнинг фарзанди ва бу халқ нақадар улуғлигини ҳақли равишда фахру шуур билан ўзи таъриф этади:

Биз ким, мулки Турон,  
Амири Туркистонмиз.  
Биз ким, миллатларнинг энг  
қадими ва энг улуғи  
Туркнинг бош бўғинимиз,

Буюк саркарда жафокаш халқини мўғуллардан халос қилиш учун кўп курашади, барча тўсиқ ва машаққатларни ирода билан енгади. Ниҳоят 1370 йилга келиб Амир Темур Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг ягона ҳокимига айланади. У ўттиз беш йиллик ҳукмронлиги даврида роҳат-фароғат суриб, кайф-сафо қилмайди, от устида, қаршисидаги душманларининг ўқ-найзаси хавфи остида жангоҳларни кезади, лекин омад унга кулиб боқади, барча олишувларда, икки йиллик, беш йиллик, етти йиллик юришларда, хуллас ҳамма жангларда доим зафар қучиб мағлубият нима эканини билмайди. Тарихчиларнинг аниқ маълумотларига кўра, Амир Темур муваққат равишда бўлса ҳам Қора, Эгей ва Ўрта денгиздан то Ҳиндистоннинг шарқи, Мўғулистон ва Хитойгача, Ҳинд океанидан то Урал тоғлари, Москва остоналари ва Днепр бўйларигача бўлган ҳудудни забт этади ва буюк бир салтанат барпо қилади. Бу улкан давлатнинг ҳудудлари Чингизхондан кейин иккинчи, лекин Искан-

дар Зулқарнайн давлати ва Араб халифалиги давлатларидан кичик эмас эди.

У тузган буюк салтанатга Турон, Эрон, Рум (Она-дули), Мағриб, Сурия, Миср, Ироқи Араб, Ироқи Ажам, Мозандарон, Кейлон, Ширвон, Озарбайжон, Форс, Хуронсон, Жидда, Буюк Татаристон, Хоразм, Хўтин, Кобулистон, Бохтар, Зомин, Ҳиндистон, Дашти Қипчок, Оқ Ўрда, Гуржистон, Арманистон ва Олтин Ўрда ўлкалари кирарди, шунча ўлка-ю давлатларга ҳукмдор бўлган Амир Темур бирор жойга ўз номини абадийлаштириш учун қўймайди, у камтарлик билан хоқон, подшо ва буюк хон ёки жаҳонгир каби дабдабали атамаларни ҳам олмайди, унинг фақат «Қутбиддин», «Амир» ва «Соҳибқирон» деган унвонлари бор эди.

Хўш, ўз она-Ватанини севган буюк Амир Темур нима учун ўзга мамлакатларни ўз ҳолига қўйиб, бепоён Турону Туркистондан мўғулларни ҳайдаб чиқаргач, тинчгина яшайвермади, нега баъзи подшолар сингари ўз роҳатфарогатини ўйламади? Нега унга ҳар хил тухмат тошларини отиб, номига доғ туширдилар? Ана шу саволларга жавоб берганда тарихнинг адолатли олтин тарозуси керак бўлади.

Аввало Европадан қизил салтанатни олиб келган болшевиклар мафкураси бузуқ эди, уларда бахтли инсонларни кўролмаслик, ҳасад ва нафрат, ўтмишга тупуриш, ҳар қандай ҳақиқатни ноқис ақл билан инкор этиш, хаёлий-афсонавий режаларни офиз кўпиртириб мақташ, энг даҳшатлиси — иңсониятнинг ўтмишини унуттириш, жуда бўлмаганда, ўша олтин сабоқли тарихни озгина бўлса ҳам қоралаш илллати маразга айланиб кетган эди. Улар ҳатто қаерда яхши ҳаёт бўлса, ўша жойда яшашга қанот қоқиб учардилар. Улар қизил мафқурани ниқоб қилиб олиб, ҳатто ўз тарихларига, подшоларига, ўтмишдаги ота-боболарига, яъни авлод-аждодларига ҳам нафрату лаънат ўқидилар ва Москва вилояти худуди чеккасидан то Тинч океанигача бепоён ўлкаларда яшаган халқларни ҳам шу мафкура қолипига солдилар.

Туркий халқларда миллат ажратиш ва марҳумларнинг номига ёмон сўз айтиш гуноҳи азим ҳисобланган, подшолари вафот этгач айбини бутун дунёга ёйишдек мунофиқлик бўлмаган. Мана шу мараз одатни болшевиклар Ўрта Осиёга ҳам олиб келиб, олдин ўзлари бошлаб, кейин маҳаллий сотқинларни ўтмишни ёмонлашга ростмана тайёрладилар. Улар тарихимизни зилол чашма кўзини аҳлат билан ёпгандек яширдилар, подшоҳларимизни қораладилар, урф-одатларимизни «эскилик сарқити» деб таъқиб этдилар, динимизни ман қилиб, тилимизни дағаллаштирдилар, бойликларимизни талаб, қонимизни зулукдек сўрдилар, айниқса эркимизни шу қадар руҳан эздиларки, баъзилар «ўзбекман» ёки «фалон миллатданман» дейишга ботинолмай қолди, агар жабр-зулмнинг Жамолунгма каби чўққиси бўлса, болшевиклар асорати ундан ҳам баландлаб кетди.

Хўш, халқлар бошига бало-қазо бўлиб келган болшевиклар босқинчими ёки ўнлаб ўлкаларни тасарруфига олиб гуллаб-яшнаган Амир Темурми?

Ҳақиқат — дононинг ақл қиличи, бундай ҳақиқат ҳар қандай бўҳтон тошини бир уришда кун-паякун қилади. Соҳибқирон Амир Темур бир умр ҳақиқат учун курашди, унинг шиори ҳам «Рустии-рости» — «куч адолатда» деган маънода эди. Шунинг учун ҳам унинг адолат қиличи бир умр синмай, душманларини кун-паякун қилди ва доим зафар келтирди.

Дунё тарихи ва тарихларнинг тақдири нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, буюк Амир Темур яшаган даврни ҳаёлимиздан тиниқ ўтказайлик-чи! Она-Ватанни мўғул босқинчиларидан халос этишдек ғоят қийин тарих тақдирини халқнинг содиқ фарзанди Амир Темур зиммасига тушди, худди шу пайтда унинг ёшлигидан ўқиб-зеҳн қўйиб ўрганган ҳарбий салоҳияти, ҳарбий сиёсати ва моҳирона саркардалик истеъдоди қўл келди, қўлига қилич олди ва тадбиркорлик билан Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳукмдори бўлди.

Хўш, шу даврда ёш ҳукмдорнинг атрофида нималар бўлаётган эди? Ички маккор душман билан бирга худуди

катта мамлакатнинг бутун чамбариди оч-яланғоч, заиф-нотавон, қудратли ва нафси аммори бир неча давлатлар Амир Темурнинг жаннатмакон ватанига оч бўрилардек ҳамла қилишга тайёр турарди. Буни соҳибқирон Амир Темур донишона туйғу-ҳислари билан сезиб турарди. Қолаверса, дунёдаги «манаман» деган одилу раҳмдил ҳукмдорнинг бир қўлида гул, бир қўлида қилич бўлмаса, у тожу тахтидан узилган куз япроғидек учиб кетиши ҳеч гап эмаслиги аниқки, бунга тарихда мисоллар кўп.

Шу ўринда бир мисол келтирамиз. Мамлакатни бошқариш нақадар оғир эканлигини, давлатни тутиб туриш ундан ҳам қийинлигини ёзувчи Пиримқул Қодиров «Авлодлар довони» тарихий романида Акбаршоҳнинг оталири — Байрамхон тилидан мана бундай тасвирлайди: «... Ҳокимиятнинг барча тизгинларини битта одам ўз илкида тутиб турмаса, давлатни бошқариб бўлмағай, амирзодам! Сиз ҳали бу минг ғилдиракли улкан аравани бошқариш қанчалик қийинлигини тасаввур этолмайсиз. Ҳокимият ўзинима? Соддароқ қилиб айтганда, минглаб асов отлар қўшилган улкан арава! Минг ғилдирак ҳаммаси тинимсиз ҳаракатда, минг отнинг тизгинларини кимдир тўғри йўлга солиб турмоғи лозим. Сал беҳабар қолсангиз, отларнинг бир қисми аравани бошқа ёққа олиб қочиб кетгай, ботқоққа ботқизиб қўйгай, ҳатто жарга ағдаргай. Орага бошқа одамлар суқилса-ю, тизгинларнинг бир қисмини буёққа бурса, бир қисмини у ёққа бурса, арава сарсон бўлиб, жарга қулаб тушмагайми?»

Ғоят улкан салтанат — мулки Туронни мўғулдек ёвуз душмандан халос этиш ва она-Ватанни теварак-атрофдаги кўз тикиб турган ғанимлардан ҳимоя қилиш, давлатни бошқариш, яна энг муҳими халқ фаровонлигини таъминлаш Амир Темурнинг елкасида эдики, бундай улуғ вазифани бажариш учун ғоят тадбиркор ва доно йўлбошчи керак эди. Туронзамин халқларининг бахтига Амир Темур мана шундай буюк инсон бўлиб дунёга келди, бу ҳам Аллоҳнинг улуғ инояти эди. Академик Бўрибой Аҳмедов ўзи-



нинг «Амир Темур» романининг «Сўнгги сўзи»да мана бу ҳақиқатни ёзади: «Биз, биринчидан, тарих тараққиёти кенг халқ оммасининг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ эканлигини, иккинчидан эса, ҳар қандай шахснинг ижтимоий-сиёсий ва илмий-адабий фаолияти бир текисда кечмаслигини, катта-катта ижобий ишлар билан бир қаторда, у баъзан жиддий хатоликларга йўл қўйиши мумкинлигини ҳисобга олмадик. Ва яна синфий жамият шароитида ҳар қандай шахснинг, ҳукмдорми, олимми ёки шоирми, бундан қатъи назар, мавжуд ҳукмрон синфнинг мақсад ва манфаатларига хизмат қилиши ҳақиқатини унутдик, тўғриси, бундай далил билан ҳисоблашгимиз келмади. Тарихга бир ёқлама ёндошиш, уни сохталаштириш ҳоллари мана шулар оқибатида юз берди.

Айниқса, йирик давлат арбоби, моҳир саркарда, илмфан ва маданият ҳомийси бўлмиш Амир Темурнинг шаънига кўп бўлмағур гаплар айтдик».

Буюк Амир Темур бобомизни ўз авлод-аждоди юртида номини ўчирдилар, тарихини ўқитмадилар, номини тилга олганда қора дилларидаги қора бўёқ билан чапладилар. Бутун Европа Амир Темур ҳақида минглаб асарларни китобат этганда, бизда академик Иброҳим Мўминов тарих ҳужжатлари асосида буюк соҳибқирон ҳақида кичик бир рисола ёзиб, балого қолди ва унинг умри завол топди (қизил империянинг сохта ва тухмату ҳасадчи мафкураси ана шундай разолат манбаи эди).

Ахир, Амир Темур ўз даври ва ўша муҳит-шароитида яшаган ҳукмдор эдики, машҳур тарихчи Бўрибой Аҳмедов бу ҳақда шундай ёзади: «Мен Амир Темурнинг баъзи ишларини, хусусан, босқинчилик юришларини тўла оқлолмайман. Лекин бир нарсани унутмаслигимиз керак. Аслини олганда, Амир Темур ҳам ҳукмрон феодал синфнинг намояндаси эди, ўша синф сайлаб, тахтга ўтқазиб қўйган олий ҳукмдор эди. Шунинг учун ҳам у ўз синфига хизмат қилиши, унинг мақсад ва манфаатларини қўлидан келганича ҳимоя қилиши лозим эди. Акс ҳолда, ўша синф бундай ҳукмдорни тарих саҳнасидан улоқтириб ташларди. Бундай ҳодисалар тарихда кўп бўлган.»

Академик бунга мисол тариқасида Юлий Цезарь, Хормуз IV, Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ва бошқаларни мисол қилиб келтиради.

Соҳибқирон Амир Темур ўз она-Ватанининг қудратини ошириш, ҳимоя қилиш ва шон-шухратини оламга машҳур қилиш учун курашди. У олиб борган урушларнинг ҳаммасини ҳам босқинчилик урушлари деб бўлмайди. Жаҳонгирнинг кўп юришлари феодал тарқоқликка, ўзаро ур-йиқитларга барҳам берди, баъзан босқинчиликка бош кўтараётган давлатларнинг попугини пасайтириб қўйди. Ўша даврларда Туркия султони Боязид Йилдирымдан бутун Европа, Россия, ҳатто Амир Темурнинг ўзи ҳам чўчиб турарди. Уни сулҳга чақирганда кўнмади ва Соҳибқирон уни урушда енгиб тарихга катта солнома киритди. Ёки ўзи тарбият этган ва тахтга чиқарган Тўхтамишхон Соҳибқиронга бир неча марта мунофиқлик қилгач, жазосини олди. Ўша даврда Олтин Ўрда, Миср ва Сивос ҳукуматлари ўзаро иттифоқ тузиб, бу уч давлат Амир Темурга қарши турарди, бундай қудратли давлатларни енгиш оғир эди. Буюк Амир Темур уларни бирма-бир чилпарчин қилди, натижада узоқ йиллардан бери давом этиб келаётган феодал тарқоқликка барҳам берди.

Амир Темурнинг ўз она халқи олдидаги биринчи энг буюк, энг муқаддас ва оламшумул хизмати мўғул истилочилари зулмидан ватанни озод этиши бўлди. Иккинчи улук хизмати — улкан давлатни тузишидир. Мўғуллар истибдоди тугаб, жон таслим қилиш даври яқинлашганда Мовароуннаҳр ва Хуросонга қайта-қайта ҳужум қилдиларки, бу долзарб пайтда атроф-теварақдаги амирлар қарши жангга киришмадилар, аксинча ялтоқланиб душман тарафга сотилиб кетдилар, баъзилар эса ўз жонларининг ҳузур-ҳаловатини кўзлаб, юртни ва халқни ташлаб қочдилар. Ватанни муқаддас билган Амир Темур от устидан тушмай, қўлидан қилични қўймай босқинчи душмандан ватанни халос этиб, Мовароуннаҳр халқига эрк ва омонлик бағишлади.

## НИЯТИ — АДОЛАТ, ФАЗИЛАТИ — ҲАҚИҚАТ

Кимда-ким буюк Амир Темурни босқинчи деган бўлса, гуноҳи азим қилганига иқрор бўлаверсин! Унинг нияти — адолат, фазилати—ҳақиқат билан уйғун эди. Бунга тарих саҳифалари, шоҳидларнинг ёдномалари ҳам ҳатто бу буюк инсон томонидан ёзиб қолдирилган дилномалар ҳам аниқ гувоҳлик бериб туради.

Темур ўз «Таржимаи ҳол»ида: «Мен ҳар бир ишда адолат сақлашга ва тўғри йўл тутишга умр бўйи ҳаракат қилдим», деган эдики, юқорида айтилгандек адолат ва ҳақиқат унга доим йўлдош бўлади. У нафақат ўз халқини, балки бутун инсон зотини севарди ва ғоят қадрларди. Шунинг учун ҳам «Таржимаи ҳол»ида мана бундай деб ёзган эди: «Дунёдаги барча инсонлар гуёки бир бутун тандир. Агарда улардан кимда-ким бошқасига ҳужум қилиб, бало келтирса, бу инсон ўз танасини ўзи чопгани билан баробардир. Демак, бировнинг бировга нисбатан бўлган ҳар қандай душманлик ҳаракатлари ўта бемаънилиқдир, урушнинг ҳеч кераги йўқ».

Амир Темур бобомизнинг тарих зарварақларига олтин ҳарфлар билан ёзилган: «Шу йўсинда ҳеч қон тўкилишсиз мен душманларим билан ярашиб олдим ва ўз жойимга қайтдим» деган сўзлари Соҳибқиронни босқинчи деган ва дегувчиларга ақлли бир зарбадурки, Амир Темур ҳам доим иложи борича мушкулликларни тинч йўл, сулҳ ва муро-саю-мадора йўли билан ҳал этишга ҳаракат қилган, аҳволу шароит мажбур этганда ва душман адолатсизлик йўлига ўтганда жанговар жанг қилганки, бунда Жаҳонгирни айблаб бўлмайди.

Амир Темурнинг ўз она халқи учун жони-жаҳонини беришга доим тайёр улуғ инсон бўлганлиги кўплаб тарихчиларнинг ёдномаларида ёзиб қолдирилган. Мажор (венгр) олими Херман Вамбери ўзининг «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи» асарида қизиқ бир воқеани ҳикоя қилади. Воқеа бундай кечади. Хоразмда Хусайн Сўфи мухосарада вафот этади-ю, унинг биродари Юсуф Амир Темур билан

сулҳ тузади. Соҳибқирон у билан алоқани мустаҳкамлаш учун ўзининг ўғли Жаҳонгир Мирзога Юсуф Сўфининг гўзал қизи Суюнни келинликка сўрайди, у бунга рози бўлади, Темур кўнгли тўлиб Ватанига қайтади. Лекин Юсуф Сўфи Кайхусрав ва Ҳайталонийнинг қуруқ ваъда-ю, вас-васасига учиб Суюн ҳақидаги аҳдига вафо қилмайди, Темурга қарши жанг қилади. Темур эса жангда енгиб, Суюнни ўғлига тўй қилиб олиб беради. Афсуски, Жаҳонгир Мирзо вафот этиб қолади. Аҳд яна бузилади. «Темур Хоразмга қарши учинчи маротаба юриш қилишга мажбур бўлади, деб ёзади можор олими. — Бу сафар пайтида Юсуф Сўфининг бошига қизиқ бир фикр келади. У икки тараф кишиларининг қони тўкилмаслиги учун ўзи Темур билан яккама-якка олишмоқни истайди. Шу боис Темурга «Икки одам учун қачонгача азоб-уқубат чекадилар, инсоният ва мамлакатнинг ҳайрияти учун бу икки одамнинг бирга-бир олишувларини ва майдонда баҳс қилишларини талаб қилдир», деб ёзади. Темур бу таклифдан жуда қувонади. Сайфиддин барлос унга ўзининг қимматли ҳаётини таҳликага солмаслигини тавсия қилса-да, Темур унинг гапига кирмай, жанг майдонига биринчи бўлиб келади ва жуда қаттиқ товуш билан душманини чақиради. Лекин Юсуф Сўфи келмайди. У қўрқув ва хавф туфайли ўз таклифидан воз кечади, умумий, ҳарбий жанг талаб қилади. Шундан сўнг 781 (милодий 1379) йил Хоразм қалъаси Темур томонидан қамал этилган пайтда Юсуф Сўфи вафот этади. Фолибнинг кўлига жуда катта хазина тушади. У бойликларни, моҳир ҳунармандларни, уламою кирамоларни ўзи билан бирга Кеш шаҳрига олиб келади. Бу ғалабанинг шаърафи учун бир сарой бино қилишни буюради. Она шаҳрининг яқинида қишни ўтқазиб, истироҳат қилади. Ов овлаш билан машғул бўлади».

Тарихий бу лавҳада Амир Темур бобомизнинг ғоят мардона сиймоси ўз ифодасини топган. Буюк салтанатнинг ҳукмдори душман жанг майдонида яккама-якка олишувга чақирганда қўрқиб ёки ғазабланмаган, балки қувонган. Бу жасорат! Яна шуниси эътиборлики, якка олишувга так-

лиф этган Юсуф Сўфидан олдин жанг майдонига тушиб, арслон наърасидек қаттик овоз билан уни мухоробага чақирган, лекин Сўфи олчоқлик қилиб, ўз аҳди-лабзидан қайтиб кўрқоқлигидан ва жони ширин кўриниб майдонга чиқолмаган. Амир Темур эса шерюраклик билан майдонга чиққан эди.

## ХАЛҚҚА МУҲАББАТ — КУЧЛИ ҚУДРАТ

*Халойиққа раҳм қилдим, барчага нафъ еткурдим. Бунда бировга ноҳақ озор етказмадим ва мендан ёрдам сўраб келганларнинг кўкрагидан итармадим.*

(АМИР ТЕМУР)

«Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир!» Амир Темурнинг халққа бўлган муҳаббатини ана шу оташин ва эзгу сўзларидан ҳам билиш қийин эмас. Кимки ўз ватанини севса, халқини ҳам шундай муҳаббат билан севади ва унга содиқ фарзанд бўлиб хизмат қилади.

Соҳибқирон ҳар қачон қаерда ва қандай вазиятда бўлмасин халқнинг дардларига дармон бўлишни энг олий мақсад деб билади. Мана бу ҳикоят ҳам Амир Темурнинг халқ ҳаёти-турмушига ниҳоятда зийраклик билан эътибор берганига далилдир. Ривоят қилишларича, Амир Темур навкарлари билан Қаршида турарди. Бир куни эрта-лаб сигир етаклаб кетаётган аёлга кўзи тушади-да, жуда ажабланади ва сўрайди: «Нечун аёл сигир боққани кетаяпти, эрини келтиринглар, бу қилмишининг синоатини билайлик».

Сигир етаклаган аёлнинг эри топиб келиниб, сўроқ қилинади. У Соҳибқиронга бундай деб арзи-ҳол қилади:

— Эй олампаноҳ, уйимда сизнинг навкарларингиз бор, уларнинг олдига хотинимни ташлаб кетолмадим, шунинг учун сигирни хотиним ўтлатгани чиқади.

Гап нимадалигини тушунган Амир Темур шундан кейин навкарларини одамларнинг уйига туширмайдиган, очиқ жойда ўтов тиктириб яшайдиган қилибди.

У улуғ хукмдор бўлса ҳам одамларнинг яшаш тартиби ва оиласига, тинч турмуш кечиришига шу қадар эътибор берганки, юқоридаги воқеада инсоний ахлоқ-одоб, инсоф, диёнат ётади.

Она халқини ва ота юртини улуғлашда Амир Темурга тенг келадиган зот бутун Осиёда топилмаса керак. У ўз халқини севган ва она-Ватанига садоқатли одамларни иззат-ҳурматда тутган, ҳатто бу мавзудаги воқеа-ҳодисаларни фахр билан сўзлаб, кўпларга ибрат-матал тарзида уқтирган, ўзи эса бунга қатъий амал қилган. Масалан, Амир Темур ҳайратомуз шону шавкатга эришгач, ўзи ўтказган машварату қурултойларда мана бу ҳикоятни кўп такрорлар экан: «Беҳудуд саҳрода икки сайёҳ — бири араб, бири эроний адашиб қолишибди. Эроний сувини ичиб тамомлабди. Арабнинг кўзчасида бир қултум оби ҳаёт қолибди. Офтоб тифида эроний сулайиб, тамомила мадордан қолибди. Ўлими муқаррар бўлибди. У сўнгги кучини йиғиб ҳамроҳига дебди: «Сен арабсан, халқингни олижаноб деб эшитганман. Агар шу рост бўлса, сувингни менга бер, халқингнинг олижаноблигини кўрсат».

Араб бир зум ўйлаб қолибди-да, хуржунидан кўзачани чиқариб, уни ўлим билан олишайтган шеригига узатиб: «Халқимнинг олижаноблиги олдида менинг ўлимим ҳеч нарса эмас, мен бу удумга шак келтирмайман, мана сув, ича қол дебди».

Амир Темур бу нақлни бежиз такрорламасди, у ўз халқининг озодлиги, шон-шарофати учун курашарди, уни севарди, шу халқнинг отаси эди.

Амир Темур билан ёнма-ён юриб машҳур «Зафарнома»ни ёзган Шарафиддин Али Яздий гувоҳлик бериб айтидики, Амир Темур бир вақтнинг ўзиде душманларига офат, аскарларига қаттиқўл раҳбар, шунингдек ўзининг жафокаш халқига ота бўла олар эди. У ўз фуқаросининг аҳволи ҳақида ишончли бошдиқлари берган маълумотларни шахсан ўзи кўздан кечирарди. У ҳар бир соҳа ёки муҳим тадбирни бажаришга кишиларни тайинлашда одамни таний ва танлай биладиган ғоят нозик, зарифона хислатга

эга эди. У ғарбга ёки шарққа юришларидан ҳар сафар она-Ватанга, Самарқандга қайтгач, биринчи навбатда фуқаронинг ҳол-аҳволидан хабар оларди. Амир Темурнинг бир ҳарбий сафардан қайтганида она юртида солиқлар ошириб юборилгани ва нарх-наво қимматлашиб кетгани учун ўз ўрнига давлатни бошқаришга қолдириб кетган амиру аъёнларни, акобирларни халққа ноҳақ жабр-зулм қилганликлари, маишатбозлик қилиб халқнинг нонини текин еганликлари учун дорға остирганлиги тарих китобларига ёзиб қўйилган.

Амир Темурнинг ўзи, одатда, султонлар бўш вақтларида машғул бўладиган ҳузур-фароғатлардан фақат ов қилиш ва ўзи такомиллаштирган шахматни ўйнаш билан машғул бўларди.

Машҳур тарихчи Ибн Арабшоҳ ўзининг «Амир Темур тарихи» асарида бир неча ўринларда душманлик назари билан уни қораласа-да, Соҳибқироннинг улуғ инсонлигига тан берадики, унинг асаридан қуйидаги кўчирма бунинг аниқ исботидир: «Темур баланд қадли, узун бўйли, тик қоматли, гуё у қадимий паҳлавонлар авлодлари мисоли бўлиб, кенг пешонали, катта бошли, ғоятда кучли ва салобатли, ажойиб бўйлик, оқ-қизил юзли, лекин доғсиз, буғдой ранг эмас, қўл-оёқлари бақувват, елкалари кенг, бармоқлари йўғон, пойчалари семиз, қадди-қомати камолига етган, серсоқол, ўнг оёқ-қўли майиб, икки кўзи бамисоли икки шам бўлса-да, шодлиги билинмас, йўғон овозли эди; ўлимдан кўрқмас, ёши саксонга етган бўлса-да, изтиробсиз, вазмин, бадани тўла ва пишиқ, худди зич (қалин) тош мисоли қаттиқ эди. У ҳазил-мазах ва ёлғонни ёқтирмас, ўйин-кулгию кўнгилихушликка майлсиз, гарчи сўзда ўзига озор етадиган бирон нарса бўлса ҳамки, ҳақиқат унга ёқар эди; у бўлиб ўтган ишга азият чекмас ва ўзича ҳосил бўладиган (ютук)дан шодланмас эди.

Темур тамғасининг нақши «рости-русти» бўлиб, бу «ҳақ-гўй бўлсанг, нажот топасан» демакдир... Кўпинча унинг мажлисида уятсиз сўзлар, қон тўкиш, асир олиш, наҳбу

горат қилиш ва аёллар шаънига ҳақорат гаплар бўлмасди. Темур қўрқмас, шижоатли, ботир, жасоратли, довьюрак ва мардларни ёқтирар эди. У бехато нишонга урувчи, фикрли, ажойиб фаросатли, мислсиз даражада бахтли, улуғворлиги ўзига мувофиқ, қатъий азим билан сўзловчи, ҳақгўй киши эди.

У (бировдан) бир гап эшитганда далил талаб қиладиган, зимдан қараш ва кўз ишоратларини сезадиган идрокли киши эди. У синчков бўлиб, ҳар бир ишоратдан огоҳ киши бўлиб, юз берадиган барча ишни кўриб-билиб турар эди. Унинг назаридан алдовчининг алдови яшириниб қолмас ва фирибгарнинг фириби ўтмас, ўз фаросати билан ҳақгўй ва ёлғончини ажратар эди...

Унинг лақабларини қўшганларида Темурни етти иқлим соҳибқирони, ёру сувни идора қиладиган (зот), подшоҳлару султонлар жаҳонгири деб атардилар». (Шарқшунос олим Убайдулла Уватов таржимаси).

Амир Темурнинг сиймоси ва сийрати ҳақидаги бу лавҳани Ибн Арабшоҳ асаридан келтирдикки, унда ўзбек халқининг буюк сиймоси, Осиё саркардаси, она халқи ва она-Ватани учун ҳаётини баҳшида этган инсоннинг зоҳирий, ботиний, олижаноб руҳий олами ўз ифодасини топган. Амир Темур юксак ахлоқ ва одобда, зийраклик ва фаросатда, ҳақгўйлик ва қатъийликда ягона инсон бўлган, бу халқнинг бахти эди.

Соҳибқирон билан замондош яшаган муаррихларнинг аниқ шоҳидлик беришларича, «Темурнинг кўнгил очар эрмаклари ҳеч қачон фуқаросига хонавайронлик келтирмаган. Кўнгил очар эрмаклар уни асосий вазифасидан ҳеч қачон четлаштирмас ва ортиқча чиқимларга туширмас эди.

Амир Темур ўзининг халқ хизматида эканлигини мана бу сўзлар билан изҳор қилган: «Яхши подшоҳ, подшоҳлик қилиш учун ҳеч қачон етарли вақтга эга бўлмайди, шунинг учун биз қудратли Аллоҳ бизга муқаддас қарз сифатида топшириб қўйган умрни фуқаро фойдасига ишлашга мажбурмиз. Бу ҳамиша менинг маслаҳатим бўлиб қолади:



негаки қиёмат куни фақирлар этагимдан тортиб, мендан қасос олишни талаб этишларини истамайман».

Амир Темур «етти иқлим соҳибқирони» бўлганда ҳам камтарлиги ва гашти-латофати билан кўп яхши дўстлар орттиради. У ёшлиқда ким билан дўст бўлса, дўстликка дўстлик билан жавоб беришни унутмай меҳрибонликлар кўрсатади. У биринчи пири шайх Зайнуддин Абу Бакр Тайбодийни, Имом Саййид Баракани умрининг охиригача унутмайди. У имом Баракага шу қадар ихлос қўйгандики, бу художўй одамнинг вафотини эшитиб кўз ёши тўкиши — қудратли султон табиатига хос бўлган ажойиб хислатлар эди.

Соҳибқирон давлатни бошқаришда ўз атрофига ҳалол, диёнатли, ишнинг кўзини биладиган одамларни танлаб, ҳақ йўлини тайин этиб қўядики, ҳатто ўзи ҳам давлат ишларида бирор хато-камчиликка йўл қўйса, огоҳлантиришларини айтади. «Мен ўзимга адолатли ва раҳмдил тўрт вазирни танладим, — деб ёзади у «Таржимаи ҳол»ида. — Улардан иккиси Маҳмуд Шаҳоб Хуросоний ва Носириддин Маҳмуд ал-Аромий эди. Бу икки вазиримга доимо мени кузатиб туришларини ва агар меъ адолатсизлик қиладурғон бўлсам, дарҳол мени тўхтатишларини, кимнингдир ёлғон сўзларига инонсам ёки бегона кимсани мулкига хиёнат қиладурғон бўлсам дарҳол мени огоҳлантиришларини таъкидлаб қўйдим. Ва уларнинг ўзларига ҳам мусулмонларнинг молига тамаъ қилманглар дедим.»

Одилона бу тадбирлар Амир Темур салтанатининг мустаҳкам ва барқарор туришида, халқ ва лашкарлар унинг измидан чиқмаслигига доим энг муҳим омил бўлди.

Амир Темур ёшлиқ чоғидан оилада, катталар орасида яхши тарбия топганлигини, отасининг айтган тўрт насиҳатини умр бўйи ўзига йўлчи юлдуз қилиб олганлигини ҳам алоҳида таъкидлайдики, қуйида шу насиҳатларни қисқача келтирамиз:

«Бир куни отам амир Тарағай менга деди:

Мен айтадиган мана бу ўгитларимни ёдингда тут:

**Б и р и н ч и .** Ўз аждодларингни ҳурмат билан ёд эт ва унутма (шу ўринда Темур шажараси санаб ўтилади).

**И к к и н ч и .** Темур, сенга васиятим шуки, ота-боболарингдек шарият бўйича иш тут. Расулуллоҳнинг умматларини ҳурмат ва эҳтиром қил, сенга тобеъ халққа раҳмдил ва меҳрибон бўл.

**У ч и н ч и .** Ёдингда бўлсунким, барчамиз ҳам Аллоҳнинг бандаларимиз, унинг амри билан бу кўк остида юрибмиз. Шунинг учун Аллоҳнинг сенга юборган неъматларига шукрона эт, унинг марҳаматига шукур қилиб, номини доим тилга олиб такрорла, унинг яғоналигига эътиқод қил, амрига итоат эт ва ман этилган нарсаларга қўл ура кўрма.

**Т ў р т и н ч и .** Қариндош-уруғчиликни узма, бировга ёмонлик қилма, ҳар бир маҳлуққа раҳмдил бўл».

Отамнинг бу доно насиҳатларини яхшилаб тинглаб олдим ва умр бўйи уларга амал қилишга қарор қилдим.»

Ўзбек халқининг бобокалон саркардаси ва доно йўлбошчиси Амир Темур юқорида биз санаб ўтган ўнлаб нодир хислат-фазилатлар эгаси эдики, унинг шўҳрати ва улуғ салтанатининг қудрати етти иқлимга ёйилди. У бундай шарафга халққа бўлган муҳаббати ва она-Ватанни чин иймон билан севганидан, садоқатидан, адолатлилигидан, ҳақўйлигидан эришди. У ўзи иймон нима эканини таърифлаб: «Иймон, ул инсонни барча жондилардан фарқлантириб турувчи хусусиятдир. Иймонли одам хиёнат қилмайди, қариндош-уруғлари, элу халқнинг ор-номусини ҳимоя қилади, ҳалоллик ва покликни фазилат билади», деганида ҳақ эдики, буни шавкатли умрида исбот этди. Амир Темур бобомизнинг эл-улусга муҳаббати, она-Ватанга севгиси чин иймонданки ва шундай улуғки, уни маорифу маърифатда алоҳида инсоний илм сифатида ўқиш айна муддао бўлади.

## СЕВМОҚДАН ТУҒИЛГАН ҒЎЗАЛЛИК

Амир Темур ўз салтанатини ўрната бошлаган дастлабки пайтданоқ юрт ободлиги ва эл фаровонлигига эътибор бера бошладики, бу ҳам ватанни севган улуғ инсоннинг қалб амри эди.

Амир Темур Самарқандни географик жиҳатдан об-ҳавоси дилкушо, табиати ғўзал ва энг муҳими Мовароуннахрнинг қоқ марказида жойлашганлиги учун ўз салтанатининг пойтахти этади. Соҳибқироннинг ўз она юрти ва пойтахтига меҳру муҳаббати яна шу қадар юксак эдики, унинг ниятида Самарқанд дунёнинг энг донгдор шаҳри бўлиши керак эди. У Самарқанд атрофида бир неча қишлоқлар барпо этиб, уларга мусулмон мамлакатларининг бош шаҳарлари бўлмиш Бағдод, Дамашқ, Миср (Қохира), Шероз ва Султония номларини берганлиги ҳам шундан далолат беради. Соҳибқирон пойтахтининг шухрати оламга таралишини билган ва шунга бутун кучини сарф этган, дунёнинг диққат-эътиборидаги улкан шаҳарга айлантиришга бел боғлаган. У Самарқанд шаҳрида ва бошқа жойларда маҳобатли кошона-қасрлар қуриб, фахр билан «Қудратимизга шак-шубҳангиз бўлса, биз қурдирган биноларга боқинг» деган мазмунда калом айтганки, бунда у тамоман ҳақли эди.

«Тарихчилар, қадимги юнон йилномачилари Мароқанд ҳақида кўп маълумот ёзиб қолдирганлар, — деб ёзади Иброҳим Мўминов ўзининг Темур ҳақидаги рисоласида.— Ўрта аср шоир ва ёзувчилари бу шаҳарга бағишлаб ғазаллар ёзганлар, уни «Сайқали рўйи замин» бутун Ер юзининг сайқали, ҳусни деб таърифлаганлар. Шарқ ва Фарбнинг кўпчилиги мамлакатларидан келган сайёҳлар, олимлар Самарқандга маҳлиё бўлганлар, унда бадий ва илмий фикрларнинг салтанати, халқ яратган ажойиб дурдоналар мавжудлиги, моҳир қурувчи-усталар, хунарманду соҳибкорлар ўз халқининг ақл-заковати, истеъдод-қобилиятини

гўзал нақшларда мангу ифодалаганлиги ҳар бир томоша-бинни ўзига мафтун этади».

Амир Темур бобомиз буюк иморатлар барпо этади ва уларни улкан боғу-роғлар билан ўрайди, шаҳар ва қишлоқларни тиклайди, сув иншоотлари барпо этади, бузилганларини тиклайди. Мусулмон меъморчилигидаги энг яхши анъаналар Амир Темур даврида гуллаб-яшнади ва мангу умр топади.

Амир Темур мамлакат ободончилигига шу қадар қизиқиш ва меҳр билан интиладики, буни куйидаги тарихий ҳужжатларда, аниқ маълумот-ҳодисотларда ҳам кўра-миз. Ривоят қилишларича, Амир Темур Шерозга кириб келганида унга юпунгина кийинган машҳур шоир Ҳофиз Шерозийни таништирганлар. Амир Темур Ҳофизни кўриши билан унинг:

Агар кўнглимни шод этса ўшал Шероз жонони,  
Қаро холига бахш эткум Самарқанду Бухорони

байтини ўқиганда: «Самарқанд билан Бухоронинг шуҳрати ҳамма ёқни тутсин деб, бутун дунёни забт қилдим, буларни бир гўзалнинг қаро холига тортиқ қилиб юборишга қандай журъат этдинг?» — деган. Шоир эса хотиржамлик билан: «Ўтакетган кўли очиклигимдан қашшоқлигим шу жойга етди», деб устидаги ямоқ чопонини кўрсатган.

Доно шоирнинг доно жавобидан завқланган Амир Темур хандон кулиб унга зарбоб тўну тилла пуллар ҳадя қилган экан. Бу ўша даврнинг ҳикояти, лекин унинг мазмунида ҳақиқат бор. Амир Темур юртининг обод ва гўзал бўлишига алоҳида эътибор беради. Бу ҳақда машҳур муаррих, академик Бўрибой Аҳмедов «Амир Темур» тарихий романи «Сўнгги сўзи»да анча тўлиқ ва аниқ маълумотлар берадики, шундан баъзи лавҳаларни келтирамиз: «Амир-Темурнинг эл-юрт ва давлат олдидаги яна бир хизмати, у мамлакат ободончилигига, илм-фан ва маданият тараққиётига улкан ҳисса қўшди. Амир Темур, хусусан, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Ясси ва бошқа шаҳарларни қайта

қуриш ва обод қилиш ишига зўр эътибор берди. Темур ҳокимият тепасига келган дастлабки ойларидаёқ, унинг саъй-ҳаракати билан Самарқанднинг қалъаси бунёд этилди, шаҳар баландлиги саккиз метрлик девор билан ўралди. Унинг амри ва раҳбарлиги остида Шоҳи Зиндада жуда катта таъмирлаш ва қурилиш ишлари олиб борилди. Масалан, Туркан оға, Амирзода, Ширинбека оға, Амир Бурундуқ мақбаралари қурилди. Шаҳар марказида бунёд этилган Рухобод ва Гўри Амир мақбаралари, Кўксарой, Бўстонсарой ва Бибахоним жомеъ масжидлари шулар жумласидандир. Гумбазли бозор (тим), жамоат бинолари (бозор расталари, карвонсаройлар, ҳаммомлар), масжиду мадрасалар, шунингдек, йўллар, қасрлар бунёд этилди».

Самарқандда аҳолининг кўпайишини назарда тутган доно Амир Темур шаҳарда катта-катта кўчалар, уларнинг икки ён томонига ҳар хил моллару ашёлар ишланадиган ва савдо қилинадиган икки қаватли кўркам дўконлар (расталар) барпо эттирди.

Амир Темур даврида Шаҳрисабз ҳам обод бўлади. Оқсарой, Дор ут-саодат, Дор ут-тиловат, Гумбази Саййидон каби маҳобатли қасрлар ва мақбаралар қурилади. Масжид, Мадраса, карвонсарой ва ҳаммом каби жамоат бинолари барпо этилади. Шаҳрисабздаги Оқсарой қасри ғоят маҳобатли бўлиб, унинг пештоқларига ёзилган араб ҳарфидаги калималарни узоқдан туриб ўқиш мумкин эди.

«Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги Султон Сегизбоев номли давлат хўжалиги ўрамида, — деб ёзади академик Бўрибой Аҳмедов, — Оҳангарон сойининг Сирдарёга қуйилиш жойида Шарқия деб аталган бир тепалик бор. Бу шунчаки бир тепалик эмас, у қадимий Банокат шаҳрининг ўрни. Уни 1212 йили Чингизхоннинг босқинчи аскарлари ер билан яксон қилган эдилар. Амир Темур уни 1388 йили қайта қурдиради ва кенжа ўғли амирзода Шоҳруҳнинг отига Шоҳруҳия деб атади». Шу ерда бир нарсага ажабланмай бўлмайди. Ҳазрат Соҳибқирон қанчадан-қанча масжиду мадрасалар, қасрлар, боғ-роғлар, наҳрлар ва

шаҳарлар қурдирибди-ю, лекин шуларнинг биронтасига ўзининг номини қўймабди.

Ҳозирги Туркистон (Қозоғистон Республикаси) шаҳрида султон ул-орифин хожа Аҳмад Яссавий турбати устида қурилган муҳташам мақбара ҳам Амир Темурнинг катта маблағига бино қилинган.

Амир Темур нафақат Мовароуннаҳр ва Туркистонда, балки бошқа мамлакатларда ҳам қалъалар (Афғонистон), қасрлар, шаҳарлар ва наҳрлар (Эрон, Озарбайжон, Афғонистон) қурдиради. Бағдод ва Дарбанд шаҳарларини таъмирлатади.

Тарихий манбаларда Амир Темурнинг эл-юрт ободончилигига алоҳида аҳамият берганлиги таъкидланади. Ҳикоя қилишларича, Амир Темур ихлос-эътиқод билан Туркистонда Аҳмад Яссавийга мақбара қура бошлаганда, ҳар куни эрталаб усталар туриб қарашса, кўтарган деворлари кулаб тушаверган. Кейин Амир Темурнинг тушига шайх Аҳмад Яссавий кириб, «Менинг мақбарамдан олдин Шайх Занги турбати ётган жойни обод этинг» дейди. — Шундан кейин Амир Темур ҳозирги Тошкент вилоятидаги Зангиота мабара-хилхонасини таъмирлаб, гўзал ва фасоҳатли ҳолга келтиради, Туркистонда эса шундан кейин Аҳмад Яссавийга мақбара қурилади. Амир Темур улуғ салтанатнинг соҳибқирони бўлса ҳам отаси Тарағайнинг васиятига амал қилиб авлод-аждодини, халқини доим улуғлайди, буни ўша буюк шайх отамиз Аҳмад Яссавий қабри-мақбарасига ғоят улкан қозон ясатиб, художўйларнинг ундан баҳраманд бўлишларига қулай шароит туғдириб берганидан ҳам кўра-миз. Темур ясатган бу қозоннинг бутун чамбарига араб ёзувида калима битилганлиги ҳам Соҳибқироннинг буюк эътиқодидан нишонадир.

Амир Темур она-Ватанини шу қадар улуғлаб, шу қадар обод этадики, ўша кезларда Европа, Осий мамлакатларидан келган элчилар ва ваъзхонлар ўз ҳукмдорлари йўллаган олиймақом номаларни Амир Темурга топшириб, савдо-социқ муносабатларини ўрнатишни илтимос қилганлар, эл-

чилар соҳибқирон салтанатида ўрнатилган тартиб-интизомлар билан бирга унинг даврида бунёд бўлган қасрлар, қонақоналар, арklar, боғу роғлар ва ажойиб шаҳарларни кўриб қангу манг бўлиб қолганлар.

Амир Темур ҳузурига ташриф буюрган Испания элчиси Дон Луи Гонзалес де Клавихо ўз хотираларида соҳибқироннинг пойтахтини, қароргоҳини, унинг салобат ва маҳобатини ҳаққоний тасвирлайди. Буни можор тарихчи олими Херман Вамбери ўз китобида бундай ёзади. «Христиан элчиси Дон Луи Гонзалес де Клавихо у лавҳаларни гўзал тасвирлайди. У кўп нарсаларни кўрган, у ҳамма нарсани кўрган, чунки Темурнинг ҳурматида бўлган, унинг бундай юксак илтифот кўрсатганини Темурнинг расмий қабул пайтида сўзлаган куйидаги сўзи ҳам тасдиқлайди. Темур ўз вазирларига хитобан ифтихор билан шундай деган: «Қаранглар мана, ўғлим—Испания қиролининг менга юборган элчиларини кўрингиз! У, Испания қироли дунёнинг энг четида туради ва бутун фаранг подшоҳларининг энг буюғидир. Улар, фаранглар, ҳақиқатан улуғ халқлардир. Ўғлим, мен ҳам Испания подшоҳига ўзимнинг эҳтиромимни кўрсатмак истайман».

Херман Вамбери ана шу тарихий ҳужжатларни талқин этиш билан Амир Темурни «Осиё саркардаси» деб атайдди. Шу билан бирга унинг меъморчиликда ўз она-Ватанини севиб, ажойиб қурилишлар бунёд этганини таъкидлайди. Амир Темур ҳар бир зафарини, ҳар бир севинчли воқеа-ҳодисани бирон-бир меъморлик асарини бунёд этиш билан нишонларди. «Шу мақсадда, — деб ёзади Херман Вамбери, Ҳиндистоннинг юзларча моҳир ғишт терувчиларини, Шероз, Исфаҳон ва Дамашқнинг машҳур усталарини Мовароуннаҳрга келтирди, улар гўзал иморатлар қурдилар. Мусулмон Осиёси икки йил мобайнида туркий қўшинларига лашкаргоҳ бўлганига, бу қитъада — Темур салтанатида асарлари билан бизни ҳайратга солган рассомлар, меъморлар ва бошқа санъат аҳли доимо ижод қилганига мазкур иморатлар шоҳиддир. Нақадар ваҳий этиб тасвирланган жаҳонгирнинг дилида гўзаллик ва юксакликка му-

ҳаббат шу қадар кучли эдики, бунга унинг даврида яратилган санъат ва меъморий асарлари далилдир.»

Можор олими ҳис этган Амир Темур дилидаги гўзаллик ва юксакликка бўлган муҳаббат унинг она-Ватани ва халқига бўлган буюк севгиси, садоқати ва адолатидан туғилди. Амир Темурнинг салтанати Мовароуннаҳр учун ҳеч шубҳасиз дабдабали давр бўлдики, туркий халқлари учун шундай зиё бердики, ундан юзлаб қавмлару эллар, мамлакатлар ҳарорат ва маҳорат зиёсини олдилар.

## ТЕМУРНИНГ МАЪРИФАТ НУРИ

Амир Темур соҳибқирону даврон бўлиш билан бирга ниҳоятда илмли, доно, зукко, фаҳм-фаросатда зариф-зарофатли, хушёр, руҳий ҳолатларни ва воқеалардан келиб чиқадиган хулосаларни биладиган, покдиллик билан башорат қиладиган, ҳатто ҳар қандай муаммо-машаққатларни енгишга имкони топадиган донишманд эди. У гарчи «Ҳокимиятни қўлда қилич билангина ушлаб туриш мумкин» деган бўлса ҳам илм-фанга, маданият-маърифатга алоҳида эътибор беради. Ҳукмдор даврасида олиму фозиллар кўп бўлса, салтанат қудратли бўлишини чуқур идрок этади. Бунга қуйидаги мисолни келтириш мумкин.

Амир Темур илм кишиларини ҳурматлаб, шайху уламоларни эъзозлаб бундай дейди: «... Қўстантиннинг воқеаси менга ибрат бўлди. Бу адолатли подшо бир кун лашкар йиғиб, Рай подшоҳи томон юриш қилган. Ўз лашкари билан унинг мамлакатига келаётиб, Қўстантин ногоҳ Рай подшоҳининг мажлисида сайидлар, уламолар ва шайхлар ҳозир эканлиги ҳақида эшитади. Буни билганидан сўнг Қўстантин Рай салтанатини забт этишдан воз кечади ва лашкари билан тезда ортига қайтади. Ортига қайтганининг сабабини сарой аъёнлари ва лашкарбошиларига тушунтириб, Самовий деган донишманднинг китобида подшолар мажлисида диний арбобларнинг ҳозир бўлиши муҳим нарса эканлигини уқтиради. Ўша китобда айтилишича, агар подшоҳнинг мажлисида диний арбоблар ҳозир бўлса, бу под-



шони ҳеч ким енголмайди дейилган. Кустантин қайтаётиб, йўлдан Рай султониға хат ёзиб, унинг подшоҳлиги худди шаҳаншоҳларникидек эканлигини ва шу сабабли уни енгишиға ишонмаганидан у билан уришишдан воз кечганлигини айтган.»

Амир Темур ана шу каби улуғ подшоҳлар тарихидан сабоқли воқеа-ҳодисаларни чанқоқлик ва эътиқод қўйиб ўрганадик, илм, ақл-заковатни ҳаётнинг асосий манбаи деб биледи. Шунинг учун ҳам у сайидларни, уламоларни, фозилу оқилларни, фан кишиларини, шоирларни, хунарманду истеъдодли кишиларни ардоқлайди, уларға эътиқодда бўлади. Рум пойтахтиға юришидан аввал ҳазрат шайх Аҳмад Яссавийнинг мақбарасини зиёрат қилгани ва қуйидаги рубойни ўқиса мушқули осон бўлишини сезган ва бунга амал қилгай:

Амир Темур дейди:

«Оғир дақиқада менға ёрдам берадиган рубой будир:

Эй қаронғу кечани шамъи шабистон этгон,  
Бир лаҳзада оламни гулистон этгон  
Бас, мушқул ишим тушубдур, осон этгил,  
Эй барчанинг мушқулин осон этгон.

Бу рубойни мен яхшилаб ёдлаб олдим. Қайсар билан бўлган жангда мен ўзимча уни етмиш марта қайтардим ва ажаб галабаға эришдим.»

Амир Темур шундай билимдон, зукко бўлганки, уни саводсиз, деган барча тухматчиларнинг ўзлари нодон ва тентаклик либосидаги кишилардир. Буюк Алишер Навоийдек шеърятимиз султони, илм-фан ҳомийси ўзининг «Мажолис ун-нафоис» асарининг еттинчи мажлисида Соҳибқирон ҳақида зикр этиб, бундай деб ёзган:

«Темур Кўрагон... агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хўб маҳал ва мавқеда ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқутони минг яхши байт айтқонича бор. Табаррук ҳайсиятиданким, ул ҳазратнинг муборак исми бу мухтасарда бўлғай ва ул латойифдин бири била ихтисор қилинур».

Амир Темурга берилган бу юксак баҳо унинг юксак билимдонлиги, шеърятни ҳам ғоят нозик идрок этишидан далолатки, бир байтни чиройли идрок этиб ўқиши минг байт ёзгонидан афзал экан. Бу инсон улуғ тафаккур эгасидир.

Амир Темурни туркийлик даврини бошловчи деб ҳам атайдилар. Херман Вамбери ёзадики, «Ўрта Осиёда асл туркийлик даври Темурдан бошланади.» Она халқини севган Темур ўз туркийларининг мўғул-хитой дунёсининг устидан галабасини мужассам этади. У доимо ва ҳар жиҳатдан туркийларга биринчиликни таъминлашга жаҳд этади, бу ўз халқига чексиз муҳаббати ва садоқатининг рамзи эди. Можор олими ана шу ҳақда одилона фикрларни ёзиб, ҳаққоний хулоса чиқаради: «Гарчи унинг саройи ажнабий уламолар ва ҳунармандлар билан тўла эса-да, мамлакатининг расмий тили ҳар вақт туркийча бўлди. Ҳатто мўғул, уйғур ёзуви — насронийлик, буддийлик, мажусийлик даври ўлароқ — мутаассиб мусулмонлар тарафидан жуда ёмон кўрингани ҳолда, муҳофаза этилди. Темурнинг ўзи тиниқ ва очиқ туркий шеvasида ёзар эди».

Хўш, она тилисини шундай улуғлаган, муҳофаза этган ва «тиниқ ва очиқ туркий шеvasида ёзган» даҳо инсонни саводсиз деб қайси ақли ноқис бандалар айтган!?

Херман Вамбери ўз сўзининг исботи тарзида Амир Темур ёзган «Тузукот»ни мисол қилиб келтиради. «Шундоғ бўлса-да, — дейди олим, — у ўз замонидаги расмий муҳаррирлар ва шоирлар билан учрашганда, уларнинг қатъий ва таклиф сўзларига қўлоқ соларди. Осиёнинг ярмини титратиб турган, тахти остида қанча шоҳликларини яксон қилган бу одам ўзининг сиёсий аҳдларини қуйидагича, жуда содда иборалар билан бошлар эди: «Мен, Тангрининг қули Темур, шуни айтаманки...» Кейинги хонларнинг ёхуд гадоё Бухоро подшоларининг такаллуфли лақаблари билан бунинг орасида шу қадар фарқ каттаки... Амир Темур ўз нома ёки сўзларида ҳеч қачон дабдабали сифатларга, лақаб ва шохона улуғлашларга рай-руҳиш қилмаган, бунга йўл ҳам қўймаган.

Амир Темур бобомиз она юрти Мовароуннахрга дунёнинг энг буюк олиму фозилларини, шоиру хунармандларини тўплади, унинг мухолифлари, буларни Амир Темур зўрлик билан олиб келган, деб вайсадилар. Шунини айтиш керакки, бир мамлакатдаги илм-фан, маданият ва санъат фақат шу юртнинг биргина миллати томонидан яратилмайди. Араб халифалиги даврида, X-XI асрларда Бағдод, Дамашқ, Исфажон каби шаҳарларда илм-фаннинг гуллаб-яшнашида олимларнинг кўпчилигини эронликлар, сурияликлар, хоразмликлар, сўғдлар, яхудийлар, юнонлар, Мовароуннахр туркийлари ташкил этган. Россия империясининг XVIII—XIX аср биринчи ярмида Петербург академиясида ишлаган олимларининг деярли ҳаммаси европалик эди. Шундан хулоса чиқарганда, олиму фозилларнинг дунёнинг шуҳратли шаҳарларига кўчишлари ва қулай шароитда яхши ижод қилишлари табиий ҳолдир. Агар шароит бўлмаса, улар барҳам топиб кетиши аниқ. Бунга мисол қилиб Чингизхон 1221 йилда Хоразмшоҳлар пойтахти Урганчни забт этиб, шаҳар аҳолисини қиргин қилганини, улар орасидан юз мингта энг зўр уста хунарманду олимларни ўз пойтахти Қорақурумга ҳайдаб кетганини, уларга шароит яратилмай саҳро ўртасида жойлашган ўтов ва капаларда ҳеч қандай ижод қилмай оламдан ном-нишонсиз ўтиб кетганларини афсус билан айтиш керак.

Хўш, Амир Темур хориж мамлакатлардан илм-фан кишиларини ва хунармандларни пойтахтига олиб келиб хорзор этганми? Йўқ, у илм-фан арбобларини, маданият ва санъат намояндаларини ҳурматлаб тарбия қилади ва барча шароитларни яратиб беради. Амир Темур ўн икки ёшида Арабистондан олиб келган, кейинчалик машҳур тарихчи бўлиб етишиб, Соҳибқиронга ўз нуқтаи назари билан қараб асар ёзган Ибн Арабшоҳ виждони олдида қийналмаслик учун Амир Темурнинг олимларга эҳтиромини ўз китобида бундай таърифлайди: «Темур олимларга меҳрибон бўлиб, шарофатли саййидларни ўзига яқин тутарди. Уламолар ва фозилларга тўла иззат-ҳурмат кўрсатиб, уларни ҳар қан-

дай одамдан тамом муқаддас тутарди. Уларнинг ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, икромии хурматини унга изҳор этарди, улар билан мазмунли баҳс ҳам юритар эдики, баҳсида инсофу хурмат бўларди».

Амир Темур салтанатининг ва унинг пойтахти Самарқанднинг довуғи оламини тутгач, фирдавсмакон сари олиму фозиллар оқиб кела бошлайди.

Улуғ олим Қозизода Румий Туркиянинг шимоли-ғарбидаги, Мармар денгизи соҳилидаги Бурса шаҳрида туғилган. У мадрасада ўқиб юрганида устози Фанорий афандидан «Мовароуннаҳр уламосининг умзми риёзиядаки овозаси машхурасини эшита-эшита ниҳоят *икмоли таҳсил* учун у *жониба гетмакка қарор вермиш*» экан. Шу тарифа Қозизода Румий илмини камолга етказмоқ ниятида Самарқандга келади. Бу пайтда Амир Темур эндигина «уч йиллик юришга» отланаётган, ҳали бегона юртлардан олимларни олиб келмаган давр эдики, шунгача ҳам Мовароуннаҳр олимларининг математикадаги довуғи овозаси Осиё-ю Европага тарқалган эди. Яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, мўғул истилосидан анча аввал ҳам ўша пайтда ҳам Мовароуннаҳрда дунё фанининг шаклланиш ва ривожланишига муҳим ҳисса қўшган ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, ал-Бухорий, ал-Самарқандий, аш-Шоший, ал-Форобий, ал-Жавҳарий каби она-Ватанимиз ҳудудига мансуб олимлар жаҳон миқёсида машхуру маълум эдилар.

Мўғул истилочилари олиму фозилларни юртларига ҳайдаб кетиб, қатлиом этиб, Мовароуннаҳрга шу қадар катта маънавий-маърифий талафот келтирадиларки, унинг ўрнини ҳеч нарса қоплай олмайди. Амир Темурнинг тинч-осойишта Ватанига ўз ихтиёрлари билан келганлару соҳибқирон билан эргашиб келган олиму фозиллар ҳам уларнинг ўрнини тўлдиролмас эди.

Амир Темур жанглarda ҳам тала-тўпларга қарамай, ўз лашкарларига фозилу уламоларга шафқат қилишни тайинлаган, Исфаконни босиб олганда уламоларни сақлаб қолган, Ҳирот ва Ҳалаб уламолари билан музокаралар

ўтказган. Тарихнинг шоҳидлик беришича, Амир Темур аллома Шарафиддин Ҳалабий билан ниҳоятда кескин мунозара қилиб, кейин ўз ҳимоясига олган, алломанинг ўзига, икки мингга яқин муридларига ҳадялар берган. У Шамсиддин Қозига, Жазирийга ва машҳур шайх Бухорийга либосу ҳадялар бериб мамнун этган. Қарангки, бу зотлар душман саройида қўлга олинган ва Амир Темурга душман эдилар. Соҳибқирон илм кишилари, доно зотлар билан дўст бўлишни хоҳларди ва бунга доим муяссар бўларди. Амир Темур қайси мамлакатга борса, шу ўлканинг моҳир усталари ва мусаввирларини ўз она-Ватанига даъват этарди. «У Бурса кутубхонасидаги китобларни юк ташийдиган ҳайвонларга ортиб,— дейди Херман Вамбери, — Самарқандга кўчиртирган. Энди шу кишини ваҳший, марҳаматсиз деб аташ мумкинми? Бинобарин, Темурни Чингиз ила бир сафга қўйган кишиларнинг фикрлари икки марта хато-дир».

Тарих ҳукми қатъий ва одилонадирки, Амир Темурга туҳмат қилганларни унинг пок арвоҳи урди, ўзлари эса йиртқич, золиму жаллод, дунё қароқчиси, миллион-миллион бегуноҳларнинг жаллоди деган манфур ва мунофиқ ном олиб дунёдан ўтдилар. Амир Темур асос солган буюк салтанатда оламга машҳур шундай улуғ алломалар, олимлар, уламою фозиллар, ажойиб шоирлар, донолар, моҳир усталар ва қўли гул ҳунармандлар етишиб чиқдики, уларнинг ҳар бири алоҳида тарих бўлиб қолди. Биз мустақилликка эришган авлодлар уларнинг зиё-нуридан баҳраманд бўлиб, ҳар бирининг ҳаётини чанқоқ, бир туйғу билан симириб ўрганишимиз, сабоқ, ҳикмат ва ибрат олмоғимиз шарт ва бурчдир.

## ОСИЁ САРКАРДАСИ

Можор-олими Херман Вамбери Амир Темур тўғрисида ўзининг ҳаққоний дил сўзларини бундай ёзади:

«У аввало Осие саркардаси эди. Ўзининг голиб аскарлари ва қуролларидан ўз замонасининг таомилича фойда-

ланган. Унинг фаолияти, хусусан, душманлари тарафидан гуноҳ ҳисобланган ишлари ва урушлари, теранроқ қаралса, доимо бирор жиноятга жазо тарзида рўй берган. Тўғри, жазо қаттиқ, лекин адолатли бўлган. Исфaxon ва Шерозда у хиёнат туфайли қатл қилинган аскарлари учун қасос олган».

Ҳақ гап! Ал қасосул минал ҳақ! Кимда-ким халққа, одамларга, эл-улусга хиёнат билан жиноят қилдими, жазонасибасини олиши керак. Амир Темур моҳир ва адолатли саркарда сифатида ҳеч қачон беҳуда қон тўкмаган, қатлиом ҳам қилмаган, баъзи душманлари маломат тошини отиб, каллалардан минора ясатган деган гаплар ҳам туҳмату бўҳтондан иборат! Ишончли манбаларга қараганда (масалан, «Бобурнома»да келтирилади), «калладан минора ясаш» дегани, қаттиқ ғазабланиш белгиси сифатида, пўписа учун айби билан қатл этилган тўрт кишининг бошини тўрт хомага қадаб, минорадек қилиб қўйиш бўлган, бу каллалардан минора ясади дегани эмас.

Амир Темур буюк саркарда бўлса ҳам, раиятнинг раъйига, аҳвол-руҳиятига, турмуши тинч бўлишига алоҳида эътибор берган. Амир Темур ўз йўриқларида, камбағалнинг сигири ёки эчкисини ўғирлаган навкарга ўлим жазоси берилишини ёзиб қўйган. Демак, у олижаноб саркарда! Битта сигир ёки эчки учун ўлим жазоси «ортиқ зулм-ку», дегувчилар ҳам бўлиши мумкин. Лекин ўғирликка йўл қўйилса, шу кичкина талаш борган сари кучайиб, навкарлар бутун эл-юртни талон-торож этиб юбориши мумкинки, кейин қўллаган олий жазолар ҳам фойда бермай қолади. Шу нуқтаи назардан қараганда жазо дастлабдан оғир ва қатъий бўлгани яхши ҳисобланган.

Амир Темур буюк саркарда экан, она-Ватани ва халқининг шон-шарафи учун курашда барча машаққатларга чидаб, муаммоларни донолик билан ечади. Халқига ҳеч бир оғир солиқ-жарималар солмайди, пойтахти, бутун қишлоқ ва шаҳарлар ободонлигига алоҳида эътибор қилади.

Амир Темурнинг она-Ватани ва пойтахти Самарқандга дунёнинг турли мамлакатларидан элчилар ва сайёҳлар ти-

нимсиз келарди. Жаҳондаги кўпгина мамлакатлар, жумладан, Испания, Италия, Франция ва Англияга ўхшаш йирик мамлакатлар Темур ва темурийлар давлати билан савдо-сотик, сиёсий ва маданий алоқалар ўрнатишга интилганларки, булар ҳақида элчилар орқали Амир Темурга ҳукмдорлар юборган мактублар жонли ва аниқ шоҳидлик беради. Шундай улуғ мамлакатнинг пойтахти ҳам, соҳибқирон қароргоҳи ҳам, албатта, шоҳона бўлиши табиийдир.

Испан элчиси Луи де Клавихо Амир Темур чодир ичида катта бир олтин сандиқни кўрганини тасвирлайди. Сандиқнинг ялпоқ қопқоғи яшил ва кўк мийноэмалдан ишланган кичик куббалар, нақадар ноёб жавоҳир ва инжулар билан зийнатланган. Бу сандиқнинг қопқоғи эшикка ўхшаш, ичида бир неча қатор қадаҳлар терилган, дурлар ва жуда қимматли тошлар билан безатилган, олти дона олтин ёмби ҳам бор эди. Сандиқнинг ёнида баландлиги бир метрча келадиган олтин хонтахта бор, унинг атрофи жавоҳир билан безатилган, устида эса икки метр узунликда бир забаржад бўлиб, у бутун хонтахтани эгаллаган эди. Унинг рўпарасида эман шаклида ясалган бир олтин дарахт, унинг йўғонлиги инсон оёғи йўғонлигида, атрофга ёйилган шохлари яшил билан қопланган. Бу дарахт мевалари ўрнида жуда кўп қизил ёқут, забаржад, феруза, сапфир ва ажойиб йирик дурлар шохларга осилган, япроқлари турли рангдаги мийно билан ишланган, бутоқларида олтин қушлар бор. Испан элчиси берган мана шу тасвирнинг ўзиданоқ, бир томондан, Амир Темур қароргоҳининг гўзалликларини, соҳибқирон диди-хоҳишининг нақадар нозик-нафислигини, иккинчи томондан, салтанат қудратини билиб олиш қийин эмас эди.

Амир Темур саройининг «ташқи ҳовлисида хоқон саройлари бор эди; бунда қуролланган аскарлар турадилар, ички ҳовлида эса туғлар билан безатилган олтита фил сафи зиёратчиларни ҳайратга соларди; фақат энг ички — учинчи ҳовлидагина Темур олтин нақшли тахтда ўтириб зиёратчиларни қабул қилар эди».

Амир Темур ўз салтанати тахтида адолат ва ҳақиқатнинг посбони бўлиб ўтирарди. У ўз атрофига давлат ишларини ҳалол бошқарадиган вазиру вuzоролар билан бирга она-Ватанга содиқ, халқни душмандан муҳофаза этадиган чинакам баҳодирлардан лашкарбошилар тайинлаган эди. Унинг боргоҳида Амир Хўжа Сайфиддин, Амир Сулаймон Хаш, Амир Оқбуға, Амир Сорибуға, Амир Бирандиқ, Худой Хусайн Баҳодир, Шайх Али Баҳодир, Темур Тош, Баратхўжа, Амир Довуд Барлос; Умар Аббос, Маҳмудшоҳ Бухорий, Амир Муайид Арлад, Туман Бердибек каби ҳарбий саркардаю бошлиқлар бор эдики, улар билан салтанат қудратли эди. Биз тарихни ўрганганда Амир Темур атрофидаги мана шундай истеъдодли лашкарбоши авлодларимизни ҳам унутмаслигимиз, тарих зарварақларидан уларнинг мардона ва жасурона ҳаётига доир маълумот-ёдномаларни топиб ўрганишимиз лозим. Зеро, уларнинг ўз даври шароитида лашкар ва ҳарбийда ҳозирги сифат билан айтганда генералу маршалга тенг ва улардан ҳам истеъдодли саркардалар бўлишганига, она-Ватанни, она халқни севиб, жангларда маҳорат ва жасорат кўрсатганларига, жон фидо қилганларига тарих шоҳидлик беради.

Амир Темур ҳарбий салоҳиятида ҳам шундай адолатли ва ҳаққоний иш тутадикки, бунда ҳам унинг камтарлиги, эл қатори она-Ватан олдидаги бурчни ҳалол бажариши каби олижаноб фазилатлари намоён бўлади. У ҳарбийда ва лашкарда ўз ўғил-набираларими, ёки қариндош-уруғлари ёки яқинларими оддий фуқаро каби тартибга бўйсунишга фармон бериб қўйган эди. Амир Темур давлатини тузиш учун олиб борилган катта жангларда Темурнинг ўғиллари — Амирзода Муҳаммад Жаҳонгир, Умар Шайх, Мироншоҳ, Шоҳруҳ; неваралари — Амирзода Муҳаммад Султон, Амирзода Пирмуҳаммадлар жасорат кўрсатиб қўшинларга саркардалиқ қиладилар. Жаҳонгирнинг ўғли Муҳаммад Султон Амир Темурнинг энг сеvimли невараси эди. Бу шаҳзода отаси Жаҳонгирнинг вафотидан кейин Темурнинг меросхўри этиб тайинланган эди.



Амир Темур ўз қўшинини ўнлик, юзлик, минглик бўлинмалардан иборат тарзда тузган бўлиб, уларнинг ҳар қайсисига мувофиқ ҳарбий бошлиқлар раҳбарлик қилган. Одатда, ҳарбий бошлиқлар раҳбарлик қилаётган бўлинмалар соғига қараб бир-бирларига — кичиги катта қисмига бўйсунар эди. Амир Темур боргоҳидаги илғор бўлинма энг юқори ҳисобланган. Соҳибқирон қўшини, уларнинг жангдаги маҳорати, қандай усул-тартиблардан ва ҳарбий ҳийлалардан қай йўсинда фойдаланганлиги тарих саҳифаларида ёзиб қўйилган. Европа ва Шарқ мамлакатларида узоқ вақт Амир Темурнинг ҳарбий мактаби ўргатиб келинмоқдаки, бу ўз она-Ватанимиз Ўзбекистонда ҳам қўлланилиши, ўрганилиши, эл-юрт мудофаасида мунтазам мактаб бўлиб хизмат қилиши керак. Амир Темур ўз ҳарбий дастурини кўпгина бўлиб ўтган урушлар ва ҳарбий юришлардан олинган сабоқлар мажмуасидан тузган эдики, унинг тартиб-интизомининг ўзи қўшинининг буюклигидан дарак беради. Шу ўринда Темурнинг замондош тарихчиси Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» асарида тасвирланган бир ҳарбий кўрикни мисол келтирамиз. «Темур шоҳона безатилган баландликда туриб, олти юз минг кишидан иборат қўшин бирлашмаларининг сарбозларини қабул қиларди. Бу қўшинларнинг ҳаммаси бошдан-оёғигача темир уст-бош кийиб, байроқ кўтариб, мусиқа садолари остида бир хилда шахдам қадам ташлаб борардилар. Темур турган жойга яқинлашгач, ҳарбий қисмлар бошлиқлари ўз бўлинмаларидан ажралиб, Темурга яқин келиб унга таъзим қилар, мақтов сўзлари — мадҳи-сано айтиб, ўзининг ва қўл остидаги аскарларнинг амирнинг «хайрли» ишига содиқ эканликларини билдирарди. Шуниси ҳам борки, ҳар бир ҳарбий қисмнинг кийими турли, масалан, қизил ёки оқ, кўк ёки жигарранг ва ҳоказо рангларда бўларди. Айрим қисмларнинг кийими қайси рангда бўлса, барча қуроллари — тиркаш, камар, найза, ўқ узувчи қуроллар — сар ва ҳоказоларнинг қинлари ҳам ўша рангда эди» («Зафарнома»дан).

Соҳибқирон кўшинида кийиниш, қуролланиш, тартиб-интизом, ахлоқий-маданий қонун-қоидалар шу қадар қатъий ва муҳим бўлганки, уни бирор киши бузишга, тартиб-интизомдан чиқишга журъат этмаган. Шу каби юзлаб ўзига хос фазилату хосиятлар Амир Темур лашкарига ҳам, ҳарбий қудратига ҳам, улуғ салтанатига ҳам доврўғи зафарлар келтирди.

Амир Темур умри охирлаб қолаётган бир пайтда, Шарқдан она-Ватанига душман кўз тикиб турганини сезиб қоладики, буни қуйидаги мисолда яққол кўрамыз. Хитойдан келган элчилар улуғ Амир Темур билан хайрлашмоқчи бўлиб, унинг хузурида бўлишади. Шунда «Ан Чжи дао Соҳибқиронга: «Биз эртага бу ажойиб шаҳардан жўнаб кетурмиз. Ўлпонни ҳам ўзимиз бирлан олиб кетсак, дегандик. Янглишмасам, бу ҳақда Осмон ўғлининг мактубида ҳам ёзилгон бўлиши керак».

— Ҳа, ёзилгон эркан. Биз они ўқидик, тақсир!

Элчи унда «унда нима дейсиз?» дегандай ҳазрат Соҳибқиронга тикилди.

Ҳа, ҳазрат Соҳибқирон Осмон ўғлининг мактубини ўқиган. Ҳатто бир эмас, икки марта. У шу қадар ҳаддидан ошиб кетибдики, ўзини кўкларга кўтариб мақтаб, бошқа соҳиб иқтидор подшоҳларни камситибди. Ҳазрат Соҳибқиронни «кенжа ўғлимиз», Чинмочинни эса «оламнинг маркази», унинг теварак-атрофидаги халқларни «Осмон ўғлининг ўғай инилари ва болалари» деб атабди. Амир Темур унинг элчи айтган мактубини дастлаб ўқиганда тепа сочи тик бўлиб, қаттиқ газабланган эди. Бу сафар ўзини босади ва элчига қисқа жавоб қилади:

— Жаноби элчилар, овора бўлмасунлар. Биз ўшал ўлпонни яқин орада ўзимиз олиб бориб улуғ оғамизга, яъни Осмон ўғлига ўз кўлимиз бирлан топширурмиз, иншоолло.

Ҳазрат Соҳибқирон икки кўли билан соқолини силаб кўяди» (Бўрибой Аҳмедовнинг «Амир Темур» тарихий романидан, 571—572-бетлар).

Буюк Амир Темур бобомиз қудратли салтанатининг кучини Хитойнинг «Осмон ўғли»га кўрсатиб қўймоқ учун,

олдиндан тузилган режага кўра, ҳижрий 807 йил рамазон бошида (1405 йил 3 март куни) Хитойга юришни бошлашга азму қарор қилади. Ўтрорга келганда қалин қор ёғиб, қаттиқ совуқ тушади. Соҳибқирон тўсатдан хасталаниб, 1405 йил 19 феврал куни вафот этади. У бутун қўмондонлари, сарой аъёнлари ва яқин одамлари гувоҳлигида қуйидаги васиятни айтади:

«Ўғилларим, миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ учун сизларга қолдираётган васият ва тузуқларни яхши ўқинг, асло унутманг ва татбиқ этинг.

Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифаларни кўринг, йўқсулларни бойлар зулмига ташламанг. «Адолат ва Озодлик» дастурингиз, раҳбарингиз ўлсун. Мен каби узун салтанат сурмак истасангиз, қиличингизни яхши ўйлаб чекингиз. Бир дафъа чеккандан сўнграда уни усталик-ла қўллангиз. Орангизга нифоқ тухумлари экилмаслиги учун кўп диққат бўлинг. Баъзи нодимларингиз ва душманларингиз нифоқ тухумлари сочмакка, бундан фойдаланмакка чалишажакдурлар. Фақат васиятимда сизга идора шаклини, унинг илқуларини кўрсатдим. Буларга содиқ қолсангиз тож бошингиздан тушмас.

Ўлим тўшагида сўйлаган отангизнинг сўзларини унутмангиз.

Мендан сўнг хоқон, Пирмуҳаммад Жаҳонгир бўлажакдир. Онга менга итоат этар киби итоат этажаксиз. Қўмондонларим, ҳозир итоат омини этингиз. (Бутун қўмондонлар, сарой одамлари йиғлаярак омин деб фотиҳа ўқидилар.)»

Хўш, шу ўринда бир савол туғилади: Нима учун Амир Темурдек буюк инсон салтанатини икки ўғли — Мироншоҳ ёки Шохруҳ Мирзога бермай, тож кийишни 20 ёшида вафот этиб кетган Жаҳонгир Мирзонинг ўғли, севикли набираси Пирмуҳаммад Мирзога лойиқ кўради? Уни валиаҳд деб эълон қилишида гап бор эди. Буюқ Амир Темур улкан салтанатини бошқаришга алоҳида салоҳиятли одам зарурлигини биларди, шундай инсон Пирмуҳаммад Мирзо эканлигига соҳибқирон шубҳа қилмасди. Амир Темур

Чин мамлакатига юриш бошлаган пайтда Пирмуҳаммад Мирзо Ҳиндистон билан Афғонистонни идора этаётган эди. Уни Ўтрорга чорлайди, чунки Амир Темур ўзи ҳаётлигида набирасига тож кийдиришни умид қилган эди, лекин бевақт ўлим бу орзусини ушаттирмайди. Пирмуҳаммад Мирзо узоқ Ҳиндистондан вақтида етиб келолмайди. Фурсатдан фойдаланган Мироншоҳнинг ўғли Султон Муҳаммад Ҳалил Мирзо тезда отини қамчилаб Самарқандга етиб келиб, тахтни эгаллашга киришади. Қўмондонлар ва фарзандлар соҳибқироннинг васиятини бузиб, Султон Муҳаммад Ҳалил Мирзони хоқон деб эълон қиладилар. Буни Амир Темур авлодидан унинг анча доно ўғли Шоҳруҳ Мирзогина хушламай қарши олади.

Чиндан ҳам шундай бўлди. Афсус-надоматлар билан айтиш керакки, Амир Темур бобомиз не-не азобу машаққатлар билан барпо этган улуғ салтанатни ворислари қўлда тутиб, ривожига ривож, кучига куч қўша олмадилар, аксинча, тожу тахт, мансабу амал талашиб, жанжалу можаролар қилиб, қонли тўқнашувларни тўхтовсиз авж олдириб буюк соҳибқироннинг буюк давлатининг инқирозга, парчаланишга ва заифлашувига олиб келадики, оқибатда бу фожиа атрофда диёримизга кўз тикиб турган душманларга қўл келади. Ўзаро уруш ва тахт талашиш, мансабга интилиб халқ ва она-Ватан бошига кулфатлар солиш Мовароуннаҳрда хонликлар тузилгандан кейин ҳам давом этадики, бу жараён хонликларнинг ўзининг ҳам ҳолини танглаштириб, ғоят заифлаштира боради.

## ҚАДАМИНГИЗГА ҲАСАНОТ, СОҲИБҚИРОН!

(Амир Темура Тошкентда)

Мамлакатимизнинг марказида, қадимий ва гўзал пойтахтимиз — жонажон Тошкентимиз ўртасида қад кўтарган улуғ бобомиз сиймоси халқимизга фахр ва ғурур бахш этмоғи муқаррар!

Бу сиймо мард, танги, ҳалол ва ғайратли халқимизни бирлаштиришда, жипслаштиришда, иймон-оқибатли бўлишда, қудратли келажагимизни қуришда бизга янги-янги куч-қувват ва шижоат бағишлайди.

(Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Соҳибқирон Амир Темура ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанада сўзлаган нутқидан)

Қадимий Шош Тошкентимиз мўътабар ва жозибали шаҳардир, уни Шарқнинг машғал шаҳри ҳам дейдилар. Шоир таъриф этганидек, «Тошкент» дейилса, куёш эсда шай туради», унинг ҳусни табиат жамолини бир кўрган одам умр бўйи мафтуни бўлиб қолади. Бу азим шаҳардан не-не табаррук кишилар, олиму-уламолар, азиз-авлиёлар, улуғ зотлар ўтмаган дейсиз! Шунинг учун доно шоир: «Тошкент қадамжойдир... Азиз жой экан» деб бежиз таҳсин ўқимаган.

Тошкентнинг ўзига хос фазилатларидан бири шуки, — деб ёзадилар академик Ислон Каримов, Бу шаҳарда қадим-қадимдан иймон-этиқод, маънавият борасида ибрат бўлган кўплаб буюк зотлар ўтган.

Бу муқаддас замин Қафғол Шоший, Шайх Хованди Тохур, Шайх Зайниддин Бобо, Хўжа Аламбардор, Иброҳим Ота, Қўйлиқ ота каби азиз-авлиёлар ва исломий ал-

ломаларни вояга етказгани билан ҳам улуғдир. Бу зоти шарифларнинг мақбаралари бугунги кунда ҳам халқимизнинг, барча мўмин-мусулмонларнинг табаррук зиёратгоҳи бўлиб келаётгани уларга бўлган катта ҳурмат-эҳтиромдан далолат беради.

Мозийда кўпроқ Шош номи билан машҳур бўлган Тошкентимизни буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳам севиб, уни бир неча бор душмандан муҳофаза этганини, бу қадамжо шаҳарда бўлиб кавсар сувларини ичганини, тузини тотиганини, ҳатто шу қутлуғ заминда дардига даво топганини тарих ўз зарварақларига ёзиб қўйибдики, шулар ҳақида баъзи фикрларни холисона мушоҳада этмоқчимиз.

Аввало, ҳар биримизга ҳикмат ва ибратки, она-Ватанни севишда Соҳибқирон Амир Темур бобомизга тенг зотни топмоқ қийин. Бобомиз ўзи фахру-ғурур билан айтган: «Биз ким Мулки Турон, Амири Туркистонмиз. Биз ким, миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи Туркнинг бош бўғинимиз» деган калимасида ҳам она-Ватанга чексиз муҳаббат туйғуси теран ифодасини топган. Зеро, Амир Темур она-Ватан шухрати ва эл-улус манфаати деб бутун умрини деярли от устида мислсиз машаққатлар чекиб юришларда ўтказгани ҳам фикримиз далилидир. Соҳибқирон юртимиз, халқимиз душманларига қарши жанговар юришлар қилганки, бунда ҳам Тошкентни ишончли ҳарбий лашкаргоҳ этиб, бу азиз заминда ойлаб, ҳатто йил давомида яшаган эдилар. Амир Темур ўзининг «Таржимаи ҳол»и («Зафар йўли») да уни Тошкентда кутиб турганликларини бундай деб ёзади:

«Мен шошилини ҳолда Тошкент тарафига юрдим. Кайхисров Хутталоний мени тантана билан кутиб олди ва зўр меҳмон қилди. Мен Тошкентда роппа-роса бир ой турдим».

Амир Темур Тошкентга мана шундай ташрифларида бу азим шаҳарни душманлардан доим муҳофаза қилар, унинг эмну-омонлиги учун жон куйдираар эди. Бунга далил сифатида қуйидаги воқеа қизиқарлидир.

Соҳибқирон кўп йиллар мобайнида ташқи ёвларга қарши ҳарбий юриш қилган бўлса, буларнинг кўпи аслида

ватан ҳимояси тарзида эди. 1371 йили мўғулларнинг нуфузли амирларидан бири Қамариддин Тошкентга хужум қилиб, уни босиб олади. Бунга жавобан Амир Темур Қамариддинга қарши қўшин тортади. Ўша пайтда Тошкентни идора қилиб турган амирлар Соҳибқирон ҳокимиятини тан оладилар, аммо ҳушёр Амир Темур уларга ишонмай, ҳар эҳтимолга қарши Аббос Баҳодир, Шайх Алибаҳодир сингари баҳодирларни қўшини билан Тошкент атрофида қолдиради ва ўзи Самарқандга қайтади. Соҳибқирон ўйлаганидек хиёнат юз беради, амирлар қочадилар, уларни Амир Темур аскарлари амирзода Жаҳонгир бошчилигида қувиб борадилар, лекин Қамариддин қочганича тоққа чиқиб кетади. Амирзода Жаҳонгир кўп ўлжа ва асирларни олиб қайтади. Улар орасида Баён оғо билан жияни (оғоси амир Шамсиддиннинг қизи) Дилшод оғо ҳам бор эди. Худди шу пайтда Амир Темур Тангритоғ этагидаги дилкушо Арпаёзи оромгоҳида эдики, катта тўю-томошалар қилиб Қамариддиннинг ана шу сулув жияни Дилшод оғони ўз никоҳига олади.

«Ҳа, ўша замонларнинг таомили шунақа эди, — деб ёзади академик Бўрибой Аҳмедов ўзининг «Амир Темур» рўмонида.

Олий ҳукмдорлар қудратли рақибини тобеъ қилмоқчи бўлсалар, у билан куда-анда тутинишиб, қариндош бўлардилар. Амир Темур ҳам Қамариддин инсофга келиб қолармикин, деган мақсадда шу ишни қилди. Бу Амир Темурга Чигатой улусининг бирлиги, ҳеч бўлмаса Фарғона, Сайрам ва Тошкентнинг эмну-омонлиги учун сув билан ҳаводек керак эди».

Соҳибқирон Мовароуннаҳрни мўғул босқинчиларидан фориг этишда ҳарбий жасорат ва маҳоратни усталик билан қўллади, шунингдек, ўзаро сулҳдан, муроса-ю-мадора ва ўтқир сиёсатдан ҳам фойдаландики, ниҳоят (Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темурнома» асарида ёзилганидек) Амир Темур ўттиз тўрт-ўттиз беш ёшида жами амир ва беклар томонидан Мовароуннаҳр ҳукмдори деб тан олинди. Шу асардаги мана бу сатрлар далилдир: «Тамоми

мулки Мовароуннаҳр, Тошкент, Хўжанд, Хўқанд, Маргинон, Андижон, Кошғар ва Туркистон жатта зулмидан омон топдилар».

Амир Темур Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлгунга қадар ҳийлакор ва мансабпараст Амир Ҳусайн билан кўшилишиб жангларда кўп азоб-машаққатлар чекди, жасоратлар кўрсатди ва ҳатто бир умрлик жароҳат ҳам олди. Амир Темур бобомизнинг урушда яраланиши, кейинчалик даволаниши Тошкент билан боғлиқ бўлгани учун бу воқеани ҳужжатлар асосида батафсилроқ баён қиламиз. Шу ўринда Амир Темурнинг шахсиятига нисбатан ярамас бир тухматни ҳам айтиб ўтиш керак бўлади. Амир Темурнинг оёғи оқсоқлигини ўрисларнинг баъзи нодон ва бўҳтончи тарихчилари, ёшлиқда у йўлтўсар, қароқчи бўлгани, ўшанда оёғини уриб синдирганларидан кейин чўлоқ бўлиб қолган, деб ёзадилар. Одил тарих эса тухматчиларнинг бу ёлғонларини мутлақо инкор қилиб, ҳақиқатни айтади. Амир Темурнинг оқсоқ бўлиб қолганига сабаб, она-юрт озодлиги учун бўлган жангдаги жасоратидир. Машҳур тарихчи Фосиҳ Хавофий бу ҳақда «Мужмал-и Фосиҳий» асарида соҳибқирон ҳаётини йилнома тарзида рақам этиб, қуйидаги ҳужжатни ёзади:

«1362—1363 йил. Амир Соҳибқирон Амир Темур амир Ҳусайн ибн Мусаллаб билан Сейистон юришига отланиши. Амир Соҳибқироннинг кўли ёй ўқидан яраланиши. Тузалиб, тагин амир Ҳусайнга кўшилиши, сўнгра иккаласининг Мовароуннаҳрга қайтиши. Амир Ҳусайннинг Амир Темур билан иттифоқ бўлиб жатта кўшини билан жанг қилиши. Самарқанд ва Кешнинг кўлга киритилиши».

Тарихий бу воқеани Амир Темурнинг ўзи ҳам «Таржи-маи ҳол»и (Зафар йўли)да ҳикоя қилиб, Сейистондаги<sup>1</sup> жангда қандай яраланганини ҳаққоний тасвирлайди:

---

<sup>1</sup> Сейистон — Эрон билан Афғонистон орасида жойлашган қадимий мамлакат. Унинг бир қисми эронга, иккинчи қисми Афғонистонга қарашли. Қадимда бу мамлакат Дрангиана деб аталган.



«Жанг ашаддий бўлди. Мен ўзим ўн икки баҳодирим билан уришаётганларнинг ўртасига тушиб қолдим. Шу пайт менга иккита камалак ўқи санчилди: — бири оёғимга, иккинчиси — ўнг тирсагимга. Жангда қизишганимдан ярадорлигимни ҳам билмабман. Фақат Аллоҳнинг мадади билан душманни улоқтириб, қувғинга учратганимдан кейингина ярадорлигимни сездим.

Жангдан сўнг Хўрмуз<sup>1</sup> тарафига кетдим. Мен у ерда бирор муддат туриб яраларимни даволадим».

Сеистондаги Зуранж қалъасини олишда Амир Темур қай йўсинда яраланганини академик Бўрибой Аҳмедов ўз рўмонида батафсил ҳикоя қилиб берган:

«Темурбек олдинга ўтиб йигитларини ҳужумга етаклади. Деворга нарвонлар қўйиб ошиб ўтдилар. Темурбек бир гуруҳга дарвозани эгаллаш ва уни бошқаларга очиш вазифасини юклаб олдинга юборди, ўзи эса олтмиш чоғли йигити билан Малик Шужоҳнинг қароргоҳи сари чопди. У ҳам мустаҳкам бир жой бўлиб, уни қалъа ичидаги қалъа дейишарди. Темурбек унинг дарвозасига яқинлашганда аввал ўнг қўли, сўнг ўнг оёғига ўқ тегиб йиқилди...»

Темурбекнинг саъй-ҳаракати билан Зуранж қалъаси эгалланди, у бир ой мобайнида даволаниб, бир оз оёққа тургач, қайтадиган бўлди: «Малик Қутбиддин Сеистоннинг эл орасида шуҳрат топган уламози, машойиҳи ва ҳукамолари билан шаҳар дарвозаси олдида уни кузатиб қолди, — деб ёзади Бўрибой Аҳмедов.

— Бизга кўргузган катта ёрдамингизни у дунёю бу дунё эсимиздан фаромуш этмасмуз, — деди у хайрлашаётиб Темурбекка.

— Қуллуқ, тақсир, қуллуқ! — Темурбек уни деб бир умр ногирон бўлиб қолганига ачинди. Лекин кўнглидан кечиб турган бу фикрни Малик Қутбиддинга сездирмади».

---

<sup>1</sup> Хўрмуз — форс қўлтиғидаги муҳим бандар (порт) шаҳар, Эроннинг жанубида.

Ҳа, Амир Темурдек паҳлавон баҳодир Сеистон урушида «бир умр ногирон бўлиб қолганига ачинди». Кўрамизки, ўрис тарихчилари тухмату бўҳтон қилиб ёзганларидек, Амир Темур йўлтасарликда эмас, она-Ватанни мўғул босқинчиларидан тозалаш учун жангда яраланган экан.

Соҳибқирон жароҳати оғир бўлса-да, яна кўп жангу жадалларда қатнашди. 1363 йили Амир Темур амир Ҳусайн билан мўғулларни Хўжанддан қувиб чиқариб Сайхундан кечиб ўтдида, Тошкентга келди. Икки амир 1363—1364 йилнинг қишини Тошкентда ўтказмоқчи бўлдилар, лекин Амир Ҳусайн бу фикрдан айниб қолди, чунки у амал эгаллаш дарди-иштиёқи билан тезроқ Самарқандга қайтишга Амир Темурни даъват этди.

«Темурбек кўнмади, — деб ёзади Бўрибой Аҳмедов рўмонида, — сабабини эса амир Ҳусайнга айтиб ўтирмади. У маълум вақт Тошкентда қолишга мажбур эди. Оёғидаги яра очилиб кетиб, кейинги пайтларда кўп азоб бераётган эди. Тошкентда Мош табиб деган машҳур табиб истиқомат қиларди. Темурбек ярасини шу одамга кўрсатиб, ундан нажот топиш ниятида эди».

Амир Темурнинг нияти мустажоб бўлди. 1364 йил қишининг иккинчи ойидан ўша машҳур Мош табиб Тошкент шаҳрининг катта савдогари Азимбойнинг Оқтепадаги гўзал ва осуда чорбоғига баҳорга қадар қатнаб буюк инсоннинг оёғига дори-дармон қилиб даволади, лекин машҳур Мош табиб ўзи муолажа қилган бу беморининг етти иқлимнинг ҳукмдори буюк Амир Темур Кўрагоний эканини билолмади, сўраб-суриштиришга ийманди чоғи... (Академик Бўрибой Аҳмедов «Амир Темур» рўмонида бу воқеани батафсил ва ғоят ўқимишли тарзда тасвирлаган).

Соҳибқирон ўша, 1364 йилнинг баҳорида яхши шифо топиб, Тошкентдан Самарқандга жўнаб кетди. Орадан бир йил ўтгач, 1365 йилнинг баҳорида Амир Темур Тошкент яқинидаги, Сирдарёнинг шундай биқинидаги Чинев манзилида кўпдан бери ёвлашиб юрган душмани амир Ҳусайн билан ногихоний табиий офат сел қуйиб ҳаммаёқни балчиқ лой босганда қаттиқ савалашди, бу даҳшатли воқеа тарихда «Жанги лой» деб битилди.

Амир Темур 1366—1367 йилнинг қишини Қаршида ўтказиб, она-юртнинг ички юмушлари билан шуғулланди, вилоятларга ҳокимлар тайин этди, бу пайтда амир Хусайннинг қўлида учтагина вилоят қолган эди.

1367 йилда Амир Темур яна Тошкентга ташриф буюриб, 1368 йилнинг бутун қишида шу ерда бўлди, лекин вақтини бекор ўтказмай лашкар тўплади, очиқ кенгликларда энг зарурий ҳарбий машқлар ва човгон ўйинларида аскарларини чиниқтирди. Баҳор келиши билан Тошкентнинг шимоли-шарқидаги Ясси шаҳрига ҳазрат Аҳмад Яссавийнинг муқаддас мазорини зиёрат қилди, молу-қўйлар сўйдириб элга ош берди, етим-есиру, мазор жорубкашларига садақалар улашди. Худди шу ерда бир қароматли воқеа рўй бердики, буни Соҳибқирон ўз «Таржимаи ҳоли»да бундай таърифлайди:

«Аллоҳ бошқа пайтлар ҳам менга ёр бўларди. Рум пойтахтига юришимдан аввал мақсадимга эришимни олдиндан билиш учун ҳазрат Шайх Яссавийнинг қабрини зиёрат қилиб, ўша ерда фол очтирдим. Фолдан маълум бўлишича, жанг пайтида менга хавф дучор бўлармиш, лекин қуйидаги рубойни ўқисам, шубҳасиз, муваффақиятга эришармишман. Оғир дақиқада мешга ёрдам берадиган рубой будир:

Эй қаронғу кечани шамъи шабистон этган,  
Бир лаҳзада оламни гулистон этган,  
Бас, мушкул ишим тушубдур, осон этгил,  
Эй барчанинг мушқулин осон этган.

Бу рубойни мен яхшилаб ёдлаб олдим; Қайсар билан бўлган жангда мен ўзимча уни етмиш марта қайтардим ва ажаб ғалабага эришдим».

Соҳибқирон Амир Темур энг зўр жангларга кўпинча Тошкент шаҳридан йўлга чиқар эди. 1390 йилнинг қиши ўрталарида Амир Темур Тошкентга келди-ю, қирк кун хасталаниб ётди. Ҳаммани ваҳима босди. Аллоҳнинг инояти ва табибларнинг зўр муолажаси таъсири билан қирк биринчи куни Амир Темур кўзини очди ва тез кунда оёққа турди.

1391 йил баҳорида Тошкентдан Орол денгизи томон икки юз минглик лашкар Тўхтамишхон билан «ҳаёт-мамот» жангига йўлга чиқди. Қўшин Қорасомон, Ясси, Қорачиқ ва Саброн орқали ўтиб, апрел ойи бошида Улуғтоққа етиб олдилар. Амир Темур фармон бериб шу тоғ тепасида бир минора қурдирди ва сангтарошлар катта харсангтошга қуйидаги хатни ёдгорлик қилиб битиб қўйдилар:

## **Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм!**

«Марҳаматли ва муруватли худовонди каримга шукрлар бўлсинки, Турон мамлакатининг султони ҳазрат Амир Темур Кўрагон икки юз минг кишидан иборат қўшин билан Тўхтамишхонга қарши бораётиб, ҳижрий 793 йил жумоди ул-аввал ойининг йигирма учинчи куни шу ердан ўтаётиб, ўзидан ёдгор бўлсин деб, ушбу минорани бунёд этдилар».

Шундай қилиб, соҳибқирон Амир Темур олчоқ Тўхтамишхонга қарши 1391 йил 18 июн куни Самара билан Чистополь ўртасидаги Қундузча деган жойда аёвсиз жанг қилди, ҳеч сўзсиз Тошкентда кўрилган ҳарбий тайёргарлик пухта ва зўр бўлгани жангда ўз самарасини берди, Амир Темур бу урушда мўғуллар ҳеч кутмаган ҳарбий усулларни қўлладики, кейинчалик булар жаҳон ҳарбий санъати тарихига киритилди. Ҳикоя қилишларича, Қундузчада жанг бошланиши олдидан Амир Темурнинг пири — Мир Сайид Барака лашкарга қарата руҳлантирувчи ваъз айтган, шу тариқа уч кун давом этган қирғинбарот жанг тўлиқ суратда Темур Кўрагоний ғалабаси билан тугаган.

Соҳибқирон узоқ ҳарбий сафарларда ва муаззам шаҳарларда пирларига, сайидларга, олиму фузалоларга, азиз-авлиёларга буюк донишманду-уламоларга доим ихлос-этимод билан иззат-икром кўрсатар эди. 1397—1398 йилнинг қиш фаслида Тошкент ҳудудидаги Оҳангарон шаҳрига келган Амир Темур Яссига бориб ҳазрат Аҳмад Яссавий турбатини одатдагидек зиёрат қилди ва уни таъмирлаш,

қабри устига олий бино қуришни буюрди, вақфлар ажратди. Ривоят қилишларича, ҳазрат Аҳмад Яссавий турбати устига мақбара қурила бошлангач, эрталаб туриб қарасалар кечагина терилган гишталар бузилиб, сочилиб ётганмиш. Бу воқеа бир неча марта такрорлангач, кузатишса бир ҳўкиз кечаси келиб бузиб кетаётган эмиш. Сирдан Амир Темур воқиф бўлибди. Аҳмад Яссавий ҳазрат Шайх Занги отага холавачча эканларки, ҳаёт пайтларида каромат қилиб: «Бир олий ҳиммат киши чиқиб бизни қабримиз узра таъмир бино қилса, аввал сизга таъмир қилғай». деб ваъда этган эканлар. Шунга амалан Соҳибқирон Тошкентга жўнабди ва ҳазрат Зангиотанинг муборак жасадлари қаерда ётганини билолмай ахтарибди. Тошкентдан бир тош узоқ ерда Соҳибқироннинг оти юрмай, тўхтаб қолибди. «Кўрсаларким, ул ердан бир қул чиқиб отларини оёғини ушлаб турур, — деб ривоят қилади Салоҳиддин Тошкендий «Темурнома» асарида. — Дарҳол ул ерға таъмири олий бино қилдилар. Андин кейин ҳазрат Султон ул орифинни қабри шарифларига гумбаз кўтардилар, ҳар қайсилари таворихда маълумдир. Кўб авлиёларни қабри-шарифларини Ҳазрат Амир Темур бино қилгон эрдилар. Яна кўб-кўб жойларга масжид ва мадрасалар бино қилгон эрдилар, барчаси таворихда маълумдир».

Соҳибқирон Яссиди ҳазрат Аҳмад Яссавийга, Янгийул худудида шайх Зангиотага ва Тошкентнинг Кўкча даҳасида Шайх Зайниддин бобога мақбаралар қурдирганки, бу кошоналар олти ярим аср ўтибдики, буюк Амир Темур бобомизнинг саховати ва қудратидан воқиф этиб турибди.

Амир Темур бобомиз ҳар сафар Тошкентга келганда ҳозирги Кўкча даҳасидаги Шайх Зайниддин бобо турбатини зиёрат қилар эдилар. Бу улуғ зотга Амир Темур маҳобатли мақбара қуриш билан бирга, унинг ёнида расадхона ҳам бунёд этган экан.

Яна бир қизиқ воқеа. Амир Темур экспедицияси аъзолари Шайх Зайниддин бобо мақбарасида бўлганларида, бир хужрани томоша қилишган, унинг бурчагида бир одам сигадиған ер ости туйнугини кўришган. Масжид мутава-

лисининг айтишича, бу ердан Ҳасти Имом масжидига бо-  
радиган ер ости йўли қурилган экан, ҳозирча номаълум,  
ҳеч ким бориб кўрмаган. Эҳтимол бу ер ости йўли ҳарбий  
мақсадларда қурилган бўлса ажаб эмас.

Амир Темур Тошкентни, жангларга отланишидан ол-  
дин лашкаргоҳ этганки, бу азим шаҳарнинг «Камони Чо-  
чий»си — Тошкентнинг ажойиб камонлари Заҳириддин  
Муҳаммад Бобур «Бобурнома» асарида таъриф этганидек  
жуда машҳур бўлган, демак қадим Шошда Амир Темур  
аскарларига қурол-аслаҳалар ишланган.

Яна Амир Темур Тошкент яқинида, Сирдарё бўйида  
Шоҳруҳия шаҳрини бунёд этганки, бу Мовароуннаҳрнинг  
марказий шаҳарларидан бири эди. Кейинчалик Шоҳруҳия  
харобаларидан кўп осори-атиқалар топилган, ҳатто бу та-  
рихий масканнинг Эски шаҳар қисмини тиклаш мумкин  
экан. Тарих гувоҳлик беришича, Шоҳруҳия шаҳрининг  
кўчаларидан Амир Темур бобомиз, мирзо Улуғбек, Заҳи-  
риддин Муҳаммад Бобур, Шайбонийхон ва бошқа юзлаб  
азиз зотлар ўтишган.

Машҳур академик Иброҳим Мўминов тарих зарварақ-  
ларини синчиклаб ўрганиб, Амир Темур Тошкент худуди-  
да Сирдарёга кўприк қурдирганини, шаҳар атрофига бир  
неча каналлар ўтказганлиги, кўпгина масжид, мақбара,  
хонақо ва карвонсаройлар, шунингдек, вилоят худудида  
шаҳар кўринишидаги Оҳангарон қишлоғини бунёд этга-  
нини ёзиб қолдирган.

Амир Темур 1405 йилнинг баҳорида Хитойга юришни  
мўлжаллаб, қўшиннинг қишлоғи ўрнини Шоҳруҳия, Тош-  
кент ва Сайрам деб белгилади, ўзи эса Ўтрорда қишлади  
ва тўсатдан оғир хасталаниб вафот этди.

Тарих саналари азим дарё каби оқиб ўтди, ҳақиқат  
кўёши ботгани билан шарқдан яна ярқираб чиққани каби  
улуғ даҳо ва буюк саркарда Амир Темур бобомиз она—  
Ўзбекистонимиз мустақилликка эришган куннинг икки  
йиллиги нишонланаётган шодиёна айёмда, 1993 йил 1 сен-  
тябр куни дунёга қайта шуҳрат таратиб, Тошкентнинг юраги  
— қоқ марказидаги энг сўлим хиёбонга тулпорини миниб

кириб келдиларки, халқимиз ўзининг улуғ фарзандини зўр эҳтиром билан, одатдаги юрак сўзини айтиб кутиб олди:

**Қадамингизга ҳасанот, Соҳибқирон!**

Севимли шоиримиз Абдулла Орипов шу санага бағишланган «Темур» шеърисида эл-улуснинг қувончу севинчини:

Не бахтки, туққан юрт бўлганда озод,  
Муборак Ватанга қайтиб келмишсиз,

деб дилдан жўшиб куйлади.

Бобокалонимиз Амир Темур ҳайкалида шундай бир рамзий маъно борки, жаҳонгир бобомиз гўёки тулпорининг жиловини тортиб, қўлини мусаффо осмонга чўзган ҳолда жаҳон халқларининг эмну-омонликда яшашларини тиламоқда. Меҳнаткаш халқимиз Соҳибқирон ҳайкали салобати ва маҳобатидан, «Куч — адолатда!» деган ҳикматона сўзларидан ҳам рамзий, ҳам руҳий далда олиб бағри тўлгандай бўлди, агар ҳар қандай ёт куч она-Ватан мустақиллигига ғараз қиладиган бўлса муқаррар одилона жавоб беришга мажбурлигини ҳам, бобомиз Амир Темурдек буюк саркарда руҳи-поки ворисларига доим мададкор эканлигини ҳам юрак-юракдан фахру-шуур билан ҳис этди. Миллатнинг Амир Темурдек буюк зотлари халқнинг серҳосил маънавий боғи ва қудратли суянган тоғидир.

## ЧОР РОССИЯСИ БОСҚИНИ

Хонликлар ўртасидаги ўзаро урушлар бу ажойиб бой ўлканинг хом ашёлари, табиий бойликлари ва арзон ишчи кучларига кўз тикиб турган ажнабий босқинчиларга осонгина кенг йўл очиб беради. Россиянинг подшоси Пётр I пайтида Туронзаминга бошланган қизиқиш, босқинчилик ва шарққа томон юриш тезлашади. «Бўлинганни бўри ер» деганларидек, Туронзамин хонликларга бўлиниб кетгач, босқинчи Россия империяси аъёнлари бундан фойдаланиб қолишга шошиладилар. Меҳнатсевар, заҳматкаш, мўмин-қобил халқимизнинг хоҳиш-иродасини эгиб ўзига қул қилишга, бойликларини талашга, она юртимизни оёқ ости қилиб тўраларча яшашга мунофиқона ниятда бостириб келган босқинчилар сиртмоғи халқимиз бўйнига, ватан белига тушади. Улуғ салтанатга, кейинчалик бир неча хонликларга эга бўлган буюк Туркистон Россия империясининг мустамлакаси бўлиб қолишига, халқнинг қулга айланишига ана ўша юқори табақа тўраларининг тахт талашши, мансабу амалга ружу кўйиши ва ҳукмдорларнинг ўз манфаати-маишатини кўзлаши сабаб бўлади. Уларда она-Ватан севгиси ва халқига муҳаббатга нисбатан нафсу амора туйғуси кучли эди.

XIX асрнинг ўрталарига келиб Туркистондаги хонликларнинг аҳволи шу қадар ночорлашиб қоладики, бир заминдаги Бухоро, Қўқоң ва Хива хонликлари бир-бирларига нисбатан ёвлашган эдилар. Улар ўртасида кўпдан бери ўзаро низолар, ихтилофлар ва қонли тўқнашувлар давом этиб келарди. Уруш бўлган юртда, тинчлик йўқ ватанда харобалик ва қаҳатчилик ҳукмрон бўлиши аниқ. Айниқса, бундай мамлакат ҳар қанча бой бўлса ҳам бошқа бир заиф, ночор мамлакат озгина ҳарбий устунлиги билан босиб олиши осондир. Худди шундай бўлди, бўлинган, тарқоқ ҳолда-



ги хонликларни «бўри еди». Россия империяси 1865 йили жангу жадал билан кириб келиб, бутун Туронзаминни эгаллади, қисқичбақа ёки саккиз оёқ денгиз ҳайвонидек исканжага олиб, юрт бойлигини талон-торож этди, халқ қонини зулук бўлиб сўрди.

Очиқ гап, Туркистон диёримизда сўнгги салкам 130 йил давом этган мустамлакачилик сиртмоғининг халқимизни мазлумлик ва мажруҳлик ҳолатига гирифтор этишида ўзимизнинг ҳам ўта ноқис иллатларимиз бор. Бу иллатлар бўшбаёвликда, душману дўстни ажрата билмасликда, хавф-хатарни олдиндан сезиб тайёргарлик кўрмасликда, тантилик қиламан деб тентаклик қилиб қўйишимизда, айниқса, бирбиримиз билан аҳил-иноқ бўлиб, миллат, Ватан ва уларнинг шуҳрат-шони учун баравар жон куйдирмаслигимизда кўринади.

Очиқ яна бир гап. Бизда миллат орасидан чиқадиган хоин, сотқин, ватанфуруш, лаганбардор лаънатилар борки, улар «дўппи ол деса, калла қирқиш»га ҳам доим тайёр турадилар.

Дунёда миллат орасидан чиққан миллий қаҳрамон нақадар улуғ ва покиза Инсон бўлса, миллатдан чиқиб душманга сотилган хоин тўнғиздан ҳам тубандир!

Чор Россиясининг Туркистонни босиб олганини душман томонга ён босиб, оқни қоралаб, ҳақни ноҳақ деб, «Туркистон Россияга қўшиб олингану, «ўз ихтиёри билан қўшилган» деган ибораларни ёзган тафсирчиларни ким деб аташ керак?! Улар бундай гапларни «заҳмат чекиб» ва «терга ботиб ёзиб» қалам ҳақи, кўксиларига тақасимон орден, тағларига мансаб-амал, жигилдонларига шу «юмуш»лари учун насиба еб фаровон яшадилар, ўша тузумни кўкларга кўтариб овозлари бўғулгунча бўкириб мақтадилар. Булар худди қўй подаларини кушхона тифига рўпара қилиб, ўзи қочиб чиқиб кетадиган мунофиқ така каби халқни босқинчиларга кишанлаб бериб, томошабин бўлиб турдилар. Амалу мансаб ва фаровон яшаш учун большевиклар замонида зўрлаб, ялиниб-ялтоқланиб, зиёфату каромат кўрсатиб уларнинг партиясига аъзо бўлиб олдилар, юзсизларча порахўрлик, сотқинлик, разилликлар қилдилар.

Чор Россияси босқинчилари ва маҳаллий миллатлардан чиққан тўра-ю мирзалар уларга сотилиб, она-Ватан бойликларини, халқини таладилар. Босқинчи ҳеч қачон ватан эгаларига дўсту қадрдон бўлмайди, қахрамонона ишлар ҳам қилмайди. Унинг нияти фақат бойликни талаш, текин ейиш ва халқни қандай бўлмасин асоратда сақлаш бўлади.

Биз босқинчиларнинг хунрезликларини, золимона тартибларини, бойликларимизни талон-торож қилганликларини рақам этиб, бир чеккадан ёзсак, бир неча минг жилд китоб бўлади. Қуйида босқинчиларнинг энг кир, энг разил, энг қабиҳ қилмишларидан бир-икки мисол келтирамиз, холос.

1898 йилнинг май ойи ўрталарида Мадали Эшон раҳбарлигида Мингтепа, Тожик қишлоқ ва «Эшон чеки» каби аҳоли яшайдиган ҳудудларда мустамлакачи унсурларга қарши катта кўзғолон кўтарилади. Чор маъмурияти оддий рўзғор асбоб-анжомлари билан қуролланган минг-минглаб аҳолини тўп-замбараклар билан аямай ўққа тутати ва кўзғолонни шафқатсизларча бостиради. Суд бўлади, судда чор чиновниклари Мадали Эшондан сўрайди:

— Нега халқни кўзғолонга кўтардинг? (Ия, нега она-Ватанининг босқинчиларига қарши кўзғолон кўтармас экан, ўша манфур душман юртига бегона босқинчилик қилса, у ўзи орқа ўгириб турармиди, йўқ албатта, виждони бўлса она-Ватани ва халқи озодлиги учун кўзғолон кўтаради-да!)

Чор чиновникларига халқ қахрамони Мадали Эшон дадиллик билан ҳаққоний жавоб беради:

— Чор Россияси Туркистонни босиб олганидан сўнг бу ерда ахлоқсизлик, фоҳишабозлик, ҳар хил ўйинлар, ароқ-хўрлик авж олиб кетди, — дейди. Умуман, Туркистонда шарият қоидалари оёқ-ости қилинганлиги, бундай ахлоқсизлик пайтида Маккага ҳажга боришнинг тақиқланиши халқ ўртасида маънавий тушкунликнинг янада авж олиб кетишига сабаб бўлганлиги, озод Туркистоннинг озодлиги йўқ қилинганлиги каби кўп ноҳақликлар кўзғолонга сабаб бўлганлигини айтган.

Суд уч ой давом этган. Қора курсида қўзғолоннинг 500 нафар фаол қатнашчиси ўтирган, бундан ташқари юзлаб кишилар ҳибсга олиниб, жазоланган, отиб ўлдирилган. Мадали Эшон билан бирга унинг 5 нафар маслакдоши осийшга ҳукм қилинган. Бу бедодлик устига, бировларнинг юртида ўзлари хон, кўланкалари майдон бўлган рус тўраваччалари шу қадар ваҳшийлик қиладиларки, қўзғолончилар Андижон томонга қайси қишлоқлардан ўтган бўлсалар шу қишлоқлардан то Андижонгача бўлган масофадаги барча уйлар бир километр кенгликда бузилиб ер билан яксон қилинади. Золим Николай II подшони кўрингки, бу ўлчовни Андижон вилояти харитасида шахсан ўзи қўли билан белгилаб берган. Ана шу теп-текис қилинган жойга Жанубий Россия губерналаридаги рус мужиклари кўчириб келтирилиб жойлаштирилган. Қўзғолон маркази — Мингтепа қишлоғи уларнинг тилича «Пожалуйста» (яъни «Марҳамат») деб аталганки, ҳозир ҳам бу ном нимагадир сақланиб туради.

Рус босқинчилари мўғул босқинчиларидан ҳам ошиб тушиб, калондимоғлик, манманлик билан маҳаллий аҳолини ғоят камситиб таҳқирладилар, уларнинг мансабдорлари — губернаторларидан тортиб ҳарбийларигача, ҳатто миршабларигача ўзларини босқинчи золимликларини унутган ҳолда хону тўраларча тутардилар. Улар 1873 йили Хива хонлигини босиб олиб катта солиқ-ўлпон талаб этганлар. Умумий ўлпоннинг 300 мингини ёвмутлар тўлаши керак бўлган. Бу жуда оғир солиқ эди, уларнинг оқсоқоллари босқинчилар билан сулҳ тузиб, ўлпон муддатини узайтarmoқчи бўлганларида босқинчилар уларнинг илтижоларига кўнмаган, ўртада тўқнашув бўлиб, руслар ёвмутларнинг ёшу кексасини, бешиклари чақалоқларигача чопиб ташлаб, бутун-бутун қишлоқларга ўт қўйганлар. Мард ва жасур эркли ёвмутлар бу қирғинда ажойиб ботир ўғлонларидан ва донишманд кишиларидан, ажойиб уста-ҳунармандларидан жудо бўлганлар.

Босқинчилар Хивани талон-торож қилган вақтда аскарлар хоннинг хазинасидаги бутун бойликларни талаб,

сўнги тийингача йиғиб олганлар, хон Муҳаммад Раҳим-хон II га тегишли энг ноёб китоблардан 300 тасини танлаб олганлар. Рус аскарлари, ҳатто уйма-уй юриб, нодир китобларни талаб, бозорларда чет элликларга ароқ пулига сотганлар, хотин-қизларнинг қўл-қулоқларидаги зеб-зийнатларни тортиб олганлар.

Она юртимизга улар темир йўл олиб келиш, саноатлаштириш, тузем (яъни ёввойи) халқни саводли қилиш баҳонасида яхшилаб ўрнашиб олиб, сўнг текин томоқ бўлиб яшамоққа, бойликларимизни ташиб кетмоққа, халқни «пода каби ўров»да тутиб ишлатиб қонини сўрмоққа жазм эта бошлаган. Чоризм қузғунларининг озгинагина садақасига учган хоину сотқинлар эса чор амалдорлари билан бирлашиб заҳматкаш, эркесвар ва озодликка ташна халқнинг қўл-оёғини боғлаб бердилар, шу тариқа зулм устига золимлик кучайиб боради, руслар айшу ишрат билан жаннатмакон юртда яйраб, бойликларни талаб, халқни қашшоқлаштириб, хону-монини куйдирадилар, энг ёмони Туркистон халқлари ўртасида ҳеч қачон бўлмаган миллатчиликни авж олдирдилар. Илгари Туронзаминда яшаган халқлар бу зулмга қарши оёққа турдилар, лекин босқинчилар ички томондан халқларни бир-бирига гиж-гижлаб ўт-олов ёқдилар. Шундай бўлса-да, ўзбек ўғлонлари халқнинг эрки, элу юрт ташвиш-ғами, фарёди билан ёниб бош кўтаришга — кўзғолонга отландилар. Халқ фидойиларидан Намоз Пиримқулов ана шундай кўзғолонлардан бирига раҳбарлик қилиб, босқинчиларнинг додини берди. Унинг кўзғолони бостирилади, лекин халқ қаҳрамони Намоз ботирнинг номи дoston бўлиб қолди. Унинг Самарқанд ва унинг атрофидаги шаҳар ва қишлоқларда чор амалдорлари ҳамда уларнинг маҳаллий гумашталарига қарши олиб борган кураши бутун Туркистон бўйлаб ёйилди. Фарғона вилоятида 1911 йили 833 та ва 1913 йили 1200 та жиноий иш, яъни исёнчилар иши (қаранг, озодлиқ учун курашганлар жиноятчи эмиш) кўрилганлиги ҳам «Намоз ботир ғалаёнининг ўсиб-унаётган куртаклари эди. 1916 йили Туркистоннинг Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона, Мар-

гилон, Тошкент каби ҳудудларида кўтарилган халқ ҳаракатлари мустамлакачилар зулмига қарши эркинликни севган халқнинг фарёди ва қатъий иродаси билан бошланаётган исёни эди. Шу йилнинг ёзи давомида бутун Туркистон ҳудудлари ўтли курашлар гирдобига айландики, Самарқандда губернатор бўлиб ўтирган рус вакили Н. Ликошин дегани подшоликка ахборот бериб: «Норозилик ҳаракатлари кўтарила борди, гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда ур-йиқитлар ва ўлдиришлар содир бўлиб турди, маҳаллий ҳукмдорларнинг тушунтиришлари ва огоҳлантиришлари халққа таъсир қилмади. Маъмурларнинг сўзларига халқнинг мутлақо ишончи қолмади, ниҳоят бу ҳаракат Чор Россияси ҳукуматига қарши очиқ кўзғолон тусини олди», деб ёзган эди.

Чор маъмурлари қачон кўзғолон кўтарилса, «хўлу қуруқ»ни баравар ёқар эдилар, халқни қирғин қилардилар. Жиззах кўзғолонини бостирганда Куропаткин деган губернатор халқни жазирама иссиқда шаҳардан ташқарига ҳайдаб, она еридан сургун қилган, ёш болаларни, фарёд урган аёлларни милтиқ кўндоғи билан урганлар, ўлдирганлар, бор-йўқ нарсаларини тортиб олганлар.

Жиззах кўзғолонининг 377 қатнашчиси чор амалдорлари томонидан ғайриқонуний судланиб, ўлимга ҳукм қилинган, минглаб кўзғолончилар Сибирга сургун этилган, улар совуқ ўлкада ўлимга маҳкум бўлганлар, қамоқларда азобуқубат чекканлар. Халқ бахт-саодати, истиқболи ва истиқлоли йўлида курашган ва шу йўлда қурбон бўлган фидойи инсонлар қаторида Назирхўжа Абдусаломов, Абдурахмон Жевачи, Раҳмон Жайноқ Абдурасулов, Мулламуҳаммад Раҳим, Худойберди Юсупов, Тўрақул Тўрабеков, Ҳайдар Хусанов, Ҳайдар Йўлдошев, Эрназар Тошматов, Қорабой Қобилов сингари мардона инқилобчилар бор эдики, улар она-Ватанга содиқ, халққа фидойи бўлдилар, шу йўлда жонларини ҳам аямай босқинчилар зулми-истибдодига жасурона қарши курашдилар. Қаҳрамонларнинг қутлуғ қони беҳуда кетмади, ўлка бўйлаб уларнинг жасоратлари ёйилди.

Халқимиз ўз фидойи фарзандларини ҳеч қачон унутмай, уларнинг пок руҳларини доим эъзозлайди. Босқинчи руслар билан курашда ҳалок бўлган кўзғолончи ботирларнинг жасоратлари халқимизга доим жанговарлик туйғусини инъом этиб туради.

Ўзбекистоннинг ҳозирги мустақиллиги босқинчиларга қарши курашган инқилобчиларнинг қони, иродаси, пок руҳлари туфайли эканлигини унутмай, тарихимиз ибрату ҳикмат намунаси сифатида севиб ўрганилмоғи керак.

## МИЛЛИОНЛАРНИ АЛДАГАН САРОБ

Россияда дунёни ларзага солиб бошланган 1917 йилги феврал ва октябр «инқилоб»лари мазлум халқларда, ҳатто ўша босқинчи Россия империясидаги барча миллатлар онгида эркинлик ва озодлик умидларини уйғотади. Асрий асорат зулматларида эзилган Туркистон халқларига ҳам истиқлол ва тараққиёт йўллари очилгандай бўлади. Аслида бу инқилоб эмас, балки эски тузумни ағдариб, янги тузум, большевиклар кўпдан бери олға суриб келаётган дастуруламалли партиянинг давлат тепасига чиқиб олиши эди. Шундай қилиб, Россия империяси ўрнида Совет (номининг кенгаш сўзидан олинганини қаранг) ҳокимияти ўрнатилади, унинг етакчи кучи партия жуда катта ҳокимиятни ўзига олиб, гуё оламшумул ишларни амалга оширишга киришади. Ана шу партия ва Шўро ҳукуматининг дастлабки ҳужжатларида, масалан, «Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси», «Эзилган ва эксплуатация қилинувчи халқ ҳуқуқлари декларацияси», «Шарқ мусулмонларига!» деган ҳайқириқли ҳужжат, партиянинг VIII съезди (1919 йил, март) қабул қилган «тарихий ҳужжатлар»да барча миллатлар тенглиги, баробарлиги, суверенлиги, ўз тақдирини ўзи белгилаши, ҳатто мустақил давлат бўлиб ажралиб чиқиши мумкинлиги жуда дабдаба билан эълон қилинади. Аслида бу ҳужжат ва қарорларнинг ҳаммаси ёлгон, фақат қоғозда қоладиган, одамларни чалғитадиган сароб эди. Қарангки, русларнинг маҳмадона «дохий»си

«Шарқ мусулмонларига!» мактубида Шарқ халқларига, жумладан, Туркистон меҳнаткашларига мурожаат этиб, улар «октябр инқилоби»дан кейин энди тўлиқ эркин бўлганликларини, озод Ватанда мустақил давлатларини тузишлари мумкинлигини, турмуш тарзларини хоҳлаган тарзда қуришларини оғиз кўпиртириб ёзади-ю, она-Ватанимизда унинг М. Фрунзе, В. Куйбишев каби сафдошлари ҳеч бир ҳарбий қуроли бўлмаган тинч аҳолини қириб-хўрлаб, мол-мулкани, бутун бойликларини талон-торож этиб, шундоқ ҳам эзилган туркистонликларга жабр-зулм ўтказётган эдилар. «Оқ» подшоҳ пайтида мардикорга деб олинган туркистонликлар Россиянинг совуқ ўлкаларида, ўрмонларида қирилиб кетгани устига большевикларнинг Туронзаминга бостириб кириши, аҳолининг дарди устига чипқон бўлди.

Дунёни ларзага солган «инқилоб» режалари сароб бўлибгина қолмай, Туркистон халқларининг бошига кулфатлар ёғдирадиди, она диёримизга келган большевикларнинг раҳбарлари М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Г. И. Бокий, Я. Э. Рудзутак, Ф. И. Голошчекин, Ш. А. Элиава, Ф. И. Колесов, А. А. Казаков, К. Е. Сорокинлар амал курсиларига ўтириб олиб ўз мақсадлари йўлида иш тутадилар. Улар Туркистонда совет ҳокимиятини барқарор қилиш ва мустаҳкамлашни ниқоб қилиб олиб, ўлка халқларининг хоҳиш-иродаларини, ҳақ-ҳуқуқларини ҳисобга олмай ҳамма нарсанинг бутун измини Марказ ҳукмронлигига буйсундириш учун жон-жаҳдлари билан киришадилар, ҳокимият идораларига биронта маҳаллий миллат кишиси раҳбарликка қўйилмайди. Кейинчалик Туркистоннинг советлар ҳокимияти бўғинларига маҳаллий миллатнинг илғор фикрли Т. Рисқулов, А. Раҳимбоев, Н. Хўжаев, Н. Тўрақудов, С. Сегизбоев, А. Икромов, Ф. Хўжаев сингари ватанпарварлари сайлаб қўйилади, лекин барибир ҳокимият Марказ ихтиёрида бўлиб, бу ерда тайинлаб қўйилган рус раҳбарларининг қўлида эди. Ватан, миллий истиқлол йўлида жон фидо қилувчи юқоридаги миллат вакилларининг инон-ихтиёри, тўғрироғи жиловининг тизгини тўла-тўқис

ҳолда «катта оға»лар ихтиёр-хоҳишида эди. 1917 йил охирида Қўқонда ажойиб миллатпарвар қаҳрамон Мустафо Чўқаев бошчилигида тузилган мухтор ҳокимият озод ва мустақил давлат тузиб, халқни рўшноликка олиб чиқмоқчи бўлади. Бундан тезда хабардор бўлган большевиклар ўзларича «инқилобий» тадбирлар белгилаб, жанговар ҳарбий кучларни ишга солиб, «миллатчи буржуа ҳукумати» — Қўқон мухториятини ғайриқонуний равишда тугатадилар. Шундай қилиб, Туркистон халқларининг эрк, озодлик ва мустақилликка бўлган интилишларини, орзу-умидларини ва ғайрат-шижоатларини чилпарчин этадиларки, ўша пайтдаёқ шайтонвачча большевикларнинг чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатини бошқача ҳийла-найранг билан давом эттираётганлиги аниқ бўлиб қолади.

Туркистондек бой ва жаннатмакон ўлкани иккинчи бор бошқача шиорлар билан босиб олган большевикларнинг жойлардаги ташкилотлари, маъмурий вакиллари ва уларнинг аскарлари зўравонлик ва адолатсизлик қилиб халқни талай ва хўрлай бошлайди. Ана шундай бедодликка барҳам бериш мақсадида миллий-озодлик кураши, большевиклар таъбирича, «босмачилик» бошланади. Қизиқ, бировларнинг она юртига қатлиом қилиб, қурол кўтариб келган руслар босмачи эмас-у, ўз она-Ватанини, она халқини, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этиб, муҳофазага отланган миллат кишилари босмачи бўладими?! Босқинчиларнинг ҳийла-найрангини қаранг-ки, гўё халқнинг мол-ҳолини талаётган босмачиларни йўқотишда улар жон куйдирган эмиш, ҳатто маҳаллий аҳолини қуроллантириб, ўз ҳимоячисини отишга ҳам ундаган ўша қизил большевиклар эди.

Туркистон тарихининг машҳур билимдон олими З. В. Тўғоннинг берган маълумотича, 1918—1923 йиллар ўртасида «босмачилик» — халқнинг большевиклар тузумига қарши ҳаракати бутун кучларни бирлаштириб, ғоят катта кучга айланган эди. Фарғона водийсидан чиққан машҳур кўрбоши Шерматбек (Кўршермат) норозилик ҳаракати билан исён кўтараётган миллат фидойиларининг мақсадини ифодалаб: «Бу ҳаракат—Темурларнинг, Улуғбек-



ларнинг, Навоийларнинг юртини руслар ҳукмронлигидан халос этиш демакдир. Чунки руслар, узоқ, муддатки, қонимизни сўрмоқдалар...» деганда тамоман ҳақ бўлиб, халқ дилидаги гапларни айтган эди.

Тарихчи олим Маҳмуджон Содиқов ўзининг «Эркесвар, хурриятпарвар эл ворисларимиз» деган ажойиб китобида бутун Туркистон ўлкасида 1930 йилларгача миллий-озодлик ҳаракати курашларида ҳалок бўлганларнинг сони ҳақида фикр юритиб, бундай деб ёзади: «Тахминий ҳисоб-китоблар бўйича фақат Туркистон ўлкасида шаҳид бўлганлар сони 800 минг нафар кишидан ошади. Хўш, собиқ Бухоро амирлиги ёхуд Хива хонлигида ҳам қанчалаб ватандошларимиз озодлик йўлида қурбон бўлмаган эканлар. Уларнинг ҳисобига ким етади? Қурбонлар, саноқсиз қурбонлар... Аждодларимиз қони билан тўйинган азиз диёримизнинг ҳали бизга номаълум бўлган қайси бир гўшасида, кимсасиз тепалигида ёки ўтлоқ тупроғида уларнинг ҳоки-пойи она замин узра унсиз, ғариб ҳолда ётибди. Буларнинг ҳаммаси бизга ҳозирча сир...».

Ҳа, худди шундай. Чор империяси босқинидан тортиб то Октябр тўнтаришигача Россия билан бўлган жангларда, мардикорликка олишда неча юз минглаб ватандошларимиз ҳалок бўлдилар! Сибирларда сургун қилинган минглаб озодлик курашчилари бедарак кетди! Русларга эргашиб қўшилишиб курашу жанг қилганда қанчалаб ватандошларимиз қурбон бўлди?! Неча юз минглаб туркистонликлар «қизиллар» салтанатининг жабру зулмидан бешиб хориж юртларга ўтиб кетдилар. Россия Германия билан уруш қилганда Ўзбекистондан, фақат Ўзбекистондан кўплаб миллатдошларимиз жанг майдонларида ҳалок бўлганларини ҳисобласак, бунинг ёнига шахсга сиғиниш йиллари «халқ душмани», «ватан хоини» деб отилганлар, 1950—1955 йилларда халқимизнинг сара фарзандлари қамалиб, қатл этилганларининг, 1980 йилларда «пахта иши» деб ёппасига қамоққа олинганлар ва қурбон бўлганларнинг ҳисобига ким етади?! Ақл-хушимиз билан виждонан уйлаб кўрсак, ўша суронли ва қонли кунларда халқимиз нуфузи жуда оз эканлигини

мулоҳаза қилсак, Россия империяси ва унинг большевиклари ўз даврларида миллатга жуда катта қирғин келтирганларки, уларнинг 130 йилга яқин даврдаги ҳукмронликларида қилган жиноятлари асрлар эмас, эралар ўтганда ҳам мазлум халқларнинг ёдидан чиқмайди.

Босмачилик ҳаракати ҳақида бўҳтону туҳматларни ёзган, халқни ва мафкурани алдаб ўз мақсади йўлига солган қизил большевикларнинг ўша пайтдаги ҳийла-ю найранглари ҳозирда далил-ҳужжатлар билан очилмоқда, уларнинг шармандали ниқоблари йиртилмоқда. Шу гапимизнинг исботи учун Маҳмуджон Содиқовнинг тадқиқотидан, унинг юқорида эслатилган китобидан қуйидаги ҳужжатни айнан келтирамиз: 1922 йилнинг охирида Бухоро Халқ Шўролар жумҳурияти раҳбарларига ёзилган мактубда қуйидаги ҳақиқат сўзлари битилган эди: «... Сиз ўз биродарларингиз бўлган рус большевиклари билан Бухоро тупроғига кириб миллат қонини тўқдингиз, унинг мулки бўлган олтин ва ғаллани йўқ қилиб юбордингиз, хуллас, халқнинг барча зарур мулкани йуқотдингиз, мачит ва мадрасалар каби табаррук жойларни оёқ ости қилдингиз. Фавқулодда комиссия орқали камбағал аҳолининг мол-мулкани ва ҳаётини тортиб олдингиз, уларга оқсоқоллар, аксилинқилобчилар, бойлар ва буржуйлар деб ном қўйиб шундай қилдингиз. Ўз динингизни, имонингизни ва виждонингизни бир парча нон эвазига русларга сотдингиз. Рус большевиклари жабр ва зулмни авж олдириб юбордилар. Бухоронинг мустақиллиги қуруқ сўз бўлиб қолди, ҳақиқатда ундан дарак йўқ. Бир ярим миллион кишидан иборат бўлган Бухоро аҳолиси чўл ва тоғларда ўзининг иссиқ қонини тўкиб, қўлга қилич олиб, миллат хоинлари билан жанг қилаётганлигини ҳозирги кунда кўриб турибмиз. Биз ҳам Ватанимизнинг ҳақиқий фарзандлари билан бирга мамлакатимиз мустақиллиги ва равнақи учун Сиз коммунистларга қарши курашаверамиз. Бизлар босмачилар эмасмиз, балки миллатимизнинг ҳақиқий ва итоатли ходимларимиз, душманларимиз бўлган русларни Ватанимиздан ҳай-

даб чиқарамиз ва уларни абадий йўқотамиз. Худога минг қатла шукурки, бизнинг йўлимиз ва ғоямиз ҳақ йўлдор ва ҳақ ғоядор, биз ишимизни соат сайин ҳеч бир тўхтовсиз авж олдирмоқдамиз. Мусулмонлар кўлларига қурол олиб, ғазавотда қатнашмоқ учун биз билан бирга курашмоқдалар. Исломнинг фатҳи учун ҳамма отланган...

Эҳтиром билан: бош кўмондон Ғози, Қори Абдулла, Норқул ботир, Дониёрбек элликбоши».

Ватанпарвар халқ фарзандларининг бу мактубида маҳаллий сотқинларга нафрат, рус босқинчиларига лаънат, баҳодир ўзбек миллатининг жасур фарзандларига хос мардлик, садоқат, умумхалқ курашига даъват мужассам топган.

Босмачилик—босқинчилик эмас, чинакам халқ кураши бўлдики, Ватан ишқи, меҳри ва ғурур-шуури жўш урган, юқорида номлари тилга олинган, халқ орасида номлари машҳури маълум, шу билан бирга номлари номаълум. минг-минглаб баҳодирлар халқ озодлиги, Ватан мустақиллиги йўлида фидойилик қилдилар ва азиз жонларини қурбон бердилар. Лекин большевиклар зўравонлиги ва босқинчилиги давом этарди.

### «ЎЗЛАРИ—ХОН, КЎЛАНКАЛАРИ—МАЙДОН»

Собиқ Шўролар ҳукумати билан унинг ғоявий раҳбари бўлмиш коммунистик партияси маҳаллий сотқинлар, гушталар ва миллий партия фаоллари билан халқни алдаб, лақиллатиб, «босмачилик ҳаракати»га ва уларнинг йўлбошчиларига аҳоли ўртасида ғазаб-нафрат уйғотишга, куч ва зўрлик билан уни қонга ботиришга мушарраф бўлади. Ана энди большевиклар ҳокимият тепасига келиб, «ўзларини хон, кўланкаларини майдон» ҳисоблаб давру даврон сура бошлайдилар. Улар жафокаш халқимизни чор империясидан ҳам қаттиқроқ занжирбанд этиб, оёқ-қўлини маҳкамроқ кишанлаб, бутун ҳақ-ҳуқуқларини поймол этиб, барча тизгинини Москва деб аталган Марказга боғлаб қўяди. Сўнг Туркистондаги барча ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, қорақалпоқ, уйғур ва бошқа мил-

латларни бир-бирларидан айириб, миллий чегараларга тақсимлаб бўлиб ташлаб бир-бирларидан узоқлаштирадilar, миллий адоват соладилар, нифоқ чиқарадилар. Туркистонда яшаётган ўнлаб қон-қардош миллатлар ҳеч қачон миллатчиликни билмаган ҳолда рус босқинчилари уларнинг шаънига «миллатчи» деган хунук иборани қўлладиларки, бу уларнинг ўз ҳоқимиятини мустаҳкам ушлаб туриш ва халқнинг асл фарзандларини қатлиом қилишда асосий дастуруламал бўлади.

Шўролар ҳукуматининг ва унинг сиёсатда найрангбоз партиясининг босқинчилик, адолатсизлик, зўрлик ва жабрзулмона ҳаракатини сезган халқда норозилик уйғона бошлайди. Она-Ватанни севган зиёли синф вакиллари Шўро ҳукуматининг жирканч мақсадларини дастлабки пайтлардаёқ пайқаб, миллатни ҳушёрликка чақирадилар.

Большевиклар партиясининг ва унинг Шўро ҳукуматининг найрангларини қарангки, улар гуё Туркистонга маданий ҳаёт олиб келгандек айюҳаннос солдилар, аслида рус мужиклари ва табаррук юртимизга ароқбозлик, одобсизлик, фалокат-кулфатларини келтирдилар. Босқинчилар халқимизга гуё эркинлик олиб келгандек юртимизни «тенглар ичида тенг», совет халқлари оиласида хур республика» деб, аслида халқни камситиб, жаннатмакон ўлканинг бойликларини талон-торож этиб, харобликка маҳқум этдилар. Энг даҳшатлиси, халқнинг тил-забони кесилди, ёзуви ўзгартирилди, дини тақиқланди, ўтмиши ва бутун тарихига парда тортиб ташланди.

Большевиклар халқни қул қилиб ишлатишнинг ғоят манфур усулини қўллаб, қишлоқ аҳлини зўрлик ва мажбуран жамоа хўжалигига бирлаштириб, ўлпонни ва бутун бойликни ёппасига Марказга ташиб-кетиш учун осонгина усулни қўлладилар. Кимда-ким очофатларнинг умумий қозонига қўшилмаса «бой», «халқ хоини», «ватан душманлари» деб йўқ қилинди ёки чекка ўлкаларга — Сибирга, Украинага ва бошқа юртларга «қулоқ» қилиб сургунга жўнатилди. Туркистоннинг олтиндан қиммат тупроғида мингминг турли мева-ю сабзавотлар етилиб турган бир пайтда,

боғ-роғлар кунпая-кун этилиб пахтазорларга айлантирилдики, бу кейинчалик пахта яккаҳоқимлигига айланиб, ўзбек халқининг бошига бало бўлди. Бутун Ўзбекистон, бутун Ўрта Осиё Россиянинг хом ашё базасига, пешона тери тўкиб роҳат-фароғат нималигини билмайдиган харобага, оғир мустамлакага айланди.

«Социализм қурилиши» деб аталган мудҳиш даврда халқимизни эзиш, бойликларини талаш ва миллий урф-одатларини йўқотиш яна ҳам авжига чиқадики, бунда Марказдаги рус амалдорлари ўзлари хон, кўланкаларини майдон ҳисоблаб Ўрта Осиё халқларининг бошига кўз кўрмаган, кулоқ эшитмаган кулфатларни солдилар.

Шўро ҳукуматининг дастлабки йиллариданоқ рақибларимиз миллатдошларимизни бегона юртларга бадарға қилдилар, илғор фикрли, халқнинг дардига дармон бўладиган тадбиркор ватанпарварларни, миллатимизнинг фахри, гултожиси бўлган доно зиёлиларни, ажойиб раҳбар-йўлбошчиларни каллаклаб ташладилар. Мана шундай ақлли «бошлар» бўлмаса, авом халқ бечорани истаган йўлга бошлаб, истаганча қул қилиб ишлатишни большевиклар яхши билар эдилар. Улар халқ, фарзандларининг гулларини йўқ қилишда маҳаллий сотқинларни ёнларига олиб, ҳеч бир асоссиз сабабларни, уйдирма-ю туҳматларни, бўҳтон-у маломат тошларини ёғдириб, ҳеч бир гуноҳсиз зиёлиларни айбладилар, таъқиб ва қувғинга олдилар, ўз ватанларидан жудо қилдилар. Минг-минглаб одамлар ҳеч бир гуноҳсиз рус зулми билан ўз шаҳарларидан ва қишлоқларидан четлаштирилиб, «Эллик километр», «Юз километр» тамгалари билан сургун бўлиб юрдилар.

Ўзбек халқининг сара ўғилларидан Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Чўлпон, Комил Алиев, Шокир Сулаймон, Усмон Носир, Отажон Ҳошим, М. Сўфизода, А. Ёкубов, Миён Бузрук Солиҳов, Беҳбудий кабилар йўқ қилиндилар. Бу азиз халқ фарзандлари ўз миллатининг дарди-ҳасратини куйлагани, она халқи ва она-Ватани озодлиги учун курашгани сабабли большевик жаллодларнинг қурбони бўлдилар. Ўша қатағон йиллари

Иттифоқ ҳукумати олдига муайян талабларни қўйган, «тенг-лар ичра тенг» республикаларда аҳвол ёмонлигини айтган, ҳақиқатни очиқ дил билан изҳор этган маҳаллий раҳбарлар «Миллатчи», «Халқ душмани», «Ватан хоини» тамгалари билан ҳеч бир асоссиз айбланиб қатл этилганликлари учун большевикларга бутун XX аср лаънатлар ўқийди. Улар шу қадар манфур эдиларки, ўз партияларидаги ақли зукко, доно ва етук аъзоларни ҳам тухмат-бўхтонлар билан қурбон қилдилар. Ўзбекистоннинг ажойиб ташкилотчи-раҳбарларидан А. Икромов, Ф. Хўжаев, Т. Рисқулов, Н. Хўжаев, А. Раҳимбоев, Н. Тўрақулов, С. Турсунхўжаев, А. Каримов, И. Исломов, Х. Иброҳимов, И. Ирисметов, И. Ортиқов, С. Бадалбоев, Т. Шодиева, М. Қаҳҳорова ва юзлаб бошқа етук кишиларнинг қатағон қурбони бўлганликлари большевикларнинг жиноятидир. Булар қаторида халқнинг минг-минглаб зиёллари, ўқитувчилари, раҳбар кишилари, оддий халқнинг содиқ, вакиллари қурбон бўладиларки, биз юқорида айтганимиздек, уларнинг ҳисобига етиб бўлмайди. Биргина Ўзбекистондан минг-минглаб «халқ душман»лари қурбон бўлган экан, бутун Ўрта Осиё республикаларидан, собиқ Иттифоқдан қанчалаб бегуноҳ кишилар большевиклар қурбони бўлганлигини ҳисобга олиш мумкин. Тахминий ҳисобларга кўра, бу 27 миллион жонни ташкил этади. Ўйлаб кўринг, агар шунча халқ омон-эсон бўлиб, юрт-элига хизмат қилганида Ватан буюклиги, қолаверса инсоният тараққиётига нақадар улкан бойликлар, доноликлар, янгиликлар, фаровонликлар қўшилар эди.

Майли, бу шунчаки хаёлнинг ширин орзуси, лекин большевикларнинг XX асрнинг охирларига қадар қилган барча хунрезликлари тарих саҳифаларида жиноят бўлиб ёзилиб қолди. Мустабид ҳокимиятнинг зулми-таҳдиди туфайли республикаларнинг мустақиллиги барбод этилиб, халқнинг эътиқоди, асрлар оша қон-қонига сингиб кетган урф-одатлари, қадриятлари, расм-русмлари, диний эътиқодлари топталди, ҳатто шу даражага борилдики, кишиларнинг шахсиятига, миллий ғурурига, хоҳиш-ирода-

сига ҳам зарба бериладиган бўлади. Кимда-ким эски ўзбек алифбосида ёзилган китобни ўқигани маълум бўлиб қолса, ҳибсга олиниб жазоланади. Шу тариқа халқ мутеликка, маънавий ва руҳий мажруҳликка гирифтор этилди.

Большевикларнинг хунрезлиги ва мафкураси қанчалар авж олиб, халқ эркинлиги ва руҳиятини эзмасин, унинг зиёли, ботир, содиқ ва жасур ўғлонлари Ватан ва халқига ҳеч бир хиёнат қилмай, қурбон бўлишдан чўчимай, ҳақиқатни баралла айтдилар. Буюк қалб эгаси, машҳур шоир Абдулҳамид Чўлпон «Халқ» деган шеърда миллатнинг кучқудратини, унинг енгилмас руҳини ва бунёдкорлик салоҳиятини ёрқин ифода этади. Мана ўша машҳур бадиянинг тўлиқ таронаси:

Халқ денгиздир, халқ-тўлқиндир,  
                                халқ кучдир,  
Халқ исёндир, халқ оловдир,  
                                халқ ўчдир...  
Халқ қўзғалса куч йўқдурким  
                                тўхтатсин,  
Кувват йўқким, халқ истагин  
                                йўқ этсин.  
Халқ исёни салтанатни  
                                йўқ қилди,  
Халқ истади, тож ва тахтлар  
                                йиқилди,

\* \* \*

Халқ истаги: озод бўлсин бу  
                                ўлка,  
Кетсин унинг бошидаги  
                                кўланка,  
Бир қўзғалур, бир кўпирар,  
                                бир қайнар,  
Бир интилуру, бир ҳовлиқар,  
                                бир уйнару,  
Йўқликни-да, очликни-да  
                                йўқ этар,

Ўз юртини ҳар нарсага  
тўқ этар...

\* \* \*

Бутун кучни халқ ичидан  
олайлик,  
Кучоқ очиб халқ ичига  
борайлик!

Шоир бу шеърда, агар халқ ғазабга минса ҳар қандай мустамлака кишанларини парчалаб ташлашга қодир эканлигини буюк ишонч билан айтади. Бу шеърни шарҳлаш, мазмунини тарғиб этишдан кўра уни ҳар бир ўзбек ёд олиши, ҳатто Давлат мадҳияси сифатида куйлаши айни муддаодир.

Ўша қатағон йилларида яшаган мардона зиёлилар диллик билан халқни уйғонишга чорлайдики, бундай оташин чақириқларни деярли ҳамма шоирларни шеърларида ўқиймиз. Чўлпон қатори халқ ва она-Ватан озодлиги ҳақида Ҳамза, Боту, Элбек, Абдулла Авлоний, Беҳбудий, Шокир Сулаймон, Мунаввар қори, Усмон Носир ва бошқа ўнлаб ватанпарвар, маърифатпарвар ва халқнинг сеvimли фарзандлари асарлар яратдилар, халқни уйғонишга чақирдилар. Чўлпон «Кўнгил» деган шеърда халқига хитоб қилиб:

Тириксан, ўлмагансан  
Сен-да одам, сен-да инсонсан  
Кишан кийма,  
Бўйин эгма,  
Ки сен ҳам хур туғилгансан, —

дейдики, Инсон ўз эрки-ҳуқуқини билиши, онадан озод туғилган инсон кишан киймасликка, бўйин эгмасликка» озод яшашга тамоман ҳақли эканлигини уқтиради ва курашга даъват этади.

Она-Ватанини чин иймон билан севган халқ фарзандларининг орзу-умидлари тарих қаъридан вулқон каби ҳай-



қириқ билан эшитилиб турадики, у келажак авлодларга сабоқ ва ибратдир.

Шўро ҳокимияти ўзининг етмиш йилдан ортиқ мустамлакачилик фаолиятида Ўрта Осиё халқларини қулликда тутиш билан бирга, эски жамият тузумини бузиб, халқларни ўз йўлидан адаштирди, бойлигини ва барча яхши фазилатларини барбод этди, бу ўлкани хом ашё базаси тарзида балогоа гирифтор қилиб турди, она табиатини, ажойиб сув-ҳавосини, тупроғини заҳарлади, ҳар йили миллион-миллион пахта талаб қилиб, Орол сувини қуритди. 1944 йилда Москвада бўлиб ўтган йиғиндаги антиқа воқеани машҳур давлат ва жамоат арбоби Н. А. Муҳиддинов ўзининг «Кремлда ўтган кунларим» китобида қуйидагича таърифлайди: «Ўзбекистон 1940 йилда мамлакатга 1,5 миллион тонна пахта топширганди, 1943 йилга келиб (уруш қизғин бораётган даврда — изоҳ бизники — муаллифлар) бу кўрсаткич 500 минг тоннага тушиб қолди, яъни мазкур хом ашёни ишлаб чиқариш уч марта қисқарди. 1944 йилнинг бошларида ўша даврдаги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Усмон Юсуповни Москвага чақириб, ташкилий бюро мажлисида унинг ҳисоботини тинглашади. Мажлисга раислик қилувчи А. С. Шчербаков унга мурожаат қилиб: «Ўртоқ Юсупов, мамлакат учун мана шундай оғир вақтда Сиз армия ва халқни иштонсиз қолдирмоқчимисиз?» дейди. Ташкилий бюро ўртоқ Юсуповга қаттиқ хайфсан эълон қилади».

Қаранг-а, рус ҳукмдорининг ғоят калондимоғлик қилиши, республика раҳбарини исканжага олиши, унга хайфсан бериши, хом ашё бермаса армия ва халқ иштонсиз қолишини беҳаёларча айтиши зулм эмасми? Ўзбекистондан деярли ҳамма эркаклар иккинчи жаҳон урушига кетган, далада фақат кексалар, аёллар ва ёш болалар қолган бўлса, техника йўқ бўлса, яна ярим миллион тонна пахтани етказиб берган бўлса; Марказнинг яна қандай ҳақи қолган экан?!

Хулоса қилиб айтганда, собиқ Шўро ҳукуматининг маркази бутун Ўрта Осиёни, шу жумладан, Ўзбекистонни 76 йил мобайнида соғин сигир қилиб ичдики, бундай золим юлғични тарих кўрмаган!

Ўзбекистоннинг бой заминидан олинган барча ер ости ва ер усти бойликлари, «оқ олтин»и, тоза олтини, турли хил маъданлари, мрамрлари, ёқилғи бойликлари — нефти, гази, қоракўлу ипаклари, минглаб хил ноз-неъматлари марказга ташиб кетилди, олтин конлари пала-партиш кавлаб олинди, Кремль хазинасига тўлдириб олинди. «Дўстлик», «Иттифок», «Қариндошлик» деб айюҳаннос солган «улуғ оғалар» салтанати парчаланиши билан «дўстлик»ни узиб, «ўз аравангни ўзинг торт» қабилда жуфтакни ростлаб қолди, мафкураси эса бўҳтонлар билан ўзбекларни, ўзбек диёрини ёмонлашга тушди, туз ичган тузлиғига туфурди. Халқимиз энди большевикларнинг «олтин қафаси»га тушмайди, кўприклар бузилиб кетган—орқага қайтмайди, кўр ҳассасини бир марта йўқотади. Халқимиз агар зарур бўлса, мустақиллиги учун қатъий курашишга қодирдир.

## ВАТАНДАН ЖУДО БЎЛГАН ВАТАНДОШЛАР

Инсон зоти борки, ўзи туғилиб ўсган маконни она юрт деб севади ва уни бир умр қалбида ардоқлайди. Одатда, ҳар бир халқ ўз она-Ватанида яшаб, шу заминда фаолият кўрсатади, оила, бола-чақа қилади, меҳнат-шижоати билан ўз эҳтиёжларини қондиради ва айни мақсад йўлида ватанига, халқига кўлдан-кўп манфаат етказиши. Инсон қаерда бўлмасин, уни киндик қони тўкилган тупроқ кучи тортиб туради. Ўзбеклар ўтроқ ҳаёт кечирганларидан, ҳатто ён қишлоқ ёки ёнидаги маҳаллага ҳам турар жойларини ўзгартириб, кўчиб ўтишни истамайдилар, улар она юртларини, ўсиб-унган ҳовли-жойларини, ўз шаҳар-қишлоқларини жондан севадилар.

Она юртини бир умр эъзоз этиб, унга талпинган оддий фуқародан тортиб буюк аллома авлод-аждодларимиз ҳаётларидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Қуйида она-Ватан ишқи билан ёниб-қуйган уч буюк алломанинг она

юртдан узоқларда чеккан изтироб-аламларини ҳикоя қила-  
миз.

Ўзбек халқининг даҳо шоири, донишманди ва буюк мутафаккири Мир Алишер Навоий шаҳри азим Ҳиротда туғилган, шу гулшанда машҳур асарларини ёзган, унга бутун иқтидорини бағишлаган, гуллаб-яшнашига чексиз ҳисса қўшган, шу шаҳарда «халқини якқалам» этган эди. У Ҳиротни жонидан севар эди, бир кун эмас, бир лаҳза ҳам ундан айрилишни истамасди. Лекин буюк даҳоларнинг душман-кушандалари доимо пайт пойлаб юрганидек, хоқон Ҳусайн Бойқаро саройида Мир Алишер Навоийнинг пок-ҳалоллиги, ҳақиқатчи эканлигини кўролмаган «ўжар ва дағал киши» хожа Мажидиддиннинг чақуви билан шоир ва подшо орасига совуқлик тушади, Алишер Навоий Астрободга амир этиб тайинланиш баҳонасида сургун қилинади. Машҳур тарихчи Мирхонд ўзининг «Равзат ус-сафо» асарида бундай деб ёзади: «Ул ҳазратнинг фикри соф кўнгил амирга яширин эди. Собит тадбир амир тангри таолонинг ризолиги йўли сулукининг ҳозирлиги, хоқони Мансур муҳим ишларининг кифояти сарвига хушбуй хотирининг майли камолат даражасида бўлганлиги учун бу амрни қабул қилиш хусусида бирон нима демади. Кўп муболагадан сўнг ризо бошини тебратиб, таважжу юзини ул тарафга ўгириб ва олампаноҳ даргоҳ мулозимларидан амир Бобо Али ҳамда амир Бадруддинни ҳамроҳ қилиб Астрободга жўнади». Бир йил муддат ўтгач, Мир Алишер Навоий она шаҳри Ҳиротни соғиниб, Ҳусайн Бойқародан пойтахтга қайтишни илтимос қилади, лекин рад жавобини олади. Шоирнинг узоқ Астрободда чеккан изтироблари шу даражага етадики, ундан бу шаҳарнинг об-ҳавоси ва табиа-ти қандайлигини сўрашганда, бир кунида тўрт фасл намоён бўлишини, шоир назарида, сургундаги бир кун бир йилга тенг эканлигини дард билан изҳор этган.

Алишер Навоий мусофирлик, оғир ва машаққатли ҳаёт эканлигини, она-Ватан азизлиги ва уни ҳеч нима билан алмаштириб бўлмаслигини ёшлик йилларида, Машҳад ва

Самарқандда таҳсил олган йилларида англаб етган бўлса, Астробод сургунида ватан қадрини, киндик қони тўкилган она тупроқнинг ўзига тортиш қудратини бутун борлиги билан ҳис этади. Шоир машҳур рубойида:

Фурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,  
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.

Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,  
Булбулга тикандек ошиён бўлмас эмиш,

деганда олтин қасрлару, шоҳона ҳаёт бўлганда ҳам ғарибга ўз она юртидек бўлмаслигини, она юрти оддий бўлса ҳам азиз ва муқаддаслигини доҳиёна ифодалаганки, буни ўз она-Ватанини севган ҳар бир инсон юрак-юракдан ҳис этади.

Алишер Навоий ўзининг «Садди Искандарий» достонида «Кабутар» ҳақида шингил бир ҳикоя келтирадики, бу ғоят ибратлидир. Унда ҳикоя қилинишича, чаққон бир хат ташувчи кабутар подшоҳнинг тўрига тушиб, узоқ йиллар давомида қимматбаҳо зеб-зийнатлар билан зийнатланган қафасда тутқунликда яшайди. Кунлардан бир кун тасодифан қафас эшиги очилади-ю, кабутар бандиликдан қутулади ва ўз юртига, ўз уйига йўл олади. Келиб уйининг вайронага айланганини кўради, шундай бўлса ҳам вайрона уйига қўниб роҳатланади. Кабутар учун бегона юртдаги шоҳона қасрдан вайрона бўлса ҳам ўз ўрганган жойи, қадрдон гўшаси минг бор афзал эканлиги ҳикоянинг асосий ғоясидир.

Навоий бу ҳикоят билан «Ўзга юртда подшо бўлгандан ўз юртингда гадо бўлганинг яхши» деган нақлни уйғунлаштирадики, чиндан-да, бой-бадавлат ўзга юртда фаровону дабдаба суриб мусофир яшагандан, она юртда ночор ҳаёт кечирилса ҳам эркин, озод, хур ҳаёт кечирмоқ минг бора азиз ва лаззатлидир.

Алишер Навоий дилидаги она-Ватан туйғуси шу қадар буюк эдики, Астрободда сургундалигида дўсти Хусайн Бойқарога «ўша вилоят ҳокимлигини аркони давлатдан

биронтасига берилишини илтимос қилди. Лекин хоқони Мансур унинг бу илтимосини ризо қулоғи билан тингламади ва бир неча кундан сўнг унга яна Астрободга қайтишга ижозат берди» (Мирхонд. «Равзат ус-сафо»дан).

Улуғ шоир уч йиллик Астробод сургунида кўп ҳиссий-руҳий изтироблар чекадики, булар ҳақида унинг кўп замондошлари, жумладан, Мирхонд, Хондамир каби тарихчиларнинг китобларида таъкидланган. Амир Ҳайдар: «Алишер Навоийга заҳар солинган овқат берилди» деган хабарни етказгач, бундан қаттиқ изтиробга тушган Ҳусайн Бойқаро тезда Навоийни Ҳиротга чақириб олади. Ёмон хабар тарқатган амир Ҳайдар ҳибсга олинади. Мирхонд ёзади: «Низомиддин амир Алишер Астробод ҳокимлигидан тавом озод этилишини илтимос қилди. Бу хусусда унинг муболағаси мўътадиллик чегарасидан ўтиб кетгани учун хоқони Мансур мақтовга муносиб, соф кўнгиллик амирнинг хоотири мулоҳазасини риюя қилиб, нимаики деган бўлса қабул қилди» (Мирхонд, ўша асар).

Хуллас, она юртдан узоқда, сургунда гам-андуҳ чеккан Навоий бобомиз подшоҳга бир неча марта илтимослар қилиб, Астробод ҳокимлигини топшириб, она шаҳри Ҳиротга қайтади. Мана шу воқеадан кўринадики, олиму доно Навоий амал шайдоси бўлмагани учун Астробод ҳокимлигини илтимос билан топшириб, она-Ватани шайдоси бўлиб Ҳиротга қайтади.

Алишер Навоий бобомизнинг ҳикмат зийнатига айланиб кетган машҳур байтида:

Одамий эрсанг, демагил одами,  
Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами

дейиладики, халқ ташвиш-ғами билан яшамаган, биронинг дардига дармон бўлмаган кимсани одам дейиш мумкин эмас. Ўз халқини севган инсон она-Ватанини ҳам иймон билан севади, буюк муҳаббат ана шундан туғилади. Буни биз Мир Алишер Навоий каби пок иймонли улуғ инсонлар сиймосида кўрамиз. Дунёдаги одамлар жилла курса даҳо шоиримизнинг фақат мана шу икки мисра

шеъри ғоясига амал қилганларида эди, ҳаёт тинч, турмуш фаровон, ҳар бир эл-улуснинг ватани озод, ҳур ва мустақил бўлур эди. Алишер Навоий бобомизнинг ҳаммага маълум байтларини, ҳикоясини, ҳаёт тарзидан фақат бир учкунини таъриф этдик, ваҳоланки бобомиз — Куёш!

Улуғ ватандошларимиздан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур сиймосида ҳам она-Ватан соғинчи шу қадар теран ифодасини топганки, унинг шоҳ асари «Бобурнома»да, ғазалларида, кичик лирик асарларида, қизи Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома» ёдномасида бу ҳақда ажойиб маълумотлар бор.

Темурийлар авлодига мансуб Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз ватанига сиғмай, душман босқинчилар билан олишувларда жанговарлик қўли паст келиб, охири юртдан «Ҳинд сари юзланмоққа» азму қарор қилади.

«Бобурнома» асари бўйича тадқиқот ишлари олиб борган машҳур ёзувчи Пиримкул Қодиров, бу асар «денгиз тубидаги гавҳар»дек ҳимоясиз ётган пайтларда унга тажовузлар қилинганини, 1508 йил воқеалари ҳикоя қилинаётган варақда узилиш борлигини аниқлаган, демак, китобдан бир неча варақлар йиртиб олиниб, йўқ қилинган. Қарангки, Бобурга қарши исён кўтарган беклар ва улар томонига ўтган қариндошлар тўғрисида битилган жойда қўлёзма бирдан узилиб қолади. «Ҳатто бошланган жумла тамом қилинмаган ҳолда, — дейди олим ва ёзувчи Пиримкул Қодиров, — ўн йиллик улкан даврни ўз ичига олган боблар мутлақо йўқолади, ҳолбуки, шу даврда Бобур Исмоил Сафавий билан иттифоқ тузиб, Самарқандни учинчи марта олган, «Хатти Бобурий» деб аталган янги алифбони жорий этишга интилган».

Рус тарихчиси М. В. Карамзиннинг «Россия давлати тарихи» китобида «Бобурнома»дан йўқотилган бобларнинг маълумоти топилади. Рус солномаларининг гувоҳлик беришича, Бобур ўша даврда Каспий (Хазор) денгизи бўйларида ўтиб, Табризга сафар қилган. У ерда туриб рус сайёҳлари билан топишган. Россия давлати тўғрисида тасаввур ҳосил қилгач, Аградан Москвага элчи юборган. Мана

шу ўн йил давомида Бобурнинг атроф-теварақдаги мамлакатлар билан дўстлик, ҳамкорлик қилиш сиёсати қора кучларга ёқмай, «Бобурнома»нинг шу воқеалар ёзилган қисмини йиртиб йўқотганлар.

Бобурнинг ватан севгиси шу қадар кучли бўлганки, у қаерда кезмасин, хаёли, мақсади ва меҳри ватанда бўлган. «Бобурнома» асарини она-Ватан ҳақидаги буюк қобуснома дейиш ҳам камлик қиладики, унда жуда катта тарихий давр, шу билан бирга она-Ватан ва халққа буюк муҳаббат, жўшқинлик, ростлик ва одилона тараннум этилган. «Бобурнома»да илғор ғоялар билан бирга, ўша давр жамиятидаги очкўзлик, золимлик, саркашлик, мунофиқлик каби ҳоллар ҳам рўй-рост баён қилинадики, бу Бобурнинг пок иймонли инсонлигини кўрсатади.

Она-Ватан севгисини Бобур бир дақиқа ҳам хаёлидан қочирмайди. Ҳиндистоннинг донишманд арбоби Жавоҳарлал Неру ўзининг «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» аса-рида Мирзо Бобурнинг фазилатларини санаб ўтиб, бундай деб ёзган: «У гарчи Фарғонанинг меваси, гуллари, мазали таомлари, қорли тоғ бағирлари, об-ҳавосини ниҳоят соғинган бўлса ҳам «Ҳиндистон ҳам гўзал диёр», деган эди. У Ҳиндистонда кўп вақтини урушларга ва Агра шаҳрида ҳашаматли бинолар барпо қилишга бағишлаган эди. У ниҳоятда ёқимтой, жасоратли, серғайрат киши эди, у санъатни, адабиётни ва ҳаётни яхши кўрар эди».

Санъат ва адабиётни яхши кўрган инсон қалби, одатда, ғоят покиза бўлиб, унинг халққа ва она-Ватанга севги-садоқати ҳам кучлидир. Бобур она-Ватанидан «Ҳинд сари юзланганча» бутун умри чет мамлакатларда кечади, лекин қаерда бўлмасин, она халқи ва она-Ватанни кўмсаш, соғиниш билан ва унга интилиб яшайди. Ҳиндистондек буюк юртда теурийларнинг салтанатини ўрнатиб, тахтда ўтирса ҳам она-Ватанига меҳру муҳаббати заррача ҳам сўнмайди, аксинча у кучаяди. Шоир бир форсий рубоийсида дард билан бундай куйлайди:

Умрим фироғ-у, ҳижронда ўтди  
Ғам-ғусса ила.  
Бу қиймат баҳо умр, арзон ўтди  
Ранжу алам била.  
Самарқанду Ҳиротда ўтмаган умр  
Шод-у хуррам ила,  
Афсус вайрон бўлди Аграда у  
Жабру ситам била.

Она-Ватан соғинчи ва меҳру муҳаббати йўлида Бобур не-не жафоларни кўрмайди. Лекин у ҳаётнинг барча кўргиликларини паҳлавонларча куч, ботирларча шижоат, шоирона маънавий-руҳий қудрат-матонат билан енгиб ўтади.

Чархнинг мен кўрмаган жабру  
жафоси қолдимۇ?  
Хаста кўнглим тортмаган дарду  
балоси қолдимۇ?

дейди шоир. Унинг «кўнглининг хаста»лиги ватан севгиси, соғинчи, унга ғойибона ташналик эди.

Улуғ сиймоларни қуёшга менгзаб таърифлайдиларки, бунда ҳам ҳикмат бор. Қуёш шарқдан чиқиб, ғарбга ботгани билан бадал кетмайди, у эртага мусаффо тонг билан машриқ уфқидан кўтарилиб яна ҳамма ёқни олтин нури билан мунаввар этиб юборади. Худди шунингдек, Бобур ҳам гарчанд она-Ватандан кетган бўлса ҳам, буюк даҳоси билан, ажойиб «Бобурнома»си ва ғазаллари билан Ўзбекистон мамлакатининг маънавиятини ёритиб турибди.

Она-Ватандан жудолик Зокиржон Холмуҳаммад ўгли Фурқатнинг бошига ҳам тушади. Унинг «Фурқат — ҳижрон» тахаллусининг ўзи ҳам шоирнинг ҳаётини башорат этгандек, Ватандан айрилиқ маъносини беради. Фурқат 1891 йилнинг 14 майида Тошкентдан Самарқандга йўл олади. У чор империясининг Туркистон худудидаги амалдор-аъёнларининг туҳмати ва тазйиқи билан она-Ватандан чиқиб кетади. Бу ҳақда Ўзбекистон Миллий университетининг олими Шариф Юсуповнинг илмий-тадқиқот



ишларида жуда батафсил маълумотлар берилганки, бундай ҳужжатлар шоир ҳаётининг нодир ёдномаларидир.

Фурқат Самарқанддан чиқиб Туркия, Юнонистон, Болгария, Миср мамлакатларини кезади. У 1892 йили Арабистонга ўтиб Макка, Жидда шаҳарларида истиқомат қилади. Шу йилнинг кузида Бомбай шаҳрига боради, сўнг Ҳиндистоннинг бир қанча шаҳар ва қишлоқларини кезиб чиқади. Яна Бомбайга қайтиб, ундан 1893 йилнинг май ойида Кашмирга, сўнгра Кошғарга — Ёркент шаҳрига келиб, бу ерда турғун бўлиб қолади. Шу ерда шеърят билан шуғулланиб, табибчиликдан келган даромад билан ҳаёт кечиради.

Фурқат бир қанча вақт она-Ватанга қайтишга уриниб, интилиб кўради, лекин чор амалдорлари бунга йўл қўймайдилар. Босқинчилар ўзгаларнинг юртига келиб ҳукмронлик қиладиларки, ҳатто ватан соҳибларини ҳайдаб ўзлари хон, кўланкалари майдон бўлиб яшайдилар.

Фурқат ўз она-Ватанида шодлик-рўшнолик кўрмагандай, хориж юртларда ҳам тинчлик, хурсандчилик тополмай, Ватан муҳаббатини ва халқ куч-қудратини тараннум этувчи, ўз озодлиги учун курашган халқни мадҳ этувчи шеърлар ёзадики, бу мақсад-ният унинг ижодидаги маънавий руҳиятни кучайтиради, натижада шоирда дўстлик, халқпарварлик туйғулари жўш уради.

Она-Ватанини эҳтирос билан севган буюк шоир ўзи туғилиб ўсган она диёрини соғиниб, ички бутун изтироб-андуҳларини мана бундай сатрларда ифодалайди:

Ватаннинг иштиёқин тортарам ғурбат  
ғами бирла,  
Турубдурман кутурмай ғуссаи  
ранжу инолардин...  
Олиб ёдига сурмас кимса Зокиржон  
Фурқатни,  
Агарчи айтадур доир дуо боди  
саболардин.

Фурқат чет элларда сарсон-саргардонликда юрса ҳам она-Ватанини, халқини унутмай, ўзининг дилбар ижоди

билан халққа хизмат қилишни мусофирликда, ватандан узоқда унинг соғинчи билан давом эттиради ва она-Ватандан жудо бўлган ҳолда 1909 йили Ёркентда вафот этади. Шоир «Айрилиб қолдим» радифли бир ғазалида биёбондаги қуюн каби гирдикапалак бўлиб, қарорини йўқотганини, ватандан айрилиб изтиробда қолганини ёниб-куйиб ёзади:

Қуюндек пўя айларман биёбонда  
қарорим йўқ,  
Ўша дилбар учун, Фурқат, ватандин  
айрилиб қолдим.

Шоир она-Ватанни ва халқини нақадар севса, Ватан ва халқ ҳам унинг номини шон-шарафларга ўраб, руҳи-покини азиз этади. Унинг асарлари қуёш нури сингари юртга зиё бўлиб таралади, ўнлаб жойлар унинг номи билан аталади, ҳайкал-сиймолари юртида қад кўтаради, ибратли ҳаётидан миллионлар сабоқ ва ибрат олади.

Биз юқорида она-Ватандан узоқда, мусофирлик ва қувғинда умрлари кечган уч буюк ватандошимизнинг она юртга ва халқига меҳр-муҳаббатини қисқача баён этдикки, бу ҳам катта ибрат ва ҳикматдир.

Она-Ватандан тазйиқ ёки мажбуран жудо бўлган минг-минглаб юртдошларимизни кўз ўнгимизга келтирсак, юрак ларзага келади. Она-Ватандан минг йиллар муқаддам бадарға бўлган Абу Али ибн Сино каби, Заҳириддин Бобур каби, Фурқат каби донишманду саркарда, шоиру фозиллар ўз она юртида тинч жўшқин ижод этиб, эл-улус дардига дармон бўлганда қанчалар камолат чўққисига кўтарилган бўлардик. Она халқимизнинг сара гулларидек доно фарзандлари ҳар доим қатлиом ёки ватандан бадарға қилиндиларки, бу катта-катта хазиналарни йўқотишдан ҳам ёмон зиён-заҳмат бўлди, халқ ва ватан тараққиётига зарба бўлди, бу душманларимизга ҳеч бир даҳлсиз йўл очиб бериш бўлди.

Собиқ шўро ҳукумати ва уларнинг ғоявий таянчи большевиклар партияси она-Ватаннимизда ўз зўравонлик сиё-

сатини ўрнатган кунданоқ халқимизнинг ишонган боғи, суянган тоғи бўлган зиёлиларни йўқ қилишга, шу тариқа халқни ғоясиз-мақсадсиз «подага» айлантириб, кул қилишга киришадилар.

Она-Ватанни жону дилидан севган, уни ардоқлаган, тараққиёти учун жафо чеккан халқпарвар ва ватанпарвар кишилар большевикларнинг тазйиқидан бегона юртларга ўтиб кетишга маҳкум бўладилар. Улар ўша олис мамлакатларда машаққат, меҳнат билан яшаб, мусофирлик азоб-изтиробларини чекиб, ватан соғинчи ва эл-юртдан жудоликни бошдан кечирадилар, лекин миллатини, динини, она тилини унутмай унга содиқ қолиб, она-Ватанни юракда муқаддас билиб сақлайдилар.

Она-Ватандан жудо бўлиб, Ер юзидаги бу мамлакатдан у мамлакатга саргардон кезган, неча ўн йиллаб юрт соғинчида азоб чеккан азиз ватандошларимизни босқинчи душманларга қўшилишиб «ватан хоинлари», «сотқинлар», «империализм малайлари», «халқ душманлари» деб баралла-ошқора ёмонладик, лаънатладик, беғубор номларига қора буёқлар чапладик. Давлат тамғасида «ўроқ ва болға»ни акс эттирган, «юксак коммунистик ғоялар байроқдори» бўлган собиқ Шўро давлати халқимиз ҳаётига раҳна солади, хорижда юрганларни бадном этиб, маънавий-маданий ҳаётимиз илдизига болта уради, бутун юртни пароканда қиладики, буни ўнглаш жуда қийин эди. Чет эллардаги миллион-миллионлаб ватандошларимизнинг мусофирликда ва ватан соғинчи билан чекаётган изтиробларидан хабар оладиган бирор инсон зоти йўқ эди, бўлганда ҳам уларнинг тили-забони, ақл-идроки, хоҳиш-иродаси бўғиб, кишанлаб ташланган эди. Собиқ иттифокдан чет элга саёҳатга Ўзбекистондан ёки бошқа бирор республикадан сайёҳлар гуруҳи борадиган бўлса, улар орасига Марказдан—Москвadan айғоқчи гумашталар қўйилар, улар хориждаги бирор ватандошларимиз билан мулоқот қилишга, дардлашишга, юз кўришишга йўл қўймас эдилар. Бунга мисол қилиб, машҳур олим Обид Акромхўжаевнинг «Кўзгу» газетасининг 1995 йил 23 ноябр сонидида босилган «Ҳаёт са-

боклари» мақоласидан бир шингил воқеани келтириш кифоядир. «Учинчи шундай бир ҳодиса Истамбул шаҳрида, Султонлар саройини сайр қилаётган вақтимизда бўлди, — деб ёзади олим, — гуруҳимиздаги хотин-қизларнинг бир нечтаси атлас кўйлақда бўлганликлари учун ҳамма жойда хорижликларнинг эътиборини тортишарди. Гавжум Султонлар саройида ҳам худди шундай бўлди. Мамлакатхон ва Шафоатхоннинг атрофида 5—6 турк хотин-қизлари тўпланиб, ширин суҳбат бошланиб кетди. Шунда «бошлиқ» қизча улар ёнида пайдо бўлиб: «Слушайте, хватит, прекратите!» деса бўладими. Аёллар аввалига анграйиб, жим бўлиб қолишди. Кейин турк қизлари саросимада бир-бирларига алланималар дейишди. Уларнинг гапларидан бир сўзнигина тушундим: «Кўрқурлар!»

Москваннинг гумаштаси бўлган «бу қизча» бутун саёҳат давомида ҳаммадан «кўз-қулоқ» бўлиб, барчанинг асабини бузади. Бунга олим чидолмай қаттиқ танбеҳ беради, шунда «думини қисиб» юрган, кўрқоқ, муте, лаганбардор, шахсиятпараст ўзбек амалдорларидан бири «Обидхўжа, бу қилган ишингиз чакки бўлди», деб насиҳат қилади. Лекин йирик олим бу аблаҳга ҳам тегишли жавоб беради...»

Кичик бу лавҳа совет ҳукуматининг одамларнинг эрқуқини поймол этиб, тил-забонини қирқиб ташлаганига миллиондан бир далилдир.

Яна бир нарса: Ҳиндистонга ёки Шарқдаги бирор мамлакатга борадиган Ўзбекистон саёҳатчилари Тошкентдан тўғри ўша мамлакатга учмай, тескари томонга, олти минг чақиримлаб орқага, Москвага бориб, у ерда тегишли шартларни яхшилаб эшитиб, гўё қасам ичгандек бўлиб, яна орқага, Тошкент томонга қайтиб, сўнг Ҳиндистонга жўнаган. Бундай сарсонгарчиликка нима деса бўлади! Халқни тутқунликда, она-Ватанни темир-панжаралар билан тўсиб ташлаган Шўро ҳокимияти ва уларнинг амалдорлари ўз айблари, кирдикорлари ва зулм-жабрлари очилиб қолишидан кўрққандан турли ҳийла-найрангларни, бўҳтону туҳматларни, ёлғон-яшиқларни тўқиб, хориждаги гул-

лаб-яшнаётган давлатларни ёмонлар, ватандан жудо ватандошларимиз она-Ватан ва халқимиз ҳақида одилона гап айтсалар айюҳаннос солиб тухматлар қилар, уларнинг покиза юзларига қора бўёқларини чаплар эдилар.

Она-Ватандан жудо бўлган азиз ватандошларимизнинг юрак сўзларини қуйида келтирамизки, уларда она-Ватан севгиси жуда улуғ бўлган, улар Ватанни чин иймон билан севганларига амин бўламиз.

Ҳозир Германияда яшаётган, собиқ Бухоро жумҳурияти раиси Усмонхўжанинг ўғли доктор Темурхўжанинг сўзларини келтирамиз: «Шуни айтмоқчиманки, — дейди у, — Ватандан чеккада ҳам ватанпарварлар яшайди, улар ҳам Ватанни худди сизлар каби севади, улар ҳам халқ йиғласа йиғлайди, кулса кулади... Ватан—бу илдиздир. Бу юртга илдиз отмаган, унинг тупроғини ҳурмат қилмаганлар бу ерни Ватан қилолмайди. Илдиз—рўпарангда боболар арвоҳи чирқиллаб туришидир. Илдиз — шу ернинг тилини, урфини, фақат тилига эмас, қалбига сингдиришдир... Бизнинг боболар ҳам Туркистонни Ватан дейди, чунки илдимиз, бизни кўкартирувчи, яшнатувчи тупроқ шу ерда. Биз бу тупроқни ҳеч қаердан топа олмаймиз. Тупроғини унутган одам—ўзлигини унутган одамдир.

Мен Ватанда эмасман, Ватан менинг ичимда!...»

Ватандан жудо ватандошимизнинг бу дилхаста сўзларини бир марта эмас, ўн марта ўқиб, унда қанчалар дард-алам, изтироб, соғинч, она тупроққа меҳр-муҳаббат, тилга садоқат, боболарга таъзим-тавалло, душманга нафрат борлигини сезамиз! Ватан илдизлари бундай содиқ фарзандларнинг вужудида қон томирлари бўлиб тепиб, ҳаёт бахш этиб туради.

Исмоил Минҳожидеган ватандошимиз ҳам Германияда яшаб, халқ ва ватанга меҳр туйғуларини дард билан бундай ифодалайди: «... Инсон қаерда бўлмасин, қорин тўйдириш учун бир парча нон кифоя, лекин Ватаннинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди! Чет элларда юрган одамга ана шу Ватан етишмайди! Бундай одам руҳан эзилган бўла-

ди, уни ҳеч нарса қизиқтирмайди ва кўнглини ҳеч нарса кўтара олмайди. Инсон элидан, халқидан айрилса, тирик мурдага айланади. Бу ҳақ гап! Одам боласини руҳан кўтарувчи, қўллаб-қувватловчи Ватан экан. Зотан, бахт Ватандадир. Юнон афсонасида туёғидан айрилган от жафо чеккани каби инсон ҳам элидан айрилса, ундан беш баттар ҳолга тушади... Бизнинг жисмимиз чет элларда-ю, лекин юракларимиз Ватанда, қалбимизда Ватан меҳри сўнгани йўқ».

Америка Қўшма Штатларида истиқомат қилиб, она-Ватани Ўзбекистон ҳақида дардли шеърлар ёзган машҳур шоир Эргаш Булоқбоши дунёнинг қайси бир мамлакатидан бўлмасин, она Ўзбекистон шон-шухрати учун курашиб келади. У бир шеърда дард-алам билан бундай куйлайди:

Бу кунлар кўп азоб кунлар,  
Ватансиз оҳ-фигон ичра,  
Кечар бошдан на мушкуллар  
Юриб бегоналар ичра.  
Жудолик ўти ёндирса,  
Қилиб кўксимни юз пора,  
Бошим оғмас, умид сўнмас,  
Топарман унга бир чора.  
Бу кунлар охири келгай,  
Улуғ юртимни кўргайман,  
Зимистонликка нур тушгай,  
Фароғат кунни кўргайман.  
Жудолик зулмидан озод,  
Азиз еримни кўргайман,  
Қанотимни ёзиб ҳур-шод,  
Жаннати дунёни кўргайман.

Кўрамизки, она-Ватандан жудо этилган ватандошларимизнинг дарди, алами, нияти, бутун умид-орзуси, ватан соғинчи, халқ ва она юртга меҳру садоқати муштарак ҳолда ифодаланган.

Она-Ватандан жудо ватандошларимизнинг фазилатларини таъриф этадиган бўлсак, ибратдан иборатлигича, ҳатто улардан ўрнак-намуна олсак арзийдиган хислат—хосиятларни кўрамиз. Шу маънода «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1991 йил 21 июндаги сонидан бошланган бир суҳбат эътиборимизни тортади. Мухбир Саудия Арабистони фуқароси, асли она юрти Фарғона вилоятининг Кува шаҳридан бўлган ватандошимизга «Хориждаги миллатдошларимиз ўртасида миллий қадриятларимиз, халқимизнинг азалий урф-одатлари, тили беэиён асралганининг сабаби нимада?» деб савол берганки, бунга ул жаноб мана бундай жавоб қилган:

«Ҳар бир ўзбек фарзанди ота-онадан тўрт масалада сабоқ олади. Биринчидан, қачон ва қаерда бўлишидан қатъи назар, она тили — туркийни асло унутмаслиги даркор. Иккинчидан, миллий урф-одатларини оилада, кўчада ва тижоратда йўқотмаслиги керак, ҳар бир мўмин-мусулмон билан биродар бўлиши, унинг оғирини енгиллаштириши, шахсий манфаатини бировдан устун қўймаслиги лозим. Учинчидан, қиз олиб, қиз берганда унинг аслини суриштириш, бегонага фарзанд бермаслик зарурлиги уқтирилади, ниҳоят, тўртинчидан, ҳар қандай ўғил-қиз ўқимишли, элнинг эътиборига лойиқ инсон бўлиб етишиши ҳам фарз, ҳам қарз. Ҳар бир ўзбек боласи диний ақидаларни пухта билиши керак. Беш вақт намоз ўқиб туриш унинг маданиятли инсон эканлигидан далолатдир. Биз бир умр ота-онамиз ўғитига содиқ қолдик. Фарзандларимиз қулоғига ҳам шуни қуйдик. Ўз навбатида, улар қизлари, ўғилларига шу ақидани муқаддас анъана сифатида сингдиришмоқда. Шу тариқа, ҳаёт қаерда, қайси йўсинда давом этишидан қатъи назар, миллий урф-одатларга асло путур етказилмайди».

Юракдан айтилган бу сўзларда миллатнинг бутун бир ахлоқ-одоб қоидалари билан бирга комил инсон фазилатлари, умуминсоний хислатлар ифода этилганки, буларда ҳам ватандошларимизнинг ўз киндик қонлари томган тупроққа, ота-боболари яшаган ватанга меҳру муҳаббат, их-

лос, эътиқод, садоқат ришталари билан чамбарчас боғланганлар. Уларни ана шу ихлосу муҳаббатлари учун она-Ватан қудрати, халқ руҳи, бобо-момоларнинг пок арвоқлари қўллайди, илоҳим қўлласин!

Дунёда жуда азим бир гуноҳ борки, бу она-Ватанни, халқни, эл-улусга хиёнат қилиб, уни сотмоқдир. Барча замонларда бўлгани сингари, Шўро даврида ҳам ватан хоинлари, халқнинг кўзини ўйган душманлари большевикларнинг пинжига тиқилиб, улар берган садақа-мукофотларни олиб эл-улусга кўп зиён-заҳмат етказдилар, халқимиз қатори халқни «улуғ оғамиз» деб уларнинг ҳамма қилмишларини ҳам маъқуллаб, раҳнамолик қилиб турдилар. Кимда-ким ноҳақликдан оғиз очиб, ҳақиқатни халқ номидан айтса, «Сен халқ эмассан!» деб ҳибсга олдилар, хўрладилар, жасурлик қилса «Бу жинни!» деб руҳий азоблаб, жиннихонага ётқизиб жинни қилдилар.

Ватан хоинлари халқнинг бутун эрк-ҳуқуқини поймол этиб, тилини, дилини, урф-одатларини, энг яхши анъаналарини йўқ қилдилар, миллий кийимларини камситиб, европача либосларга ўтказдилар. Қон-қардош давлатлар билан алоқа қилиш ҳуқуқи фақат Марказдан бошқарилиб, бутун Ўрта Осиё халқлари дунёдан узилиб қолдилар. Шўронинг сўнгги кунигача амалдорлик курсиларида ўтириб меҳнаткаш халқ ҳисобига шоҳона яшаган сотқин-хоинлар «Совет даврида ундоқ қилинган, бундоқ қилинган», деб «писитиб-қимтиниб» бўлса ҳам овоз чиқариб қўядилар. Ўша «ундоқ-бундоқ» қилинган нарсалар йўлига, анқовларни лақиллатишга, жаҳон афкор оммаси олдида шарманда бўлмаслик учун гуё «намуна»га, кўз-кўз қилишга қаратилган. Кўйни сўйиб, илигу гўштни ўзлари егану, суяк-саёғини итга ташлагандек бу ёқнинг ҳам овозини ўчириш учун қилинган «ундоқ-бундоқ»ларни вайсамаслик керак.

Буюк ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор мисол қилиб айтган ўша Ҳиндистонда бир жойда юз йил бандиликда турган филнинг оёқларидаги кишан ечиб ташланганда, фил озод бўлдим деб яйраб-ўйнамай, яна ўша кишанлаб қўйган



жойда тураверган экан. Биз ҳам ўша фил шўрликка ўхшамайлик, хурликка эришганимизни чуқур ҳис этайлик!

## МУНАВВАР ЙЎЛДАН—ЗАФАРЛИ МАНЗИЛГА

Донолар билиб сўзлайди, ҳам узоқни кўзлайди. Одатда, шоирларнинг дилига яхши ниятлар ваҳийдан келади, дейишадики, бу гапда ҳам ҳикмат бор. Шоир кўнгли — мисоли гул, у ана шу беғуборлиги ва бутун вужуди хушбўйи билан халқига, она-Ватанига доим яхшилик, доим яхши тилак, доим пок ниятини изҳор этади. Шоир муҳит ва даврдан қатъи назар, қайси мавзуда шеър битмасин, мисраларида башорат сўзларини айтиб юборади. Машҳур файласуф шоир Мақсуд Шайхзода 1943 йили ёзган «Йўқ, мен ўлган эмасман!» шеърисида «эркинларнинг ватани эркинлик бўлмас»лигини қаромат қилиб айтган эди:

Гоя ўлмас билинглар, ҳаёт сўнмас  
билинглар,  
Эркинларнинг ватани эркинлик бўлмас  
билинглар.  
Ҳаёт, эмас бир танда, ҳаёт бутун  
Ватанда,  
Бир кун эрк кўп, наинки юз яшаган  
бир танда.

Во, ажаб! Чиндан-да эркинларнинг ватани эркинлик бўлмас экан! Зулмат ҳар қанча қопламасин, нуру аъло нур зулматни супуриб ташлаб, оламни мунаввар этиши табиат қонуни бўлганидек, босқинчи золимлар қуллигига маҳкум эркин халқ барибир хурликка эришар экан!

Буюк халқимизнинг, бутун авлоду аждодларимизнинг асрлар бўйи қилган эзгу оху ноласи Оллоҳ таолога етиб, унинг нур ҳидояти ва тенгсиз қудрати билан, доно эл ўғлонининг мардона ва жасурона саъй-ҳаракати билан мустақиллик шарофатига муяссар бўлди.

1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон йўлбошчиси Ислам Абдуганиевич Каримов Республика Олий Кенгаши номидан Ўзбекистоннинг тўла давлат мустақиллигини.

фахру шуур билан эълон қилди. Ўзбекистон, ҳатто бутун жаҳон бу хушxabардан ҳайрат-ҳаяжонда қолди. Табаррук ана шу кун ҳеч сўзсиз кўҳна ва навқирон тарих саҳифаларига олтин ҳарфлар билан ёзилиб қолдики, уни ҳозирги ва бутун келажак авлод Муқаддас кун деб билади. Янги давр, янги тузум, янги одамлар замони худди шу Муқаддас кундан бошланди. Шоир айтганидек, бу кунларга етганлар ҳам бўлди, етмаганлар ҳам бўлди. Етмаганлар руҳарвоҳи балки она-Ватанга Ҳумо қуши бўлиб учиб келгандир! Озод ва ҳурликдан шодланиб ғойибона нидо қилгандир! Бу кунга етганлар елкасида эса ғоят оғир, лекин шарафли юк турарди, бахтимиз уфқидан порлаб чиққан Мустақиллик қуёшини мунаввар йўлдан зафарли манзилга бошлашдек буюк мақсад ўзига чорлар эди.

Большевикларнинг қизил салтанати халқларга ғирт афсона «коммунизм манзили»ни ваъда этиб, қўйини пуч ёнғоққа тўлдириб, қўл-оёғини кишанлаган ҳолда эрки, озодлиги ва миллий қадриятларини топтаб ташлади, бойликларини талон-торож этиб, меҳнаткаш халқнинг кучқудратини зулукдек сўрди, аъло ва доно фарзандларини қатлиом қилиб йўқотди. Ҳатто сўнгги йилларда «десантчилар» ҳукмронлик қилди, «пахта иши» деган сунъий айбғуноҳ билан халқимизнинг етакчи кучларига тажовуз қилинди, Ўзбекистон бойликлари шошилини равишда марказга ташиб кетилди, халқнинг турмуши ночор аҳволга солиниб, иқтисодий ва маънавий ҳаёти таназзулга олиб бориб қўйилди. Қачонки, шўро давлати ўзи ич-ичидан емирилиб қулаши билан Фарғонада, Ўшда, Бўқада ва бошқа ерларда кетма-кет аланга чиқариб, яна ўша большевикча найранг билан халқлар ўртасига раҳна солина бошлади.

Ўзбекистонда мустақиллик бошланиб, мунаввар зафарли манзил сари қадам қўйилиши билан Россиянинг жони ҳалқумига келган мафқураси бутун имконияти билан халқимизга, она-Ватанимизга ёлғон ва бўҳтон тошларини шу қадар ёғдирдики, ўз ҳамюртлари ҳам бундан таажжубга тушдилар, ёлғон барибир завол топди. Бир пайтлар «бу-

зилмас дўстлик» ва қардошлик»ни ваъда қилган иттифоқ оғир кунларда алоқани узиб, «Бор, кунингни кўравер!» қабилда иш тутди. Иттифоқ тарқаганда, салтанатда ўтирган тўралар: Мустақил республикаларга «Россия меросхўрдир» деб таъкидлаб ҳам қўйдиларки, ҳамон ҳукмронлик гўё уларнинг қўл остида бўлади.

Йўқ, энди қафасдан бўшаган қуш ўзини қайтиб қафасга солмайди, Президентимиз айтганларидек, орқага қайтиш йўқ, орқага қайтишга йўл йўқ!

Мустақилликка эришган жонажон Ўзбекистонда истиқлолни мустақкамлаш, диёримиз қаддини ростлаш, оғир иқтисодий тангликдан чиқариб, маданий-маънавий мажруҳликдан соғлом мафкурага эриштириш, эл-юрт дастурхонини фаровон турмуш даражасига кўтариш каби кўп оғир ва масъул ишлар турардики, бунга ақли доно, зеҳни те-ран раҳнамо раҳбарлар керак эди. Буюк халқ ўз ҳаёт йўлида шундай раҳнамо ўғлонларни етказиб берган. Ўзбекистон мустақил бўлгач, давлат ҳокимиятига ана шундай ўғлонлар сайланиб, улар халқ хизматида қаттиқ бел боғладилар, иттифоқ пайтидаги «ақл ўргатадиган» ва «бошчилик қиладиган» келгинди раҳбарларга муҳтожлик ҳам сезилмади.

Ҳар бир даврнинг машҳур йўлбошчилари бўладикки, неча асрлар босқинчи араблар, сўнг муғуллар зулмидан эзилган худудимиз халқларини буюк Амир Темур бобомиз озодлик ва фаровонликка олиб чиққан эди. Туркий халқлар ҳаётида Амир Темур бобомиз бутун жаҳонга нур бўлиб, адолатли соҳибқирон бўлиб донг таратган бўлса, Мустақиллик шарофати билан Оллоҳнинг ўзи Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовни эл-юртимизга сарбон қилиб бердики, бу номи катта ҳарфлар билан ёзиладиган комил Инсон ҳақида баъзи дил сўзларимизни айтиш эзгу ниятимиздир.

Авалло шуни айтиш керакки, ҳаётда ҳар бир нарсада биринчи бўлиш қийин. Бунга ҳам Оллоҳ таоло юқтирган одамгина муяссар бўлади.

Биринчидан, Ислом Каримов халқимиз бир неча асрлар оша умид қилган ва қанча азоб-зулмлардан кейин

эришган Буюк Мустақилликни биринчи бўлиб эълон қилдики, шу жасурана иши билангина ҳам бу инсон комил ва улуғдир!

Иккинчидан, ҳар бир давлату мамлакат бойликлари, маънавий-маърифий салоҳияти, илм-фандаги, санъат ва адабиётдаги, янги раҳнамо йўлбошчиларининг доно арбоблари билан улуғ бўладик, буларсиз мамлакат шуҳрат топмайди. Қайси бир мамлакатда донишмандлар кўп бўлиб, у давлатнинг бош арбоби ақлли, доно, зукко, адолатли, ҳушёр, халқ ва ватан фидойиси бўлса, у улуғланади. Президентимиз Ислон Каримов ана шундай салоҳиятлар соҳибидир.

Учинчидан, она Ватан ва халқи севиб улуғлаган йўлбошчининг дунёдаги барча мамлакатлар олдида обрў-эътибори зўр бўлиб, улар шу сиймо рамзида унинг мамлакатига юксак баҳо берадилар. Бизнинг Президентимиз Ислон Каримов халқ меҳру муҳаббати билан эъзозланиб сайлаб қўйилганки унинг дунё миқёсида ҳам обрў-эътибори ортди. Шу нуқтаи назардан йўлбошчимизни музаффарона йўлидан чалғитмаслик, ҳеч бир раҳна солмаслик, аксинча унинг одиллигига, адолатпарварлигига, ватанга садоқатига, халқига меҳрибонлигига, камтарлигига, оғир юмушларида ҳамқору ҳамдам бўлиб елкама-елка боришимиз, унинг сиҳат-саломатлигини асраш, ёмон кўзлардан асраб-авайлаш, хислат-фазилатларини ибрату ҳикмат тарзида ўрганиш бурчимиздир.

Она-Ватанни севиш ва халққа хизмат қилишнинг энг олий намунаси сифатида Мустақилликни эълон қилишдан тортиб, танг аҳволга келиб қолган ва тўлқину пўртаналарда серқоя денгизда сузиб бораётган кема сингари жонажон Ўзбекистонни беш йил бошқаришда Президентимиз не-не машаққатларни енгиб ўтди.

Ўзбекистон Мустақил давлат деб эълон қилинган саодатли кундан халқимиз машаққатли, масъулиятли, лекин ғоят шарафли манзил сари доно раҳбари Ислон Каримов сарбонлигида йўлга тушди. Шу ўринда 1991 йил 31 августда Ўзбекистоннинг Мустақил давлат деб эълон қилиниши

Ислом Каримовнинг жуда катта сиёсий жасорати бўлган-лигини алоҳида таъкидлаш керак. Хўш, бу қандай жасорат эди? Ўша пайтда август фитнаси фош этилиб бостирилган, марказ кучи заифлашган бўлса ҳам «СССР» деган давлат ҳали мавжуд, халқ депутатлари съезди, Олий Кенгаши ишлаб турган эди, Президенти «тахти»да ўтирган эди. Худди шу пайтда Президент Ислом Каримов бошчилигидаги республика раҳбарияти мустақиллик томон юз тутди. Бу даврга келиб қизил салтанатнинг парчаланиб, республикаларнинг мустақилликка чиқишига йўл очилдики, буни тарих унутмайди. Сиёсатшунослар ва бутун келажак авлод уни таҳлил этиб, ажойиб хулосалар чиқаришига шубҳа йўқ! Демак, Мустақиллик бизга осонликча бериб қўйилгани йўқ. Президентимиз ўша пайтда тарихий бу шароитдан доно ва жасуруна хулоса чиқариб Ўзбекистонни мустақил давлат деб эълон қилди. Президентнинг сиёсий хушёрлиги шунда эдики, мустақиллик ҳақидаги қарорни 1991 йил августидан олдин ҳам, кейин ҳам қабул қилиб бўлмасди, акс ҳолда Ўзбекистон халқи ва унинг айбсиз раҳбарлари «бир гуруҳ экстремистлар»га айланар, марказ томонидан Олмаота, Тбилиси, Боку, Вильнюс шаҳарларига киритилгандек, Тошкентга ҳам совет танклари киритилиб, халқ қатлиомга дучор қилинар эди.

Ўзбекларнинг янги иши бошланар эди, — деб ёзади Исмоил Оллоёров ўзининг «Демократик сиёсат самараси» деган мақоласида. 1991 йил август фитначиларининг сардори Янаевнинг Тошкентга келиб, Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 1991 йил январидagi Пленумида қилган дўқ пўписаларга тўла нутқи мазмуни мазкур фикримизнинг тўғрилигини яққол исботлайди. Бордию, Ўзбекистон мустақиллиги 1991 йил 31 августда эмас, ундан кейинроқ эълон қилинганда эди, империя ўлим тўшагида ётса-да, ўз нафасини ростлаб олган ва, бинобарин, «СССР территориясида фақат СССР қонунлари амал қилади» деб, мустақилликка олиб қелиши мумкин бўлган барча «эшик» ва «тешик»ларни беркитган бўлур эди. Натижада мустақиллик халқимизнинг саробий орзуси бўлиб қола берар эди» («Мулоқот» журнали, 1995 йил, 3—4-сонлари).

Президент Ислом Каримовнинг доноларча хислати шунда эдики, у тарихий бир шароитда мамлакат тақдири-ни ва истиқболини аниқ белгилаб, миллионлаб ўзбек мил-латини ва қардош халқлар вакиллари қизил салтанат зулмидан озод этди.

Тарих улуғ воқеаларни ва бу воқеаларнинг ижодкорла-рини, йўлбошчиларини ва фидойиларини унутмайди.

Яна бир нарсани айтиш керакки, ўша мустақиллик эълон қилинган кунларда ҳали сафимиз синалмаган, йўли-миз аниқ белгиланмаган, манзил-мақсадимиз нималардан иборат бўлиши маълум эмас эди, қонунимиз ҳам, туғи-миз ҳам, рамзий тамғамиз ҳам, давлат мадҳиямиз ҳам йўқ эди. Президентимиз шундай мураккаб бир пайтда бутун масъулиятни ўз зиммасига олиб, она-Ватани ва сеvimли халқига садоқатини кўрсатди. Мамлакатимизда Мус-тақилликни мустаҳкамлаш ва истқболга эришиш йўллари доно йўлбошчимиз ақл-заковати билан белгилаб берил-ди, беш тамойил аниқ-равшан кўрсатилдики, бу тадбир-омиллар манзилга борадиган йўлимизни мунаввар этди.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг Асосий қонуни қабул қилинди, байроғи, Хумо қуши тасвирланган герби, мад-ҳияси, ўз сўми (пули) бунёдга келди, юздан ортиқ дав-латлар билан алоқалар ўрнатилди, дунёнинг энг нуфузли ташкилотларига Ўзбекистон Мустақил давлат сифатида аъзо бўлди. Президентимизнинг нуфузли ташкилотлар мин-баридан туриб сўзлаган нутқларини дунё тинглади. Ҳар бир сафарга борган мамлакатлари билан дўстона алоқалар ўрнатдики, бу ёш мамлакатимизнинг дунё миқёсида та-нилишига буюк ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Мустақил тараққиёт ва истиқлол йўлида, янги жамият, эркин ва фаровон ҳаёт куриш йўлида қанча кўп тажрибага эга бўлаётган эканмиз илгари учрамаган оғир, ўта мурак-каб синов ва ҳаёт тўфонларини енгиб, пешона теримизни тўкиб, янги марраларни қўлга киритиб эзгу орзу-ниятла-римиз сари қадам қўяётган эканмиз, ҳеч шубҳасиз — бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ — барчамиз учун муқаддас ва азиз бўлмиш Ўзбекистон заминида яшаётган ва меҳнат қилаёт-

ган инсонлар учун муҳим бир ҳақиқат тобора аниқ ва равшан бўлиб бормоқда.

Ҳақиқатан ҳам, Конституциямизнинг ҳаётимиз ривожига, Ватанимиз ва халқимиз тақдирида кундан-кунга аҳамияти ортиб бораётганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Бу ҳақиқат шундан ибратки, эришган ютуқларимизнинг, бугун кечаётган тинч ва осуда ҳаётимизнинг, эртанги кунимизга бўлган ишончимизнинг, халқаро майдонда ортиб бораётган обрў-эътиборимизнинг негизида Конституциямиз белгилаб, муҳрлаб берган қонуний ва ҳуқуқий асослар тургани ва уларни оғишмай ҳаётимизга татбиқ этаётганимиз мужассамдир.

Маълумки, дунёдаги ривожланган демократик давлатларда ҳеч бир фуқаро ҳеч бир одам ўз ижтимоий-шахсий ҳаётини, ўз қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Конституциясиз тасаввур этолмайди.

Бугун барчамизга яхши аёнки, жамият ҳаётини ўзгартириш, эски бизга халақит бераётган асоратлардан воз кечиш, олдимизга мақсад қилиб қўйган эркин, демократик тамойилларга асосланган ҳаётга эришиш бир-икки йилда бўладиган осон иш эмас. Буни кўпгина ривожланган, тараққиёт йўлида фаровонликка эришган давлатлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Ҳаётимизнинг барча соҳаларида — ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий-маданий тармоқ ва жабҳаларда ислохотларни жорий қилиш йўлида ҳали кўп-кўп қийинчилик ва синовлардан ўтишимиз, кўп-кўп муаммоларнинг ечимини топишимиз керак.

Лекин, олдимизда турган барча ғоя ва тўсиқларни енгиш жараёнида ҳаммамиз учун энг таъсирчан қуролга айланадиган куч — бу халқимизнинг ҳуқуқий онгини, тафаккурини тарбиялаш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, қалбида эркинлик ва масъулият туйғуларини қарор топтиришдир.

Биз қонун устуворлигига эришгандагина ўзимиз учун мақсад қилиб қўйган адолатли, эркин жамият, фаровон ҳаёт барпо этишимиз мумкин.

Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз, у барчамиз учун ҳаётий бурчга айланиши лозим. Шундай экан, жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, унинг маъносига етиб бориб, амалий ҳаёти- мизнинг доимий қўлланмасига айлантиришимиз даркор.

**Ўзбекистон Конституциясининг иккинчи бўлими 29-моддасида шундай дейилган: «Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга. Амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат таъсири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин».**

Ўзбекистонда ҳам, чет элларда ҳам бирон киши моддага эътироз билдирмайди Чунки ҳамма давлатларда ҳам сўз эркинлиги масаласи деярли шунга ўхшашдир. Эътироз ва қарши фикрлар фақат шу қонуннинг амалдаги кўриниши, ҳаётда қандай жорий қилинаётган борасидадир. Фақат шуни унутмаслик керакки, қонун ва амал масаласи ҳамма даврларнинг, ҳамма замон ва ҳамма давлатларнинг бошида бор савдодир. Дунёнинг барча зиёлилари бу масалада ҳамфикрдирлар.

**Ўзбекистон Конституциясининг 31-моддасида: «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди», дейилган.**

Конституция, бу — истиқлол ва мустақил Ўзбекистон рамзидир. Шу боис «Конституция биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки гурур — ифтихор, керак бўлса, шу заминда истиқомат қилаётган, миллати, тили, динидан қатъий назар, барча инсонлар учун мустақкам бир ҳимоя эканини ҳис этиб яшасин», деб таъкидлайдилар И. А. Каримов.

Ўзбекистонда диний эркинлик таъминлангани куруқ гап эмас. «Қуръони карим»нинг ўзбекча нашр этилганли-



ги, Бухорий, Термизий, Нақшбанд, Марғиноний, Мотурудийнинг бутун жаҳонга маълум бўлган асарлари чиқарилгани ва чиқарилаётганлиги Ўзбекистонда диний қарашларга берилган эркинликнинг ёрқин намуналаридир. Бухорий ва бошқаларга оид меъморий обидаларнинг тиклангани, масжид ва мадрасалар ишга тушгани, Ислом университетининг қурилиши ва бошқа ўнлаб мисолларни келтириш мумкин.

Албатта бизнинг таълим тизимларимизда исломий тарбияга оз аҳамият бериларди. Эндиликда бу масала ҳам ўрганилмоқда ва келгусида ёшларимизни энг улуғ мақсадлар йўлида ҳамжиҳат бўлиб, комил инсон бўлиб етишажаклари шак-шубҳасиздир. Чунки Ўзбекистон КОНСТИТУЦИ-ЯСИ бунга тўла асос беради.

«Давлатимиз рамзлари — байроқ, тамга, мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, гурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Мана шу рамзларни эъозлаш ўзининг қадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш демакдир. Ўз мамлакати билан фахрланадиган инсон жуда кўп нарсаларга қодирдир. Бу эса оиланинг ҳам, ўз ватанининг ҳам шон-шухратини оширади». (И. А. Каримов)

Мустақил Ватан билан фахрланиш ҳисси биздан аввало унинг рамзлари — Байроғи, Мадрҳияси ва Гербига ҳурмат бажо келтиришни тақозо этади. Бу рамзларнинг ҳар бири бизда гурур, фахр-ифтихор туйғусини уйғотиши шарт. Ҳар бир ўзбек, Ўзбекистон фуқароси борки, Ватан рамзларини муқаддас деб билади ва уларнинг сеҳр кучини ҳамisha сезиб туради. Бу ҳиссиёт, айниқса Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллиги яқинлашгани сари тобора кучайиб бораверади.

**Миллий байроқ муқаддас.**

...Байроғимизнинг муқобил лойиҳалари муҳокама қилинган Олий Кенгашнинг еттинчи сессиясини эслайлик. Айниқса, кечки мажлис қизгин тортишувлар, мунозаралар, эътирозлар, таклифларга бой бўлди.

Нихоят 1991 йилнинг 18 ноябр куни Ўзбекистон Мустақиллигининг рамзи — Давлат Байроғи қабул қилинди. Шубҳасиз, бу катта тарихий воқеа бўлди. Ўша пайтдаги қувончли ҳолатни сўз билан ифодалаш қийин.

Дунё сиёсати ва иқтисодининг бешикларини тебратаётган мамлакатлар бирин-кетин Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида танишди. Давлатимиз байроғи 1992 йил 2 март куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳи биноси олдида кўтарилганида, унинг ажойиб сеҳр кучи, мовий оқ ва яшил ранглари, наврўз йилномасини ифодалайдиган юлдузлари ҳаммани мафтун этди. БМТ Бош котиби Бутрос Ғолий янги аъзоларнинг миллий байроқларини кўтариш маросимида сўзлаган нутқда 2 март кунини «Тарихий кун» деб атади. Чунки бу энг нуфузли халқаро ташкилот фаолиятида кутилмаган ҳолат юз берди — бир кунда тўққиз давлат янги аъзоликка қабул қилинди.

Ўзбек давлатчилиги тарихидан шу нарса маълумки, миллий байроқ аجدодларимиз учун ҳамиша ғалаба ва эътиқод рамзи бўлиб келган. Буюк саркарда Амир Темур байроқни беклар беги-ю, ўзи ишонган катта амирларгагина берган экан. Бу, албатта, унинг байроққа эътиқоди кучлилигидан. Амир Темур байроғи ҳарбий юришларда ғалабага ундовчи тимсол бўлибгина қолмай, айти пайтда давлатлар ҳамда халқлар ўртасида мақсадлар ва эътиқодлар муштарақлигини, диний, маънавий, тарихий яқинликни, савдо-сотик ва ўзаро алоқаларни ифодалайдиган рамз ҳам бўлган.

1992 йил 11 апрель куни Ўзбекистон байроғи Жидда аэропортида ҳилпираганида хаёлимдан шу нарса ўтди. Айниқса Саудиялик кўп сонли юртдошларимиз озод Ватан байроғини кўриб, севинч ва ҳаяжондан энтикиб, кўзларидан дув-дув ёш тўкишди. Улар шу пайтгача Ватанни тушларида бургут панжасида кўриб келишган. Энди эса худди мўъжиза юз берганидек, Ватан рамзини кўз ўнгиларида, юртбошини бағриларига босган ҳолатда кўриб туришибди. Улардан бири — Аҳмадали Тўлқин ҳаяжондан ўзини тутиб туrolмади. У Президент Ислам Каримовга хитоб қилиб:

*«Эй истиқлол қаҳрамони, келинг Сизни бағримизга босайлик! Бутун миллий ғуруримиз ҳаяжони ила елкамизга кўтарайлик!»* деди. Бундай манзара ҳар қандай тош қалбни

эритиб юборади. Миллий гурур, юрт соғинчи, миллат шаъни, Ватандан фахрланиш ҳисси ана шундай қудратли ва улуғвор куч.

Маккада яшовчи бир гуруҳ ватандошлар Президент Ислом Каримов номига йўллаган табрикларидан бирида шундай дейилади: *«Ўн икки юлдузни бағрига олиб, ҳилпираб турган ҳуррият нишонимиз — шараф шавкатимиз, нозли байроғимизга салом. Бу ялов дунё тургунча абадулабад тикилган еридан тушмасин, илоё! Совуқ қўллар тегмасин унга омин!...*

Бугунги кунда мустақил Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосигина бўлиб қолмай, айна пайтда ер юзининг турли минтақаларидаги мавжуд ва ўз ечимини кутаётган мураккаб муаммоларни ҳал қилиш йўлида олиб борилаётган курашнинг фаол иштирокчиси ҳамдир.

Миллий байроқ давлат белгиси бўлганлиги учун ҳам муқаддас ҳисобланади. Дунёдаги барча давлатларда миллий байроққа нисбатан ҳурматсизлик, яъни уни камситиш давлатга қарши жиноят деб баҳоланади ва бундай ҳаракат қонун йўли билан жазоланади. Қадимда ҳам шундай бўлган, ҳозир ҳам шундай, шу жумладан бизда ҳам. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Минглаб йиллар оша эллар ва элатлар учун уни кўз қорачиғидек авайлаб-асраб келганликларининг боиси шундан. Озодлигимиз, ободлигимиз, миллий гуруримиз, шон-шавкатимиз, муқаддас қадриятларимиз, буюк келажагимиз рамзи бўлган Ўзбекистон байроғи ҳар биримизга фуқаролик масъулиятини юклайди.

Унинг ҳилпираб туриши қалбимиздаги фахр-ифтихор ҳиссини кучайтириб, Ватанга садоқат руҳи билан мустаҳкамланган эътиқодимизга илоҳий куч бағишлайди.

Юртбошимиз давлатимиз рамзларига ҳурмат ҳиссини шакллантиришни таъкидлайдилар. Хусусан, давлат мадҳиясини тик туриб, ўнг қўлни кўкракка қўйиб тинглашни тақлиф этадилар. Бу шарқона миллий энг яхши анъаналаримиздан бўлиб, давлат мадҳиямизга бўлган ҳурматимизнинг яққол намоён бўлишидир.

Давлат рамзларига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ўз халқини миллатларнинг бутун жаҳон ҳам-жамиятида тенглардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсонни, ўз Ватанининг жонкуярини тарбиялаш мумкин эмас. Ватанпарварлик, фуқаролар яқдиллиги мустақил Ўзбекистон давлати барпо этилаётган негиздир.

**Рамзлар** — бевосита халқ, миллат ҳаёти, анъаналари, руҳияти, фольклори, тарихи билан чамбарчас боғлиқдир.

**Давлат рамзлари**, бу — мустақил давлатнинг муҳим ташқи белгиларини ўзида мужассамлаштиради. Давлат рамзларида халқнинг азалий орзуси, унинг эзгу ниятлари, бугунги ҳаёти, мазмуни акс этади.

Хуқуқшунослик фанлари доктори, профессор **А. Саидов** фахр билан, Мустақил Ўзбекистон давлат рамзларининг асоси, маънавияти ва миллатимиз шон-шарафи бўлган қуйидаги рамзий ишора, эътиқодларни ҳам кириштишни таклиф этади:

1. Мустақил ўзбек давлатининг номи Конституциямизнинг 1-моддасидаёқ Давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маънони англатади деб ёзиб қўйилган.

2. Ўзбекистон Республикасининг давлат тили. Тил ҳар бир миллат ўзлигининг ажралмас белгисидир. Умуман 1989 йилнинг 21 октябрида она тилимизга давлат тили мақомининг берилиши истиқлолимиз сари қўйилган энг муҳим амалий қадамлардан бири бўлган эди.

Давлат тили, бу — мустақил давлат белгиси, рамзидир. Давлат тилида қонунлар ёзилади, халқаро шартномалар имзоланади, анжуманлар олиб борилади ва расмий ҳужжатлар юритилади.

3. **Муҳтарам И. А. Каримов таъкидлаганларидек**, «*давлатимиз рамзлари — байроқ, герб, мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради* ва улар ҳақида маҳсус қонунлар қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги қонун — 1991 йил 18 ноябрь, Давлат герби тўғрисидаги қонун — 1992 й. 10 декабрда қабул қилинган.

#### 4. Мустақил давлат пойтахти.

Конституциямизнинг 6-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг пойтахти — Тошкент шаҳридир», деб ёзиб қўйилган.

Асосий қонунимизнинг 1-бобида:

«Пойтахт шаҳар — ҳар бир мустақил давлатнинг юзи бўлиб, бир қатор хусусиятларга эга бўлади — яъни, давлат идоралари ва жамоат бирлашмаларининг марказий идоралари, давлат бошлиғи қароргоҳи, давлатнинг асосий сиёсий ва иқтисодий тadbирлари амалга ошириладиган, чет эл дипломатик ваколатхоналари жойлашадиган шаҳар бўлади.

5. Мустақил давлат фуқаролиги. Фуқаролик ҳар қандай давлатнинг ажралмас белгиси. У шахснинг давлатга мансублигини, унга дахлдорлигини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди. Шунингдек, давлат шахсни Конституцияда мустаҳкамланган ҳуқуқ ҳамда бурчлар билан таъминлайди. Фуқаролик, бу — шахс билан давлат ўртасидаги барқарор ва доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқа бўлиб, бунда уларнинг ўзаро ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятлари ўз ифодасини топади. Президентимиз И. А. Каримов ягона фуқаролик тўғрисида тўхталиб: *«икки давлат фуқаролигига мансублик... беватанлик билан баробардир»*, деган эдилар.

6. Давлат мукофотлари ва унвонлари. Ҳар бир мустақил давлат ўз мукофотлари ва унвонларини таъсис этади. Конституциянинг 78-моддасида Олий Мажлиснинг давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикасида: олий нишон «Олтин юлдуз» медали, «Мустақиллик», «Буюк хизматлари учун», «Дўстлик», «Амир Темур», «Соғлом авлод учун», «Шон-шараф» орденлари, «Шуҳрат» ва «Жасорат» медаллари таъсис этилган. Фуқароларнинг меҳнатда кўрсатган хизматлари, давлат жамоатчилиқ олдидаги ва ижоддаги самарали фаолиятларини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 31 та фахрий унвони таъсис этилган.

7. Миллий валюта. Ҳар бир мустақил давлат ўзининг миллий валютасига, миллий пул бирлигига эга бўлади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Қари-

мовнинг 1994 йил 16 июнда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги фармониға мувофиқ, 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси «сўм» муомалага киритилади.

Миллий валюта мустақиллигимизнинг муқаддас белгиси, давлатимиз рамзидир.

**8. Умумхалқ байрамлари.** Давлат рамзларига қонун билан мустаҳкамланган, мамлакатимизда нишонланадиган умумхалқ байрамларини ҳам киритиш жоиздир.

**1 сентябрь** — Ўзбекистоннинг Мустақиллик куни,

**8 декабрь** — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси куни,

**21 март** — Наврўз байрами,

**1 январь** — Янги йил байрами,

**8 март** — Хотин-қизлар куни,

**9 май** — Хотира ва қадрлаш куни,

**1 октябрь** — Ўқитувчи ва мураббийлар куни.

**Ийд ал-Фитр** (Рамазон ҳайити)нинг биринчи куни, **Ийд ал-Адҳа** — (Қурбон ҳайити)нинг биринчи куни Ватанимизнинг улуғ саналари сифатида нишонланади.

Умумхалқ байрамлари давлатимиз ва халқимизнинг рамзий кунлари сифатида кўп миллатли Ўзбекистон халқига тааллуқлидир. Улар Ўзбекистонда барча миллат ва элатлар томонидан нишонланади ва дам олиш куни ҳисобланади.

**9. Ўзбекистон Республикасининг давлат бошлиғи** — **Президенти**. Давлат бошлиғи, бу Ҳадиси шарифларда таъкидланганидек, «*Султон ер юзида Аллоҳнинг соясидур*», унга адолатни таъминлаб, яратувчининг бандаларини зулму ситамдан қутқариб, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш вазифаси топширилган.

Улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий (2001 йил 9 февраль куни туғилганиға 560 йил тўлди) Соҳибқирон Амир Темурнинг «*Куч адолатдадир*» деган шиорига таяниб, шундай деб ёзган эди.

Биров ким олам ичра шоҳ келмиш,

Улуғ башара зиллуллоҳ (Аллоҳнинг сояси) келмиш,

Ангоким бердилар мироти шояҳий (шоҳлик кўзгуси)  
Эрур ул мазҳари зоти илоҳий.

Алишер Навоий адолат тимсоли бўлган давлат бошли-  
ғини яратувчи зотнинг бир кўриниши деб баҳо беради.

Яхшилар ичра Ватан тутса Навоий не тонг,  
Кимки ёмонлар била бўлди ёмон бўлдило —

Ёки улуғ шоиримиз «*Ким ёмонлиғ қилмаса, қилғонча  
бордир яхшилиғ*» дер эканлар.

Буюк бобомизга, шоиримизга алоҳида эътибор бугун-  
ги кунда давлат мақоми даражасига айланганлиги милла-  
тимизнинг бахтидир.

Бу саодатли кунлар учун Истиқлолимизга шукроналар,  
Президентимизга минг-минг раҳматлар айтсак арзийди.

Демак, Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзла-  
ри фақат ўзбек давлатигагина тааллуқли бўлиб, моҳияти  
чуқур маънога эга шартли белгилар бадий ифода сифа-  
тида маълум бир кўринишларда акс этадики, бундай кўри-  
ниш, оҳанглар, сўзлар, табиат тасвири, ранглар, астро-  
логик жисмлар ва бошқа турли шаклларда бўлиб, халқи-  
мизнинг ўтмиши, бугунги куни, унинг интилиши, орзу-умидлари,  
истиқболи, гурури ва фаҳрини ўзида мужассамлаштиради.

Шундай, биз санаб ўтган миллий давлат рамзларимиз  
оламшумул воқеа, улар мустақил Ўзбекистон давлатининг  
ёрқин тимсоллари бўлиб, бу тимсоллар бугунимиз, эрта-  
миз ва буюк келажагимиз учун муносиб хизмат қилажак.  
Йўлбошчимиз таъкидлаганларидек, «*шу рамзларни эъзо-  
лаш - ўзининг қадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан  
ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш демакдир*».

Ислом Каримов ҳар бир нутқида ўзбек халқининг чеҳ-  
раси очик, сабр-қаноатли, қийинчиликларга бардош-чи-  
дамли, ғоят меҳнаткаш, бағри кенг, иймони бутун, яхши  
кунларга чинакам умидвор, тинчлик-хотиржамликни се-  
виб фотиҳа ўқийдиган танти ва пок инсонлар эканлигини  
дил-дилидан фахру шуур билан айтадики, бу буюк халқ  
порлоқ келажагига ишонади. Матонатли халқ ўз Прези-  
дентига ишонч билан қараб, эл-юртда тинчлик-осойиш-  
талиқни таъмин этиб яхши кунлар умиди билан яшаяпти.

Шундай буюк халқни ислоҳотлар йўлидан олиб боришда ва она-Ватан тараққиётини тезлатишда Президентимиз Ислом Каримовнинг халқона нутқлари, шу қатори унинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат», «Янги уй қурмай туриб эскисини бузманг», «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура», Ўзбекистон— бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» ва бошқа қатор китоблари муҳим дастурил-амал бўлдики, уларда мамлакатимизнинг келажаги, амалга ошириладиган сиёсий, иқтисодий, маънавий-мафкуравий йўлланма-ю, муҳим тадбирлар белгилаб берилди. Президентимизнинг 1994 йил феврал ойида Вазирлар Маҳкамасида сўзлаган Деҳқончилик тараққиёти — фаровонлик манбаи» нутқида озиқ-овқат етиштириш, халқимизни ғалла-дон билан ўзимиз таъминлашимиздек жуда буюк вазифа қўйилдики, бу халқимизнинг дилидаги айни муддао бўлди. Мамлакатимиз эндиликда кўп маҳсулотларни ўзи етиштириб, ўзини таъминлайдиган ва ҳатто хориж билан тижоратни кенгайтирадиган қудратга эга бўлмоқда.

Ўзбекистон буюк давлат бўлиб, дунёга қуёшдек ёруғ юз билан чарақлаб кўринмоқдаки, бу улкан тарихий воқеаларда Президентимиз Ислом Каримовнинг ва унинг атрофида пок қалб билан халққа ҳалол хизмат қилаётган сафдошларининг катта ҳиссалари бор.

Она-Ватанимиз Ўзбекистоннинг шон-шухрати, дунёга буюк давлат бўлиб танилишида, биринчи навбатда, унинг энг қудратли кучи—халқи, замини, заминининг бойликлари, шулар қатори энг муҳими йўлбошчининг доно сиёсатидирки, буни биз юқорида қисман ифода этдик.

## **БИЗ КИМ, МИЛЛАТЛАРНИНГ ЭНГ ҚАДИМИ...**

Буюк бобомиз соҳибқирон Амир Темур миллатларни ҳеч бир камситмаган ҳолда, ўз халқини «Биз ким, Мулки Турон, Амири Туркистонмиз, Биз ким, миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи Туркнинг бош бўғинимиз», деган



эди. Туркий тилда сўзловчи ўнлаб қабилаларнинг ҳаммаси туркий халқларга мансуб бўлиб, уларнинг тили, дини, илдизи, бирлиги ҳеч бир исбот талаб қилмайдиган тарихий ҳақиқатдир. Бу буюк халқ Осиёнинг жуда катта ҳудудларидан тортиб, Қора денгиз соҳилларигача бўлган кенгликларда яшаганлигини тарихдан ва ҳозирги кундаги уларнинг жойлашиш ҳолатларидан ҳам билиш мумкин. Амир Темур бобомиз салтанатининг чегаралари эса Итил (Волга) дарёсидан Ҳиндистондаги Ганга маҳригача, Тангри тоғдан Измир ва Шомга қадар чўзилган эди.

Бу ерда гап мамлакат чек-чегаралари ҳақида эмас, шундай катта ҳудуддаги мамлакатда туркий халқларнинг аҳил, иноқ ва иттифоқ бўлиб яшаганликлари тўғрисида бормоқда. Буюк диёрда ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик, қорақалпоқ, уйғур ва бошқа миллату элатлар бир тан, бир жон бўлиб яшадиларки, бу халқлар ҳеч қачон бир-бирларини камситмаганлар. Президентимиз Ислом Каримов айтганидек, Туркистон халқлари бир чинорнинг шохларики, уларга ҳаёт бағишлаган илдизлари бирдир, туркийдир. Аждодларимиз бир экан, биз бир авлод, бир халқмиз; тилимиз, динимиз, қонимиз, урф-одатларимиз бир хил, қиз олиб, қиз бериб қуда-қудагай бўлганмиз. Еримиз бир, олди-сотдимиз бир, алоқа-муносабатларимиз бир, экин-тикинимиз бир наҳрдан сув ичади. Ҳаммаси бир, ҳаммаси бир-бирига туташ эди, ерларимизаро чек-чегара-ю, «сеники-меники» деган гап йўқ эди, бориш-келиш, кўчиб ўтиш, кўчиб кетиш — ҳаммаси эркин, одамлар эркин, ҳаёт эркин, бутун давлат эркин эди. Мовароуннаҳр ягона мамлакат эдики, гўё Фарб билан Шарқ ўртасида салобатли шер, олтин кўприк бўлиб, жаннатнинг Ер юзидаги тимсоли сифатида яшнаб-яшариб турарди.

Ҳудудимиз буюк Амир Темурдан сўнг салтанатда инқирозлар юз берганда ҳам халқларнинг ягона ватани бўлиб қолаверди, ҳатто кейинчалик хонликларга ажралганда ҳам туркий миллатлар бир жон, бир тан эдилар. Қачонки Россия бу бой ва гўзал ўлкани босиб олгач, бутун ҳудудни парчалаб, миллатларни бир-биридан ажратиб, ноҳақлик

билан улар ўртасида чегаралар тортиб қондош халқларни бир-бирларидан жудо қилди. Чунки улар бу халқлар бир Ватанда, аҳил ва туташ бўлиб яшасалар, бирдан қудратга тўлиб қизил салтанатнинг кушандасига, унинг босқинчилик сиёсатига зарба берадиган, ҳатто уни чилпарчин қиладиган кучга айланишидан қўрқар эди.

Ўрта Осиё туркий халқларнинг жонажон Ватани эдики, тарих бунга, албатта ўз ҳукмини чиқаради. Буни олдиндан башорат қиლაётган Ўзбекистон Республикасининг доно ва зукко Президенти Ислом Каримов:

«Туркистон — умумий уйимиз!» деган машҳур ва ажойиб ғояни илгари сурдики, бу Ўрта Осиёдаги республикаларда истиқомат қиლაётган барча халқларни хушнуд этди. Беш республиканинг кўзга кўринган арбоблари, ёзувчилари, олимлари, шоирлари, донолари бу ғояни маъқуллаб чиқдилар, анжуманлар ўтказиб, мақсад-ниятларини, «Туркистонни умумий уйимиз»га айлантириш учун амалга ошириладиган тадбир-чораларни аниқ белгилаб олдилар. Мана шундай олижаноб ниятдаги ишларга машҳур қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов ва ўзбекларнинг севимли ёзувчиси Одил Ёқубовлар қаламкаш биродарлари билан жуда катта ҳисса қўшмоқдаларки, бу ҳам она-Ватан севгисига, ҳам халқни севишга ибратли ишдир.

Президентимизнинг «Туркистон — умумий уйимиз!» деган тадбир-ғояси мазмунида жуда олижаноб мақсад муҳассам топганки, унинг аҳамиятини сўз билан ифодалаш қийин. Бу ғоя остида она-Ватан келажаги, халққа меҳр-муҳаббат ва авлод-аждооларимиз тақдири ётади. Туркистон ягона Ватанга айланиб, туркийзабон халқлар бир жон, бир тан бўлса, бу улуғ мамлакатга ҳеч қандай босқинчи кўз олайтира олмайди.

Президентимиз таъриф-тасниф этган Туркистон халқлари бир чинор экан, унинг илдизи бир ерда бўлиши, ҳеч бир илдизи асосидан айрилиб қолмаслиги зарур, акс ҳолда у қуриб қолиши ва чинорнинг гуркираб ўсиши заифлашиши мумкин.

Қирғизларда, беш бармоқ алоҳида-алоҳида бўлса ҳам, бир билакда бирлашади, деган нақл бор. Агар бармоқлар бирикиб бир мушт бўлса, зўр кучга айланади ва ҳар қандай зўравоннинг бошига зарба бериб, эсини киритиб қўяди.

Ўзбекларда, қилни кўринг, хўп ингичкадир, лекин бирикса ҳатто филу маҳмудни боғлашга кучи етади, деган нақл бор. Бириккан шундай кучга эга бўлади. Марказий Осиё халқлари «Туркистон — умумий уйимиз!» ғояси остида бирикса катта кучга айланади.

## ВАТАННИ КИМ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ?

Сабр-қаноат шу қадар яхши хислат—фазилатки, Оллоҳ таоло ҳам сабрлиларни севар экан. Туркий халқлар, шу жумладан ўзбеклар сабр-қаноатда шундай иродали бўлишган эканки, барча эл-элатларга Ер юзи тақсимлаб берилганда улар ҳовлиқиб: «Яхши жойдан Ватан олиб қолайлик» деб елиб-югуриб бормай, «Бизга ҳам насиб қилгани тегар» дея сабр-тоқат қилишган, сўнг охирида навбатлари келганда Ер сўрашган экан. Шунда Оллоҳ таоло: «Ўзбеклар ғоят сабр-бардошли халқ, бундай одамлар Ер қадрига етадиган бўлади» деб ўз ҳисобига олиб қўйган жаннатмакон ҳудудни ҳады этган экан.

Қадим ҳикоятда ривоят қилинган гулшану чаман бу ўлканинг гўзал аёлларининг икки ўрим сочидек Жайхун ва Сайхун деган улуғ дарёлари, улкан олтин коса сингари Орол кўли, зару дурдан қиммат тупроғи, лаззатли оби ҳаёти» покиза об-ҳавоси, жамалак заррин сочли порлоқ қуёши, минг турли ширину шакар ноз-неъматлари, қир-адирларда ўсадиган анвойи гулу гиёҳлари, оқ салла ўрагандек пурвиқор тоғ-тошлари, неча-неча турлардаги ҳайвоноту парранда-даррандалари, Ер остидаги юзлаб маъдану бойликлари, дов-дарахтлари, инсоннинг буюк кўли билан яратилган обида-ю ёдгорликлари, қўйинг-чи ҳаммаси бутун дунёнинг хазиначаридан минг чандон кўп ва мўл, яна энг асосийси буларнинг оламда ҳеч ўхшаши йўқ экан. Оллоҳ ўзбекларнинг оқ кўнгил ва саховатли халқ эка-

нини сезиб, бу халққа бутун инсониятнинг гули — пахта-ни ҳам инъом этибдики, бу бойликнинг қиёси йўқ экан.

Биз бу ҳикоятни такрор-такрор (рисола бошида ҳам) эслатамизки, она юртимизнинг қадр-қимматини ҳамма билиб қўйсин ва душманлик билан унга кўз олайтирмасин. Она-Ватанимизга босқинчилик билан келган ҳар қандай зўравон охири шарманда бўлгани ва номи тарихга «бадбахт» деб ёзилгани аёндыр.

Она юртида яхши яшаш учун меҳнат қилмаган баттол, дангаса, текинхўр халқ бошқа меҳнаткаш халқларнинг пешона терлари билан бойиган давлатларига хоинларча босқинчилик қилиши, у халқнинг барча бойликларини талон-торож этиши, шу йўл билан қудратли давлатга айланиши, кўп халқларни қуллик асоратига солиши тарихда кўп кўрилган. Ҳикоятда тасвирлангандек, гўзал ва беқиёс бой она Ўзбекистонимизни Шўро ҳокимияти шу қадар афгорликка учратдики, унинг мустақилликдан олдинги қиёфасига қараб юракларимиз қон бўлиб эзиларди. Кўз ўнгингизга бир келтиринг, биродар, ватанидан дарбадарлар она юртимизда боғ-роғларни пайҳон этиб, экинзорларни йўқотиб, ҳаммаёққа, эшикларимизнинг тагига-ча пахта эктирдилар, мўл ҳосил олинсин деб бошимиздан даҳшатли дориларни сепдилар, тупроғимизни заҳарладилар, ҳар йили 5—6 миллионлаб пахтани олавериб, Москвага ташиб кетавериб «улкан олтин коса» Оролимизни қуритдилар, бутун ҳайвонот оламини еб тугатдилар, атроф-муҳитни ҳар хил қуроолларни синовга портлатиб буздилар. Орол ва унинг атроф ҳудудида миллионлаб одамларнинг ҳаёти хавф остида қолди ва уларнинг қўплари ҳаётдан кўз юмди... Булар она табиат билан боғлиқ фожиалар бўлса, тилимиз, динимиз, тарихимиз, маънавиятимиз ва миллий қадриятларимизга етказилган оғир жароҳатларни сўз билан ифодалаш қийинки, ҳали буларни ўнглаб, ўзлигимизни чинакам билиб олишимизга узоқ йиллар, маълум даврлар керак бўлади. Биз эндиликда она-Ватан ҳурлигини, халқ фаровонлигини, келажак авлод тақдирини кўзлаб истиқлолни буюк истиқболга еткази-

шимиз лозим. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг соғлом авлодни тарбиялаб етказиш дастури энг улуг инсоний ғоядир. Машҳур файласуф Сенека: «Келажак авлодни ўйламаган халқ дунёдаги энг бахтсиз халқдир», дейди. Ҳақиқатан ҳам авлодни ўйламаган халқ мажруҳ бўлиши, қулликка тушиши ва шу тариқа Ер юзидан йўқолиб кетиши мумкин. Соғлом авлод она-Ватаннинг келажаги, таянчи ва давомчисидир.

Она-Ватанзимизнинг жаннатмакон диёрлиги, халқининг хотами тойлиги, бой ўлка экани, бу ерда бутун инсониятни кийинтирадиган «оқ олтин» етиштирилиши, ноз-неъматларнинг бисёрлиги, Ер остида инсониятга зарур барча маъдан—бойликлар борлиги, халқи меҳнаткаш ва яратувчан эканлиги атроф-теварақдаги босқинчи давлатларнинг нафси амморасини ҳақкалак орттириши ва ҳеч бир кутилмаганда кўз олайтириб, қурол ўқталиб кириб келиши, меҳнаткаш халқимизнинг бошига кулфатлар солиши, қуллик кишанлари билан банди этиб бойликларимизни талон-торож қилиши, яна мустамлакага айлантириши мумкин. Шўро ҳокимияти пайтида ўша қизил салтанатнинг айрим зиёли фозиллари она Ўзбекистонимиз ва халқимизнинг тутган ўрнини тан олиб айтган биргина оддий мисолнинг ўзи кифоя. Машҳур давлат ва жамоат арбоби Н. А. Муҳиддинов ўзининг «Кремлда ўтган кунларим» китобида урушда кечган кунларини ва оёғидан ярадор бўлиб ётганида доктор айтган қуйидаги гапларни келтирган: «...Ўзбеклар ажойиб халқ-да. Манови бизнинг халатларимиз, чойшабларимиз, бинтлару момикларимиз улар етиштирган пахтадан ишланган. Ўзбекистон—қуёшли ўлка, унинг меваларини айтмайсизми! Ажойиб диёр!» Ҳаммининг юзида табассум зухур бўлди. Халқим ва диёрим ҳақидаги бу сўзлардан кучимга куч қўшилди, руҳим тетиклашди.»

«Ажойиб халқ, ажойиб диёр» — ўзбекларга ҳамма жойда кучига куч, руҳига руҳ қўшиб мадад бағишлаган, шунинг учун ҳам уни севмоқ, ардоқламоқ, муҳофаза этмоқ ва ҳар қандай босқинчидан бутун ҳаётимизни бағишлаб

ҳимоя қилмоқ фарзандлик бурчимиздир. Туркистоннинг туркийзабон халқлари куёш фарзандлари бўлиб, уларнинг қонида қизиққонликдан жангари бир жасурлик борки, у агар бир қизишса, бир кўзғалса, бир ғазабланса қонга қон, жонга-жон олмай қўймайди. Ўзбекларда қадим ота-боболаримиз ва авлод-аждодларимиз бўлган Спитамен, Широқ, Тўмарис, Муқанна, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур, каби жасур халқ қаҳрамонларининг қони ва жанговарлик руҳи бор! Бизнинг халқимизга ноҳақ зулм қилган ва босқинчилик билан юртимизга бош суққан ҳар қандай зўравон душман охири мағлуб бўлиб қочган.

Она-Ватан ҳимоячилари бўлган халқнинг ўттиз нафар баҳодир йигитлари ҳақида шундай бир тарихий ҳодисот борки, қуйида уни ҳикоят тарзида келтирамиз.

Бир босқинчи подшо лашкарлари гўзал ва бой мамлакатга ҳужум қилиб, бутун ҳудудни босиб олибди. Шу мамлакатнинг қоқ марказида бир тепалик бор эканки, ғолиб босқинчи унга ҳеч яқинлаша олмай қолибди. Тепаликка халқнинг ўттиз баҳодир йигити чиқиб олиб, камондан ўқ узиб, яқин келган душманни қилич билан чопиб мардлик-мардоналик кўрсатаверибди. Ниҳоят, бир неча ҳафталардан кейин душман лашкарлари тепаликка ҳар томондан ёпирилиб ҳужум қилиб, амал-тақал қилиб чиқиб олибди. Подшо саркарда-ю лашкарлари билан тепаликни кўздан кечирса, баҳодир йигитларнинг ҳаммаси ўлиб ётганмишу биргина ботир оёқда зўрға туриб душманга камондан моҳирона ўқ узаётган эмиш. У елкасидан, кўксидан, оёғидан ўқ еб, қон оқиб турган бўлса ҳам душманга ўқ отаверибди-ю, камон ўқи тугагач, белидан ханжарини суғуриб олибди. Шунда ғолиб подшо унга ҳам ачиниб, ҳам замзама қилиб дебди:

— Эй баҳодир, кучларинг етмаслигига ақлларинг етмадими, таслим бўлиб қўя қолсаларинг жонларинг омон қолар эди, қара, ҳамма дўстларинг ўлиб, ўзинг ҳам таслим бўляпсан!...

Баҳодирнинг кўзларидан ғазабу нафрат ўти чақнаб, подшога бундай деб жавоб қилибди:

— Эй ғолибман деб керилиб турган подшо! Бизни таслим бўлди, деб ўйлама! Йигирма тўққиз жасур дўстим сенинг лашкарингга бир неча ҳафта қирон солиб, Ватан учун шаҳид бўлди! Улар мардона ҳалок бўлди, лекин таслим бўлмади!

Подшо масхараомуз кулиб:

— Мана, ҳозир сен таслим бўласан-ку, — дебди.

— Йўқ! Мен таслим бўлмайман, — дебди баҳодир. — Мен сенга дўстларим ва ўзим ғолиб келганимизни айтиш учун тирик турибман. Билгинки, сен она-Ватанимизни гарчанд қуролинг ва талончи лашкаринг билан зўрлик-ла босиб олган бўлсанг ҳам, ғолиб эмассан! Биз, ўттиз баҳодирнинг қони она-еримиз тупроғига сингиб, руҳимиз шу ерда яшайди, сен уни йўқотолмайсан, келажак авлодимиз шу тепалик тупроғидан бунёд бўлиб, кўпайиб яшайди, демак, биз ҳаётимиз, она-Ватан кучоғидамиз, биз таслим бўлмаганмиз! Мен шу сўзларни, она-Ватанимизни ҳатто қонимиз билан кучиб, уни ҳимоя қилишимизни сендек босқинчига англашиб қўймоқ учун дўстларим номидан тирик қолган эдим, энди менинг қоним ҳам уларнинг қонига қўшилади!

Алвидо ҳаёт, омон бўл азиз Ватан!

Баҳодир шундай хитоб қилиб белидан ханжарни олибдида, куч билан юрагига санчибди, ундан отилган қон фаввора бўлиб подшоҳнинг юз-кўзини қизил қонга бўябди.

Теварак-атрофда турган тирик жон борки, ҳаммаси бу воқеадан ҳайратда қотиб, тепаликда ҳалок бўлиб ётган ўттиз баҳодирнинг жасоратига ичларида таҳсини тасаннолар айтибди.

...Она-Ватан меҳру муҳаббати халқнинг содиқ фарзандларига жасорат, матонат ва шон-шуҳрат бағишлайдики, бу куч-қудрат илоҳийдир, чин дилдан илоҳийдир.

Халқ баҳодирларининг она-Ватанга фидойиликлари авлод-аждодларга ибратдир.

Она-Ватанда уни севганларгина яшайди, босқинчилик қилиб келганлар эса фақат қон тўкадилар ва шунинг ҳисобига бойликларни талаб-тортиб олиб нафсиларини қондирадилар, холос. Босқинчидан ҳеч қачон ўзгалар ватанига фидокор ҳам, қахрамон ҳам чиқмайди. Чин қахрамон

она-Ватан ва халқ фарзандларидан етилади, ватанпарварлик туйғуси эса энг пок одамларга насиб қиладиган ҳидоятдир. Она юртни севиш унинг ҳимоясига жон бағишланинг манбаики, бунга қуйидаги ажиб воқеани келтирамиз. Бу ҳодисотни улуғ турк маърифатпарвари Зиё Кўкалп (1876—1924) ўзининг машҳур «Ватаний ахлоқ» асарида ҳикоя қилган:

«Татар ҳукмдори Хун давлатининг асосчиси Мэтэга хужум қилиш учун баҳона излаб, унинг севган отини беришини талаб қилади. Бу от минг фарсах чопа оларди. Мэтэ ватандошларини яна уруш мусибатига солмаслик учун отини татар хоқонига беради. Лекин татар хоқони тинчимади. Бу сафар у Мэтэнинг энг суюкли хотинини сўрайди. Беклар Қурултойда уруш эълон қилинишини талаб қилсалар-да, Мэтэ уларга:

— Мен Ватанимни ўз муҳаббатим ўғрисига алиштирмайман, — дейди ва севгилисини душманга жўнатади. Бундан кейин татар хоқони Хун ўлкасининг ҳосилсиз, зиротсиз, ўрмонсиз, маъдансиз, аҳолисиз бир парчасини талаб қилади. Қурултой бу фойдасиз ерни бериш мумкинлигини айтади. Аммо Мэтэ: «Ватан бизнинг молимиз эмасдир, мозорда ётган оталаримизнинг, қиёматга қадар туғиладиган авлодларимизнинг бу ерда ҳаққи бордир. Ватандан бир қарич бўлсин ер бермакка ҳеч кимда ҳуқуқ йўқдир. Демак, уруш этажакмиз!...» дейди ва жангга кирадилар».

Ажойиб бу ҳодисот ҳикмати шундаки, она-Ватан — жуда муқаддас даргоҳ, унга ҳар бир инсон сажда қилади ва ҳимоя этиши шарт! Ватан ўтган ота-боболару, бутун авлоду аждод, ватан яшаётган халқ, ватан дунёга келаётган авлод масканидир, у ўз фарзандларини елкасида кўтаради, ардоқлайди, ноз-неъматлар тутиб боқади ва охирида ҳам ўз бағрига олади. Сенга яхшилик қилганга сен ҳам жавоб тарзида яхшилик қилишинг керак экан, сени ардоқлаган азиз ватанни севмоқ ва душмандан ҳимоя қилмоқ ҳам яхшиликдир. Соғлом ва пок ниятли авлод ватан муҳофазасини улуғ шараф деб билади. Гуржи миллатида қадимда шундай



одат бўлган экан: Жангга отланган отлиқ йигитлар ҳар уйга келиб дарчадан қалпоқларини ичкарига улоқтиришар экан, агар қалпоқни уйдагилар ташқарига отиб юборса, бу уйда жангга борадиган эркак йўқ экан, деб ўтиб кетишаркан. Демак, жангу жадалда ватаннинг мард ўғлонлари қатнашадики, улар чинакам мард ва фидойилардир.

Машҳур ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий (Жулқунбой)нинг «Иштирокиюн» газетасининг 1919 йил 4 ноябр (211) сонида холис ва яхши ниятлар билан «Бизда аскарлик масаласи» деган ихчам, лекин чинакам ватанпарварлик руҳида ёзилган ажойиб мақоласи ёритилган эди. Қуйида уни тўлалигича келтирамиз:

«Бошқалар тарафидан ҳуқуқингнинг топталмови, четларга маҳкум-мазлум бўлмаслик, чет миллатларга ўз товушингни эшиттириб, эшитмоққа мажбур этувга шубҳа йўқким, қўлингдаги қуролингга, аскарый кучингга қараб бўлур.

Кўрамизким, Оврупо, Америко миллатлари бунчалик шаън-шавкатни фақат ҳарбий куч ила қозонмишлардир.

Оврупо, Америко империалистлари Шарқ халқини фақат қурол кучи ила ўзларига асир этмишлар ва ҳали ҳам ҳарбий куч ила Шарқ мазлумларини занжирда тутарлар.

Аmmo биз шарқли мазлум мусулмонлар эса шу қуролсизлик, аскар йўқлик ила шу золим хунхўрлар занжирига банд бўлмишимиз. Дуруст, биз шарқлилар ғарблиларга қараганда маданиятга бик тубандамиз, бизим мазлумиятимиз маданиятсизлигимиз учун дейилса мумкин. Лекин шундоғ бўлса ҳам истиқлол<sup>1</sup> олиб, аскарсиз яшамоқ бутунлай мумкин эмас.

Натижаси бошқа қуролли мамлакатларга қул асоратда юрилувдир. Бунинг учун далил қилиб афғон қариндошларимиздан кўрсатилса мумкиндики, афғон халқи ҳозирда ва мундан элли-олтмиш йил илғарида ҳам маданиятда биз туркистонлилардан ортиқ бўлмай юрар эди.

Лекин бошқа мамлакатларнинг тахт ҳокимиятига ўтгани йўқдир. Бу нимадан эди?

---

<sup>1</sup> *Истиқлол* — озодлик.

Кўз олдимиздадирким, шу маданиятсиз афғон халқи бутун дунёга ҳокимлик даъвосига етишган Онглиядан ўзининг озгина ҳарбий кучи ила ўз тилагини имзо эттирди.

Аммо биз Туркистон ишчиларига келганда оғзимизга куюлган тайёр ошни ҳам эплаб ичолмаймиз. Курол, кийим, жой ва овқат ҳозир бўлган ҳолда аскар бўлувдин фарсайиларча йироққа қочамиз...

Дуруст, бизим бу «қўрқоқ»лигимизни ҳам ўрни бор, мундин элли йиллари илгари ор-номусли Алимқулимиз, Қаноатшоларимиз<sup>1</sup> ва... ларимиз бўлган. Ватанимиз чор ҳукумати тарафиндан забт этилгач, энди ўз истибдоди остида кул этиб қолдирмак нияти золимонасиндо ёнимизда пичоқ тақиб юритувни ҳам манъ эткан.

Шу золимона политика орқасинда ҳозирги «қўрқоқ»лик ҳолига таназзул этканмиз.

Биз мусулмон меҳнаткашлари буюк Октябр инқилобидан сўнг, ҳаётни, истиқболни яна эгаллаш ила бошламак ўзимиз учун озод — маҳкумиятдан қутулиб яшовнинг мумкинлигини сездик. Бошлаб қўлдан кеткан ҳуқуқларимиз ўз қўлимизга кира бошлади. Сўнгги вақтларда Ватанимиз бўлган Туркистон идораси ҳаммаси бўлмаса ҳам ярмиси деярли ўз йигитларимиз қўлига ўтди.

Демак, мамлакатнинг ярим идораси ўз қўлимизда. Туркистоннинг бутун меҳнаткашларининг имони комил бўлса керакки, яқинда рус биродарлар: «Шу кунгача биз сизнинг ўз вазифангиз бўлган бу ишларга узвий биродарлик учун ёрдамлашиб келдик. Энди марҳамат этиб ўз ишингизни ўзингиз ишлангиз, мундан сўнг биздан сизга ёрдам бўлмажак!» дебдурлар. Бу бир табиий иш.

Юқорида ҳам сўйланиб ўтилди: «Мамлакат идораси аскарсиз мумкин эмас.» Идора ўз қўлимизга ўтгач, табиий Ватанимизнинг душмандан муҳофозоти ўз устимизга тушажак. Бунинг учун ўз аскаримиз бўлурга керак. Табиийдирки, мамлакат идораси бизнинг қўлда бўлиб, аскарликни бошқалар қилмаяжак. Бу мумкин ҳам эмас. Шунинг

---

<sup>1</sup> Қаноатшо — русларга қарши курашган саркарда.

учун агарда биз мустақил, қулликдан қутулиб яшовни хоҳлар эканмиз, яқин истиқболимиздаги бахтли кунлар учун аскар бўлувимиз, ватан муҳофазасига ҳозирланувимиз лозим. Лозимгина эмас, алзамдир. Мусулмон ишчиларидан аскарлар ҳозирлов эҳтиёжи энди сиз ёшларга бўлса керакки, мусулмон ишчилариндан кўнгилли аскарлар йиғмоқ ҳақида марказ мусулмон бюроси тарафидан Эски шаҳар синфий иттифоқлар шўросига бир мурожаатнома туширилган экан, бу мурожаатнома мазкур шўронинг шу сўнги умумий мажлисида кўрилиб тубандаги қарор берилганки, аҳамиятига кўра шу қарорни айнан кўчириб ёзаман:

«Мусулмонлардан кўнгилли аскар йиғмоқ Туркистон ўзбек ишчилар ҳаётини таъмин ва четлар тарафидан топталган ҳуқуқини тиргизу деган сўздир».

Биз бу аскарлик масаласини шундоғ онглаб, мазкур мусулмон бюроси мурожаатини тамом шодлик ила қарши оламиз. Остинда эзила-эзила тамом ишдан чиққан аскар бўлув сўзини бир ваҳималик ва... деб онглий бошлагандир. Шунинг учун мусулмон ишчилариндан аскар йиғувга зўр ташвиқот лозимдир. Биноан алайҳи бизнинг ўттуз минг меҳнаткаш намояндалари мазкур мусулмон бюросига мурожаат этамизки, кўнгилли аскар йиғув ташвиқотига бизим ёнимизга муқтадири мушаввиклар бериб, бизим ташвиқот ишимизга ёрдамлашсун. Эски шаҳарга таълим жойлари очиб, ҳарбий муаллимларни мусулмонлардан кўйсун. Мусулмонларнинг ўзидан аскар муаллимлар етказмак учун курслар очиб, шу кундан эътиборан Эски шаҳар синфий иттифоқлари шўросига бир нафар ўз ҳарбий вакилини доимий этиб тушурсун.

Мана бу қарор ғоятда кўнгилли бир иш, лекин бошқа қарорларимиз каби бунда, қоғоздагина қолиб кетмови матлубдир:

Яхши соатда! Жу-бой.»

Машхур ёзувчи Абдулла Қодирийнинг бундан деярли 65 йил муқаддам ёзилган мақоласи ўзбек халқининг чор империяси ва шўролар замонларида мустабид мустамла-

качилар зулмидан эзилиб, муте бўлиб, қарамлик ва асо-  
ратда яшаганини ёрқин ифодалаб берган. Ёзувчи халқнинг  
ҳуқуқлари топталиб, чет душманларга мазлум бўлишнинг  
сабабларидан бири сифатида аскарлик йўқлигини, агар  
аскар ва қурол билан она-Ватан ҳимоя қилинмас экан,  
ҳар қандай мустабид ҳокимият хунхўрлик; золимлик ва  
зўравонлик билан босқинчилик қилиб, халқни банди эти-  
ши, ватанни харобазорга айлантириши, бойликларни та-  
лон-торож қилиши муқаррарлигини куюниб айтганки,  
буни мақоланинг ҳар бир жумласида сезиб турамыз. Аб-  
дулла Қодирий каби миллатпарвар, ватанпарвар ва фи-  
дойи зиёлилар ўша Октябр «инқилоби»дан жуда катта умид  
кутиб, она-Ватан ва халқ мустақилликка эришади, озод-  
лик қуёши порлайди, халқимиз эркин бўлади, деб ўйла-  
ганлар, лекин бу «инқилоб» аслида давлат тўнтариши бў-  
либ, мазлум халқларнинг бошига большевиклар фирқаси  
бало-қазодек ёпирилиб келаётган эди. Халқ ўйлаган озод-  
лик сароб эди. Абдулла Қодирий она халқига мурожаат  
қилиб: «...агар-да биз куликдан қутулиб мустақил яшов-  
ни хоҳлар эканмыз, яқин истиқболимиздаги бахтли кун-  
лар учун аскар бўлувимиз, ватан муҳофазасига ҳозирлану-  
вимиз лозим», деб шодонлик билан яхши ният қилади.  
Қарангки, ўша пайтда шўро фирқасининг гумашталари  
гўё бизга ҳарбий ёрдам бермасликни айтиб, «ўзингиз ас-  
карий ишни ҳал этинг» деб ҳийла-найранг қилганки, бу  
кейинчалик маълум бўлди. Туркистон беш республикага  
бўлиб ташланди, лекин уларнинг армияси ташкил этили-  
шига мустабид шўро йўл қўймади, ҳамма республикалар  
устидан Туркистон Ҳарбий округи (юрт бўлиниб ташлан-  
ди-ю, «Туркво» бўлинмади) тузилдики, бунга ҳам улар  
ўзи бошчилик қилди, ҳамма ҳарбий бўлимлар унинг их-  
тиёрида ва марказ назоратида турди. Большевиклар ҳийла-  
найранги остида барча республикаларни мустамлака қул-  
лигида тутиб туриш сиёсати ётарди.

Абдулла Қодирий ўз мақоласида ҳарбий таълимга му-  
сулмонлардан, яъни маҳаллий халқдан муаллимлар қўйи-  
лишини ва аскарлар ҳам ўз миллатимиздан бўлишини,

ҳарбий муаллимлар етказмоқ учун махсус курслар очилишини таклиф қиладики, она-Ватанни ҳимоя қилишда четдан келган ҳеч бир кимса фидойи ва жонкуяр бўлмайди. Агар мамлакат идораси она-Ватан кишиларида экан, уни ҳимоя қилишни фақат шу ватан ўғлонлари бажариши шарт!

Она-Ватан ва халқни ҳимоя қилиш, тинчлик-осойишталигини сақлаш, ҳар қандай фалокат-фожиалар юз берганда ҳам жонкаш-жафокаш бўладиган посбон—миллий армиядир. Миллий армияда, ҳар қандай шароитда ҳам бир тил, бир дин, бир маслақдаги миллатлар ва уларнинг энг яқин қариндошлари хизмат қилиши лозим. Ҳар қандай армия бошқа давлатнинг ҳарбий услуб-қоидаларидан ўрганиши ва ўргатиши мумкин. Армияга ҳеч қачон ваҳшиёна ҳаракатларни ўргатмаслик ва бундай ҳаракатларни қўллантирмаслик керак. Халқимиз ўз фарзандларини ҳарбий аскарликка ўз талаб-хоҳишлари билан юборадиган бўлсинларки, бу армиянинг аскарлари ахлоқ-одобда, инсоф-диённатда, мардлик-жасоратда дунё мамлакатлари ҳавас қиладиган сурат ва сийратда бўлсин.

Тарихимиздан маълумки, қадим Спитамен замонидан Широқ ва Тўмарислар замонигача, ундан кейин Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, буюк бобомиз Амир Темур, сўнг темурийзодалар ва Мирзо Бобур даврларида минг-минглаб саркардалар ўтган, уларнинг ҳаётини, истеъдодини, саркардалиқ маҳоратларини ўрганиш она-Ватанга муҳаббат уйғотишнинг манбаи, ҳаёт сабоқлари-ку! Авлод-аждодаларимиз саркардаларининг урушдаги маҳорат-услублари эскириб қолган деб тарих қаърига ташлаб қўйиш яхши эмас. Ахир, урушга уста рус халқи Суворов ва Кутузов деган саркардаларининг болаликда «чиллак ўйнаган» каби ўйинларини ҳам дарсларда ўқитиб, ҳар хил «доно сўзларидан таълим беришади-ку. Биз эса буюк саркардаларимизнинг на ҳарбий маҳоратларини, на донишона айтиб кетган сўзларини ўргатмаймиз. Ахир, буюк жангномаларда буюк саркардаларимизнинг ақлни лол қолдирадиган, инсонларга, айниқса ёш аскарларга бир умр

ибрат бўладиган ҳикматона гаплари дур-маржондек териб ёзиб қўйилган-ку!

Ўзбекистон—Шарқнинг машъал мамлакати бўлиб, Мустақилликнинг ўнинчи йилини ҳам зафар йўлидан бориб нишонлаяптики, энди унинг ўз посбони — Миллий армияси бор. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов бу жасур армиянинг Бош қўмондони бўлиб, доим ғамхўрлик қилиб келмоқда. Армиямизда дастлабки йили миллий ёшлардан олти фоизгина офицерлар бўлган бўлса, ҳозир миллий офицерлар 60 дан юқори фозни ташкил этади. Шуниси қувончилики, ҳар бир ўзбекистонлик ҳарбийда фақат она-Ватани — мустақил республикасига ва она халқига хизмат қилмоқда. Иккинчи жаҳон урушига зўрлашлар билан олиб кетилган, ҳеч бир тайёрлиги йўқ навқирон ўзбек йигитлари душман ўқига рўбарў бўлганлар, минглаб йигитларимиз бегона юртларнинг тупроғида қолиб кетганларини, уруш вақти, урушдан кейин ва ундан ҳам кейин халқимиз тортган азоб-уқубатларни кўз ўнгимизга келтирсак, мустақиллик нима, уни қандай сақлаш ва мустаҳкамлаш керак, она-Ватанни босқинчи ҳар қандай душмандан ҳимоя этиш керак деган саволларга осон ва дилдан жавоб топамиз.

Ислом Каримовнинг шахсан ташаббуси билан она-Ватанимизда ҳарбий академия ташкил этилиши тарихий воқеа бўлдики, бу илм гулшанидан кўп ҳарбий олимлар, саркардалар етишиб чиқиб, халқимизнинг чинакам посбонига, тинчлик ва тараққиётимизнинг етакчи кучига айланишига шубҳа йўқ!

## МИЛЛАТ РУҲИ УНИНГ ҚАНОТИДИР

**XX аср** — бизга жасур ва доно Йўлбошчимизни етиштириб берди, айна шу асрнинг сўнгги йилларидан жафокаш халқимиз озодликка эришди.

XX асрнинг охириги ўн йили халқимиз тарихида мангуга муҳрланиб қолди: биз мустақил бўлдик! Бу ўн йилликда Ўзбекистонни, ўзбекни дунё таниди. Юртбошимиз **Ислом Каримов** айтганидек: *«Биз тарих берган ноёб имкониятдан фойдаланиб, ўз ҳаётимизни, ўз тақдиримизни қўлга олдик, ўзлизимизни англадик. Ўз кучимиз ва қудратимизга ишқониб, халқимизнинг олийжаноб фазилатлари, сабр-матонати, фидокорона меҳнати туфайли қисқа даврда — шу асрнинг охириги ўн йиллигида келажакимиз ва бахт-саодатимиз пойдеворини барпо этдик, янги асрга озод халқ, эркин миллат бўлиб, ёруғ юз билан кириб бормоқдамиз».*

**XXI аср** — учинчи минг йиллик олдимизда кучоқ очиб кутиб турибди. Биз унга бор бисотимиздаги энг сара жавоҳирларимизни — **Мулла Тўйчининг** вазмин хонишию, **Абдулла Қодирийнинг** гўзал ижодини, **Ҳабиб Абдуллаевнинг** ер қаърини ҳам кўра билгувчи заковатию **Ҳалима Носированинг** булбулникидек бетакрор ва беназир овозини олиб ўтдик. Энг муҳими, биз янги асрга онги ва юраги мутлақо тоза авлод билан қадам қўйдик. Бизни бу асрнинг остонасида мунис оналаримизнинг пок дуоларию, болаларимизнинг беғубор нигоҳлари кутиб олдилар.

XX аср билан хайрлашган кунларимизда анчайин серташвиш кечган юз йилликка назар ташлар эканмиз, ҳар қандай шароитда ҳам халқимиз — ўзбеклар руҳан тушқунликка тушмаганлигининг гувоҳи бўламиз. Улар бир-бир-

ларига мадад берганлар. Керак бўлса, худога солдим, дея ўз ишончларини ифода этганлар.

Ғ. Фуломнинг «*Сен етим эмассан*» нидоси, ёхуд 45 кун ичида катта Фарғона каналини қазиб, ўзининг ҳаёти учун шарт-шароит яратишга жазм этиб, яқдиллик билан меҳнат қилган халқимиз саъй-ҳаракатларининг замирида асл асос бўлиб, унинг руҳан соғломлигини ҳеч қандай куч, тузум сўндира олмади.

Пайғамбарлар ҳам, доҳийлар ҳам, йўлбошчилар ҳам инсон қавмидандир. Кўҳна тарихдан маълумки, улар ҳам бурда нону, қултум сув билан ўз тирикчилигини таъминловчи зотлардир.

Модомики шундоқ экан, масалага кенг миқёсда қарайдиган бўлсак, Мустақиллик, Озодлик бутун бир миллатнинг бойлигидир. Бутун бир миллатнинг ғалабасидир, бутун бир миллатнинг ифтихоридир.

Биз ХХ асрга буюк меросимиз, синовлардан ўтган юртбошимиз билан қадам қўйдик. Энг муҳими, халқимизнинг, миллатимизнинг руҳи баланд. Миллат руҳи эса унинг қаноатидир. Ўзбекистон қахрамони, халқ шоири Абдулла Орипов «Ўзбекистон» шеърисида:

Ўзбекман, иншооллоҳ, иймоним бутун,  
Тилим қисик эмас башариятдан.  
Кимгадир тенгдирман, кимдандир устун,  
Зувалам қорилган самимиятдан

деб ёзади.

XXI асрга етишдик. Йигирма бир — сирли, омадли рақам саналади, бу аср, албатта халқимизга ва юртимизга бахту омад олиб келади.

Биринг икки бўлсин, нима ушласанг,  
Йўллари оқ бўлсин тоғлар қорича.  
Сен ёруғ дунёда тинч юрар бўлсанг,  
Мен дуо қиларман умрим борича.

Истиқлолга эришган кунимиздан бошлаб маънавият бобида улкан ишлар амалга оширилмоқда, бу чинакам мус-



тақиллик соҳиби бўлган озод ва ҳур миллатнинг шарафли одимларидир. Бизлар бемисл бой маънавиятимизни том маънода ўрганишга эндигина кириша бошладик.

Бу Президент И. А. Каримов раҳнамолигида оламга юз очган буюк Истиқлол туфайли юз берди. Жаҳоншумул сиймолар, улуғ шаҳарлар саналарига бағишланган тантаналар бунга ёрқин мисолдир.

... биз бирор аждодимизнинг тўйини ўтказсак, бунга унинг миллатимиз равнақи учун қилган ишлари, тарихимизда тутган ўрни сабаб бўлади.

Бу ерда гап тантаналардагина эмас, муҳими биз уларнинг ўз даврида келажак авлодлар учун қолдирган салмоқли мероси, ижобий ишлари, керак бўлса, умумжаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаларини қадрлаймиз. Албатта, ҳар бир миллат ўз аждодларини эслаш, уларнинг ҳурматини жойига қўйишга интилади. Фақат бу каби хайрли ишлар ўз моҳияти жиҳатидан халқларни яқинлаштиришга, уларни ҳамжиҳат этишга хизмат қилсин.

Илоё, бошинг тўйдан чиқмасин, деб тилак билдиради халқимиз. Бирон йил йўқки, Ватанимизда қутлуғ байрамлар нишонланмаган бўлсин! Мана, бу йил ҳам шундай саналар навбат кутиб турибди. Мустақиллигимизнинг 10 йиллик байрами, «Авесто»нинг 2700, Термиз шаҳрининг 2500 йилликлари, 560 ёшга кирган Алишер Навоийнинг қутлуғ тўйлари...

Кейинги йилларда эса жаҳон фанида бурилиш ясаган, алгебра фанига асос солган буюк бобомиз Муҳаммад ал-Хоразмий таваллуд топганига 1220 йил бўлади. Абу Райҳон Беруний 1030 ёшга тўладилар, Заҳириддин Муҳаммад Бобир 520 га... Турон элининг буюк фуқароси шайхурраис Абу Али ибн Сино туғилган куннинг 1025 йиллиги эса 2005 йилда нишонланади...

Агар тўрт аллома бўлса дунёда,  
Шухрати ҳаволаб юрган самода,  
Буни айтмасам ҳам ҳамма биладир,  
Биттаси шубҳасиз, бобом бўладир.

Агар тўрт шоирга тан берса олам,  
Шундоқ мартабага эришса калом,  
Буни айтмасам ҳам, башар биладир,  
Биттаси, шубҳасиз, бобом бўладир.

Жаҳонда от сурди не-не саркарда,  
Манаман, дегани бўлса агарда.  
Тўртганинг ичида, Оллоҳ биладир,  
Биттаси шубҳасиз, бобом бўладир!

Истиклол яратган катта ижодий имкониятлар шоир ва адибларимизга бемисл илҳом бағишлайди. Собиқ Иттифоқ даврида адибларимиз она-Ватан тарихи ҳақида кўнгилдагидек асл ва шу билан бирга нафис бадиий асарлар яратишни орзу қилиб ўтдилар, лекин бу уларга насиб этмади. Улар бошида калтак синди, қаламлари тортиб олинди, ўзлари руҳий азобларга дучор бўлдилар...

Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Гафур Гулом, Усмон Носир, Ҳамид Олимжон ва Мақсуд Шайхзода каби адибларимиз юракларида япроқ ёза олмай кетган не-не ёрқин ижодий ниятларини амалга ошира олмадилар.

Мана шуларни ўйлаганда бугунги кунимизни ардоқлаш, унинг қадрига етиш; бебаҳо имкониятларидан баҳраманд бўлиш зарурлигини юрак-юракдан ҳис қилишимиз лозим.

Буюк боболаримиз ҳаёти, улуғ шаҳарларимиз тарихи жуда кўп қалам аҳлига дарё-дарё илҳом манбаи бўлиб хизмат қилишга қодирдир. Агар илҳом армуғонини дадил тарихнинг сеҳрли йўлларида бурсак, халқимиз ҳаётининг нурли ва мураккаб даврларини бадиий тасвир этсак, бунинг билан биз миллатимиз бўй-бастини жаҳонга кўрсатишда, халқимиз кўз ўнгида намоён этишда холис фуқаролик бурчимизни бажарган бўлур эдик. Миллий истиқлол ғояси сизу биздан ҳақли равишда шуни талаб қилмоқда.

## СЎНГГИ КАЛОМ

Минг йиллар давомида Ўрта Осиё халқларининг гоҳ машриқдан, гоҳ мағрибдан босиб келган хунхўр ва золим босқинчилар зулми-асоратидан тортмаган жабру жафоси қолмади. Буюк Туркистондан икки ёқлама — ҳам шимолидан, ҳам жанубидан ўтган Буюк ипак йўли жаннатмакон Мовароуннаҳрнинг бой ва халқи истеъдодли эканлигини бутун дунёга маълуми машҳур этганидек, чор салтанатининг бу ўлкага темир йўллар ўтказиши унинг тараққиётига маълум ҳисса қўшган бўлса ҳам, унинг мустамлакага айлантирилишига, бебаҳо бойликларининг тезкорлик билан ташиб кетилишига, келгиндилар кўчиб келишига, хуллас, жонажон Туркистон мустамлакага айланишига сабаб ва асосий омил бўлди. Келгинди босқинчилар она юрти-мизга кўчиб келиб энг яхши гўшаларда яшай бошлаб, халқимизнинг, она-Ватаннинг ҳақиқий эгаларини қувғин қилдилар. Чор империяси ва ундан кейин янада зулмкор қизил салтанат ҳукмдорлари миллатимизнинг илғор вакиллари-ни ватандан ҳайдадилар ва она юртдан кетишни истамай халқ бахти учун курашган барча фидойиларимизни қатлиом қилдилар. Биргина мисолни айтايлик. Истеъдодли шоир ва ажойиб муаллим Сўфизодани Намангандан қувдилар, шоир дил ҳасратини мардона ифодалаб:

Қувди мани жоҳиллар ўшандоғ ватанимдан,  
Лекин қува олмас суханимни даҳанимдан,

деб хитоб қилди.

Чиндан-да, золимлар халқ суханини ўчира олмас эдилар. Ўша пайтларда машҳур маърифатпарвар инсон Исмо-

илбей Гаспирали туркистонлик туркийзабон миллатлар бир-бирларидан ажратилиб, орага «миллатчилик» деган мунофиқона ғояни солаётганларга қарши дадил ва аниқ далиллар билан зарба берди. Марказдан, мусулмон болаларини ўз она тилида ўқитишни фақат ерли шевада олиб бориш зарур, деган она тилига ҳужум тарзида берилган кўрсатмани у батамом инкор этди. «Агар бизим қадимий адабий тилимизнинг бир ҳалқаси Алишер Навоий тили бўлса, — деб ёзди у, — турли шевалардан таркиб топган янги замонавий тилимиз унинг иккинчи ҳалқасидир». Худди шу ғояни тасдиқ этиб Анқара шаҳридан машҳур маърифатпарвар Меҳмед Сарой: «Туркларнинг асли бир. Лекин замон ва макон ихтилофлари улар орасида тафовутлар, шевалар пайдо қилди», деб ёзди. Исмоилбей Гаспирали бутун Туркистонда туркий халқлар учун ягона тил ва имло масаласини ҳам ҳимоя қилиб чиққан эдики, бу ғоялар асосида ҳам «зўрлик билан руслаштириш назарияси»га қаттиқ зарба бериш, қондош халқларимизнинг ягоналигини сақлаб қолиш, шу тариқа озодликка интилиш бор эди. Албатта, туркий халқларнинг ягона тилга ўтиши узоқ асрлар кечадиган жараён дир, бу эҳтиёждан ҳам йироқ дир, лекин барча туркийзабон халқлар учун лотин ёзувига ўтилиши қулай ва бирлик аҳамиятига молик дирки, бу Муस्ताқил Ўзбекистонимизда аста-секин, изчил амалга ошириб борилмоқда.

Она-Ватанни севмоқ иймондан эканлиги ҳақида гап борар экан, она тилимизнинг тарихи, таърифи ва келгуси тараққиёти ҳар доим диққат-эътиборимизда бўлиши керак, зотан она-Ватан ва она Тили — Ҳасан-Ҳусандек эгизак дир. Шунинг учун ҳам такрор-такрор айтиладики, Туркистоннинг барча туркийзабон халқларининг тили бир дир ва яшайдиган маконлари — она-Ватанлари бир дир. Агар туркийзабон халқлар бобомиз Амир Темур давридагидек ягона оилага бирикиб, шу ягона Ватанни чин иймон билан севсалар ва уни муқаддас билсалар, жаҳонда энг ҳур, озод, эркин, мустақил давлат ва машҳур халқ бўладилар.

Шарқнинг буюк алломаси Алихонтўра Соғуний (1885—1976) темурий саркардалик, алишерий арбоблик, бобурий битиклик ато қилган зот эди. Бу улуғ инсон она-Ватан севгиси ва халқининг фидойиси бўлиб, ажойиб асарлар яратдики, мана бу сатрлар ҳам ушбу асарлардандир:

«... Ватанимиз Ўзбекистон ўлкасини Шарқдан, Шимолдан чиққан бало селлари қоплаб, неча марта хароб қилганлиги маълумдир. Шунинг учун бизнинг илгариги порлоқ маданиятимиз вайроналикка учраб, насларимиз ҳам табиий ўсишдан тўхтаганлиги кўз олдимизда туради. Чунки бизга чегарадош Хитой халқи сўнги ҳисоб бўйича етти юз миллионга етган ҳолда биз Туркистон халқи буларга замондош бўлсак ҳам нега буларнинг юздан бирича бўлиб, шу кунга довуруқ ўн миллионга ета олмадик? Бунинг сабабларини ҳар ёқлама текшириб кўрилганда турлича бўлиб чиқиши кўнгилга келади...

... қайси бир миллат ўз миллий давлатидан ажраб, унинг ҳукумати йўқолар экан, ҳукумат эгаси бўлган келгиндилар ҳисобига йил сайин наслари озайиб бориб, энг сўнгидан бутунлай ютилиб кетиши тажрибада кўрилмишдир. Ўз ҳокимиятидан ажради демак — инқироз демақдир».

Алломанинг бу фикр-мулоҳазалари у ўз китобида келтирган қуйидаги далиллар билан яна ҳам ойдинлашган. Қизил салтанатнинг «оқсоқоли» бўлмиш «Калинин 1923—1926 йиллари бу Ўзбекистон — Туркистон ўлкасидаги бутун ишларни тилагандай бажариб, Масковга қайтиб келгач, уни йигирма мингдан ортиқ одам қарши олиб, кутиб чиқмишдирлар. Шу чоқда уларга қаратиб, Калининнинг биринчи айтган сўзи: «Ўртоқлар! Боғ-бўстонга ўралган, ноз-неъматга тўлган, Ўзбекистондан, партиямиз сизлар учун, бутун рус халқи учун олий жойлар тайёрлади. Биринчи сизларни шу билан табриклайман», демишдир».

Оқсоқолининг бу гапидан руҳланиб, жони кирган рус босқинчилари шу даражада жаннатмакон ўлкага ёпирилиб кўчиб кела бошладиларки, йирик шаҳарларда улар аҳоли нуфузининг етмиш фоизигача ташкил этди.

Алихон Соғуний домла сўзида давом этиб, бундай дейди: «... фожиалик тарихий сўзларни ёзишимдан кўзлаган менинг туб мақсадим эса қуруқ дostonчилик эмас, балки инсоният ҳуқуқларидан маҳрум этилган, ўз ватанида туриб ғариб бўлган Туркистон халқини, айниқса ҳозирги ва келажакдаги Ватан ёшларини огоҳлантириб, ўлим уйқусидан уйғотишдир».

Аллома шу билан ватан фарзандларини мардлик, мардоналик ва меҳр-муҳаббатга, ватан ва халқ муҳофазасига чақириб, шундай хитоб қилади: «... Ватан болалари олдимиздаги келажак кунларни эскириб, замонавий илм ўқишга чин кўнгиллари билан киришиб, ҳалол мерос — ўз ватанларини эгаллаш учун мудофаа қуввати тайёрлашга тиш-тирноқлари билан ёпишсинлар».

Она-Ватанни ва халқини севган барча иймонли кишилар, айниқса шоир, ёзувчи, олим, зиёлилар, оқилу фозиллар, давлат ва жамоат арбоблари ўз ҳаёт тажрибалари, турмуш сабоқларидан ва юрак амри билан фидокорлик кўрсатганлар, она-Ватанни ва халқини озод, хур, мустақил яшаши учун жонларини фидо қилганлар. Киндик қони тўкилган шаҳар ёки қишлоқни ватан ичидаги жон ватан ҳисоблаб, уни мадҳ этганлар. Машҳур шоир Ғафур Ғулом жонажон Ўзбекистонимизнинг пойтахти Тошкентни таъриф-тавсиф этар экан, диёримизнинг бу бош шаҳрини дунёнинг «мана-ман» деган шаҳарларидан афзал эканлигини тараннум этади:

Бебаҳо Тошкентимсан, наҳоринг кундуздан шан,  
Меҳнаткаш, мунис, ўртоқ, қадрдон дўст, эмакдош.  
Қиши — ёз, кузи — баҳор, туни қунидан — равшан,  
Лондон, Париж, Румога алмашмайман кўҳна Шош.

Муқаддас ватанимнинг  
Кўрки, тожи, бахти сен.  
Шарқда ёруғ дарича,  
Ўзбек пойтахти сен.

Она-Ватан шундай сеҳрли бир маконки, одам фарзанди қаерда, қачон ва қанча юрмасин, ўзи туғилиб ўсган юрт қудратига доим тортилиб туради, гўё оҳанрабо темир маъданини ўзига қанчалар куч билан тортиб олганидек, она-Ватан ҳам ҳар бир фарзандини ўз кучоғига ғойибона куч-қудрат билан чорлаб туради. Машҳур давлат ва жамоат арбоби Нуриддин Акрамович Муҳиддинов «Кремлда ўтган кунларим» асарида, гарчи у катта лавозимларда ва яхши ҳаётда кунларини кечирган бўлса-да, она-Ватан соғинчи унинг дил армони бўлганини шикасталик билан бундай ифодалайди: «Айтишга осон. 29 йил давомида қариндошуруғлардан, ёру дўстлардан, киндик қоним томган юрдан, унинг оппоқ қорлари ва мангу музликларидан, лолалар ва қумтепаликлар билан қопланган даштлари ва чўллари дан, гуллаган водийларидан, мени ўстирган, тарбиялаган, ҳаётга йўлланма берган, менга оқ йўл, соғсаломат қадрдон уйга қайтишимни тилаган жонажон халқимдан айри яшадим...»

«Мен она ватанни севаман!», деб кўкрагига айюҳаннос билан мушт уриш севиш эмас. Дард-ихлос билан деярли ўттиз йил ватандан узоқда яшаган инсоннинг юқоридаги дил сўзларида юксак она юрт муҳаббати ҳар бир имлоҳарфда жаранглаб акс-садо бериб турибдики, бунда жуда катта ҳикмат ва ибрат бордир.

Она Ўзбекистондан босқинчиларнинг зулм-истибодлари туфайли Шарқ ва Ғарб мамлакатларига кетиб қолган, у ерларда «муҳожир ўзбеклар» номи билан яшаётган миллатдошларимиз юз йиллар бадалида мусофирлик машаққатларини чекиб, лекин миллат номига «киру доғ» туширмай яшаб келмоқдалар. Шоир айтганидек:

Олис Хуросондан Туркистон қадар,  
Ўзбеклар — дашт аро сочилган гавҳар.

бўлди.

Ўзбеклар қаерда бўлмасин ўз ҳалол меҳнатлари билан ўзига бек бўлиб яшайдилар ва она заминга меҳр боғлайдилар. Олим Ориф Усмоннинг тадқиқотларига қараганда,

Афғонистон ўзбекларининг умумий сони 3 миллион атрофида, барча туркийзабон халқларнинг сони эса 4,5 миллионни ташкил этади. Муҳожир ўзбеклар Афғонистон пойтахти Қобулда, мамлакатнинг Кундуз, Мозори Шариф, Балх, Бағлон, Маймана, Андхўй, Шибирғон, Ахча, Сарипул ва бошқа шаҳарларида маҳалла-маҳалла бўлиб яшайдилар. Шундан ҳам кўринадики, ўзбеклар ўтроқ ҳаётни ва бир жойни Ватан тутиб истиқомат қилишга ўрганганлар.

Қизил салтанат даврида қувғинга учраб Афғонистонга ўтиб кетган ўзбеклар, иккинчи жаҳон уруши йилларида ва кейинги Афғон-шўро уруши даврида ҳижрат қилган ўзбеклардан бир миллиони ҳозирда АҚШ, Германия, Саудия Арабистони, Туркия, Иордания, Покистон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда яшамоқдалар.

Хўш, ватандан жудо бўлган бу муҳожир ўзбекларнинг дард-аламига, соғинч-армонига, она Ватанга ташналик туйғуларига малҳам бўладиган қандай чора-тадбир бор?! Мустақилликка муяссар бўлган она Ватанимизда асли ватандошларимиз яшашига имкон-шароитлар туғиладиган кунлар яқиндир. Бегоналар сифган Ватанга ўз миллатимиздан муҳожир бўлиб юрганларга бағримизни кенг очишимиз шарт, албатта! Зеро, Ватан бизники бўлгани каби уларнинг ўзлари ёки ота-боболарининг киндик қони тўкилган, шу ерда туғилган экан, уларнинг ҳам Ватани — Ўзбекистондир! Таниқли шоир Азим Суюн: «Ўзбекман. Ватаним — Ўзбекистон! Туркийман. Ватаним — Туркистон! Ватаним келажаги — Турон!» деб буюк ният қилганки, Туркистон ҳеч сўзсиз, туркийзабон халқларнинг умумий уйига ва буюк давлатига айланажак!

Шоир Хуршид Даврон «Ватан» шеърисида туркий халқларнинг мозийдан тортиб, сўнги истиқболигача оташин мисраларда тараннум этган: Бу шеърни қуйида тўлалигича келтирамиз:

Қадим мозий бешиги,  
Адабият эшиги,



Мангу ёш чаманимсан,  
Сен менинг ватанимсан!

Туркистону Туронсан,  
Тарих узра суронсан,  
Ҳам жоним, ҳам танимсан,  
Сен менинг Ватанимсан!

Қадимсан тоғлар каби,  
Яшнайсан боғлар каби,  
Кўз очиб кўрганимсан,  
Сен менинг Ватанимсан!

Бобом Али Эр Тунгасан,  
Сўғд, Бохтар, Қанғасан,  
Қадим мард масканисан,  
Сен менинг Ватанимсан!

Тўмарису Широқсан,  
Сино ёққан чироқсан,  
Яшил барг суманимсан,  
Сен менинг Ватанимсан!

Алпомишу Гўрўгли,  
Жасоратнинг эр ўгли,  
Фиротдек саманимсан,  
Сен менинг Ватанимсан!

Навоийнинг сўзисан,  
Улуғбекнинг кўзисан,  
Яссавий, Нақшбандсан,  
Сен менинг Ватанимсан!

Сен орзу қоиоти,  
Умидларим қаноти.  
Ҳеч кимнингмас, манимсан,  
Сен менинг Ватанимсан!

Темур бобом суйган юрт,  
Бобур дили куйган юрт,

Кувончу аламимсан,  
Сен менинг Ватанимсан!

Эркка узоқ зор бўлдинг,  
Йўқ бўлмадинг, бор бўлдинг,  
Истиқлолга ёр бўлдинг,  
Сен менинг Ватанимсан!

Мангудир истиқлолинг,  
Порлоқдир истиқболинг,  
Ҳам жоним, ҳам танимсан,  
Сен менинг Ватанимсан!

Озод Ватаннинг эркин ўғлонлари ана шундай фахрушуур билан ўз тарихини, буюк авлод-аждодаларини, саркарда боболарини, шоиру доноларини, фозилу уламоларини баралла куйлайдики, бундай шеърларда она-Ватан кудратини ва Куёш ҳароратини ҳис қиламиз.

Шоирлар кўнглида она-Ватанни севиш кучли бўлиб, кўкдан гўё уларнинг нияти мустажоб бўлиб, жавоб келгандек воқеа юз беради. Севимли шоиримиз Эркин Воҳидов она-Ватанимизда Мустақиллик ҳали эълон қилинмай, 1990 йилда «Ватан истаги» деган бир шеър ёздики, келинг, шу шеърни ҳам тўлиқ келтириб, дилдан ўқийлик:

Бу Ватанда бир Ватан  
    Кўрмоқни истайдир кўнгил,  
Ўзни озод куш каби  
    Кўрмоқни истайдир кўнгил.  
Бу Ватан тимсоли бўлса  
    Тонг куёши шуълавор,  
Шуълалар кўйнида чарх —  
    Урмоқни истайдир кўнгил.  
Ул Ватанга байроқ — инсоф,  
    Туғи сарҳад муҳри — меҳр,  
Сарҳад узра соқчидек  
    Турмоқни истайдир кўнгил.  
Ким бу тупроқ қадрин истар  
    Айламоқ тупроққа тенг

Кўзига тупроқ билан  
Урмоқни истайдир кўнгил.  
Ул Ватан елканларини  
Маърифат уммонида  
Қиблаи имон сари  
Бурмоқни истайдир кўнгил.  
Бас, етар ёлғон саодат,  
Ёлғон эрк, ёлғон ватан,  
Хуррият завқини чин  
Сурмоқни истайдир кўнгил.  
Кутлуғ истиқлол кунида  
Эй Ватан, бағрингда шод  
Эркин ўғлонинг бўлиб  
Юрмоқни истайдир кўнгил.

Шоирнинг бу «буюк истаги» амалда Куёш бўлиб чарақлади ва она диёримиз Ўзбекистонга бахт-саодат қуши етиб келди.

Она Ўзбекистонда яшайдиган халқлар хурлик замони сари биринчи қадамни ташладилар. Бу Ватанда айшу ишрат суришга ва ҳукмронлик қилишга вақтинча келган келгиндилар думларини тугиб, шармандаларча қочдилар, кейин туҳмат тошларини отдилар. Очик гап, оғир дамларда она-Ватанни сотиб чет элларга қочган ва бўҳтонлар тарқатган сотқинлар ҳам бўлдики, уларнинг юзлари қора, ниятлари пуч бўлиб Ватангадоликка маҳкум бўлдилар.

«Ҳақ ўз йўлида қарор топади», деган донолар нақли борки, она-Ватанни кимда-ким иймон билан севиб, унинг оғир кунига яраса, шодликларида яйрайди. Халқ жуда адолатли ҳакамки, яхшига ҳам, ёмонга ҳам одилона баҳосини беради!

Сўнги калом тарзида диёримиз ҳаётидан ва шоиру донолар сабоғидан ибрат-ҳикматлар баён этдик. Энди холис шу хизматларимиздан келиб чиқиб, эзгу умид орзуларимизни ҳам изҳор қилмоқни бурчимиз деб билдик:

Онадан покиза тугилган инсон борки, нияти холис, дили пок, имони доим саломат бўлсин!

Ҳеч бир инсон она-Ватанидан ва туғишган халқидан айрилмасин!

Ҳар бир халқнинг она-Ватанида сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, тўқлик-фаровонлик бўлсин!

Ер юзидаги бутун инсониятга инсофу-тавфиқ, диёнат ва иймон йўлдош бўлсин!

Қон тўкиб, ўзга мамлакат бойлигини талон-торож қиладиган босқинчиларни қаро ер ютсун!

Она Ўзбекистонимиз буюк давлат бўлиб, қудрати ва шуҳрати оламини тутсин!

Она Туркистоннинг яшил байроғи ҳилпираб, халқларга эркин нафас, ҳурлик ва шодлик бағишласин!

---

---

## ҲИКМАТЛАР — ҚАЛБ ГАВҲАРИДИР ВАТАН САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСДИР

*(Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг  
ҳикматли сўзларидан)*

— Ўзбекистон — муқаддас Ватан. Ота-боболаримиз ҳоки ётган ер, ўзимиз ётадиган ер. Фарзандларимизни шу заминга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбларида шу муборак заминнинг ҳар бир қаричига меҳру муҳаббат уйғотиш — бугунги куннинг энг устувор фазилатларидан бирига айланаётгани ҳаммамизни қувонтиради.

— Ватан ҳисси, Ватан туйғуси барча нарсадан қадрлироқдир. Биз фарзандларимиз онгига ва қалбига ана шу туйғуни сингдиришимиз лозим.

— Ватанни Ватан қилиш туйғуси, масъулияти, тақдир тақозоси билан ўзбек халқининг ҳозирги авлоди зиммасига тушади.

— Энг гўзал ва дилбар кўшиқлар ҳам Ватан ҳақидаги кўшиқлардир. Бундай жозибадор кўшиқлар эл-элатларни бирлаштиради, уларни тинч-тотув ва осойишта яшашга, Ватанни ҳар жиҳатдан юксалтиришга кўз қорачиғидай авайлаб-асрашга ва кўксини қалқон қилиб ҳимоя қилишга давват этади.

— Бизда она заминга меҳр алоҳида эътиқод даражасига кўтарилган. Бу тупроқдан ҳеч ким ўз ихтиёри билан бош олиб кетган эмас. Кетишга мажбур этилганлари ҳам, мана, бугун қайтиб келишяпти.

— Ўзбек ўтирган жойини совутгиси келмайди. Бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юришга хуши йўқ.

— Шу тупроқда туғилиб, шу юртга меҳнати сингган ҳар бир инсон — агар у бизнинг Ватанимизни, тупроғимизни худди биз каби муқаддас билса — Ўзбекистон фуқароси деб саналишга лойиқ.

— Авлодларга биз озод ва обод Ватан қолдирайлик.

— Ватаним деб, элим деб, бугунги озод Ўзбекистон учун ҳаётини-жонини фидо қилишганларни ёд этиш, улуғ аجدодларимизнинг руҳларини шод қилишни инсоний бурчимиз деб биламиз.

— Юртимизни ёмон кўздан, бало-қазодан асрасин.

— Ватан озодлиги ва фаровон ҳаёт — ҳар бир инсоннинг олий мақсади.

— Истиқболдаги Ўзбекистон Ватан озодлиги насиб этмаган боболаримизга улуғ ҳайкал бўлажак. Ўзбекистоннинг шуҳратига шуҳрат кўшувчи фарзандларимизга муқаддас бешик бўлажак.

— Бу тупроқда улуғ бобокалонларимиз ҳоки ётибди. Шу заминда ўтганлар ва шу заминни кўмсаб, унга етолмаганлар руҳи-покларига бош эгамиз.

— Элни Ватан манфаати бирлаштиради.

— Ватан, эл манфаати — муқаддасдир.

«Бу азиз Ватан — барчамизники. Унинг бахт-саодати, ёруғ истиқболи, фаровон келажаги учун яшаш, курашиш, керак бўлса жонни фидо қилиш шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон учун бахтдир» — деган лавҳаларни кўзга тушадиган жойларга катта ҳарфлар билан ёзиб қўйган бўлардим.

— Чиндан ҳам Ватан туйғуси, Ватан тушунчаси саждагоҳдай муқаддас, саждагоҳдай пок ва улуғ бўлмоғи керак.

— Юртига, Ватанига муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий хусусиятдир.

— Улуғ аждодларимиздан муқаддас мерос бўлиб келаётган Ватанга муҳаббат туйғуси, фарзандларимиз, бугунги ва келажак авлодларимиз учун чинакам эътиқодга, чинакам ақидага айлансин.

— Ватан ҳисси, Ватан туйғуси барча нарсадан қадрлироқдир.

— Замонлар ўтаверади, даврлар ўзгараверади, аммо Ватан абадийдир. Ватанни севиш, суюб ардоқлаш, бор вужудинг билан жўшиб куйлаш энг олий бахтдир.

— Ватан — бу аввало, ота-она, туғилган ер, севиқли ёр, дўст-биродар деганидир. Шу қутлуғ тушунчалар бирлашиб Ватан туйғусини ҳосил қилади. Аскар Ватанини ҳимоя қилар экан, биринчи навбатда ўз ота-онаси, киндик қони тўкилган тупроғи, дилбар ёру қадрдонларини кўз олдига келтиради. Ватанни асл фарзандларигина ҳимоя қила олади.

— Мақсадимиз — Ватанимиз озод, юртимиз обод, келажакимиз фаровон бўлсин.

— Ватанимиз, халқимиз ўз посбонларига ишонади... Токи, сарҳадларимиздан бирон зоғ ўта олмасин, ҳар хил қўпоровчилик ишлари қилолмасин, ҳеч ким халқимизнинг тинчлигини бузолмасин.

— Ватаним нима берди деб эмас, балки мен Ватанимга нима бера олдим, унинг тинчлиги, фаровонлиги, келажакимизга нима иш қилдим, дея яшаш керак.

— Биз муқаддас заминда яшаяпмиз. Бу азиз тупроқда не-не улуғ аждодларимизнинг, пиру авлиёларимизнинг ҳоки бор. Уларнинг руҳи бошимизда чарх уриб кезмоқда. Уларнинг армонларини амалга оширишга, келгуси авлодга ўзимиздан ибратли ва хайрли ишларни мерос қолдиришга қарор қилганмиз. Энди бу йўлда ҳаммамиз бирлашиб ҳаракат қилмоғимиз, бир ёқадан бош чиқариб, умумий хонадонимиз — Ўзбекистон келажаги учун курашмоғимиз лозим.

— Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт.

— Билимга чанқоқ, истеъдодли ёшларни топиб, уларни Ватанга фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш муқаддас вазифадир.

— Биз ўз истеъдодли, фидойи болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиш учун қанот беришимиз керак.

— Ҳар қандай миллатнинг равнақи, умумбашарият тарихида тутган ўрни, мавқеи ва шуҳрати бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуқлигига боғлиқдир.

— Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин.

— Инсон буюк, эзгу орзулар билан яшасин. Уни нафақат мамлакат, балки жаҳонда рўй бераётган ҳодисалар қизиқтирсин. Дунёқараши, онги чегараланиб, бир қолипда қолмасин. Миллий ғурур, истиқлол мафқураси ғоялари унга доимо ҳамроҳ бўлсин.



— Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир.

— Ўзбекистоннинг бугунги озодлигини мустақкамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир.

— Инсон ҳур ва озод туғилади ва шундай яшаши лозим. Бунинг учун эса у ана шу олий неъматни асрай ва ардоқлай билиши керак.

— Биз учун Ватан битта. Мамлакат битта. Бизни битта манфаат бирлаштиради: мустақил Ўзбекистон манфаатлари. Ана шу буюк мақсад, олий манфаат йўлида бирлашиб курашишимиз керак.

— Ёшларга миллий ватанпарварлик руҳида таълим-тарбия бериш бугунги куннинг жиддий вазифаларидан ҳисобланади.

— **Биринчи даъват — интилиш.** Ҳар бир одам бу ҳаётда яхши яшасам, бошқалардан орқада қолмасам, дейди. Бунинг учун доимий интилиш бўлиши лозим. Одам бир нарсага эришмоқчи бўлса, белни маҳкам боғлаши, курашчан бўлиши керак.

— **Иккинчи даъват — изланиш.** Янги ҳаёт қуряпмиз. Мақсадимиз тараққий этган мамлакатлардан кам бўлмаслик. Демак, авваламбор, биз уларнинг тажрибасини ўрганишимиз, уларни ўзимизнинг бой анъаналаримиз, кадриятларимиз билан узлуксиз уйғунлаштириб боришимиз зарур.

— Шонли ўтмишимиз билан фақат фахрланиб қолмай, яратиш, бунёдкорлик йўлидан бориш — бу бизнинг мақсадимиз. Инсонда орият бўлиши керак. Кимгадир боқиманда, кимгадир муте бўлиб яшаш бизнинг табиатимизга тўғри келмайди.

— Учинчи даъват — ташаббус. Ўз-ўзига маҳлиёлик, озгина ютуқлар билан кифояланиб қолиш ақлини ўтмаслаштириб, иймонни сустлаштириб қўяди. Одам ҳаётдан қониқмаслиги, тўғрироғи, ҳаётдан эмас, ўзидан норизолик туйғуси билан яшаши лозим: бошқалар яхши яшаяпти, мен-чи? Мана шу туйғу ташаббусга олиб келади.

— Бугунги олиб бораётган ишларимизда ҳали дунёга келмаган авлодларнинг ҳам истак ва умидлари бор.

— Агар мендан, дунёдаги энг содда, энг оққўнғил миллат ким, деб сўраса, ўзбек миллати, ўзбек халқи деб айтган бўлар эдим.

— Андиша, мурувват, меҳр-оқибат, орият, ибо ва ҳаё, мулозамат — деган сўзларни бошқа бир тилга таржима қилиш мумкинми?

— ...халқимиз тарихнинг катта-кичик синовларидан ҳамиша мардона ўтиб келган, ғаламис кимсаларнинг макру ҳийлаларига учмаган.

Чунки халқ — бамисоли улуғ ва шарафли йўлдан илгарилаб бораётган улкан карвон.

— Карвон бехатар бўлмас, деган гап бежиз айтилмаган. Аммо халқ карвонини ҳеч қандай куч ортга қайтаролмайди.

— Халқ — ўзининг минг йиллик анъана ва тажрибалари, сўнмас хотираси ва буюк туйғулари билан яшаб келаётган қудратли куч.

— ...халқимиз энди — эркинлигини қўлга киритган, ўзлигини англаб етган бир замонда аллақандай кимсаларга эргашиб яна жаҳолат ва қуллик тузоғига қайтадимми?

— Султон Жалолоддин сиймоси нафақат Хоразм, балки бутун Ўзбекистоннинг фахру ғуруридир. У бизнинг озодлигимизга, истиқлолимизга тажовуз қилмоқчи бўлган ҳар қандай ёвуз кучга қарши тик туриб курашишимизга, мардона зарба беришга қодирлигимизнинг тасдиғи ва тимсолидир.

— «Алпомиш» — ўзбекнинг ўзлигини намоён этадиган, мард ва танги халқимизнинг юрак-юрагидан чиққан, отабоболаримиз авлодлардан авлодларга ўтказиб келаётган қаҳрамонлик кўшиғидир.

— Соҳибқирон Амир Темур бобомиз: «Аскарлари бақувват эл қудратли бўлур, қудратли элнинг аскарлари бақувват бўлур», деган. Шу фикрни давом эттириб, мен «фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади», деб айтмоқчиман.

— Соғлом авлод деганда, шахсан мен, энг аввало, соғлом наслни, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга, руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман.

— Аёлларни, оналарни асраш керак, дегани — бу фарзандларни асраш, наслни асраш, охир-оқибатда миллатни асраш демақдир.

— «Фарзандларимиз биздан кучли, доно, билимли ва албатта бахтли бўлишлари шарт».

— Миллатимиз фахру ифтихори бўлган Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон сингари...

...жисмлари олис-олисларда қолиб кетган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори, Усмон Носир, Убайдулла Хўжаев, Саид Аҳрорий, Боту, Исҳоқхон Ибрат, Элбек сингари юзлаб юртдошларимизнинг ҳам рамзий мазори сифатида қабул қилмоғимиз керак...

— Жондан азиз Ватанимизнинг тақдири, келажагимиз бугун униб-ўсиб келаётган ёш авлодга, унинг жисмоний ва маънавий камолотига боғлиқ эканини ҳар бир юртдошимиз тобора теран англаб бораётгани барчамизни чексиз қувонтиради ва янги эзгу ишларимизни давом эттиришга, аввало униб-ўсиб келаётган ёшларимизга, ҳаётимиз кўрки, меҳр-муҳаббат тимсоли бўлган барча оналарга нисбатан эътиборни янада кучайтиришга даъват этади...

Шу муносабат билан мен XXI асрнинг биринчи йилини — 2001 йилни мамлакатимизда «*Оналар ва болалар йили*» деб эълон қилишни таклиф этмоқчиман.

**Миллий мафкура** — давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи. И. А. Каримовнинг Миллий истиқлол мафкураси концепциясининг асосий тамойилларига бағишлаб ўтказилган учрашувда сўзланган нутқидан намуналар, 2000 й., 6 апрель.

... фикрга қарши фикр... — жаҳолатга қарши маърифат бўлиши керак.

Миллий мафкуранинг яна бир муҳим шарти — бу ўзликни англашдир. Ўзликни англаш деганда, мен тарихий хотирани тиклаш, насл-насабимиз ким эканини кимларнинг вориси эканимизни англаб етишни, шундан келиб чиқиб, ўзимизга хос, ўзимизга мос жамият барпо этишни тушунаман.

... миллий мафкура — бу халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган ўлмас эътиқодидир.

Нафақат иқтисодий ҳаётимизда, балки онгу тафаккуримизда ҳам янгиланиш, ўзгариш жараёнлари кечмоқда.

Миллий мафкурамиз халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига, бир сўз билан айтганда, ўз миллий қадриятларимиз, халқимизнинг дунёқараши ва тафаккурига асосланиб, шу билан

бирга замонавий, умумбашарий, умуминсоний ютуқлардан озикланган, уларни ўзига қамраб олган ҳолда, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати, унинг фаровонлиги йулида хизмат қилмоғи даркор.

Ижтимоий муҳофазанинг жамият ўзаги бўлмиш оилага қаратилгани унинг асосий хусусиятидир.

...агар биз бугунги ҳаётимизга, бунёдкорлик ишларимизга, эришаётган ютуқларимизга тўғри баҳо бермасак, уларнинг қадрига етмасак, ўз ҳушёрлигимизни йўқотиб, бизни ҳар қадамда кутаётган таҳдидларни, тинч турмушимизга, хавфсизлигимизга раҳна солаётган, оёқ остидан чиқаётган ҳар хил бало-қазоларни ҳам пайқамай-сезмай қолишимиз мумкин.

Ҳозирги энг муҳим, долзарб вазифамиз — жамиятимиз аъзоларини, авваламбор, вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Биз барча маърифий мамлакатларда бўлганидек, ғояга қарши ғоя билан курашиш тарафдоримиз.

Эркин бўлсанг — эркин бўл. Мустақил бўлсанг — мустақил бўл. Ҳақиқий мустақил бўл.

Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур, чунки мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат йўлини йўқотиши муқаррар.

...мафкурамининг асосий мақсадларини халққа содда, ҳаққоний, тушунарли тарзда ифодалаб беришлари лозим.

Фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатиши мумкин.

...жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч — маърифатдир.

...маънавият, маърифатни тарғиб қилиш ҳар бир зиёлининг виждон ишидир. Маърифатчи фидойи бўлмоғи керак.

Маънавиятини тиклаши, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта тарихий хотира керак.

Тарихий хотираси бор инсон — иродали инсон. Такрор айтаман иродали инсондир.

...жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди.

Инсон учун тарихдан жудо бўлиш — ҳаётдан жудо бўлиш демакдир.

— Ўзбек том маънода бунёдкордир. Унга бировнинг ери керак эмас. Мабодо қўлига қурол олгудай бўлса, фақат ўзини ҳимоя қилиш учунгина олади.

— Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз.

— Халқимиздаги «илиги тўқ», «бақувват» деган тушунча, мен, ҳатто қонуният деган бўлардим, бежиз пайдо бўлмаган...

Ҳар қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг маҳсулидир. Бир сўз билан айтганда, кўчманчилар, босқинчилар келиб кетаверади, лекин халқ боқий қолади, унинг маданияти абадий яшайди.

...тарих — халқ маънавиятининг асосидир. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас.

Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қурооллантиришимиз зарур. Тарих билан қурооллантириш, яна бир бор қурооллантириш зарур.

Умуман, мен, фанни илғор, тараққиёт, прогресс деган сўзлар билан ёнма-ён қабул қиламан. Фаннинг вази-фаси келажагимизнинг шакл-шамойилини яратиб бериш, эртанги кунимизнинг йўналишларини, табиий қонуниятларини, унинг қандай бўлишини кўрсатиб беришдан иборат, деб тушунаман. Одамларга мустақилликнинг афзаллигини, мустақил бўлмаган миллатнинг келажаги йўқлигини, бу табиий бир қонуният эканини исботлаб, тушунтириб бериш керак. Фан жамият тараққиётини олға силжитувчи куч, восита бўлмоғи лозим.

## ҲИКМАТ — ИБРАТ

### ХАЛҚҚА СУЯНГИН, ЖАМИЯТДАН ЧЕТДА БЎЛМА

— Ибодат ўзи халққа хизмат қилиш,  
На тасбеҳда, на жойнамозда бу иш.

— Элинг қалбин оғритма, берма зарар,  
Қурур илдизинг ранжиса эл агар.

— Нечун ишни қилмоққа этсанг ният,  
Мудом эл ишин яхшилашга қарат.

— Ўзини тиклаёлмайди, вайрон бўлур,  
Агар элга ҳар ким ёмонлик қилур.

*Саъдий Шерозий*

— Кўнгил оқ, дил беғараз, содиқ  
ватанпарвар, ҳалол,  
Ҳар маҳал, ҳар жойда кўрсанг халқ ила ҳамкор  
мард.

*Ҳабибий*

— Эл тинчлигини бузган — омон қолмас

*Ўзбек мақоллари*

- Киши қанчалик маърифатли бўлса, у ўз ватанига шунчалик фойдалидир.
- Ватан учун жон фидо қилиш лаззатли ва фахрлидир.

*Донолар бисотидан*



— Инсон тирик экан ўз ватани учун курашмоғи лозим.

*Алишер Навоий*

— Ватанни тарк этувчи ҳар қандай киши разиллик қилувчидир.

*Сайидо Насафий*

— Ўтга киргил ватан шаъни-чун,  
Эътиқодинг ва севгинг учун.

— Хушдур кишига бўлса муқим ўз ватанида.

*Отойи*

— Еримиз, сувимиз, фарзандимиз деб,  
Хотин бола-чақа, дилбандимиз деб,  
Бирма-бир жонимиз этамиз фидо,  
Ватанни душманга бермаймиз асло!

*Абулқосим Фирдавсий*

— Менинг битта ҳаётим бор, борди-ю, мингта  
ҳаётга эга  
бўлган тақдиримда, ҳаммасини ҳам Ватан учун  
сарфлаган бўлур эдим.

*М. Фузулий*

— ...Ватан дегани — фақат оталарнинг хоки қолган  
жой эмас,  
Менинг учун Ватан — одамни одам қилган жойдир.

*Нозим Ҳикмат*

— Ватанга қайтиш беҳаёлик эмас.

*Татар мақоли*

— Марсга учса ҳамки қайтажак инсон,  
Она-ер бағрини қўмсайди ҳарчоқ,

Она-ер ўргилиб фарзандларидан,  
Йўлларини пойлайди, қайтгил, деб тезроқ.

*Ўзбек ҳикмати*

— Енгил ўтсин десанг ўз кунингни сен,  
Қарам қилма ўзни бировга абад.

*Паҳлавон Маҳмуд*

- Тиз чўкиб яшагунча, тик туриб ўлмоқ яхшироқ.
- Ватанга садоқат — мангу саодат
- Инсон ўзини англаганда Ватан қадрига етади.
- Она юртда гулнинг ҳусни, қуёшнинг жамоли бор.
- Эй фарзанд, сен Ватанни билмасанг, сени

Ватан ҳам билмайди!

*Абдурахим Умаров*

- Маҳалланг — Ватанинг, ота-онанг
- Ватан — юракдаги жавоҳир
- Ватанни севмоқ — иймондандур.

*Ҳадис*

— Мадомики сиз бизнинг давлатимиз доимий бўлсин, бизнинг давлатимиз абадий бўлсин, бизнинг шон-шавкатимиз ҳамиша сақланиб қолсин, деб истар эканмиз, унда биз кескин ўзгаришларга ҳирс қўйган исёнкор кишилардан эҳтиёт бўлишимиз, ички ёвузликлардан эҳтиёт бўлишимиз ва ички фитналардан эҳтиёт бўлишимиз керак.

*Цицерон*

— Маърифатли халқларнинг ҳақиқий жасорати ватан йўлида қурбон бўлишга ҳозир эканликларида акс этади.

*Г. Гегель*

— Бегона юрт ватан бўла олмайди.

*И. Гёте*

— Ватан таркини бир нафас айлама,  
Яна ранжи ғурбак ҳавас айлама.

*А. Навоий*

— Элга қўшулғон эш топди.

*А. Навоий*

— Энг мақбул фазилат — ватанга ва одамзодга кўрсатилган хизматда.

*Ж. Делиль*

— **ВАТАН** — инсоннинг киндик қони тўкилган тупроқ, уни камол топтирадиган, ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган табаррук маскандир. У аждодлардан авлодларга қоладиган буюк мерос, энг азиз хотира.

**ВАТАН** — ота-боболаримизнинг хокипоклари жо бўлган, вақти соати етиб, ҳар биримиз бош қўядиган муқаддас заминдир.

— Ватаннинг маъноси улуғвор улкан,  
Ҳа, Ватан сўзининг чеги бепоён.  
Бу ерда туғилган, яшаган, ўлган,  
Яратган, ишлаган, курашган инсон.

*Мақсуд Шайхзода*

— Ҳар қаричи муқаддас тупроқ,  
Кўз қорачиғидек уни асрайлик.  
Келажак авлодлар меросидир — бу,  
Мардлар бурчидир — уни сақламоқ!

*Б. Амин*

— Ҳар киши эл учун тортса агар ранж,  
Оқибат муяссар бўлар унга ганж!

*Мажидиддин Ҳавофий*

— Аржумандлик байроғини кўтарувчилар ва сарбаландлик ногорасини чалувчилар шундай кишиларки, улар халқнинг тинчлигини ва осойишталигини ўйлайдилар ва кечакундуз шу ҳақда фикр қиладилар, барча кишиларни ўз ака-укаларидек кўрадилар, бировнинг дил шишасини ғазаб тоши билан синдирмайдилар, адоват ва жафо тиканини бечоралик саҳросида юрган ялангоёқлар оёғи остига ташламайдилар.

*Бархурдор ибн Маҳмуд*

— Одами эрсанг, демагил одами,  
Оники, йўқ халқ ғамидин ғами.

*Навоий*

— Ўзунгни ўйлама танҳо, эл ичра содиқ бўл,  
Нахудча етса зиёнинг, ўзинг ҳаётдин кеч.

*Дилшоди Барно*

Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлгил,  
Ҳар жонларига мояи дармон бўлгил.

*Навоий*

— Азиз халқингга доимо яхшилик қил, қилган яхшилигинг улардан сенга қайтади. Ҳеч кимсага қасддан ёмонлик қилма, кимки ёмонлик қилса, қилган ёмонлиги шубҳасиз, ўзига қайтади.

*Муҳаммад Жабалрудий*

— Одамларсиз яшама, одамлар орасида бўл,  
Одамлар айбини кўрма, ўз айбингни кўр.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

—Ундаб улуғ чақирса,  
Тезлик билан чопиб кел,  
Очликда бирга бўлгил,  
Не ҳолда бўлса юрт, эл.

*Маҳмуд Кошғарий*

— Ўз гуноҳингни сўраб элдин ўтин,  
Нафрат ўти ичра бўлмасин ўтин.

*Анбар Отин*

—Яхши ҳаёт ва узоқ яшаш учун халқнинг дуоси ва шод-  
лигидан кўра яхшироқ посбон ва кўриқловчи йўқ.

—Бечоралар нафратидан эмин бўл,  
Бир лаҳзада барбод қилур оламни!

*Бархурдор ибн Маҳмуд*

—Ватанни шод этиш учун кўп қайғуринг.

*Дилшоди Барно*

—Айрилиқ ўти жаҳаннам ўтидан кучли,  
Айрилиқ ўлимдан ёмон.

*«Оталар сўзи»*

—Ватан надир, тукқан ерим, турғон ерим,  
Ўсиб-униб, ўйнаб-кулиб юргон ерим.  
Ватан менга ҳақиқат-ла кундоқ каби  
Тарбиянинг негизини кўргон ерим.

*Сидқий Хондойлиқий*

— Ўтар кунлар, ўтар замон,  
Эй Ватаним, бўлма ҳижрон  
Мен кетсам-да, сен бўл омон  
Омон — Ватан, Ватан — омон.

*Авлоний*

— Ватан менинг жону таним саждагоҳимдир. У менинг тўлин ойим, тинч-омоним, иззатим, шарафим, Каъбам, қиблам ҳамда гулистонимдур.

*Фитрат*

Ҳамиша халқингга меҳрибон бўлгил,  
Яхшиликка тириш ва омон бўлгил.

*Носир Хисрав*

Кимки эл ғамидадур суҳансанж,  
Анинг ҳар сўзи дунёда улуғ ганж.

*Анбар Отин*

Ростликка завол ўлмас эмиш, билинг,  
Халқингни ҳалок этмагил, эй ёр.

*Дилшоди Барно*

Ҳар ким хато қилиши мумкин, фақат нодонгина ўз хатосини тан олмайди.

Ўз бурчини бажаришдан мамнун одамгина эркин яшайди.

Муҳаббат бобидаги барча тасаввурларимиз биргина «Ватан» сўзида мужассамлашгандир. Ватанга нафи теккудек бўлса, ахир қайси виждонли одам унинг учун жон бермоққа иккиланар экан?

*Цицерон*

Болаларингизга яхшиликни сингдириб ўстиринг, унга бахтни фақатгина шу беради.

*Л. Бетховен*

Сизни улуғликка ундайдиган ҳеч бир нарсага эътибор-  
сиз бўлманг.

*Стендаль*

Тарбия уч нарсага эҳтиёж сезади: истеъдодга, илмга,  
машққа.

*Арасту*

Тийрак ақлинг бўла туриб фаросатинг бўлмаса — бу  
айтарли устунлик эмас: соатнинг қиммати ҳам тез юри-  
шида эмас, тўғри юришида.

*Л. Вовенарг*

Ахлоқий тубанликдан, ўринсиз хуш суханликдан огоҳ  
бўлмаса ҳар ким, расво бўлган фарзандининг ҳолини кўрар  
бир кун.

*Ж. Чосер*

Яхши хулқ, гўзал муомала бир йўлдирки, бу йўл билан  
юрмасдан туриб, иззат ва шараф манзилига етиб бўлмайди.

*Хусайн воиз Кошифий*

Тўғри сўз кўнгилга аччиқ тегади. Агар сен уларни ҳазм  
қила олсанг, унинг манфаати маза беради?

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Илмни дилга жо қилишга тириш. Билиб ол-да, сўнгра  
чин ишга кириш.

*Абдураҳмон Жомий*

Шубҳа йўқ, илмдан тирикдир инсон.  
Машаққат, меҳнатни енгади осон.

*Абулқосим Фирдавсий*

Билимли билади билим хурматин.  
Билимсиз не билгай, билим қийматин.

*Юсуф Хос Ҳожиб*

Айтмоқчи бўлган фикрингизни эшита туриб, эътибор  
бермай кулиб турган одамдан сақланинг.

*Афлотун*

Юрт — кўнгил даштидир, юрт ганжу олтин,  
Шу маскан бизга тахт, бизга уя, ин.

*Ҳалима Худойбердиева*

### Мақоллар

Айрилмагин элингдан  
Кувват кетар белингдан.

\* \* \*

Балиқ сув билан тирик,  
Одам — эл билан.

\* \* \*

Бегона тупроқ — девона тупроқ.

\* \* \*

Булбул чаманни севар,  
Одам — Ватанни.

\* \* \*

Ватан гадоси — қифан гадоси.

\* \* \*

Ватан учун ўлмоқ ҳам шараф.

\* \* \*

Ватан қадрини билмаган ўз қадрини билмас,  
Ватанга келган имонга келар.



\* \* \*

Ватани борнинг бахти бор,  
Меҳнати борнинг — тахти.

\* \* \*

Ватанинг тинч — сен тинч.

\* \* \*

Ватаннинг вайронаси —  
Умрнинг гамхонаси.

\* \* \*

Ватансиз инсон — куйсиз булбул.

\* \* \*

Диндан чиқсанг ҳам, элдан чиқма.

\* \* \*

Ёридан айрилган етти йил йиғлар,  
Элидан айрилган ўлгунча йиғлар.

\* \* \*

Йигит гами элида,  
Элнинг гами дилида.

\* \* \*

Киши ерида султон бўлгунча  
Ўз элингда чўпон бўл.

\* \* \*

Она ернинг тупроғи — она сутидан азиз.

\* \* \*

Она юртинг — олтин бешигинг

\* \* \*

Она юртинг омон бўлса,  
Ранги-рўйинг сомон бўлмас.

\* \* \*

Сувни берсанг элга,  
Яшнарсан минг йилга.

\* \* \*

Туғилган ердан кўнгил узилмас,  
Юрт кўрганнинг юрти бузилмас.

\* \* \*

Туғилган еринг — ватанинг,  
Ватанинг — номусинг.

\* \* \*

Экин ерида кўкараар,  
Эр — элида.

\* \* \*

Эл куюнганда куюнган — ботир,  
Эл суюнганда суюнган — ботир.

\* \* \*

Эл кудрати — чин кудрат,  
Ватан тупроғи — қиммат.

\* \* \*

Эл ғамини билган элда дoston.

\* \* \*

Элга кўшилганнинг кўнгли тўқ,  
Элдан ажралганнинг бети йўқ.

\* \* \*

Элга кўшилсанг, эр бўласан,  
Элдан ажралсанг, ер бўласан.

\* \* \*

Элдан айрилгунча, жондан айрил.

\* \* \*

Элига вафо қилган  
Ёвига жафо қилар.

\* \* \*

Элинг сенга чўзса қўл,  
Унга доим содиқ бўл.

\* \* \*

Элли ер — бозор,  
Элсиз ер — мозор.

\* \* \*

Эллик йилда эл янги.

\* \* \*

Элнинг бахти — эрнинг бахти.

\* \* \*

Элнинг ичи — олтин бешик.

\* \* \*

Элнинг йиртиғига ямоқ бўл,  
Узунига улоқ бўл.

\* \* \*

Эр давлати — элида.

\* \* \*

Эр йигит элга тортар.

\* \* \*

Эр йигит ўзи учун туғилар,  
Эли учун ўлар.

\* \* \*

Юрт бошига иш тушса,  
Эр йигит ҳозир.

\* \* \*

Юрт эгаси йўлбарсдир,  
Олдиргани қўймасдир.

\* \* \*

Юрт қўри, элинг ўсар,  
Қўримасанг, уйинг тўзар.

\* \* \*

Юртда одам бўлмаса,  
Тўнғиз телага чиқар.

\* \* \*

Юрти бойнинг ўзи бой

\* \* \*

Юртинг омон — ўзинг омон.

\* \* \*

Юртни дедим, юзга кирдим.

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 й.
2. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти. 1998.
3. Каримов И. А. Инсон бахт учун туғилади. Т., «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти. 1998 й.
4. Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз.) Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 7-жилд., 1999 й.
5. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт—пировард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 8-жилд, 2000 й.
6. Миллий истиқлол ғояси (асосий тушунча ва тамойиллар). Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 2001 й.
7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 2000 й.
8. Амир Темур. «Темур тузуклари», Т., 1992 й.
9. Алишер Навоий. «Маҳбуб ул-қулуб». Т., 1990 й.
10. А. Иброҳимов, Х. Султонов, Н. Жўраев. Ватан туйғуси. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 й.
11. А. Мансуров, У. Жўраев, М. Лафасов. Ҳадис илми сабоқлари. Т., Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999 й.
12. Т. Маҳмудов. Мустақиллик ва маънавият. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти, 2001 й.

13. **Ҳ. Зиёев.** Истиқлол — маънавият негизи. Т., «Маънавият» нашриёти, 1998 й.
14. **Б. Аминов.** Ҳикмат — ибрат. Т., «Маънавият» нашриёти, 1998 й.
15. **Б. Аминов, Т. Расулов.** Аждодларимиз нидоси. Т., «Адолат» нашриёти, 1993 й.
16. **Б. Аминов, М. Шодиев, Т. Расулов.** Шарқона бозор фазилатлари. Т., «Университет», 1996 й.
17. **И. Гофуров.** Дил эркинлиги. Т., «Маънавият» нашриёти, 1998 й.
18. **Файбуллоҳ ас-Салом.** Эй умри азиз. Асарлар. Т., «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти, 1997 й.
19. **Машрикзамин** — ҳикмат бўстони. Т., «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти, 1997 й.
20. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2000—2001 йй. сонлари.
21. «Хуррият» газетасининг 2000—2001 йй. сонлари.

## МУНДАРИЖА

Энг буюк сўз .....	3
--------------------	---

### ВАТАНИ СЕВМОҚ ИЙМОНДАНДИР!

Ватан нима? .....	6
Жаннатмакон диёр .....	14
Қутлуғ ном, қутлуғ юрт .....	20
Туроннинг маъноси .....	28
Она тилим — Ватаним рамзи .....	31
Олтин бешикда туғилган муҳаббат .....	38
Ўзига тортадиган қувват .....	45
Халқнинг муқаддас ёдномаси .....	48
Тўмарис .....	50
Широқ .....	53
Спитамен — Сўғдиёна қоплони .....	56
Тандирда ёнган Муқанна .....	59

### МОВАРОУННАҲР ФИДОКОРЛАРИ

«Мени сотқун ола билмассен!» .....	67
Темур Малик — етук саркарда .....	69
Жалолиддин Мангубердиннинг жасорати .....	71
Нажмиддин Кубронинг мўъжизаси .....	75
Маҳмуд Торобийнинг ларзали кўзғолони .....	80
Амир Темур — ҳурлик қуёши .....	82
Нияти — адолат, фазилати — ҳақиқат .....	90
Халққа муҳаббат — кучли қудрат .....	92
Севмоқдан туғилган гўзаллик .....	98
Темурнинг маърифат нури .....	103
Осиё саркардаси .....	108
Қадамингизга ҳасанот, Соҳибқирон .....	116
Чор Россияси босқини .....	127

Миллионларни алдаган сароб .....	133
«Ўзлари хон, қўланкалари — майдон» .....	138
Ватандан жудо бўлган ватандошлар .....	145
Мунаввар йўлдан — зафарли манзилга.....	159
Биз ким, миллатларнинг энг қадими.....	175
Ватанни ким ҳимоя қилади? .....	177
Миллат руҳи унинг қанотидир .....	190
Сўнги калом .....	194

### **ҲИҚМАТЛАР — ҚАЛБ ГАВҲАРИДИР**

Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир .....	204
---------------------------------------	-----

### **ҲИҚМАТ — ИБРАТ**

Халққа суянгин, жамиятдан четда бўлма .....	215
Фойдаланилган адабиётлар .....	228



A59

**Аминов Б., Расулов Т.**

Ватан — юракдаги жавоҳир // Масъул муҳар-  
рир: С. Мирзахўжаев/. —2-нашри. —Т.; «Ўқитувчи»,  
2001. 232 б.

I Муаллифдош.

ББК 63.3(5У) я7

**Билол Аминов, Тўлқин Расулов**

**ВАТАН — ЮРАҚДАГИ ЖАВОҲИР**

*Тошкент «Ўқитувчи» 2001*

Таҳририят мудир *С.Мирзахўжаев*  
Муҳаррирлар *Р.Мирҳолиқов, Ҳ.Мусахўжаева*  
Бадий муҳаррир *М.Калинин*  
Тех. муҳаррир *С.Турсунова*  
Мусахҳиҳ *З. Содиқова*

ИБ 7928

Теришга берилди 19.03.2001. Босишга рухсат этилди 8.05.2001. Формати 84x108<sup>1/32</sup>. Офсет қоғози. Кегли 10 шпонли Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 12,18. Шартли кр-отт. 12,6. Нашр т. 10,48. 3000 нусхада босилди. Буюртма №44. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, 129. Навоий кўчаси, 30. Шартнома 07—39—2001.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй.